М. ХАЙРУЛЛАЕВ, М. ҲАҚБЕРДИЕВ

МАНТИҚ



М. М. ХАЙРУЛЛАЕВ, М. ҲАҚБЕРДИЕВ

МАНТИҚ

ТУЗАТИЛГАН ВА ТЎЛДИРИЛГАН
ИККИНЧИ НАШРИ

ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 1993

87.4
Х 157

Мазкур ўқув қўлланмаси инсон тафаккурининг зарур табиий шакллари ва қонунлари ҳақида бошланғич билим беради. Унда мантиқ илмининг сўнгги ривожига доир маълумотлар ҳам берилган. Шарқ, Ўрта Осиёда мантиқ ҳақидаги таълимотлар ҳам ёритилган.

Қўлланма университетлар ва институтларнинг талабаларига мўлжалланган.

Махсус муҳаррир: фалсафа фанлари доктори Н. Ғойибов.

Тақризчилар: Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти фалсафа кафедраси; фалсафа фанлари доктори, профессор О. Файзуллаев; профессор И. Раҳимов.

МУЗАФФАР МУҲИТДИНОВИЧ ХАЙРУЛЛАЕВ
МУҲАММАДЖОН ҲАҚБЕРДИЕВ

МАНТИҚ

Университетлар ва институтларнинг
талабалари учун

Тошкент — «Ўқитувчи» 1993

Муҳаррир *С. Ҳусниддинов*
Расмлар муҳаррири *Ф. Неккадамбоев*
Техн. муҳаррир *С. Турсунова*
Мусаҳҳиҳ *З. Ғуломова*

ИБ 6059

Теришга берилди 10. 05. 93. Босишга рухсат этилди 10. 08. 93. Формати 84×108 1/32. Тип қоғози. Кегли 10 шпонсиз. Литературная гарнитураси. Юқори босма усулида босилди. Шартли б. л. 15.96. Шартли кр.-отт. 16,12. Нашр. л. 17,5. Тиражи 7500. зак № 36.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, 129. Навоий 30. Шартнома 12-230-92.

Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасининг Янгийўл ижара китоб фабрикаси. Янгийўл ш., Самарқанд кўчаси, 44. 1993.

0301060000 — 161 © «Ўқитувчи» нашриёти, 1986 й.

КИРИШ

Мантиқ илми қадимги фанлардан бўлиб, жамият тарихида икки минг йилдан кўпроқ давр мобайнида ўрганиб келинади. У инсонга ўз атрофидаги оламни ўрганиш, билимларини кўпайтириш, бошқа инсонлар билан муносабатда бўлиш каби муҳим вазифаларни бажаришга хизмат қилади. Давлатлар, тарихий даврлар, ижтимоий жамоаларнинг ўзгариб бориши, фан, маданият, техниканинг узлуксиз ривожланиши, ижтимоий ва инсоний муносабатларнинг такомиллашиб бориши билан бирга мантиқ илмининг ҳам ўз мавқеини сақлаб, мустаҳкамланиб бориши ҳамда бу жараёнда тараққий этиши унинг инсон, жамият учун энг зарур илм соҳаларидан бири эканлигини кўрсатади.

Мантиқ илми масалалари ҳозирда жамиятимизда ҳар томонлама ўрганилмоқда. Олимларимизнинг қатор тадқиқотларида мантиқ илмининг муҳим вазифалари ишлаб чиқилмоқда, унинг бошқа фанлар орасида тутган ўрни, улар билан муносабати, ҳозирги илмий-техник ва ижтимоий тараққиёт таъсирида бойиб бориши, илмлар соҳасига таъсири каби масалаларда қатор янги хулосалар олға сурилди.

Олимларнинг мантиқ илми масалаларини янада чуқур ўрганишга бағишланган қатор илмий тадқиқотлари билан бирга мантиқшуносликка оид бир неча ўқув қўлланмалар ҳам вужудга келди.

Булар орасида М. Строгович, В. Р. Асмус, Қ. Бакрадзе, Н. И. Кондаков, Ю. В. Ивлев, В. И. Кириллов, А. А. Старченко, В. И. Свинцов каби йирик мутахассисларнинг ўқув қўлланмаларини кўрсатиш мумкин. Бизда ҳам ўзбек тилида мантиқ илми бўйича мақола, айрим ўқув қўлланмалари ҳам нашр этилди. 50-чи йилларда турли олий ўқув юртлари, техникум ва мактабларнинг ўқув дастурларига мантиқ илми ўқитишнинг киритилиши ва бу соҳага доир ўқув қўлланмаларининг яратилиши ёшлар, ўқувчи-студентлар орасида

да мантиқий фикрлаш маданиятини ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. (Афсуски, кейинги йилларда мактаб ва айрим олий ўқув юртларида мантиқ фанини ўқитиш тўхтатиб қўйилган эди.)

Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидаги қайта қуриш туфайли маънавий биқиқликдан қутулиш, умуминсоний қадриятларни эгаллашга кенг йўл очилиши натижасида инсон ақлий ижодининг минг йиллик ютуқларидан бўлмиш мантиқ илмини ўрганишга эътибор яна кучайди. Мантиқ фани барча олий ўқув юртлари дастурига киритилди. Университет, педагогика ва юридик олий ўқув юртларида, шунингдек қисқача бўлсада, бошқа олий ўқув юртларида ҳам ўқитиш тавсия этилди. Бу, шубҳасиз, ёшларнинг фикрлаш маданиятини юксалтириш, уларни умуминсониятнинг маънавий қадриятлари билан таништириш ишига ижобий ҳисса қўшади.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви, суверен тараққиёти халқимиз ҳаётида қўлга киритилган оламшумул ютуқ бўлиб, у ўз навбатида сўнгги маънавий юксалишни, тафаккур тараққиётини, ақлий ривожланиш соҳасида ҳам илдам қадамлар билан боришни талаб этади. Бу иш узоқ тарихга эга бўлган мантиқ илмини чуқур билишни тақозо этади.

Мантиқ фанини, унинг турли конкрет масалаларини тадқиқ этиш, албатта, маълум илм соҳаси, мантиқшунос олимлар, файласуфларнинг вазифасидир. Лекин тўғри фикр юритиш, тафаккурнинг оддий шакллари, қонун-қоидаларини билиб олиш ва уларга риоя этиш, тўғри, хатосиз, тушунарли, тартибли, қоидага мувофиқ фикрлаш ва сўзлаш ҳар бир онгли, маълумотли, маданиятли одамнинг бурчидир.

Маънавий етуклик, юқори маданиятлилик, албатта, инсоннинг нутқ ва тафаккур маданияти ҳам юқори бўлишини талаб этади.

Шундай экан, мантиқ фанини ўрганиш бу фақат маълум илм соҳасини билиб олиш, у ҳақда тасаввурга эга бўлиш учунгина эмас, балки умуман тафаккур маданиятини ривожлантириш учун ҳам керакдир.

1984 йилда биринчи бор ўзбек тилида М. М. Хайруллаев ва М. Ҳақбердиевнинг олий ўқув юртлари учун ўзбек тилидаги «Логика» қўлланмаси тайёрланган ва нашр этилган эди. Лекин муаллифлардан бири М. Ҳақбердиев бевақт вафот этди, китоб нашрини кўролмади

ҳам. Сўнг И. Раҳимовнинг ҳам логикадан қўлланма китоби босиб чиқарилди. Бу қўлланмалар шу соҳада мавжуд бўлган камчиликни тўлдириш, ўзбек тилида мантиқни ўқитиш ишларини бирмунча яхшилашга хизмат қилди. Ҳозирда таълим-тарбия ишидаги янгиланиш туфайли мантиқ илми деярли барча олий ўқув юртлари дастурига киритилиши муносабати билан уни ўрганишга эҳтиёж янада кучайди. Қўлингиздаги ушбу китоб 1984 йилдаги қўлланманинг тузатилган ва тўлдирилган иккинчи нашридир. Бу нашр мантиқ соҳасидаги янги дастур асосида қайта кўриб чиқилди ва унга қисман ўзгартишлар, янги материаллар, тўлдиришлар киритилди.

Ушбу китоб умумий (ёки классик, традицион) мантиқ фанининг асосий мавзуси — инсон фикрлашининг табиий шакллари, қонунлари ва усуллари ҳақида бошланғич билим беради. Китобда қуйидаги тузатишлар қилинди:

Биринчидан, мантиқ фанининг асосий масалалари олий ўқув юртлари учун тузилган янги, 1990 йил дастури асосида ишлаб чиқилди.

Иккинчидан, мантиқ ва грамматиканинг қатор атамаларини, масалан, тушунча ва сўз, ҳукм ва гап каби атамаларни баён этиш жараёнида ўзбек тилидаги ўзига хос хусусиятлар эътиборга олинди.

Учинчидан, мантиқ фанининг қисқача тарихи баён этилганда Шарқда, Ўрта Осиёда мантиқ ҳақидаги таълимотларни ёритишга кенгроқ эътибор берилди.

Тўртинчидан, инсон тафаккури хусусиятларини ўрганадиган мантиқ фанининг сўнгги ривожини назарда тутиб, студент-ўқувчиларга умумий мантиқдан ташқари, унинг бошқа илмлар билан муносабатлари ҳақида ҳам бирмунча маълумотлар келтирилди.

Бешинчидан, таҳлил этилган айрим масалаларни (тушунча, ҳукм, хулоса чиқариш ва бошқалар) тўлароқ ўзлаштириш ва такрорлаш мақсадида ҳамда мантиқшуносларнинг мустақил ишлашлари учун баъзи бир машқлар илова қилиниб, бу машқларда Ўзбекистоннинг маданияти, тарихи, кундалик ҳаётини кўрсатувчи мисоллардан фойдаланилди.

Китобнинг кириш сўзи, шунингдек I, III, IV, X, XI, XII боблари М. М. Хайруллаев томонидан, қолган боб ва қисмлар асосан муаллифлар ҳамкорлигида ёзилган. Китобни иккинчи бор нашрга тайёрлаш

билан боғлиқ бўлган барча ишларни М. М. Хайруллаев амалга оширди. Янги программа асосида киритилган махсус «Мантиқ фани ва тил» боби (II боб) фалсафа фанлари номзоди Маматхон Шарипов томонидан тайёрланди.

Мустақил тараққиёт йўлига кирган Ўзбекистон ёшларининг тафаккур маданиятини тарбиялашда, жаҳон халқлари билан маънавий алоқаларни ривожлантириб боришда, барча маданий юксак мамлакатлар билан муносабатларни мустаҳкамлашда мантиқ фани, уни чуқур ўрганиш ва ўзлаштириш шубҳасиз муҳим ва табиий восита, қурол бўлиб хизмат қилади. Турли тилда сўзлашувчи инсонларнинг ўзаро тушунуви, фикр алмашуви мантиқ қонун-қоидаларининг ҳамма учун умумийлиги натижасидир. Шунинг учун мантиқ илмини эгаллаш, яхши билиш инсонлар учун маданиятли бўлишнинг бошланғич ва асосий шартларидандир.

Ушбу китоб умумий мантиқ фанининг ҳамма томонини ҳозирги талаблар асосида тўлиқ очиб беролмайди, албатта. Лекин у ўқувчилар учун мантиқ илмини ўрганишда фойдали қўлланма — материал бўлиб хизмат қилади, деб ишонамиз.

I боб. МАНТИҚ ФАНИНИНГ МАВЗУ БАҲСИ ВА ВАЗИФАСИ

1. Мантиқнинг маъноси

Ҳар бир фанни ўрганишда биз ҳаммадан олдин унинг асосий мақсади, вазифаларини билишга интиламиз. Мантиқ — логика фани ҳам ўзининг аниқ мақсадига эга.

Логика сўзи грекча — logike сўзидан олинган бўлиб, сўз, фикр, ақл маъноларини билдиради. Ўрта Осиё халқларида, умуман Яқин ва Ўрта Шарқ мусулмон давлатларида, логика мантиқ атамаси билан юритилади, у арабча сўздан олинган бўлиб, сўз, фикр, маъно мазмунида ишлатилади. Мантиқ атамаси икки хил маънода қўлланилади.

Биринчидан, у нарса ва ҳодисалар тараққиётидаги ҳодисаларнинг ўзаро боғланишини ёки тафаккур ёрдами билан вужудга келадиган тушунчалар алоқаси ва боғланишини ифодалайди. Агар сўз нарсаларнинг тартиби, боғланиши, изчиллиги устида борса — объектив мантиқ ва, аксинча, агар сўз, фикрлар боғланиши, изчиллиги, асосланиши, тафаккур тараққиёти ва қонуниятлари ҳақида борадиган бўлса, тафаккур мантиғи ёки субъектив мантиқ бўлади.

Иккинчидан, мантиқ деб тафаккур қонунлари, шакллари ва усулларини ўрганадиган фанга айтилади. Кўпинча адабиётларда «нарсалар мантиғи», «воқеалар мантиғи», «ҳаёт мантиғи» каби ифодалар кўп учрайди. Бундай вақтларда сўз объектив тараққиёт, воқеалар боғланиши, тартибининг ички зарурияти ҳақида боради. Агар сўз бирор одамнинг нутқидаги мантиқнинг кучи ёки, аксинча, унинг муҳокамасида мантиқ йўқлиги ҳақида борадиган бўлса, у вақтда сўз ички зарурий қонуниятли боғланиш, борлиқдаги нарсалар ва ҳодисалар ҳақида эмас, балки бизнинг буюмлар ҳақидаги муҳокамамиз, мулоҳазамиз, фикримиз ҳақида боради.

Хўш, бизнинг фикримиз боғланиши ва тараққиётидаги ички зарурий қонуният нима? Фикримиз боғланиши ва тараққиётидаги ички зарурий қонуният инсон иродаси, унинг руҳий ҳолати, интилиши, хоҳиши ва бошқаларга муҳтож бўлмаган қонуниятлардир. Бу

қонуниятлар объектив дунё предметлари ва улар орасидаги боғланиш ва муносабат характерига боғлиқ. Чунки ана шулар инсон тафаккури мазмунини ташкил этади. Шунинг учун ҳам тафаккур мантиғи асосини нарсалар мантиғи ташкил этади.

Демак, мантиқ, яъни тафаккур мантиғи нарсалар мантиғи ёки объектив мантиқ инъикосидир.

Биз тафаккуримиздаги муҳокама ёрдами билан бир ҳукмдан иккинчи ҳукм чиқариб, фикрда акс эттирилган буюмлар ва улар муносабатини аниқлаймиз. Чунки объектив реалликдаги нарса ва ҳодисаларнинг турли муносабати бизнинг муҳокамамизда ҳам ўз ифодасини топади. Масалан, ҳамма вақт биз йилнинг тўрт фасли бор, қишдан сўнг баҳор, баҳордан сўнг ёз ва ёздан сўнг куз келади, бир йил 12 ойдан иборат ва ҳамма вақт календарь йилнинг биринчи ойи январь ва охирги ойи декабрь деб, ўз муҳокамамизни ифодалаймиз.

Бундай муҳокама мантиқий бўлишининг асосий сабаби шундаки, биз ҳақиқатдаги боғланиш қандай бўлса, унинг ўзини худди шундай ифодалаймиз.

Тафаккур кўп қиррали, мураккаб, шу билан бирга, бир бутунни ташкил этадиган ақлий жараёндир. Мантиқ деганда биз инсонларнинг кундалик фаолиятида, муносабатларида, тартибли, аниқ, асосли, яъни мантиқий фикр юритишини тушунамиз. Масалан, суҳбатда «Гапингизда мантиқ борми?», «Аҳмад мулоҳазасидаги мантиқ кучли» дейилганда шундай маъноларда ишлатилади. Шу билан бирга мантиқий тўғри фикр юритишни ўрганувчи махсус фан, илм тармоғи ҳам логика — мантиқ атамаси билан ифодаланади.

Шу маънода мантиқ *инсон тафаккурининг шакллари ва қонун-қоидалари ҳақидаги фандир.*

Жамият ва маданият тарихида кишилар дунёни билиш ва уни ўзгартиришнинг ўткир қуроли бўлган тафаккурнинг хислатлари, сирларини билишга кўпдан бери қизиқиб келганлар. Бундай амалий ва назарий эҳтиёж натижасида тафаккур ёрдамида дунёни билишнинг хусусиятларини ўрганувчи билимнинг махсус тармоғи—логика—мантиқ фани вужудга келди. Логика—мантиқ назарий билимлар системасида муҳим ўрин тутиб, фалсафанинг узвий бўлакларидан биридир.

Мантиқ фанининг мавзу баҳси бўлган тафаккурнинг келиб чиқиши, унинг оламни билишда тутган ўрни, умуман билишнинг ўзи нимадан иборатлиги, қандай

боқичлардан ташкил топиши, умуман билимнинг вужудга келиши каби масалаларни фалсафа фани ёрдамида билиб оламиз.

2. Билиш ва унинг асосий босқичлари

Билиш жараёнининг моҳияти. Билим, фан, инсоннинг ақлий қудрати, унинг табиат сирларини очиб, табиий ҳодисаларни ўзига бўйсундириши, жамиятни ўзгартириши, ижодий яратувчилик фаолияти инсоннинг билиш жараёни билан узвий боғлиқдир.

Фалсафа фани инсоннинг билиш жараёнини ҳар томонлама, илмий равишда тушунтириб беради.

Инсон ўзини ўраб олган муҳитни, дунёни қандай билади? Бу савол узоқ асрлардан бери олимларни ўзига жалб этиб келган. У ҳозирда ҳам кишини қизиқтирувчи саволлардан биридир.

Ф. Энгельс ўзининг асарида инсоний хусусиятларнинг вужудга келишида асосий омил бўлган нарса меҳнат, ишлаб чиқариш эканлигини кўрсатган. Демак, фақат инсонга хос бўлган барча руҳий, хусусан фикрий ҳиссиётларнинг шаклланиши меҳнат, ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқдир. Меҳнат, ишлаб чиқариш ўзининг келиб чиқишидаёқ ижтимоий характерга эга эди.

Инсон ўзаро ва ижтимоий муносабатлардагина инсон бўла олади. Бу муносабатларни юзага келтирган нарса — меҳнат, ишлаб чиқаришдир.

Демак, инсон ўз моҳияти билан ижтимоийдир. Шунинг учун унга хос бўлган барча руҳий ҳолат ва жараёнлар ҳам ижтимоий ҳаёт таъсирида вужудга келади. Бу ҳолат инсонгагина хос бўлган тил ва тафаккурда эмас. Инсон ўз амалий фаолияти жараёнида эҳтиёжларини қондириш учун табиат билан муносабатга киришиб, табиий предметлардан ишлаб чиқариш қуроллари ясай бошлайди, уларни ўз манфаатларига бўйсундира боради. Бу эса ўша предметлар хусусиятини бевосита билиш, ўрганиш ва бу билимни мияда сақлаб қолиш, ундан амалий фаолиятда фойдаланиш имкониятини ва заруриятини келтириб чиқаради.

Демак, инсон билимининг бошланиши амалий фаолият, ижтимоий тажрибадир. Инсон ўз амалий фаолияти натижасида ўзини ўраб олган предмет, ҳодиса-

ларни билиб олади ва меҳнат жараёнида билимларини бойитиб, мукаммаллаштириб боради.

Инсоннинг билиши, объектив реалликни ўз миясида акс эттириши қандай амалга ошади, унинг билими қандай вужудга келади?

Инсоннинг билиш жараёни ўз моҳияти ва характери жиҳатидан ўзаро тафовут қилувчи икки босқичдан иборат. Биринчиси сезгилар орқали ҳиссий билиш бўлиб, у сезгилар, қабул қилиш, хотира ва тасаввурдан иборатдир.

Иккинчиси ақлий билиш босқичи бўлиб, у тафаккурдан иборат.

Сезгилар орқали билиш. Сезгилар ёрдамида билиш — билишнинг биринчи, бошланғич поғонасини ташкил қилади. Сезгилар, идрок, тасаввур орқали билиш — сезгиларимизга бевосита таъсир этган ташқи конкрет предметлар ёки улар хоссаларининг образлар шаклида миямизда акс этишидир.

Ташқи олам — предметлар, ҳодисаларнинг маълум хоссалари: иссиқ-совуқлиги, ғадир-будурлиги билан сезги органларимизга, теримизда жойлашган нервларга, таъми билан тилимизга, ҳиди билан бурнимизга, ранги билан кўзимизга, овози — ҳаво тебраниши билан қулоғимизга таъсир этиб, шу органларда жойлашган нервлар орқали бош миямга бориб етади, натижада мияда предметларнинг хоссалари тўғрисида билим пайдо бўлади, уларнинг образи вужудга келади.

Инсон билимининг манбаи — сезгидир. Чунки инсон биринчи ва бошланғич билимларини сезгидан олади. Унинг бошқа барча билимлари шу биринчи бошланғич билими асосида вужудга келади. Инсонни объектив муҳит билан боғловчи энг биринчи йўл ҳам сезгидир. Инсонни ташқи реаллик билан боғловчи, ундаги предмет ва ҳодисалар тўғрисида тасаввур ҳосил қилувчи сезгилар асосан беш турлидир: кўриш, эшитиш, таъммаза сезиш, ҳид сезиш, тери сезгиси. Сезишнинг бошқа турлари эса шу асосий беш сезгидан келиб чиқади ёки уларни тўлдиради.

Биз ҳиссий билишнинг муҳим ва бошланғич шакли — сезиш устида тўхтаб ўтдик. Чунки ҳиссий билишнинг бошқа шакллари — ҳиссий қабул қилиш — идрок, тасаввур ўзининг физиологик асослари, моҳияти ва характери жиҳатидан сезгига яқин туради ва унинг хусусиятлари билан боғлиқдир.

Идрок сезишга нисбатан анча мураккаб бўлиб, у сезиш асосида вужудга келади. Идрокнинг сезишдан фарқи шундаки, унда предметларнинг айрим хоссалари эмас, балки предмет бутун ҳолда акс этади. Бошқача айтганда, предметнинг яхлит образи вужудга келади.

Ҳиссий билишнинг яна бир шакли тасаввурдир. Ташқи таъсир натижасида вужудга келган нерв ва мия қобиғининг маълум қисмидаги қўзғалиш — сезиш, идрок — маълум давргача ўз изини қолдиради. Демак, тасаввур предметларнинг мияда қолган образларининг тикланиши, образли хотира, образларда эслашдир.

Тасаввур билимларни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун хизмат қилиш билан бирга, нарса ва ҳодисаларнинг хусусиятларини билиб олишда ҳам муайян роль ўйнайди.

Бундан ташқари, тасаввурнинг яна ўзига хос хусусиятлари ҳам борки, бу хусусиятлар унинг мавҳум тафаккурга, билишнинг олий босқичига яқин турганини кўрсатади.

Демак, тасаввурга сезги ва ҳиссий қабул қилишда учрамайдиган маълум даражадаги умумлаштириш хусусияти ҳам хос экан. Тасаввурдаги умумлаштириш хусусияти умуман ҳиссий билиш босқичи асосида вужудга келувчи ақлий билишнинг, тушунчаларнинг ташкил топишида катта роль ўйнайди. Демак, ҳиссий билишнинг барча шакллари конкрет образларнинг вужудга келишидан иборат экан.

Ҳиссий билиш ва унинг шакллари — сезиш, ҳиссий қабул — идрок ва қисман тасаввур ҳайвонларда ҳам мавжуд бўлиб, олий даражада тараққий этган ҳайвонлар — ит, от, фил, маймун кабиларда анча ривожланган. Айрим ҳайвонларнинг сезиш органлари шу даражада тараққий этганки, улар инсон сеза олмайдиган нарсаларни ҳам илғайди. Масалан, бургут уч километр баландликдан ердаги қўзи, қуённи ҳам кўради. Итнинг эса ҳид билиш органи анча тараққий этган. Бироқ, шунга қарамай, улар инсон кўра оладиган, била оладиган нарсани сеза олмайдилар. Инсон сезгисининг ҳайвонлар сезгисидан фарқи шундаки, инсон сезгиси, аввало, меҳнат ва ижтимоий ҳаёт жараёнида пайдо бўлган. Инсоннинг ижтимоий ривожланиш давомида такомиллашган сезгиси, тасаввури «онгли» сезги, «онгли» тасаввурдир. Бошқача айтганда, сезги, тасаввур инсон

ақли томонидан назорат қилинади ва бошқарилади. Шунинг учун ҳам инсон сезгиси, ҳиссий қабул — идроки, тасаввури онг фаолиятига қўшилиб кетади ва инсоннинг табиатни ўзгартиришга, янгилик яратишга қаратилган ижодий меҳнати учун хизмат қилади.

Ақлий билиш ва тафаккур. Инсоннинг билиш жараёни, юқорида айтилганидек, бошланғич билиш, сезгилар билангина чекланмайди. Ҳиссий билиш, сезгилар инсон билишининг қуйи босқичини ташкил этади, бу босқич асосида ижтимоий меҳнат жараёнида иккинчи юқори босқич — ақлий билиш, тафаккур пайдо бўлади. Сезгилар орқали объектив реалликдан олинган «материаллар»ни қайта ишлаш, уларнинг муносабатлари, ички хусусиятларини аниқлаш, муҳим ва асосий томонларини номуҳимларидан ажратиб олиш, уларнинг қонуниятларини очиш ақлий билиш ва тафаккурда амалга оширилади. Аввалги кўпгина фалсафий таълимотларнинг асосий камчиликларидан бири сезгилар ва ақлий билишни бир-биридан ажратиб қараш ёки уларни қарама-қарши қўйиш, ўзаро узвий муносабатларини тушунмаслик эди. Ҳиссий ва ақлий билиш инсон билишининг икки, бир-бири билан ўзаро боғланган босқичи бўлиб, бирисиз иккинчисининг бўлиши мумкин эмас.

Ақлий билиш сезгилар, ҳиссий билишдан озиқланади. Инсоннинг ҳиссий билиши эса унинг ақли, тафаккури туфайли онгли ва мақсадга мувофиқлашган тусга киради. Ақл, тафаккур ҳиссий билишнинг мазмунини бойитади, имкониятини кенгайтиради.

Инсонга хос бўлган барча руҳий хусусиятлар ҳам ижтимоий меҳнат, ижтимоий ишлаб чиқариш билан боғлиқдир. Нутқ, тафаккур, фикрлаш қобилияти ҳам меҳнатнинг натижасидир.

Тафаккур, фикр юритиш — соғлом инсон миясининг фаолияти, ажралмас хусусияти, яшаш шаклидир. Инсон мияси ухлаган вақтдагина фаолиятдан тўхташи, фикр юритмаслиги мумкин.

Фикр юритиш қобилияти барча соғлом инсонларга хосдир.

Мавҳум тафаккур воқеликни воситали акс эттиришдир. Воқеликни тафаккур орқали билишда сезгилар восита ҳалқасидир. Биз сезгилар ёрдамида олинган маҳсулотни ўз онгимизда ишлаб чиқиб, нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро боғланиши ва тараққиёт қонунларини

очамиз. Масалан, инсон бевосита кузатиш натижасида сув ёки ҳавонинг трубкадаги бўшлиқда ёки ҳаво насоси ичида қандай тезлик билан жой олишини кўриб, тафаккур ёрдами билан бу ҳодиса моҳияти ва сабабини, яъни атмосфера босимини оча олди.

Бевосита идрокда жамият тарихи турли тасодифий ҳодисалар йиғиндисидек, турли фаолиятларнинг тартибсиз тўқнашувидек кўринади. Аслида эса бу ҳодисалар ижтимоий тараққиётга хос бўлган ички қониниятларнинг ифодаланиши, зарурнятнинг тасодифлар орқали юзага чиқишидир.

Бизнинг тафаккуримиз сезги, идрок ва тасаввурдан ўзининг қандай хусусиятлари билан фарқланади?

Биринчидан, тафаккур сезги органларига нисбатан нарсалар ва ҳодисаларни анча чуқур очиб, биз бевосита сезмаган ва сеза олмаган ҳодисалар, жараёнлар, уларнинг хоссаларини билишга имкон беради.

Иккинчидан, тафаккур сезгиларга нисбатан воқеликни умумийроқ акс эттириб, нарса ва ҳодисаларнинг муштарак хоссаларини ифодалаш билан улар орасидаги доимий муносабат ва алоқаларни аниқлайди.

Учинчидан, сезгилар ёрдами билан биз айрим нарса, ҳодисалар ва улар орасидаги оддий муносабатларнигина биламиз. Тафаккур эса нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро умумий боғланиши, тараққиёт қонунлари, уларнинг умумий ва муҳим хоссалари ҳақида билим беради. Биз турли-туман ҳодисаларни, масалан, баъзи жисмларнинг сувда сузиши, ҳаво шари ёки печка тутунининг осмонга кўтарилишини идрок этамиз.

Тафаккур ёрдамида эса бу ёки шунга ўхшаш ҳодисалар бир қонунга, яъни Архимед қонунига асосланиши очиб берилади.

Тафаккур ёрдами билан воқеликнинг умумий томонларини акс эттириш орқали биз якка, конкрет предметлар моҳиятини ҳам билиб оламиз. Тафаккур орқали бирор нарсани билиш учун аввало у ҳақда тушунча ҳосил қилиш зарур. Онгимизда предмет ҳақида тушунча ҳосил қилишда умумий қонун ёки умумий тушунчадан фойдаланилади. Масалан, сув молекуласи водород ва кислород атомларидан иборат бўлган мураккаб кимёвий модда эканлигини биламиз. Бу ўринда «мураккаб кимёвий модда», «водород» ва бошқа шу каби тушунчалардан фойдаланиб, ҳодисани умумий қонунларга мослаштирамиз.

Шундай қилиб, ҳамма вақт мавҳум фикрлаш босқичи айрим ҳодисаларни кузатиш орқали ҳодисалардаги умумий ҳолатни очади ва унга таяниб, якка ҳолатларни тушунтиради. Бу ҳолат билиш жараёнининг яккадан умумийга ва умумийдан яккага қараб борадиган узлуксиз ҳаракатдан иборат эканлигини билдиради.

Тафаккур ва тил. Тафаккурнинг муҳим хусусияти унинг тил билан узвий боғланганлигидир.

Инсон тафаккури унинг тили билан бирга такомиллашиб ривожланган. Тилда тафаккурнинг иш натижаси мустаҳкамланади. Тил ўзининг шу хислати билан инсонга билим тўплашга, уни сақлашга, авлоддан-авлодга узатишга, тўплаган билиш бойликларидан ҳаётфаолиятда унумли фойдаланишига ёрдам беради. Шу билан бирга, тил тафаккурни такомиллаштириш, мавҳумлаштириш, умумийлаштириш ва жузъийлаштириш қуролидир. Шунинг учун ҳам бизнинг тафаккуримиз воқеликни бевосита акс эттириш воситаси бўлган сезгилардан тил ёрдамида ифодаланиши билан фарқ қилади.

Биз тил элементлари ёрдамида онгимизда объектив воқеликдаги нарса ва ҳодисалар моҳияти ҳамда қонунларини акс эттирамиз. Тил ёрдамида шакл, мазмун, қисм, суюқлик, материя, ҳаракат ва шунга ўхшаш мавҳум тушунчаларни яратамиз.

Бу мавҳум тушунчалар ёрдамида буюмларга хос бўлган бир неча умумий ва муҳим белгилар ажратилади. Биз ана шу ва шунга ўхшаш мавҳум тушунчаларга таяниб, улар орқали табиат, жамият ва инсон тафаккурининг умумий тараққиёт қонунлари ва ўзаро боғланишини таърифлаймиз. Тафаккур ва тилнинг муҳим хислати уларнинг аниқ мақсадли фаолиятлар эканлигидир.

Инсонда ҳис, идрок буюм ва ҳодисаларнинг сезги органларимизга бўлган бевосита таъсиридан пайдо бўлади. Буюмлар ҳақида тасаввур пайдо бўлиши учун эса маълум даражада ирода фаолиятини кучайтириш зарур. Чунки у олдин идрок этилган образларни қайтадан тиклаш учун хизмат қилади.

Тафаккур жараёнида биз ҳамма вақт аниқ билиш мақсадини қўямиз. Нарсалар моҳиятини, қонуниятларини, боғланишини аниқлаймиз ва айрим ҳолатнинг

сабаб ва натижасини ёки исбот ва раддияларни белгилаймиз. Инсонни ҳайвонот оламидан ажратиб, уни онгли жонивор қилган ва бу орқали табиатнинг бошқа кучлари, ўсимлик ва ҳайвонот оламидан устунлигини таъминлаган ҳислат ҳам асосан тафаккур ва тилдир. Тил тафаккурнинг моддий қобиғи, тилсиз, нутқсиз фикр юритиш асло мумкин эмас.

Албатта, тил овозли ва овозсиз, ички, оғзаки ва ёзма шаклларда бўлиши мумкин. Одам оғзаки, овозли гапирмаганида ҳам барибир унинг ички ўй ва фикрлари тил билан, нарса ва ҳодисаларнинг номлари уларнинг ўзаро боғланишларини ифодаловчи тил воситалари билан амалга оширилади.

Тил ва тафаккур реалликни билиш, бошқа инсонлар билан муносабатда бўлиш, объектив реалликка таъсир кўрсатиш, ҳар бир ишни олдиндан ўйлаб, онгли равишда амалга ошириш кабиларда кўринувчи, умуман инсон фаолиятининг онгли, мақсадга мувофиқлигини таъминловчи инсонгагина хос бўлган тарихий муҳим ҳислатдир.

Лекин амалда, ҳаётда, тарихий жараёнда тил ва тафаккур ҳар доим ўзаро ажралмас бўлса-да, уларни турли фанлар алоҳида олиб ўрганадилар. Масалан, тафаккур формаларини мантиқ фани ўрганса, тил категорияларини тилшунослик фанлари тадқиқ этади, тафаккур умуминсоний бўлса, тил, унинг қонун-қоидалари миллий характерга эга. Дунёдаги тиллар жуда кўп қонун-қоидаларига кўра бир-биридан фарқ қиладилар. Тафаккур шакллари, принциплари эса, инсонларнинг миллати, ирқи, давридан қатъи назар, ҳаммада бир хилдир.

Инсоннинг яшаган даври, ирқи, миллати, қайси жамиятга мансублиги, шахсий хусусиятларидан қатъи назар, тафаккур объектив реалликни билишда муҳим қурол бўлиб хизмат қилади, у умуминсонийдир.

Тафаккур ишлаб чиқариш, меҳнат, инсоннинг яратувчилик фаолияти билан узвий боғлиқдир. Бироқ, у турли сиёсий-ижтимоий қарашлар, мафкуранинг, жамият базисининг ўзгариши билан ўзгармайди, шунингдек, мафкура сингари жамиятнинг иқтисодий-ижтимоий мавқеи билан белгиланмайди. Шу билан бирга, тафаккур тил билан узвий боғлиқ бўлса-да, у сингари миллий характерга эга эмас.

Барча инсонларнинг фикрлаш қонуниятлари бир

хил ва умумий бўлгани учун биз қадимги халқларнинг тошга, терига, пергаментларга ёзиб қолдирган ёдгорликларини ўқиб, фикрларини тушуна оламиз. Миср иероглифларининг мазмунини, қадимги ҳинд маданиятининг ютуқларини ўзида яшириб келаётган санскрит ёзувларининг сирини оча оламиз. Биз, ҳатто, асрлар орасида йўқ бўлиб кетган «ўлик» тилларда, чунончи, сўғд тилларида ёзилган ёдгорликларни ҳам ўқиб, тушунамиз. Шунингдек, турли миллат вакилларининг таржимонлар ёрдамида фикр алмашуви, халқаро почтанинг фаолияти, турли халқаро ташкилотларнинг олиб бораётган барча ишлари — барча халқлар, барча инсонлар тафаккурининг умумий принциплар асосида мавжудлигини исботлайди. Тафаккурнинг физиологик асосини, бош мия тузилишини ўрганиш ҳам унинг барча инсонларда бир хил принциплар асосида бўлишини, умумий структурага эга эканлигини кўрсатади. Машҳур олим, академик И. П. Павловнинг биринчи ва иккинчи сигналлар системаси ҳақидаги таълимоти ҳам буни яна бир бор физиологик жиҳатдан илмий асослаб берди. Сезгилардан ташкил топувчи биринчи сигнал системаси эволюция жараёнида инсонларда иккинчи сигнал системасининг, яъни тафаккур ва тилнинг келиб чиқишида муҳим роль ўйнади. Бу сигналлар системаси ва уларнинг узвий боғлиқ бўлиши миянинг, барча инсонлар миясининг муҳим хусусиятидир.

3. Тафаккур шакллари ва мантиқий қонунлар

Инсоннинг ақли, онгли бўлишини таъминловчи тафаккур жараёни турли шаклларга эга.

Ҳиссий билиш — сезиш, ҳиссий қабул — идрок, тасаввур орқали намоён бўлганидек, тафаккур ҳам тушунча, ҳукм ва хулосалаш (ёки хулоса чиқариш) орқали мавжуд бўлади. Булар ҳаммаси объектив борлиқнинг, предмет, ҳодисаларнинг мавҳум тафаккурда ифодаланиш шаклларидир.

Тушунча маълум предметлар, ҳодисалар хусусиятларининг умумий ва муҳим белгиларини яхлит ҳолда ифодалайди. Масалан: «жонивор», «инсон», «мустақиллик» ва бошқалар. Тушунча якка предметни ҳам ифодалаши мумкин — «Тошкент», «Ўзбекистон Республикаси» ва бошқалар.

Ҳукм предмет, ҳодиса ёки хислатлар ўртасидаги алоқа, муносабат, боғланиш жараёнини ифодалайди, масалан, «инсон — жонивордир», «чинор — дарахтдир», «уран — кимёвий элементдир» кабилар. Ҳукм бир буюм тўғрисидаги тасдиқ ёки инкор шаклида келган фикрдир.

Хулосалар ёки хулоса чиқариш иккидан ортиқ предметлар ўртасидаги боғланиш, муносабатларни ифодалайди. Хулосалаш янги билимни вужудга келтиришнинг муҳим ва асосий усули ҳисобланади. Чунончи «Инсон жонивордир, ҳеч қандай жонивор овқатсиз яшай олмайди. Демак, инсон ҳам овқатсиз яшай олмайди» ёки «Меҳнат бахт келтиради; илм—меҳнат билан қўлга киритилади. Демак, илм ҳам бахт келтиради»; «Ўзбекистон мустақил давлат», «Ҳар қандай мустақил давлат ўз байроғига эга бўлиши керак», «Мустақил Ўзбекистон ўз байроғига эгадир».

Тафаккур юқоридаги асосий шакллардан ташқари ўзининг махсус қонунларига, унинг тўғрилигини таъминловчи принципларга — қоидаларга эга. Бу қонунлар талабига риоя этилмаса, принциплар бузилса, фикрлар тўғри бўлмайди, демак, у воқеликни тўғри акс эттира олмайди. Бу принцип — қоидалар ёки қонунлар фикрлашнинг элементар тўғри бўлишини, яъни айнанлигини, ўзаро зид бўлмаслигини, изчиллигини, асосли бўлишини таъминлайди.

Тафаккурнинг бу шакл, қонун-қоида ва усуллари инсонлар томонидан ўйлаб топилган эмас, улар инсон тафаккурининг табиий ва таркибий қисми. Тафаккур шу элементлардан ташкил топади. Бошқача тафаккур йўқ. Тафаккурнинг ўзи, унинг барча табиий шакл, қонун ва қоидалари, усуллари объектив воқеликдаги буюм ва ҳодисалар, улар ўртасидаги турли муносабатларнинг инсон миясида умумлашган, мавҳум ифодаси ва аксидир.

Тафаккурнинг шакл ва қоидалари объектив мазмунга эга, улар миллиард йиллар давомида объектив муносабатларнинг инсон миясида ифодаланиши натижасидир.

Инсон ўз атрофидаги нарсалар ва уларнинг алоқалари билан миллиард марталаб дуч келиши, уларни ўз эҳтиёжлари учун ишлатиши натижасида бу реал алоқалар инсон онгида тафаккурнинг шакл ва қонунлари сифатида ўрнашиб қолди. Бу қонун-қоидалар

SAMARQAND IQTISODIYOT
VA SERVIS INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
№ 439056

оламни тўғри акс эттириш, тушуниш учун хизмат қилиб келмоқда.

Шундай қилиб, тафаккур воқеликни оддий акс эттирувчи оддий ҳолат бўлмасдан, балки якка, айрим нарса ва ҳодисалардаги умумийликни қидирувчи ҳамда ифодаловчи мураккаб жараёндир. Биз тафаккур ёрдами билан онгимиз мазмунининг чин ёки хатолигини текширамиз. Бунинг учун онг мазмунини воқелик билан солиштириб кўриш лозим. Агар воқеликни акс эттирган тафаккур ҳаётга зид бўлмаса, у чин тафаккур бўла олади. Булардан ташқари, инсон тафаккури воқеликни воситали билишга ёрдам беради. Масалан, инсон кўзига кўринмайдиган тирик мавжудот оламини ёки атом ва унинг таркибий қисмларини бевосита кўрмай туриб, ундаги ҳолатларни воситали била бошлайди.

Инсон ўзининг ўтмиш тажрибалари натижаларига асосланиб, нарса ва ҳодисаларни воситали билишдан холис бўлади. Бу эса унинг ҳамма вақт хулоса чиқаришига ва ундан фойдаланишига ёрдам беради. Инсон тафаккурининг яна бир хислати унинг янги муаммолар қўйиш қобилиятига эга бўлишидир. Бу билан инсон буюмларнинг ўзаро боғланишидаги муҳим, ҳали очилмаган моҳиятларини гипотеза — фаразия йўли билан кашф этишга интилади. Шунинг учун воқелик, ундаги доимий тараққиёт ва мураккаб қарама-қаршиликни билиш, муаммолар қўйиш мавҳум фикрнинг муҳим ҳолатларидандир.

Ҳар бир чин фикр муайян мазмун ва шаклга эга бўлиб, тафаккур қонунларига итоат этади. Фикрлар тузилиши, уларнинг боғланиши, муносабатларининг ифодаси тафаккур шаклини ташкил этади. Тафаккур мазмуни конкрет фикр-тушунчада ифодаланган билимдан ташкил топади. Тафаккур шакли ва мазмуни ўзаро узвий боғланган. Шунинг учун ҳам ҳар бир фикр бир вақтда ҳам мазмунга, ҳам мантиқий шаклга эга бўлади. Иккинчидан, ҳар бир фикр тил атамалари ва сўзлар орқали ифодаланади. Масалан, агар биз «маданият» тушунчаси ҳақида фикр юритсак, унда бу тушунча (предмет) хислати ҳақида бошқа тушунчалардан фарқ қилувчи аниқ фикрга эга бўламиз. Аксинча, агар бу тушунчани аниқ билмасак ва бошқа тушунчалардан ажрата олмасак, уни яхши талқин этолмаймиз.

Бундай ҳолат инсон тафаккурининг бошқа шаклларида ҳам бўлади. Ҳукм мазмуни турлича бўлишига

қарамай, улар боғланиш, умумийлик, бир хилликка эга бўлади. Шунинг учун ҳукм шакли ҳақида гап борадиган бўлса, биз диққатимизни унинг конкрет мазмунидан четлаштирамиз. Мисол учун, «бутун илғор инсоният — тинчлик тарафдори», «ҳамма металлар — электр токи ўтказувчилар», «ҳамма ўсимликлар — организмлар» десак, булар ҳар хил мазмунга эга бўлган ҳукмлар бўлади. Аммо бу уч хил мазмунга эга бўлган ҳукмлар бир хил шаклда. Уларнинг бир хиллиги ҳукмларнинг ҳаммаси тасдиқловчи ҳукм эканлигидан билинади.

Мантиқда мантиқий шакл баён этилган тасдиқ ҳукмлар қуйидаги схемада ифодаланади: «Ҳамма —S—P дир». S схемадаги ҳукмнинг мантиқий субъектини, P эса ҳукмнинг мантиқий предикатини ифодалайди.

Шунинг учун мантиқий шакл мазмуни жиҳатидан турлича бўлган жуда кўп умумий фикрлар учун бир хилдир.

Шуни ҳам ҳисобга олиш лозим: мантиқий фикрлар шакли ифода этиладиган фикр таркибига қараб турлича бўлиши мумкин. Мисол учун қуйидаги икки ҳукмни олиб кўрайлик:

Биринчи ҳукм: «Агар талаба меҳнатсевар ва интизомли бўлса, у ҳурматга сазовор бўлади».

Иккинчи ҳукм: «Агар сим орқали электр токи ўтса, сим атрофида магнит майдони пайдо бўлади».

Бу икки ҳукмнинг мантиқий шакли юқорида баён этилган ҳукмлар шаклидан фарқ қилаётир. Юқорида ифода этилган уч ҳукм «ҳамма» сўзи билан бошланиб, S учун P нинг катта хизмати борлигидан дарак бераётган бўлса, пастда ифода этилаётган икки ҳукм «агар» сўзи билан бошланиб, S билан P орасидаги муносабатда қандайдир бир шарт борлигидан дарак бермоқда. Шу билан бирга, бу икки ҳукм бир шаклдаги мантиқий фикрни ташкил этаётир.

Баён этилган шартли ҳукмлар шакли мантиқда қуйидаги схема бўйича ифодаланади:

«Агар S—P бўлса, унда S_1—P_1 дир».

Бундай формула фикрнинг расмий (формал) мазмунини ташкил этади. Фикрнинг бундай муносабатдаги хислати махсус аҳамиятга эга бўлгани учун мантиқий муносабат ёки мантиқий алоқа деб айтилади.

Шакл фикрларнинг умумий белгиси бўлиб, ўзининг конкрет мазмуни билан ажралади. Масалан, ҳукм-

да маълум мантиқий муносабат тасдиқ ёки инкор шаклида бўлиб, турли фикрлар мазмунини очиб беради.

Баён этилган мулоҳазаларга асосланиб, тафаккур шакли муайян типдаги буюмлар муносабатини акс эттирувчи **мантиқий усул** деб айтиш мумкин.

Тафаккур қонунлари чин билимга эришиш мақсадига хизмат қиладиган тўғри фикрлашнинг аниқ нормаларидир. Тафаккур қонунлари айрим кишилар томонидан ўйлаб топилган эмас, балки инсон тафаккурига хос бўлиб, у инсон онгида объектив воқеликнинг айрим хислатлари ва томонларини акс эттиради. Агар инсон тафаккурнинг мантиқий қонунларидан тўғри фойдаланмаса, унинг хулосаси чин бўла олмайди.

Тафаккур қонунлари ўз ҳолатлари билан икки гуруҳга бўлинади.

Биринчи: хусусий аҳамиятга эга бўлган қонунлар, тафаккур жараёнининг айрим қонунлари ёки қоидалари, яъни тушунчанинг таърифланиши, қатъий силлогизм тузиш қоидалари ва бошқалар.

Иккинчи: тафаккур фаолиятини умуман характерловчи, яъни умумий аҳамиятга эга бўлган тафаккурнинг мантиқий қонунлари.

Тафаккур шакллари ва қонунлари инсоннинг тарихий тараққиёти ва унинг билиш тажрибаси асосида вужудга келган бўлиб, улар умуминсоний қонунлардир. Бу қонунлар объектив воқеликни ва ҳаммадан олдин, унинг умумий, оддий хусусиятлари муносабатларини акс эттиради ва тафаккурнинг воқеликни чин акс эттиришга эришуви учун курашади. Шуни ҳам ҳисобга олишимиз лозимки, тафаккур қонунлари ва шакллари тафаккурнинг бошқа томонларидан ҳеч қачон ажралган эмас, балки улар реал, ҳақиқий тафаккурда ўзаро чамбарчас боғланган.

Тафаккурнинг мантиқий қонунлари (айният, зиддият, учинчиси мустасно ва етарли асос) инсон тафаккурида амал қилсаларда, аммо ўзларининг келиб чиқиши жиҳатидан объектив асосга эгадир.

Амалда тафаккур шакли ва мазмуни ўзаро боғланган. Аммо ҳар бир фикр шаклини унинг конкрет мазмунидан узоқлаштириб ўрганишимиз лозим. Бу жиҳатдан мантиқ грамматикага ўхшайди. Чунки грамматика ҳам гап ва сўз мазмунидан четлашиб, нутқдаги ҳар бир

қилиб, тафаккур шакллари, қонунлари инсониятнинг тарихий тараққиёти қонунлари билан боғланган.

Тафаккур мазмуни нарса ва ҳодисаларнинг белгиларини, тафаккур шакли эса нарса ва ҳодисаларнинг бу белгиларининг мавжудлик йўлларини акс эттиради. Бошқача қилиб айтганда, тафаккур мазмуни буюмларни, унинг мантиқий шакли эса буюмларнинг мавжудлик йўлларини акс эттиради.

Тафаккур мазмуни ҳамма вақт ривожланади, бойийди ва чуқурлашади. Шунинг учун ҳам тафаккур мазмуни ҳаммадан кўпроқ ихчам ва ҳаракатчан бўлади, у ҳеч вақт бир жойда қотиб қолмайди.

Инсон оламни меҳнат фаолиятида била боради. Меҳнат фаолиятида инсон билимлари бойийди, мукаммаллашади, ривожланади, амалда инсон билимлари текширилади.

Амалиёт — инсон билишнинг бошланиши, асоси, мезони ва якунидир. Инсон оламни, табиатни ва жамиятни ўзгартириш учун уларни ўрганади, билади. Унинг билими амалий фаолият, ижтимоий ривожланиш учун хизмат қилсагина фойдалидир.

4. Мантиқ фани ҳақида

Мантиқ мустақил фан сифатида тафаккурнинг табиий, зарурий қонунлари, шакллари, фикрлаш усулларини ўрганади. Умумий мантиқ тафаккурни ҳеч қачон ҳар тарафлама ўргана олмайди.

Мантиқ илмининг хусусиятлари тўғрилик ва чинлик тушунчаси, уларнинг ўзига хос ҳислатларини тўғри англаш билан узвий боғлиқ. **Чинлик** бу фикрнинг реал воқеликдаги муносабатларга мос келиш-келмаслигини ифодаласа, **тўғрилик** фикрлар боғланишининг, фикр шакллари ўртасидаги боғланишнинг мантиқий қоидаларга мос келиши ва келмаслигини ифодалайди, фикр тўғрилиги пировардида чинликка бўйсунади ва у билан ўлчанади.

Бу масала — тафаккурнинг шакллари ва мазмуни ўртасидаги муносабат, тафаккурнинг умумий чинлиги фалсафа, унинг билиш назариясида ўрганилса, унинг тўғрилиги, фикр қонун-қоидаларига мос келиши шу умумий чинликнинг зарурий қисми сифатида фалсафанинг муҳим бўлими бўлмиш мантиқ фани томонидан ўрганилади. Чунки мантиқнинг муҳим хусусиятларидан

бири ҳам тушунча, ҳукмларнинг конкрет мазмунидан мавҳумлашган ҳолда уларнинг умумий томонларини ўрганишидир.

Лекин бундан тафаккурнинг шакллари унинг конкрет мазмунидан ажралган ҳолда мавжуд, деган фикр мутлақо келиб чиқмайди. Тафаккур шаклларини унинг мазмунидан ажратиб қўйиш фикрни объектив дунёдан ажратиб қўйишга олиб келади. Шакл ва мазмун ўртасидаги боғланишни диалектика, илмий билиш назарияси ёрдамида тўғри таҳлил этиш мумкин.

Шаклсиз мазмун, мазмунсиз шакл бўлмаганидек, тафаккурнинг шакллари унинг мазмунини ифодалаш воситасидир. Тафаккурнинг мазмуни унинг ифодаланиш шаклини белгилайди.

Тафаккурда мазмун ва шакл, чинлик ва тўғрилик ҳар доим узвий боғлиқликда мавжуддир.

Мантиқ фанининг мавзу баҳси тафаккур шакллари, улар ўртасидаги турли муносабатлар, усуллар бўлгани учунгина бу фан тафаккур шаклларини предметларнинг конкрет мазмунидан мавҳумлашган ҳолда ўрганади.

Мантиқ фани бу жиҳатдан грамматика ёки геометрия фанларига ўхшайди.

Грамматика тилнинг қоида ва қонунларини, гап тузилишини уларнинг конкрет мазмунидан мавҳумлашган ҳолда, уларнинг умумий структурасини, элементларини тадқиқ этади. Геометрия объектив воқеликда мавжуд бўлган турли буюм, ҳодисаларни, уларнинг нимадан ташкил топганлиги, конкрет мазмунидан мавҳумлашиб умумий фигураларини, яъни турли хил шакллар, шакллар тузилиши кабиларни ўрганади. Мантиқ қонунлари ҳамма соҳадаги фикрлаш учун хизмат қилади.

Мантиқ фалсафа фанлари сирасига киради.

Аристотель давридан бери маълум бўлиб келган мантиқ илми ҳозирги адабиётларда турли номлар билан, хусусан формал, умумий, классик ёки анъанавий мантиқ номлари билан учрайди.

Анъанавий ёки умумий формал мантиқ бошқа фанлар билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланади. Умумий мантиқ объектив алоқаларни текшириш натижасида, символика ёрдами билан илмий текшириш учун янги методлар яратади.

Мантиқ фани тушунча, ҳукм шакллари, хулоса чи-

қариш, исбот ва рад этиш ҳолатлари орқали объектив воқеликни инъикос этиш жараёнида инсон фикрининг аниқ, равшан, кетма-кет ва асосли бўлишини таъминлайди.

Фалсафа айрим фанларга ўхшаб ўз олдига воқеликнинг махсус томонини билиш вазифасини қўймайди. Унинг мақсади воқеликдаги нарса ва ҳодисалар ҳақидаги энг умумий қонунларни ва предметнинг тараққиёт жараёнини тушунтиришдир. Бундан асосий мақсад ҳамма фанларга назарий билим асосларини бериш ва уларни чин билиш методлари билан қуроллантиришдир.

Мантиқ ва бошқа фанлар. Психология — инсоннинг руҳий тараққиёти қонунларини ўрганадиган фан. Бу жиҳатдан мантиқ психологияга бошқа фанларга нисбатан яқинроқ туради. Маълумки, мантиқ фақат тафаккурнинг шакл ва қонунларини ўрганади; психология эса инсоннинг руҳий фаолиятини, яъни сезги, идрок, тасаввур, ирода, темперамент ва бошқа психик сифатларини, шулар жумласидан, фикрлашнинг инсоннинг бошқа руҳий ҳолатлари билан боғланиши, инсоннинг бошқа руҳий ҳолатлари орасида тутган ўрни кабиларни кўриб чиқади. Мантиқ эса фақат тўғри фикрлаш қонунларини ва булар орқали чин хулоса чиқаришга эришиш масаласини, бу чинликдан четга чиқмаслик йўлларини таъминлашни мақсад қилиб қўяди.

Мантиқ тафаккурнинг шакл-қоидаларини мутлақо бузиб ёки инкор этиб бўлмайдиган, уларсиз чинликни аниқлаб бўлмайдиган табиий қонунлар сифатида ўрганади. Албатта, бу қонунлар қабул қилинадиган ҳуқуқий нормалар, қонунлардан тубдан фарқ қилади ва ўзгачадир.

Шундай қилиб, мантиқ, бир томондан, психология билан яқин муносабатда бўлса, иккинчи томондан, инсон тафаккури ҳислатларини турли мақсад нуқтаи назаридан текшириш ва маълум хулоса чиқаришга эришиш учун курашув йўллари билан психологиядан фарқ қилади. Лекин шу билан бирга мантиқ психология фанининг ютуқларидан фойдаланади, уларга асосланади.

Мантиқ фанига тил қоидалари ҳақидаги фан — грамматика яқин туради. Улар фойдаланадиган категориялар системаси, қоидалари, принциплари ўзгача бўлса-да, тил ва тафаккурнинг узвий боғлиқлиги бу фанлар муносабатида ҳам намоён бўлади. Хусусан,

тушунчалар ва ҳукмларнинг ифодаланиш структурасини аниқлаш масалаларида грамматик билим муҳим роль ўйнайди. Шунингдек, грамматика фанининг айрим қисмларини ўрганиш учун ҳам мантиқни билиш лозим.

Албатта, мантиқ илми билан шуғулланувчи мутахассис грамматикани яхши билиши тақозо этилади. Грамматика барча тилларда мавжуд бўлган категориялар билан иш кўради, конкрет тилларни ўрганади. Шунинг учун ўзбек тили грамматикаси, рус тили грамматикаси, ҳинд тили грамматикаси кабилар мавжуд. Дунёдаги ҳар бир миллий тилнинг ўз структураси, талаффуз қоидалари, демак, ўз грамматикалари мавжуд. Лекин тафаккур шакли, қоидалари, усуллари турли-туман тилларда турлича ифодаланса-да, моҳият жиҳатидан бир хил. **Мантиқ илми — инсонга хос бўлган чин, тўғри тафаккурнинг шакл, қонун-қоидалари, принцип, нормаларини ўрганади.**

Демак, мантиқ фани грамматика билан боғлиқ, яқин, улар бир-бирига ёрдам беради, бир-бирини тўлдиради, лекин шу билан бирга ўз хусусиятлари билан бир-биридан фарқланади.

Тафаккур ва тилни физиология фани ҳам ўрганади. Лекин физиология уларнинг моддий асосини, бош миядаги қандай нервлар билан боғлиқлигини, нервлар системасининг тузилишини, уларда юзага келадиган жараёнлар, бу нервларнинг ҳолатини тадқиқ этади. Бу соҳа билан физиологиянинг махсус қисми — бош мия физиологияси шуғулланади. Мия физиологияси орқали инсон фикрлаши, нутқи билан боғлиқ бўлган мия марказидаги нервлар фаолиятидаги чекинишлар асосида вужудга келувчи касалликлар билан тиббиётнинг турли соҳалари шуғулланади.

* * *

Инсоннинг билиш фаолияти учун мантиқий категорияларнинг универсал характерга эга бўлиши уларни турли фанларда, ишлаб чиқариш жараёнларида, техника тармоқларида ихтисослаштирган ҳолда татбиқ этиш имкониятини туғдиради. Бу эса мантиқдан турли фанларнинг конкрет масалаларини ҳал қилишда фойдаланишнинг кенг имкониятларини вужудга келтиради.

Фаннинг, техниканинг тобора ўсиб, табиат сирлари-

ни била бориши, ундаги мураккаб қонунларнинг очилиши, илмий билиш методи ва мантиқий аппаратни шунга мослаштиришни, тафаккурнинг ҳар бир конкрет масала ҳақида аниқ, хатосиз, тез хулосалар бера олишини талаб қилади.

Илмий ва техник жараённинг бундай талаби натижасида турли фанларга ихтисослашган мантиқ тармоқлари вужудга кела бошлади. Чунончи, бу жараёнда ҳуқуқий мантиқ, квант физикаси мантиғи кабилар пайдо бўлди.

Мантиқ ўзининг вужудга келган ва дастлабки ривожланиш даврида математика билан жуда суст боғланган бўлса, техника билан мутлақо боғлиқ эмас эди.

Аммо мантиқ категориялари ва жараёнларини математика усуллари орқали ифодалаш ва у орқали турли машиналарда қўллаш фикри олимларни кўпдан бери ўзига жалб этиб келган.

Бу масала асосида уч муҳим принцип ётади: биринчиси, фикрлаш жараёнининг структураси, турли мантиқ категорияларини рамзий белгилар билан ифодалаш, иккинчиси, мантиқ ва математиканинг бир-бирига яқинлигига асосланган ҳолда математик методларни мантиққа татбиқ этиш, учинчиси, турли мантиқий операцияларни ифодаловчи символик белгилардан фойдаланган ҳолда, автомат равишда далил асосида хулоса чиқара оладиган машина яратиш мумкинлиги.

Мантиқ жараёнини турли символлар билан ифодалашга интилиш мантиқ фанининг асосчиси Аристотель ижодидаёқ кўзга ташланади. У шакли жиҳатидан ўзаро фарқ қилувчи ҳукмларни турли ҳарфлар билан белгилашга интилди.

XVI—XVII асрларга келиб механика ва математика фани ривожланиши билан математик методни мантиққа татбиқ этиш имконияти кенгая борди. Натижада шу даврларда яшаган немис олими Лейбниц ҳар хил масалаларни ечишга имкон берувчи мантиқий математик метод яратишга интилиб, мантиқни математиклаштиришга асос солди. Лейбниц ҳукм ва тушунчаларни рақам ва ҳарфлар билан белгилаш ёрдамида хулоса чиқариш, аниқроғи, берилган фикрий материални ҳисоблашнинг маълум даражадаги умумий методини аниқлашга муваффақ бўлди.

Лейбницнинг бу методи ниҳоятда чегараланган бўлиб, амалий фаолият учун аҳамиятга эга бўлмаса-да,

математикани мантиқ муҳокамаларида қўллаш, бу билан мантиқнинг билиш процессидаги имкониятларини кенгайтиришда маълум аҳамиятга эга бўлди.

Мантиқий жараённи математик усуллар ёрдамида ифодалаш асосан XIX асрларга келиб ривожлана бошлади. Бу даврда яшаган рус олими И. С. Порецкий, немис ва инглиз олимлари Ж. Буль, Фурь, Морган, Шредер кабилар ўзларининг қатор асарларида унинг айрим муҳим масалаларини олга суриш билан, бу соҳанинг илмий билимлар системасида мустаҳкам ўрин эгаллаши ва амалий қимматини белгилашга катта ҳисса қўшдилар.

Мантиқий жараённи символика ёрдамида ифодалаш математика фанининг тараққиёти натижасида вужудга келди. Шу сабабли математик исботлаш учун мантиқий қуроллардан фойдаланиш илмий далилнинг зарур омилларидан бўлди. Кейинчалик математик методлар математиканинг тор доирасидан чиқиб, билимнинг кўп тармоқлари учун ва амалий ишлар учун хизмат қиладиган бўлди. Ҳозирги вақтда математик мантиқий методлар фан ва техникада, кибернетикада, таржимон машиналар ва бошқа кўп халқ хўжалиги ишларида қўлланмоқда. Булардан ташқари математик методларни мантиқ илмининг айрим масалалари, айниқса хулоса чиқариш ва исботлашда фойдаланиш ҳам кенгайиб бормоқда.

Бунда тушунча, ҳукм ва келиб чиқадиган хулосалар шартли белгилар орқали кўрсатилади.

Бир вақтлар ҳаётдан анча узоқда турадиган фан деб қаралган символикага асосланган мантиқ, эндиликда, ҳозирги замон техникасининг энг илғор тармоқлари ва физика, биология, медицина, педагогика, лингвистика ва бошқа фанлар ишини ихчамлаш учун катта хизмат қилмоқда.

XX асрнинг бошлариданоқ ва айниқса ҳозирда илмий-техник революциянинг ривожланиши, бир томондан, техник системаларни тузишда ёрдамчи усуллардан фойдаланиш эҳтиёжини олга сурди, иккинчи томондан, символлар — рамзлар ва маълум принципларга асосланган ҳисоблаш ёрдамида ифодаланиши мумкин бўлган мантиқий тадбирларни турли механизм ва техника, машина аппаратлари орқали амалга ошириш учун реал имкониятлар яратди.

Равшанки, маълум бир системадан иборат бўлган

техник жараён ва унинг вужудга келишидаги турли зарур амаллар синтез, анализ, уларни олдиндан ҳисоблаш каби мантиқий масалаларни ўз ичига олади. Аммо бу мантиқ масалалари техникада муҳокама ва фикрий хулоса чиқариш шаклида эмас, балки моддий ҳодисаларнинг ўзаро муносабатларидаги турли ҳисоблар шаклида ифода этилади.

Ҳозир турли бошқарув машиналари ва автомат аппаратларни ишлашда мантиқий ҳисоблашдан фойдаланиш кенг авж олиб бормоқда. Бундан ташқари, мантиқий тадбирларни, яъни инсоннинг айрим ақлий жараёнларини мустақил равишда бажара оладиган машиналар яратиш масаласи ҳам ҳозир техника фанининг муҳим масалаларидандир. Бу эса техника ва тирик организмдаги ахборотнинг бошқарилиши ва ишланиши билан шуғулланувчи кибернетика фани ютуқлари билан чамбарчас боғлиқ.

Мантиқ жараёнларини бажара оладиган машина яратишга интилиш ҳам узоқ тарихга эга. XIII—XIV асрларда Раймонд Луллий биринчи мантиқ жадвали машинасини яратиб, мантиқий жараённи машиналаштириш мумкинлигини исботламоқчи бўлди. Лекин Луллийнинг машинаси ниҳоятда оддий ва имкониятлари чегараланган эди.

XIX асрда Стенли Жевонс математика принципларига асосланиб, турли механик қўшиб-айиришлар орқали мантиқий хулосалар чиқара оладиган машина (логик пианино) яратишга муваффақ бўлди.

Жевонс машинаси амалий аҳамиятга эга бўлмасада, турли мантиқий тадбирларнинг тўғрилигини яна бир карра исботлади.

Инсоннинг «ўйловчи», «фикрловчи» механизмлар тўғрисидаги орзу-умидлари бизнинг давримизда рўёбга чиқмоқда. Ҳозир миллионлаб рақамлардан фойдаланган ҳолда турли математик амалларни бажара оладиган, текстни бир тилдан иккинчи тилга таржима қиладиган электрон-ҳисоблаш машиналари халқ хўжалигида кенг фойдаланилмоқда. Ҳозирги электрон-ҳисоблаш машиналари турли мантиқий масалаларни мустақил ечиб бериш қобилиятига эга.

Аристотель кўрсатиб берган мантиқий хулосалар ва асосан дедукция принципига асосланувчи хулоса чиқаришлар машиналар ёрдамида бажарилиши мумкин. Бундай машиналарда элементар хулосалар олиш би-

лан бирга улар ёрдамида мураккаброқ ақлий жараёнларни ҳам соддалаштириш, схемалаштириш мумкин.

Ҳозирги вақтда мантиқий масалаларни бажариш учун ҳаммабоп электрон-ҳисоблаш машиналари билан бир қаторда, кичик ҳажмдаги махсус мантиқий машиналардан ҳам фойдаланилмоқда. Олимларимиз ақлий жараённинг янада мураккаброқ хилларини машиналарга кўчириш устида иш олиб бормоқдалар.

Мантиқий машиналарнинг вужудга келиши билан ақлий жараён, фикрлашнинг ички қонунларини янада тўлароқ, чуқурроқ ўрганиш зарурияти туғилади. Чунки ҳозирда фалсафа ва мантиқ томонидан ўрганиб келинаётган «инсон қандай тафаккур қилади» деган савол назарий қизиқишлар доирасидан чиқиб, бевосита амалий аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу масалани тўла илмий асосда ҳал этиш файласуфлар, мантиқшунослар, психологлар, олий нерв фаолияти билан шуғулланувчи физиологлар, тилшунослар, математика ва кибернетика фани вакиллари, инженерларнинг яқиндан ҳамкорлигини талаб этади.

Лекин, шуни айтиш керакки, қанчалик мураккаб жараёнларни бажара оладиган мантиқий машиналар вужудга келмасин, улар ҳеч қачон инсон миясининг функцияларини тўлиқ бажара олмайди.

Ахборотчи мантиқий машиналар инсон учун объектив реалликнинг ички сирларини билишда, кўплаб учраб турадиган турли масалаларни ҳал этишда қурол бўлиб хизмат қилади, холос.

Ҳар қандай машина инсоннинг ижодий фаолияти, унинг ўткир зеҳни, тафаккурининг маҳсули, олинган билимлар асосида миянда туғиладиган ажойиб фикрларнинг моддийлашишидир.

Инсон ўз мақсадларига тезроқ эришиш, ўз вазифасини осонлаштириш ниятида фикрий фаолиятини, ақлини қисман мантиқий машиналарга кўчириб, улардан кенг фойдаланмоқда.

5. Мантиқ илмининг аҳамияти

Мантиқ инсон тафаккури маданиятини кўтариш ва инсониятнинг узоқ тажрибаси натижасида такомиллашган тафаккур шакллари, қонунлари ва қоидаларини билиш учун хизмат қилади. У инсон фикрининг кетма-кет, зиддиятсиз ва асосли бўлишини вужудга келтиради. Мантиқ фани мазмунини чуқурроқ ўрганиш кишиларнинг ўз тафаккури ва ўзгалар тафаккури натижаларига танқидий қараш хислатларини ривожлантиради. Тафаккурнинг бу сифатлари эса инсоннинг турли илмий ва амалий фаолиятлари соҳасидаги иши учун катта аҳамиятга эга. Шунингдек, ёш авлодни ўқитиш ва юқори маданиятли қилиб тарбиялаш соҳасидаги педагогик фаолият учун ҳам тафаккур шакли ва қонунларини билиш ва ундан онгли равишда фойдаланиш катта аҳамиятга эгадир. Маълумки, ўқитувчилар ҳамма вақт ўқувчилардан ўз фикрининг аниқ, хулосаларнинг асосли бўлишини талаб этадилар. Шу жиҳатдан мантиқ илми ўқувчиларга уларнинг кундалик ишларида амалий ёрдам беради. Ўқитувчининг мантиқни ўрганиши унга дарсни ва таълим-тарбия ишларини тўғри ташкил этишда кўмаклашади. Мантиқий усуллардан тўғри фойдалана олиш, таълим-тарбия жараёнида исбот ва раддиянинг мантиқий томонларини билиш ўқитувчиларга ўз нутқининг асосли бўлишини таъминлашда, студентлар фикридаги зиддиятларни очишда ёрдам беради.

Ўқитувчилар ўз предметларини чуқур билиш, шу билан бирга фаолиятлари нутқларидаги зўр мантиқийлик орқали, ўқув материалларини аниқ, кетма-кет, зиддиятсиз ва асосли, ишонарли ифода этиш, ўз хулосаларини шубҳасиз далиллар билан студентлар онгига сингдириш орқалигина ўз мақсадларига эришишлари мумкин.

Мантиқни яхши билиш турли илмий учрашувлар, мунозаралар, муҳокамаларда муҳим аҳамиятга эга

бўлади. Бундай ҳолларда ҳақиқатни аниқлаш ёки унинг софлигини сақлаб қолиш, асослаш учун мантиқий қонун-қоидаларни тўғри татбиқ эта билиш, суҳбатдошининг фикридаги хатоларни тез топа билиш, ўз фикрингизни далилли қилиб баён этиш зарурдир. Бу эса мантиқ фанини яхши билишга кўп жиҳатдан боғлиқ.

Мантиқ фалсафий фанлар қаторига кириши билан бирга улар орасида энг муҳим ўринлардан бирини эгаллайди ҳамда одамни мавҳум фикрлашга, мавҳум, умумий тушунчалар, категориялар билан фикр юрита олишга ўргатади. Бу жиҳатдан мантиқ математикага яқин туради.

Мантиқни яхши билиш айниқса юридик соҳада хизмат қилувчилар учун ниҳоятда зарурдир. Айблов, оқлов, суддаги савол-жавоб кабиларнинг натижалари аввало фактлар билан бирга мантиқ кучини, далилнинг ишонарли бўлишини, фикрнинг асосли, исботли, зиддиятсиз бўлишини талаб этади.

Мантиқни билиш айниқса илм-фан билан шуғулланиш, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, борган сари кўпайиб бораётган илмий ахборотларни тартибли равишда ўзлаштириш, илмий масалаларнинг тузилишини тез билиб олиш учун ҳам муҳим роль ўйнайди. Мантиқнинг илмий-назарий ишлар ҳамда инсоннинг амалий фаолияти учун бўлган аҳамиятини алоҳида уқтириш билан бирга, ҳақиқий хулоса чиқаришнинг ҳал қилувчи шарти — ҳаётни чуқур ўрганиш, ҳар бир воқеликдаги ҳолларни диалектика талаби асосида билиш зарур.

II боб. МАНТИҚ ФАНИ ВА ТИЛ[1]

1. Тил — ахборот белгилари системаси

Тафаккур тил билан узвий боғланган. Тил фикримизнинг бевосита мавжуд бўлишини таъминлайдиган ва кишилар ўртасида алоқа ўрнатишга хизмат қиладиган ахборот белгилари системасидан иборат. Тилни ўрганиш мантиқ фанининг муҳим вазифаларидан бирини ташкил этади. Маълумки тафаккур оламни мавҳумлаштириб ва умумлаштириб акс эттирадиган идеал ҳодисадир. Мавҳум нарсаларни, умумийликни фақат тил ёрдамидагина қайд қилиш мумкин. Тил ва тафаккурнинг бирлиги нутқда ўз ифодасини топади. Нутқ оғзаки ва ёзма ҳолда мавжуд бўлиб, унда фикримиз моддий шаклга, яъни ҳиссий идрок этиладиган шаклга киради ва шу тариқа у энди бир шахсга эмас, балки жамиятга тегишли бўлиб қолади.

Тил ҳам онг, тафаккур каби қадимийдир. У кишиларнинг ижтимоий меҳнат фаолияти негизида вужудга келган ва ривожлана борган. Ана шунинг учун ҳам у чуқур социал мазмунга эга ҳамда маданиятимиз ва тарихимизнинг муҳим бир қисмини ташкил этади.

Тил ёрдамида билимлар ҳосил қилинади, тўпланади ва бир авлоддан бошқа авлодга ўтказиб берилади. Шу тариқа у таълим ва тарбия ишларини амалга оширишга, маданиятимизни тараққий эттиришга ёрдам беради.

Белги бошқа бир предметнинг вакили вазифасини бажарувчи ҳамда у ҳақда маълум бир хабарлар бериши, уни сақлаш, қайта ишлаш ва узатишга имконият яратувчи моддий предметдир. Ҳар қандай белги ҳам тил белгиси бўла олмайди. Тилга алоқаси бўлмаган белгилар қаторига нусха — белгилар (масалан,

---

[1] Тил тафаккурнинг (фикрнинг) мазмунини ҳам, шаклини (тузилишини) ҳам ифода қилувчи системадир. Бу системанинг элементлари белгилардан иборат.

фотография карточкаси, бармоқ изи ва шу кабилар), индекс — белгилар ёки кўрсатувчи белгилар (масалан, бадан ҳароратининг кўтарилиши — касаллик белгиси, тутун — оловнинг белгиси ва шу кабилар) киради. Тил белгиси символ — рамзлар шаклида мавжуд бўлиб, ўзи ифода қиладиган предметлар билан тузилишига кўра ҳеч қандай ўхшашликка эга эмас. Мантиқ ўз эътиборини ана шундай тил белгиларини ўрганишга қаратади.

Тил белгилари ўз маъносига ва мазмунига эга. Тил белгисининг мазмунини у ифода қилаётган, кўрсатаётган объект ташкил этади. Масалан, «аудитория» сўзи реал мавжуд объектни — аудиторияни акс эттирувчи фикр мазмунини ифода этади. Тил белгисининг маъносини эса у ифода қилаётган объектнинг характеристикаси ташкил этади. Масалан, «Аудитория» сўзининг маъносини «машғулот ўтказиш учун мўлжалланган хона», «махсус жиҳозланган хона» каби фикрлар ташкил этади.

Белгиларнинг билишдаги вазифасини ўрганишга Аристотель, Лейбниц каби мутафаккирлар катта эътибор берганлар. Белгилар ҳақидаги таълимотни тараққий эттириш XIX асрда актуал масалага айланган. Мана шу даврда америкалик файласуф Чарльз Пирс (1839—1914) белгилар ҳақидаги фан — семиотикага асос солган. Бу фан тил белгисини уч хил йўналиш бўйича анализ қилади. Биринчисини **семантика** ташкил қилиб, бу белги билан у ифода қилаётган объект ўртасидаги муносабатни ўрганади. Иккинчиси **прагматика** бўлиб, у кишиларнинг белгиларга муносабатини ҳамда белгилар ёрдамида кишилар ўртасида вужудга келадиган муносабатларни ўрганади. Учинчиси **синтаксис** дейилиб, у белгилар ўртасидаги муносабатларни (тилни қуриш қоидаларини) ўрганади. Мантиқ фанини кўпроқ тил белгиларининг семантикаси қизиқтиради.

2. Табиий ва сунъий тил

Тилнинг иккита тури мавжуд. Улар табиий ва сунъий тиллардир. **Табиий** ёки **миллий тиллар** тарихан шаклланган товушлар (нутқ) ва графика (ёзув)нинг ахборот белгилари системасидан иборат. Табиий тилнинг алоҳида олинган ҳар қандай белгиси ўз ҳо-

лича ҳеч нарсани ифода қилмайди. Бу белгилар инсон амалий фаолияти ва тафаккури тараққиётининг негизида вужудга келган тил системасига киргандагина маълум бир маъно ва мазмун касб этувчи белгиларга айланади.

Табиий тил объектив оламнинг ва билишнинг турли хил соҳаларига тегишли бўлган предметлар, ҳодисалар ҳамда уларнинг хоссалари ва муносабатларини қамраб олиш ва ифода қилишдек катта имкониятга эга. У семантик жиҳатдан ёпиқ система ҳисобланади. Бошқача айтганда табиий тил бошқа тилларга мурожаат қилмаган ҳолда, мустақил равишда ўзини қуриши ва ифода қилиши мумкин. Шунинг билан бирқаторда табиий тил билиш жараёнида айрим қийинчиликларни келтириб чиқаради. Улар қуйидагилардан иборат: 1) табиий тилдаги сўзларнинг маъноси вақт ўтиши билан ўзгариб туради; 2) табиий тилда бир сўз бир қанча тушунчани ифода қилиши (омонимлар) ёки бир тушунча бир қанча сўзларда ифода қилиниши (синонимлар) мумкин; 3) табиий тилдаги баъзи сўзлар ёрдамида ифода қилинган фикр аниқ маънога эга бўлмай қолади (масалан, «Карим чет тилини унчалик яхши билмайди» деган фикрда Каримнинг кимга нисбатан ёки қандай вазифани бажаришга нисбатан яхши билмаслиги кўрсатилмаган).

Табиий тилдаги мана шу ҳодисалардан ҳоли бўлиш учун илмий билишда атамалардан фойдаланилади. Атама ўзининг қатъий ва аниқ маъносига эга бўлган сўз бўлиб, бу маъно дефиниция (таъриф) ёрдамида кўрсатилади. Шунингдек, табиий тилда аниқликка сунъий тилдан фойдаланиш йўли билан ҳам эришилади.

Сунъий тил табиий тил негизида яратилган ёрдамчи информацион белгилар системасидан иборат бўлиб, у мавжуд ахборотлар, хабарларни аниқ ҳамда тежамли баён қилиш ва узатиш учун хизмат қилади. Сунъий тилда сунъий йўл билан яратилган махсус белгилар, яъни символлар — рамзлар ишлатилади. Табиий тилдаги конкрет мазмунга эга бўлган фикрлар илмий билишда ана шундай символлар билан алмаштирилади. Демак, сунъий тил фикримизнинг конкрет мазмунидан четлашган ҳолда фақат символлар билан иш олиб боришни таъминлайди.

Сунъий тиллар ҳозирги замон фани ва техникасида кенг қўлланилади. Уларнинг айниқса математи-

ка, физика, кимё, кибернетика, ҳисоблаш техникаси ва шу каби соҳалар ривожланишида ҳиссаси катта. Сунъий тилларнинг ишлатилишига мисол қилиб математикадаги тўғри бурчакли учбурчак томонларини ифода қилувчи $Cos^2\alpha + Sin^2\alpha = 1$ формулани, кимёдаги сувни ифода қилувчи H_2O формулани, механикадаги тезликни ифода қилувчи $V = \frac{s}{t}$ формулани ва шу кабиларни кўрсатиш мумкин. Электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар тузишда эса махсус алгоритмик тиллар яратилади. Улар «Алгол-60», «Алгол-65», «Фортран», «Кобол», «Пл-1», «Ассемблер», «Бейсик» ва бошқалардан иборат. Сунъий тилдан мантиқ фани ҳам фикримиз тузилишини назарий жиҳатдан анализ қилишда фойдаланади.

Демак, илмий билишда табиий тилдан ҳам, сунъий тиллардан ҳам фойдаланилади. Илмий тил эса табиий тил, сунъий тил ва махсус атамалардан ташкил топган бўлади.

Умумий мантиқ ўзининг махсус илмий, формаллашган тилига эга. У инсон тафаккурининг тузилишини аниқ ва равшан ҳолда ифода қилиш учун яратилган. Бунинг моҳиятини тушуниш учун формаллаштиришнинг ўзи нима эканлигини аниқлаб олиш зарур.

Формаллаштириш конкрет мазмунга эга бўлган фикрларни символлар билан алмаштириш, яъни пропозиционал функция ҳосил қилиш, формулалар киритиш, мантиқий қоидаларни яратиш орқали тафаккурнинг структурасини ифода қилиш демакдир. Тафаккурнинг структураси билан мантиқнинг тилда ифода қилиниши структураси ўртасида ўзаро мувофиқлик мавжуд, яъни ҳар бир конкрет фикр структурасига маълум бир тил структураси мувофиқ келади. Буни пропорционал функция ҳосил қилиш мисолида кўришимиз мумкин. «Тошкент — Ўзбекистоннинг пойтахти» деган фикрдаги «Тошкент» тушунчасини — S, «Ўзбекистоннинг пойтахти» тушунчасини P билан алмаштирсак, S—P[1] кўринишига эга бўлган пропозиционал функция ҳосил бўлади. Пропозиционал функция ўзгарувчи қийматга эга ифода бўлиб, бу қиймат аргумент билан алмаштирилганда конрет мазмунли фикр ҳосил бўлади.

---

[1] S ва P лотинча Sybiektum ва Praedicatum сўзларининг бош ҳарфлари; улар ёрдамида тафаккур шаклларидан бири бўлган ҳукмнинг структураси ифода қилинади.

Формаллашган тил қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

1. Асосий белгилар аниқ ифода қилинган бўлиши керак. Бу белгилар асосий тушунчалар, атамаларни ифодалайди.

2. Таърифлашнинг барча қоидалари кўрсатилган бўлиши керак. Бу қоидаларга асосланган ҳолда мавжуд белгилар ёрдамида янги, қисқароқ белгилар ҳосил қилинади.

3. Формулаларни тузишнинг барча қоидалари берилган бўлиши керак. Бунга мисол қилиб тушунчалардан гап ҳосил қилиш қоидаларини кўрсатиш мумкин.

4. Хулоса чиқариш қоидаларининг барчаси кўрсатилган бўлиши керак. Бу қўлланиладиган белгиларнинг (сўз, гап, символлар) график усул билан ифодаланишига тегишлидир.

5. Қўлланиладиган белгиларнинг маъносини талқин қилиш қоидалари кўрсатилган бўлиши керак.

Формаллашган тилга эга экан, мантиқ чин фикрни ифода қилувчи бир формула ёрдамида худди шундай чин фикрни ифода қилувчи бошқа формулани келтириб чиқара олади. Бунда берилган фикрнинг конкрет мазмуни эътиборга олинмайди.

Формаллашган тилнинг яна бир устунлиги шундаки, мантиқий хулоса чиқаришда кўзда тутилмаган асосларнинг қатнашиб қолиши мумкин эмас. Математика ва мантиқнинг кўп масалалари фақат мана шу йўл билан ечилиши мумкин.

Ниҳоят, бир соҳада яратилган формаллашган тилдан бошқа бир соҳага оид масалаларни ечишда фойдаланиш мумкин. Масалан, мантиқда синфлар билан бўладиган амалларда математика тилидан (қўшиш, кўпайтириш, тўлдириш каби атамалардан ҳамда уларни ифода қилувчи белгилардан) фикр тузилишини ифода қилиш учун фойдаланиш мумкин. Бунда, албатта фойдаланилаётган белгиларга махсус маъно берилади.

Формаллашган тилнинг камчилиги эса шундаки, у табиий тилга қараганда объектни юзаки ҳолда ифода қилади. Ҳозирги даврда мавжуд формаллашган тиллар борлиқнинг ва билишнинг жуда кам соҳаларини қамраб олган. Билишнинг қайси соҳаларида формаллашган тилни яратиш мумкинлигини олдиндан айтиш қийин.

Шунингдек, формаллашган тил эмпирик тадқиқотларнинг ўрнини боса олмайди. Ана шунинг учун ҳам илмий тил формаллашган тилдан фойдаланиш билан чегараланиб қолиши мумкин эмас.

Шунга қарамасдан формаллашган тил ҳозирги пайтда илмий билишда ва амалий ҳаётда муҳим аҳамиятга эга. У айниқса фикрнинг тузилишини ўрганишга, унинг мантиқий қийматини, яъни чин ёки хатолигини аниқлашга қулай шароит яратади. Шунинг учун мантиқнинг формаллашган тилини яратишга ва уни чуқурроқ ўрганишга қизиқиш катта.

3. **Тилнинг семантик категориялари.** Тафаккурнинг мантиқий шаклини ўрганишда семантик категориялар муҳим аҳамиятга эга. Семантик категориялар тил ифодаларининг синфларидан иборат бўлиб, улар бир-биридан қандай объектларни акс эттириши билан фарқ қиладилар. Асосий семантик категориялар қаторига гап ва унинг таркибида нисбатан мустақил ҳолда мавжуд бўлган қисмлари — дескриптив ва мантиқий атамалар киради.

Гап ҳукмни, саволни ва нормани (буйруқни) ифода қилиши мумкин. Ҳукмни ифода қилувчи гап предметга бирорта белгининг (хосса ёки муносабатнинг) хослигини тасдиқлайди ва инкор қилади. У дарак гапдан иборат.

Гапда предметларни, уларнинг хоссалари ва муносабатларини акс эттирувчи ифодалар **дескриптив атамалар** дейилади. Дескриптив атамалар **предметлар номлари** ёки **термалар** (предметларни, предметлар тўпламини акс эттирувчи ифодалар) ва **предикатор-**

ларга (предметларнинг хоссалари ва муносабатларини акс эттирувчи ифодалар) бўлинади. Предметларнинг номлари айрим сўзлар ва сўз бирикмалари бўлиб, улар моддий (планета, электр токи) ва идеал (сезги, тафаккур) предметларни ифодалайди. Предмет номи белгидан иборат бўлганлиги учун ўз мазмуни ва маъносига эга. Номнинг мазмуни предметни ифода қилади ва мантиқда **денотат** деб аталади. Номнинг маъноси эса предметнинг муҳим, умумий белгиларини ифода қилади ва **концепт** деб аталади. Масалан, «Аристотель», «Логика фанининг асосчиси», «Топика» асарининг муаллифи» каби ифодаларнинг мазмуни бир хил, яъни битта предметни ифодалайди, маъноси эса турли хил, яъни фикр қилинаётган объектнинг ҳар хил белгиларини қайд қилади.

Шунингдек номлар якка («Тошкент шаҳри») ёки умумий («шаҳар») бўлиши мумкин. Бунда якка ном битта предметни, умумий ном эса предметлар синфини акс эттиради.

Предикаторлар гапда кесим ўрнида келиб, ўзи тааллуқли бўлган номнинг миқдорига боғлиқ ҳолда бир ўринли ёки кўп ўринли бўлиши мумкин. Бунда предметнинг хоссасини ифода қилувчи предикаторлар бир ўринли педикаторлар, предметлар ўртасидаги муносабатларни ифода қилувчи предикаторлар кўп ўринли педикаторлар ҳисобланади. Масалан, «Ўзбекистон Ҳамдўстликдаги республикадир» деган фикрда «Ҳамдўстликдаги республикадир»деган предикатор бир ўринли, «Ўзбекистон Туркия билан иқтисодий шартнома тузди» деган фикрда «иқтисодий шартнома тузди» предикатори икки ўринли, «Ўзбекистон Сирдарё ва Амударё оралиғида жойлашган» деган фикрда «оралиғида жойлашган» предикатори уч ўринлидир.

Мантиқий атамалар (мантиқий константалар) доимий мантиқий қийматга эга бўлиб, гапда дескриптив атамаларни боғлашда ишлатилади. Улар ўзбек тилида «ва», «ҳам», «ҳамда», «ёки», «ёхуд», «барча», «ҳеч

бир», «баъзи», «эмас» каби сўзлар орқали ифодаланади ва турли хил (оддий ва мураккаб) ҳукмлар, мулоҳазаларни ҳосил қилувчи элементлар ҳисобланади. Масалан, «ҳеч бир товар қийматсиз эмас» деган фикрда «ҳеч бир», «эмас» мантиқий атамалар бўлиб, уларсиз дескриптив атамаларни — «товар», «қиймат» сўзларини боғлаб бўлмайди.

Мантиқнинг формаллашган тилини яратишда семантик категориялар аниқ таърифланиши ва тавсифланиши керак. Бунга семантик категорияларни конкрет символларда акс эттириш орқали эришиш мумкин. Ана шу символлар мантиқнинг формаллашган тилининг алифбосини ташкил этади. Мантиқ иккита тил — предикатлар мантиғи тили ва ҳукмлар (мулоҳазалар) мантиғи тили мавжуд.

Ҳукмлар (мулоҳазалар) мантиғи ҳукмларнинг ички тузилишини ўрганишдан четлашиб, уларнинг ўзаро мантиқий алоқасини ҳисобга олган ҳолда муҳокама қилиш жараёнини анализ қиладиган формаллашган мантиқий системадир. Ҳукмлар мантиғи тили алифбони, ифодалар таърифларини ва уларнинг талқин қилинишини ўз ичига олади. Хусусан бу тил алифбоси қуйидагилардан ташкил топган.

1. p, q r ... пропозиционал ўзгарувчилар, яъни ҳукмлар учун символлар.

2. $\wedge$ — конъюнкция белгиси; у ўзбек тилидаги «ва», «ҳам», «ҳамда» каби боғловчиларга тўғри келади. Масалан, «Доклад тугади (P) ва унинг муҳокамаси бошланди» (q) деган ҳукмни $P \wedge q$ шаклида ифода қилиш мумкин.

3. V — дизъюнкция белгиси; у ўзбек тилида «ё», «ёки», «ёхуд» каби сўзларга тўғри келади. Масалан «Электр токи ё ўзгарувчан (P) ё ўзгармас бўлади» (q) деган ҳукм $P \vee q$ шаклида ёзилади.

4. $\rightarrow$ импликация белгиси; унга ўзбек тилида «Агар... бўлса,—... бўлади», деган ифода тўғри келади. Масалан, «Агар талаба мустақил ишласа (P), ўқув ма-

териалларини яхши ўзлаштиради (q)» деган ҳукм $P \rightarrow q$ шаклида ёзилади.

5. $\leftrightarrow$ эквивалентлик белгиси; унга ўзбек тилида «Фақат ва фақат шундаки...» деган ибора тўғри келади. Масалан, «Фақат жуфт сонларгина (P) 2 га қолдиқсиз бўлинади (q) деган ҳукм $P \leftrightarrow q$ тарзида ёзилади.

6. — — инкор қилиш белгиси. Масалан «Аҳмедов Анвар талабадир (P)» деган ҳукм инкор қилинганда «Аҳмедов Анвар талаба эмас» $\bar{P}$ ҳукмига айланади, яъни P ўзининг инкори бўлган $\bar{P}$ га ўзгаради.

Предикатлар мантиғи — муҳокама жараёнини ҳукмларнинг ички тузилишини ҳисобга олган ҳолда ўрганувчи формаллашган мантиқий системадир. Предикатлар мантиғи алифбоси ҳукмлар мантиғи алифбосига янги символлар қўшиш орқали ҳосил қилинади. Улар қуйидагилар:

1. а, в, с...;— предмет номларини ифодаловчи символлар, улар константалар деб ҳам аталади.

2. x, y, z ...;— предметларнинг умумий номларини билдирувчи символлар.

3. P^1, Q^1, R^1 ... P^2, Q^2, R^2 ... P^n, Q^n, ^nR — предикаторлар учун символлар; бунда 1 — бир ўринли предикаторни, 2 — икки ўринли предикаторни, n—n ўринли предикаторларни билдиради.

4. Ҳукмнинг миқдорини билдирувчи символлар: — умумийлик квантори; унга ўзбек тилида «барча», «ҳар бир», «ҳеч бир» каби сўзлар тўғри келади. Масалан, «Барча фуқаролар меҳнат қилиш ҳуқуқига эга» деган ҳукм $\forall x P(x)$ кўринишида ёзилади.

$\exists$ — мавжудлик квантори; унга ўзбек тилида «баъзи», «айрим» каби сўзлар тўғри келади. Масалан, «Баъзи кишилар кооперативларда ишлайди» деган ҳукм $\exists x P(x)$ кўринишида ёзилади.

Ҳукмлар мантиғи ва предикатлар мантиғи натурал хулоса чиқариш системаси ёки аксиоматик система сифатида қурилиши мумкин.

III боб. МАНТИҚ ФАНИНИНГ АСОСИЙ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

1. Қадимги дунёда мантиқ фани

Мантиқ, тафаккурнинг шакл ва қоидалари ҳақидаги дастлабки маълумот фалсафий илмларнинг шаклланиши билан узвий боғлиқ бўлиб, мантиқ тарихи фалсафадаги турли оқимлар, жумладан материализм билан идеализм ўртасидаги муносабатларни ўзида ифодалайди.

Материализм инсон билимларининг асоси, манбаи абадий мавжуд бўлган объектив реаллик, материя деб талқин этса, идеализм билимлар манбаи — инсон онги, мавжуд реал предмет, ҳодисалар, реалликнинг ўзи ҳам онг маҳсули деб тушунтиради.

Тафаккурнинг шакл ва қонунлари объектив фикрлаш учун табиий характерга эга бўлса ҳам, уларни талқин этиш, тафаккур тўғрисидаги таълимотлар жамиятдаги оқимлар кураши таъсирида шаклланади.

Мантиқий анъаналар Хитой, Ҳиндистон, Греция ва дунёнинг бошқа мамлакатларида бир-бирига боғлиқ бўлмаган тарзда юзага келади. Қадимги Хитой мутафаккирлари мантиқдаги тасниф ва унинг буюмларга бўлган муносабатини аниқлашга уриндилар.

Фан тарихида ўз услуби ва фикрлаш структурасини ўрганиш жиҳатидан бир-биридан фарқ қилувчи икки хил мантиқий система — ҳинд мантиғи ва қадимги юнон мантиғи маълум. Биринчи мантиқ системаси Хитой, Япония, Мўғулистон, Корея, Индонезия мамлакатларида кенг тарқалди, ривожланди. Қадимги Юнонистонда вужудга келган мантиқ фани асосида ҳозир бизга маълум бўлган формал, умумий логика фани шаклланди.

Ҳинд фалсафасида мантиқий билимларнинг ривожланиши милоддан олдинги VI—V асрларга тўғри келади.

Ҳиндистонда мантиқ илмининг ривожланишини қадимги ва феодализм давридаги мантиққа ажратиш мумкин. Эрамиздан аввалги IV асрдан бошлаб тафак-

кур тузилиши ҳақида турли фикрлар ҳосил бўлди. Эрамизнинг бошларига келиб, II—IV асрларда чарвак, вайшешика, ньяя, локаята каби материалистик характердаги фалсафий мактаблар вужудга келиши билан мантиқ илми мустақил фан сифатида шаклланди. Бу жиҳатдан ҳинд файласуфлари Дигнага (VI), Дхармакирти (VII), Дхармоттари (IX) ва Ратнакирти (X) ларнинг асарлари муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Дигнага мантиқий билимларни бошқа фалсафий билимлардан мустақил ҳолда ажратиб, мантиқни маълум система сифатида ишлаб чиқди. «Билиш манбалари ҳақида» асарида у мантиқий формалар, хусусан хулоса чиқаришни кенг талқин этди.

Ҳиндистонда VII асрнинг машҳур файласуфи ва мантиқшуноси сифатида Дигнаганинг шогирди **Дхармакирти** ном қозонди. У мантиққа оид «Мантиқ томчилари» (ўқув дарслиги), «Мантиқий асос тўғрисида қисқача дарслик», «Мантиқий алоқалар ҳақида тадқиқотлар», «Билимнинг ҳақиқийлиги тўғрисида» каби еттита китоб ёзиб қолдирди.

Бу асарларда бошланғич мантиқий билимлар, мантиқий хатолар ва айниқса асосий фикрлаш шакли — хулоса чиқариш ҳамда исботлаш ҳар томонлама таҳлил этилади.

Дхармакиртидан сўнг ҳам бир неча аср давомида ҳинд мантиғи ривожланди ва қўшни мамлакатларда фалсафий билимларнинг ривожига катта таъсир кўрсатди.

Ҳинд мантиғининг муҳим хислати фикрлаш шаклларини бевосита конкрет мазмун билан боғланган ҳолда таҳлил этиш бўлди. Ҳинд мантиғи учун хусусан беш қисмдан ташкил топган силлогизм ҳақидаги, умумий асосни конкрет мисол билан боғлаб бериш тўғрисидаги таълимот хосдир. Бундан ташқари, ҳинд мантиғида ҳукм фикрнинг мустақил шакли сифатида берилмасдан, хулоса чиқаришнинг элементи сифатида баён этилади. Ундан ташқари, идрок фикрлашнинг бошланғич шакли сифатида фойдаланилади. Бу жиҳатдан ҳинд мантиқий системаси математик аксиомалар билан боғлиқ бўлган қадимги юнон мантиқ илмидан фарқ қилади.

Эрамиздан олдинги V—IV асрларда Юнонистонда қадимги Шарқ — Вавилония, Миср, Кичик Осиёда вужудга келган математик билимларнинг таъсирида мустақил равишда мантиқ илми шакллана бошлади. Ху-

сусан, юнон материалист файласуфи **Демокрит** (эр. аввал. 460—370) ўз асарларида «логос» терминини умуман дунёнинг ва билишнинг асоси сифатида кенг қўллаб, тафаккурнинг шаклларига — индукция, аналогия, тушунча кабиларга тўхтаб ўтди.

Тафаккурни ва унинг шаклланишини идеалистик талқин этиш жиҳатидан **Сократ** (эр. аввал. 469—309, ва **Платон** (эр. аввал. 428—347) таълимотлари характерлидир. Сократ турли мантиқий усуллар ва мантиқий воситалар ҳақидаги фикрларини оғзаки баён этган бўлса, Платон «Федон», «Теотет», «Перменид», «Софист» каби диалогларида турли мантиқий шакллар, масалан, тушунча, ҳукм, айрим мантиқий усуллар тўғрисида қатор фикрларни баён этиб, мантиқий билимларни бойитди.

Хусусан, Платон ўз диалогларида тушунча, уни таърифлаш ва тақсимлаш, ҳукмнинг тасдиқ ва инкор шакллари устида тўхтайди. Ҳукмларни эмпирик ва соф ақлий ҳукмларга ажратади, уларнинг тушунчалардан ташкил топиши, ҳукмлар ёрдамида тушунчаларнинг жинс, тур, турли ҳажм муносабатларини аниқлайди, энг умумий тушунчалар — категориялар устида фикр юритади.

Лекин Платон (Шарқда Афлотун номи билан маълум) мантиқий шаклларни соф руҳнинг идеал маҳсули, кўриниши деб қарайди, уни идеялар системаси деб талқин этади. Шунинг учун ҳам мантиқий қонунларни мавжудотнинг, объектив нарса, ҳодисаларнинг ички қонуни сифатида тушунади, мавжудотга айнийт, ўзгармаслик хосдир, дейди. У билимни сезгидан, ҳиссий билишдан эмас, ақлнинг ўзидан келтириб чиқаради. Платон фалсафаси, унинг мантиқий таълимотлари объектив идеализмга асосланади ва Демокритнинг табиатшунослик билимларига асосланган фалсафий фикрларидан фарқланади. Лекин Платон таълимотида ҳам мантиқ мавжудот ва билиш ҳақидаги умумфалсафий фикрлар билан қоришган ҳолда баён этилган бўлиб, у ҳали мустақил фан сифатида ажралиб чиқмаган эди.

Бу вазифани буюк юнон қомусшунос файласуфи **Аристотель** (эр. аввал. 384—322) бажарди. Ф. Энгельс ифодаси билан таърифлаганда, қадимги Юнонистоннинг энг қомусий ақли Аристотель таълимоти умуман қадимги фалсафа ривожининг чўққиси бўлиб, у мантиқни мустақил фан сифатида асослади. Ўз давридаги

табиатшунослик ва фалсафий билимларни умумлаштирган ҳолда Аристотель (Шарқда Арасту номи билан машҳур) барча фалсафий масалаларни изчил ёритди ҳамда тафаккурнинг мантиқий шакл ва қонуниятлари, мантиқий усуллари ҳақида энг тўлиқ таълимотни яратди. Фалсафа фанининг умумий тузилиши антология-метафизика, гнесеология, мантиқ, психология, этика, эстетика каби илмларни ўз ичига олувчи яхлит система эканлиги ҳам биринчи бор Аристотель асарларида баён этилди.

Аристотель тафаккурнинг мантиқий шакл ва қонуниятлари ҳақидаги илмни аналитика — хулоса чиқариш ва ападептика — исботлаш деб атади. Аристотель мантиғи — бу хулоса чиқариш назариясидир. Хулоса чиқариш аксиоматик принципга асосланади ва бу жиҳатдан Аристотелнинг мантиқ таълимоти математик категориялар ва усулларни фалсафий умумлаштириш натижасида вужудга келгандир.

Лекин шу билан бирга Аристотель тафаккурнинг бошқа шакл, қонуниятлари ва усуллари тўғрисида ҳам махсус асарлар яратди. Умуман, Аристотель турли фалсафий масалаларга оид кўп асарлар ёзиб қолдирди. Унинг шогирдлари мантиққа оид асарларини тўплаб ва системага солиб «Органон» номини бердилар. «Органон» Аристотелнинг бевосита тафаккур шакллари тўғрисидаги билимларни баён этувчи 6 асарини ўз ичига олади. Булардан «Категория» асарида тушунчалар, уларнинг турлари, асоси, энг умумий илмий тушунча — категориялар, уларнинг илмий қиммати кабилар баён этилади. «Талқин ҳақида» деб номланувчи иккинчи асар ҳукмлар ҳақидаги таълимотни, уларнинг тузилиши, турлари, аҳамияти, фикрлаш жараёнида тутган ўрни каби масалаларни ўз ичига олади. «Биринчи аналитика» асарида мантиқий тафаккурнинг энг муҳим шакли — хулоса чиқариш, унинг элементлари, турли усул ва хиллари каби жуда кўп масалалар баён этилган. «Иккинчи аналитика» асарида хулоса чиқариш билан боғлиқ бўлган фалсафий исботлаш назарияси, исботлашнинг асослари, тузилиши, турлари, характери, алоҳида-алоҳида аҳамияти каби қатор масалалар изчил ёритилгандир.

«Топика» китоби фикрлаш жараёнида фойдаланиладиган турли мантиқий категориялар, усуллар, йўл-йўриқларни таҳлил этишга бағишланган. «Софистик

раддиялар ҳақида» асарида Аристотель фикрлаш, муҳокама жараёнида вужудга келадиган турли нотўғри хулосалар, уларнинг сабаблари, турлари, зарари ва уларни аниқлаш ва тўғрилаш йўллари ҳақида фикр юритади. Аристотелнинг «Органон»га киритилмаган бошқа асарлари ҳам, айниқса уч китобдан иборат «Жон тўғрисида», «Физика», «Риторика» мантиқ илмининг турли масалаларига оид фикрларга бой.

Аристотелнинг энг муҳим фалсафий асари — «Метафизика»да ҳам мантиқнинг асосий масалалари — қонунлари хусусида фикр юритилади.

Аристотель кашф этган ва изоҳлаб берган тафаккурнинг 3 мантиқий қонуни: айният қонуни, қарамақаршилик қонуни ва истисно қонуни ҳақидаги мулоҳазалар «Метафизика» асарида баён этилган. Шуни кўрсатиб ўтиш зарурки, Аристотель тафаккур шакл ва қонунларини тилдаги нутқий ифодаси билан боғлаб текширди.

Аристотель мантиқни янги билимлар тўғрисида хулоса чиқариш ва ҳақиқатни исботлаш қуроли, чин билимни асослаб бериш тўғрисидаги фан сифатида талқин этди. Аристотелнинг мантиқ таълимоти бу силлогизм ҳақидаги, дедукция тўғрисидаги таълимотдир.

Мантиқ, Аристотель фикрича, ҳақиқатни, чин фикрни ёлғондан ажратиш учун хизмат қилиши керак. Ҳақиқат фикримизнинг объектив реалликка, предмет ва ҳодисалар муносабатига мос келишидир.

Ёлғон эса фикрнинг реал объектив предметларга, уларнинг боғланишларига мос келмаслиги, уларни нотўғри акс эттириш, бузиб кўрсатиш натижасида вужудга келади. Демак, тафаккур шакллари, уларнинг алоқалари субъектив равишда инсоннинг ўз хоҳиши билан белгиланмайди, балки объектив реаллик билан белгиланувчи зарурий ҳодисадир. Шунинг учун мантиқий фикр, мантиқий шакл ва қонунлар объектив характерга эга. Шунинг учун ҳам тафаккурга хос бўлган бу табиий қонунларга риоя этиш, улар асосида фикр юритиш, ҳақиқатни аниқлаш, билишнинг энг муҳим шарт-шароитларидандир.

Аристотель ўз дунёқарашида, билишни талқин этиш, мантиқ масалаларини тушунишда материалистик позицияда турди.

Аристотелнинг мантиқ соҳасидаги фикрлари илм тарихида жуда катта аҳамиятга эга бўлди, у сўнгги

мантиқий билимларнинг ривожини белгилаб берди. Аристотелдан сўнг мантиқ унинг шогирдлари томонидан ривожлантирилди, лекин ривожланиш у асослаб берган структура доирасида борди.

Қадимги Юнонистонда Аристотелдан сўнг **Стоя** фалсафий мактабининг вакиллари мантиқ илмини янги хулосалар билан бойитиб, уни янги босқичга кўтардилар.

Стоя мактаби вакиллари — **Зенон, Хрисипп, Аристон, Посидоний** ва бошқалар тафаккурнинг шакл ва қонунларини ўрганувчи фанни биринчи бўлиб «Мантиқ» деб атадилар. Маълумки, Аристотель бу илмни «Аналитика» номи билан юритган эди. Стоя мактаби Аристотель меросини ўзлаштирган ҳолда ўзларининг мантиқий қарашларида асосан материалистик тенденцияларни ривожлантирди.

Мантиқ илми улар талқинида фалсафанинг биринчи қисми бўлиб, этика, физика каби қисмлари билан боғлиқ ва инсон ахлоқини сақлаш учун хизмат қилади. У инсон ақлини турли хатолардан, адашишлардан сақлаш учун зарур, у инсонни фикрлаш, хулоса чиқаришгагина эмас, тўғри сўзлаш, гап тузишга, яъни грамматикага ҳам ўргатади.

Умуман стоячилар мантиқни риторика, тилшунослик, грамматика фанлари билан боғлаб талқин этдилар ва бу жиҳатдан тафаккур ва нутқ бирлигини ўрганишга ҳисса қўшдилар.

Стоя фалсафий мактаби эрамиздан аввалги IV асрдан тортиб эрамизнинг II асрига қадар давом этди ва маълум ўзгаришга учради. Мантиқ илмига нисбатан муносабат ҳам ўзгариб борди.

Стоя мантиқшунослиги икки қисмдан иборат эди: бири диалектика (яъни мунозара, баҳслашув санъати) ҳамда риторика. Диалектиканнинг ўзи икки қисмдан — грамматика ва билиш назариясидан иборат эди. Шунга кўра мантиқ илми белгилар ва уларни ифодаловчи фикр ҳақидаги фан сифатида талқин этилар эди. Шундай қилиб, Стоя мактаби мантиқ илмининг белгилар назариясини асос қилиб олган эди, улар мантиқий муносабатларни белгилар муносабати орқали анализ қилдилар.

Агар Аристотель қатъий силлогистик хулоса чиқариш, дедукциянинг асоси бўлган категорик силлогизм назариясини ҳар томонлама асослаб берган бўлса,

Стоя мактаби кўпроқ шартли ва тақсимланувчи, бўлинган силлогизм билан шуғулланди.

Стоя мантиғи Аристотель мантиғидан фарқ қилиб, ҳақиқий умумий мантиқнинг шаклланишига олиб келди. Стоя мантиғи билан бир қаторда эрадан олдинги асрларнинг охирларига келиб йирик юнон файласуфи **Эпикур** (эр. аввал. 342—270) фалсафий таълимоти юзага келди ва ривожланди. Эпикур таълимотида фалсафа уч қисмдан иборат. Биринчиси — билиш назарияси ва мантиқ, иккинчиси — физика ва учинчиси — этика. Эпикур ҳар қандай билиш, ақлий билимлар ҳам, фикрлаш шакл ва қонунлари ҳам ҳиссий билишга, сезгиларга асосланмоғи керак деган фикрни илгари сурди. Эпикур, хусусан, **мантиқий қонунлар — айният қонуни** ва қарама-қаршилик қонуни ҳақида гапириб, уларнинг ҳиссий билимларга асосланиши ва объектив реалликка зид бўлмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Эрадан аввалги асрнинг охирида Рим фалсафий таълимотлари вужудга келиб, уларда асосан, қадимги Грецияда қўлга киритилган мантиқ илми ютуқлари ривожлантирилди, хусусан перипатетизм — янги Аристотель таълимоти тарафдорлари узоқ вақтгача устун бўлиб келдилар, улар Стоялар мактабини мантиқни формаллаштиргани учун кескин танқид қилдилар. Эрамизнинг бошларига келиб аввалги материалистик анъаналар инқирозга юз тутди, қадимги қулдорлик даврининг умумий тушкунлигини ифодаловчи турли диний-идеалистик таълимотлар авж олди. Айниқса Платон таълимотини тиклашга асосланган эклектик таълимот — неоплатонизм вужудга келди. Унинг асосчиси **Плотин** (203—270) Аристотель ва припатетикларнинг айрим фикрларидан фойдаланган ҳолда асосан Платон ғояларига таянган объектив идеалистик таълимотни олга сурди. Неоплатонизм мантиқда ҳеч қандай янги фикрни олга сура олмади. Плотин шогирдларидан сурия-лик Порфирий (III аср) мантиққа оид Аристотелнинг «Категориялар» китобига «Кириш» («Беш ном ҳақида») асарини ёзди. Бу асар сўнгроқ «Исагоге» (арабча «Исагувчи») номи билан маълум бўлиб, унда жинс, тур ва турни юзага келтирувчи белгилар ҳақида гап боради. Асарда ҳеч қандай янги фикр бўлмаса-да, Порфирий томонидан жинс, тур муносабатини ўрганиш учун берилган схема кейинчалик Ўрта аср мантиқ фанида кенг қўлланилди.

2. Ўрта асрда Ўрта ва Яқин Шарқ, Ўрта Осиёда мантиқ фани[1]

Неоплатонизм фалсафаси қадимги дунё Греция — Рим маънавий ҳаётининг сўнгги оқими бўлди. У мустақил оригинал таълимот эмас эди. Платон, Аристотель, стоячилар фалсафасининг идеалистик талқини асосидаги қоришмаси бўлиб, унда мистикага катта ўрин ажратилган эди.

Қадимги Юнонистон давлати, сўнг Рим империясининг инқирозга юз тутиши билан эрамизнинг II—III асрларидан бошлаб маданият маркази Мисрнинг Александрия шаҳрига кўчади, бу ерда катта қўл ёзма фондлари, кутубхоналар, турли фалсафий мактаблар вужудга келади.

V—VI асрлар антик маданиятнинг аста-секин емирила бориши, феодал муносабатнинг вужудга келиши асосида ўрта аср маданиятининг шакллана бориши билан изоҳланади.

Бу даврда Қадимги Юнонистон ва Римда қўлга киритилган маданий бойликлар антик даврнинг сўнгги асрларида Кичик Осиёда вужудга келган маданий марказлар орқали Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларига кўчади.

VI—VIII асрларга келиб Яқин ва Ўрта Шарқда Араб халифалигининг вужудга келиши билан янги маданият, тарихда «мусулмон маданияти» номи билан маълум бўлган маданият шаклландики, бу маданият қадимги грек-Рим маданияти ютуқларини тезлик билан ўзлаштирди, ўрта асрда сақлаб қолди, ривожлантирди.

Европада VI—X асрларда маънавий ҳаётни христиан дини тўлиқ қамраб олди ва маданий ҳаёт чуқур тушкунликка учради, схоластика авж олди.

VII асрларда вужудга келган Араб халифалиги қисқа давр давомида Помирдан тортиб Шимолий Испанияга қадар бўлган жуда катта территорияни ўзига бўйсундириб, катта империя вужудга келтирди. Лекин бу империя — халифалик узоқ давом этмаган ва тезда турли феодал давлатларига ажралиб кетган бўлса-да, тарихда катта из қолдирди. Араб халифалигининг

---

[1] Мантиққа оид китобларда мусулмон Шарқида, Ўрта Осиёда мантиқ илмининг ривожланиши ҳақидаги маълумотлар жуда қисқа, тарқоқ берилгани, айрим ҳолларда нотўғри бўлгани учун бу масалага кенгроқ тўхтаб ўтдик.

ҳукмрон дунёқарашини ташкил этувчи ислом дини пайдо бўлди. Халифалик бу динни бошқа босиб олинган мамлакатларда мажбуран тарқатиш учун кураш олиб борди.

Лекин шу билан бирга халифаликка бўйсундирилган барча халқларда уларнинг талантли вакиллари иштирокида янги вужудга келаётган феодал муносабатларига асосланган янги дунёвий маданият, илм-фан, фалсафа, адабиёт, меъморчилик ва ҳоказолар шаклланди.

Бу даврда турли Шарқ мамлакатлари ўртасида савдо-иқтисодий, маданий муносабатлар тез авж олиб кетди, маданий алоқалар, ўзаро маданий таъсир кучайди, натижада турли халқларнинг маданий бойликларидан фойдаланиш имкони вужудга келди.

Бу янги маданиятнинг шаклланишига Ўрта Осиё халқлари, унинг истеъдодли вакиллари муҳим ҳисса қўшдилар.

Бу даврда дунёвий маданият тез суръатлар билан ривож топди, у қадимги Юнонистон маданиятининг энг яхши анъаналарини ривожлантирди. Дунёвий маданиятда табиатни ўрганишга бўлган қизиқиш, илм-фанни ривожлантириш, инсоний қобилиятларни, ақл, тил, ҳис-туйғу, инсон ҳиссиётларини улуғлаш, адолат, яхши хулқ, маърифатли жамоага интилиш асосий ўринни эгаллади.

Бу давр Яқин ва Ўрта Шарқ ҳамда Ўрта Осиё маданий ҳаётида Уйғониш даври бўлди. У Хоразмий, Бухорий, Ар-Розий, Форобий, Ибн Сино, Беруний, Улуғбек каби қомусий олимлар, Фирдавсий, Рудакий, Носир Хисрав, Умар Хайём, Юсуф Хос Ҳожиб каби буюк ёзувчи ва шоирларни, Маҳмуд Қошғарий, Замахшарий, Наршахий, Байхакий каби тилчи, тарихшуносларни дунёга келтирди. Кўплаб илмий рисолалар, адабий асарлар пайдо бўлди, турли фанлар ривож топди.

Мантиқ илми ҳам умуммаданий тараққиётнинг муҳим қисми сифатида бу даврда тез ривожланди.

V—VI асрда қадимги юнон олимлари ва файласуфларининг асарлари юнон тилидан сурия тилига таржима қилиниб, Кичик Осиёнинг Антиохия, Гундишапур, Эдесса каби бу даврда маданий марказга айланган шаҳарларида ўрганилар эди.

Араб халифалиги ташкил топгандан сўнг IX асрнинг бошига келиб ривожланаётган савдо, ҳунармандчилик, иқтисодий муносабатларнинг эҳтиёжи билан дунёвий

илмларга, табиий илмларга муҳтожлик кучайди. Турли қадимги тиллардан — дарий, ҳинд, сурия, набатия ва айниқса юнон тилидан араб тилига илмий асарлар таржима қилина бошланди. Ҳалифаларнинг ўзи бу ишга катта эътибор бериши туфайли кўплаб илмий асарлар таржима қилинди.

IX аср бошида Халифа Маъмун даврида «Байт ул-Ҳикмат»— «Донолик уйи» ташкил этилди, унда тўпланган олимлар турли тиллардан илмий асарларни таржима этиш, изоҳлаш, ўрганиш ва янада ривожлантириш билан шуғулландилар. Булар орасида, хусусан Аристотель асарларини, жумладан, унинг мантиқшуносликка доир асарларини ўрганишга ва таржима этишга катта эътибор берилди. Шу билан бирга юнон олимлари Платон, Гален, Эвклид, Птоломей асарлари ҳам арабчага таржима этилди.

Абу Наср Форобий «Фалсафанинг келиб чиқиши» рисоласида мантиқ илми ривожининг асосий босқичлари ва унинг Араб мамлакатларига ўтиш тарихини ёритиб беради. Аристотелдан бошланган мантиқ илми сўнг Александрияда ўрганилди, ундан Кичик Осиёга — Антиохия, Харран, Бағдод шаҳарларига тарқалди.

IX асрда Яқин Шарқда Аристотелнинг мантиққа оид «Биринчи» ва «Иккинчи аналитика», «Топика», «Категориялар», «Софистика» асарлари, Порфирийнинг «Изогоге» («Исагувчи») асарлари араб тилига ўгирилган эди. Бу даврда Ҳусайн ибн Исҳоқ, Яҳё ибн Битрик, Абу Яҳё Марвозий, Абу Башар Матто, Куста ибн Лука, Абу Усмон Дамашқий ва бошқалар мантиққа оид асарлари ва таржималари билан ном қозондилар.

Аристотелнинг мантиқ ҳақидаги таълимотларига асосланган мантиқшунослик бу даврда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида, Ўрта Оснёда фалсафий билимнинг асоси ва муҳим қисми сифатида кенг тарқалди ва ривожлантирилди.

Мантиқ илми IX—XI асрларда Аристотелнинг мантиқ соҳасидаги мерос асосида илғор фалсафий ва ижтимоий оқимнинг муҳим таркибий қисми сифатида Шарқнинг машҳур мутафаккирлари ал-Киндий, Закария Розий, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Насриддин Тусий, Ибн Рушд асарларида ривожлантирилди.

Яқин Шарқ маънавий ҳаётидаги ғоявий кураш аввало VIII—IX асрларда мутазилийлар билан мутакаллимлар ўртасидаги кураш шаклида вужудга келди.

Ақлий билиш, тафаккурни ўрганиш масалаларини Аристотель фалсафаси асосида ўрганишга ҳаракат қилган атоқли мутафаккирлардан бири араб файласуфи **ал-Киндий** (800—870 йиллар) бўлди. Киндий — араб фалсафасининг асосчиси — Басрада туғилди. Бағдодда ўқиб, машҳур олиб бўлиб танилди. У қомусий ақл эгаси, 200 дан ортиқ асарлар муаллифи эди. Унинг математика, мантиқ илми, мусиқашунослик, табииёт, фалакиёт, ахлоқшунослик соҳаларида ёзган асарлари маълум. Киндий юнон илмини ўрганиш ва тарғиб қилиш ишига катта ҳисса қўшди. Киндий «Биринчи фалсафа ҳақида» асарида фалсафа илмини энг юксак ва олижаноб санъатлардан деб ҳисоблаб, уни ўрганиш учун Аристотель асарларини, аввало унинг мантиққа оид асарларини билиш зарурлигини таъкидлайди. Мутакаллимларга қарама-қарши ўлароқ ал-Киндий оламни билиш уч босқични ташкил этувчи илмларни ўрганиш орқали амалга ошиши мумкинлигини кўрсатади: биринчи босқичда мантиқ илми ва математикани, иккинчи босқичда табиатшуносликни, учинчи босқичда эса метафизика масалаларини билиш зарурдир.

Киндий, биринчидан, мантиқни ўрганишни илмий билишнинг бошланғич шарти билан, иккинчидан, уни математика илми билан боғлиқ ва унга ўхшашлигини яхши тушунади ва «математикани билмасдан туриб, файласуф бўлиш мумкин эмас», деб таъкидлайди.

Ақлий билиш ва мантиқ илмига оид айрим фикрлар бу даврда илғор таълимотларни олға сурган яширин ташкилот **«Ихван ас-Сафо»** («Соф биродарлар»)нинг ёзишмаларида олға сурилди.

Мантиқ масалалари кенг равишда ўрта осиёлик машҳур мутафаккир **ал-Форобий** (873—950) асарларида изчил тадқиқ этилди. Форобий ҳозирги Тошкентнинг шимоли-шарқида жойлашган, Сирдарё бўйидаги Ўтрор шаҳарчаси — қалъасида, туркий ҳарбий оилада дунёга келди. Маълумотини Бухоро, Самарқанд шаҳарларида олди. У қадимги юнон фалсафасини, Аристотелни чуқур ўрганди, илмнинг турли соҳаларига — тиббиёт, алкимё, мусиқа илми, ахлоқ кабиларга оид асарлар яратди, 160 дан ортиқ турли ҳажмдаги рисолалар ёзиб қолдирди. Умрининг сўнгги йилларини Дамашқда ўтказди. Асарларининг кўп қисми фалсафа ва мантиқшуносликка оиддир. У фалсафанинг барча масалалари орасида мантиқ илмига алоҳида эътибор берди ва унга бағиш-

лаб қатор рисолалар ёзди. Форобий Аристотельнинг «Органон»и каби мантиққа доир рисолалар туркумини яратдики, уларда тафаккурнинг шакл ва қоидалари, мантиқий хато ва камчиликлар, уларни тузатиш йўллари ўз ифодасини топди. Мантиқ илмини Форобий тил илми билан узвий боғлаб, тафаккурни эса нутқ билан биргаликда олиб текширди.

Аристотель «Органин»и 6 асарни («Категориялар», «Талқин ҳақида», «Биринчи аналитика», «Иккинчи аналитика», «Топика», «Софистик раддия»ни) ўз ичига олган бўлса, Форобийда мантиқий асарлар ҳисоби 9 номдан иборат. Форобий мантиқида биринчи бўлиб Порфирийнинг «Изагоге» асарининг изоҳи келтирилади ва мантиқий асарларга Аристотель ёзиб қолдирган «Риторика», «Поэтика» асарлари ҳам киритилади.

Шундай қилиб, Форобийда мантиқий билимлар системаси «Исагувчи» (кириш), «Мақулот» (категория), «Ибора» (ҳукм), «Қиёс» (силлогизм), «Биринчи аналитика», «Бурхон» (исботлаш — «иккинчи аналитика»), «Жадал (мунозара «диалектика»), «Сафсата» (софистик раддия), «Хитоба» (риторика), «Шеър» (поэтика) асарларини ўз ичига олади. Булардан ташқари Форобий «Мантиқ илмига кириш», «Ақл ҳақида», «Силлогизм», «Шартли ҳукмлар» каби рисолаларини ёзди ва бошқа қатор асарларида мантиқ масалаларига катта эътибор берди. Ўзининг энг муҳим асарларидан «Илмлар таснифи» — «Ихс-ал улум» асарида қадимда ва ўрта асрда маълум бўлган барча илмларни тартибга солиб, уларнинг моҳияти, мазмуни, аҳамиятини бирма-бир таърифлаб чиқади. Илмлар группасини белгилайди. Булар қуйидагилар: 1. Тил илми. 2. Мантиқ. 3. Математика. 4. Табииёт ва метафизика. 5. Шаҳарни бошқариш илми.

Биринчи бўлиб тил илмига, сўнг мантиқ илмига тўхтайди. Бу асарда илмнинг объекти, аҳамияти, бўлимлари, ўрни устида фикр юритади.

Форобий фикрича, мантиқ бу тўғри фикрни амалга ошириш, ҳақиқатни қўлга киритиш, тўғри фикр юритиш санъатидир. У фикрда турли хатоларга йўл қўймасликни таъминлайди.

«Мантиқ тўғрисидаги рисолага муқаддима» асарида Форобий мантиқни шундай таърифлайди: «Бу шундай бир санъатки, у ҳар доим одам нотиқликда адашиб қоладиган бўлса, тўғри фикрлашга олиб келувчи ва

ақл ёрдамида бирор-бир хулоса қилинадиган бўлса, хатолардан асровчи масалаларни ўз ичига олади».

Бу жиҳатдан Форобий мантиқни грамматика илмига ўхшатади: грамматика инсон нутқининг тўғрилигини таъминлаганидек, мантиқ ҳам фикрнинг тўғри бўлишини таъминлаш учун хизмат қилади.

Форобий шу билан бирга ҳар бир халқнинг ўз тил қоидалари мавжудлигини, яъни тилнинг миллий характерини, мантиқ қоидалари эса ҳамма халқ ва инсон учун бир хиллигини алоҳида таъкидлаб ўтади.

Форобий мантиқни 8 бўлимдан иборат деб таърифлайди. Биринчи бўлимда фикрнинг энг кичик шакллари, тушунча категориялари ва уларни белгиловчи тил ифодалари устида мулоҳаза юритилади.

Иккинчи бўлим — бу содда фикр шаклларидан ташкил топган мураккаб фикрларни ва уларнинг нутқдаги ифодасини, яъни ҳукмлар ва гапларни ўрганади.

Учинчи бўлим — тўлиғича тушунча ва ҳукмлардан ташкил топган силлогизмларга бағишлангандир.

Мантиқнинг сўнгги беш бўлими фикрлашнинг усули ва воситалари ҳақида мулоҳаза юритади — улар қуйидагилар: 1) бурхония — исботлаш усули, 2) жадалия — диалектик, яъни мунозара қилиш усули, 3) суфастосия — фикрни чалғитишга қаратилган усул, 4) хитоба — риторик усул, 5) шеър — поэтик, шеърий образлар билан фикрлаш усули.

Форобий фикрича, силлогизм ва исботлаш усули энг тўғри, ҳақиқатга олиб келувчи усул бўлиб, илм-фан, фалсафа шуларга асосланади.

Форобий асосий мантиқий формалар — тушунча, ҳукм ва унинг турлари, силлогистик хулоса чиқариш — унинг турлари, дедукциянинг фигура ва модуслари устида тўлиқ фикр юритиб, улар тўғрисида изчил таълимот яратади.

Аристотель сингари у ҳам энг муҳим тушунча — категорияларни — материя, субстанция, акциденция, ҳаракат, вақт ва ҳоказоларни бирма-бир таҳлил этади.

Ҳукм ва силлогистика тўғрисидаги фикрлар Форобийдаги мантиқ илмининг энг муҳим қисмларидандир. Шунингдек, Форобий индукция турли мантиқий усуллар — таърифлаш, тақсимлаш, ҳукмларни ағдариш, бевосита хулосалаш каби масалалар устида ҳам батафсил фикр юритади.

У фикрлашнинг асосий қоида-принциплари — айнан-

лик, ҳукмларнинг ўзаро зид бўлмаслиги, ҳар қандай хулосанинг етарлича асосланганлиги, изчиллиги каби муҳим мантиқий масалаларни ҳам ҳар томонлама ёритади.

Форобий мантиғи Аристотель мантиғи каби асосан материалистик мазмунга эга: фикрлар табиатдаги нарса ва ҳодисаларни сезгилар орқали билиш асосида вужудга келади. У билишда сезгиларнинг ролига жуда катта ўрин беради. Фикр шакллари ўртасидаги алоқа, муносабатлар реал муносабатларни ифодалаш жараёнида вужудга келгандир.

Форобий таълимотида хулосалашга асос, исботлашнинг аргументи бўлувчи билимлар тўрт хилдир:

Мақбулот — юқори авторитетлар, обрўли кишилар томонидан тасдиқланган ва улар белгилаб берган билимлар.

Машҳурот — инсонлар орасида кенг тарқалган ва улар томонидан ҳақиқат деб тан олинган билимлар.

Маҳсулот — кўриш, эшитиш, умуман беш сезги томонидан қўлга киритилган билим.

Мақулоти аввал — илмнинг бошланишидаёқ маълум бўлган ҳақиқий фикрлар (яъни аксиома), уларнинг қачон ва қандай вужудга келганини ҳеч ким билмайди. Масалан, уч — тоқ, тўрт — жуфт рақам эканлиги, бўлакнинг бутунидан кичиклиги кабилар.

Бу аввалги билимларни талқин этишда билимлар манбаини материалистик тушуниш ҳам, айрим масалаларда идеализмга йўл қўйиш ҳам, ўрта аср фанининг чегараланганлиги, ожизлиги ҳам ўз аксини топгандир.

Форобийнинг мантиқ илми Яқин ва Ўрта Шарқда, Ўрта Осиёда мантиқ фанининг ривожланишини белгилаб берди, мантиқ ҳақидаги кейинги таълимотларга жуда катта таъсир кўрсатди.

Хусусан, IX—X асрларда Яҳъё ибн Али Абу Сулаймон, Абдуллоҳ Хоразмий, Абу Хайян кабилар Форобийнинг мантиқшунослик соҳасидаги ғояларини давом эттирдилар. Айниқса, Форобий фалсафаси ва мантиғи «Ихван ас-Сафо» — «Соф биродарлар» номи билан маълум бўлган яширин ташкилотнинг таълимотига жуда катта таъсир кўрсатди.

X асрларга келиб мантиқшунослик фалсафий билимларнинг энг муҳим қисмига айланиб қолганини кўрамиз. Абу Абдуллоҳ Хоразмий ўзининг «Илмлар таснифи» — «Мафотих ал-улум» асарида мантиқ илми-

ни назарий фалсафанинг муҳим таркибий бўлаги сифатида тилга олади ва уни кўп қисмлардан ташкил топган яхлит фан деб таърифлайди.

Ўрта Осиёда, мусулмон дини тарқалган мамлакатларда мантиқ фанининг ривожланишига қомусий олим **Абу Али ибн Сино** (980—1037) катта ҳисса қўшди.

Абу Али ибн Сино ал-Форобий фалсафа ва мантиқшуносликда бошлаб берган ишни ривожлантирди. У Бухоро яқинидаги Афшона шаҳрида туғилиб, Бухорода таҳсил кўрди ва шу ерда олим, табиб сифатида шуҳрат қозонди. У 25 ёшларида Хоразмга борди. У ерда ҳам узоқ турмади. 31 ёшида Хоразмни тарк этиб, Ўрта Осиё ва Эроннинг турли шаҳарларида яшади. 1037 йили Исфаҳон шаҳрида вафот этди.

Ибн Сино илмнинг турли соҳаларига оид 400 дан ортиқ асарлар муаллифидир. усусан, у тиббиётга доир олти жилддан иборат «Тиб қонуни» ҳамда фалсафага оид кўп китобдан иборат «Китоб аш-шифо»ни яратдики, булар ўрта аср фани соҳасида энциклопедия бўлиб қолди. У 150 дан ортиқ фалсафий асарлар яратди, булар орасида қомусий характердаги «Ишорат ва танбиҳот», «Ан-Нажот», «Донишнома» асарларини алоҳида кўрсатиш зарур. Қомусий асарларнинг барчасида мантиқ, математика, тиббиёт ва метафизика масалалари таҳлил этилади. Умуман, Ибн Сино мантиқ илмини барча илмларнинг муқаддимаси, уларни эгаллашнинг зарур шарти ҳамда фалсафий илмларнинг ажралмас қисми сифатида талқин этди. Шунинг учун мантиқ фани билан ҳам махсус шуғулланди.

Ибн Сино ўспиринлигидаёқ мантиқ илмини чуқур ўрганди. Ўз таржимаи ҳолида у дастлабки мантиқ билимларини устози Нотилийдан ўрганганлигини, сўнг эса ўзи мустақил таҳсил этганини қайд қилади. Унинг мантиққа оид илк асари Хоразмда ёзилди. Бу шеърий йўсинда ёзилган «Мантиқ ҳақида достон» асари мантиқнинг энг бошланғич тушунча ва қонун-қоидаларини оммабоп қилиб тушунтиришга бағишланган кичикроқ асардир. Эрон шаҳарларида кўчиб юрганда ҳам Ибн Сино дўстларининг илтимосига биноан мантиққа оид бир неча асар яратди. Лекин унинг мантиқ фанининг барча масалаларини изчил равишда ўз ичига олган асарлари — унинг «Китоб аш-шифо» энциклопедиясининг таркибига киритилган. Бу асар мантиқ соҳасида барча олдинги илмлар асосида вужудга кел-

ган бўлиб, фалсафанинг муҳим ва катта бўлимларидан бири сифатида баён этилади. Бу асарларни Ибн Сино Эроннинг Ҳамадон ва Исфаҳон шаҳарларида ёзди. Унинг шогирди ал-Жузжоний бу ҳақда шундай маълумот беради. «Абу Али бу вақтда мантиқ билан шуғулланди ва бу борада керак бўладиган китобларни қидиришга ҳаракат қилди, уларни топиб бир-бирига муқобала этди, бу ишида мантиқшунос олимлар тутган йўлдан юриб, улар тартиби билан иш олиб боради; уларнинг гапидан маъқул бўлганларини олди, маъқул бўлмаганларини танқид қилди, шунинг учун мантиқ қисми атрофлама, кенг бўлди. У Исфаҳонда тугалланди». «Қитоб аш-шифо»нинг мантиққа оид қисми 9 бўлакдан иборат бўлиб, улар алоҳида-алоҳида китобларда баён этилгандир. Бу китобларнинг номлари қуйидагича:

1. «Ал-Мадҳал» — мантиққа кириш. Бу асар Порфирийнинг «Изогоге» асари таъсирида вужудга келгандир. Қолган китоблар Аристотель ва Форобийнинг мантиққа оид асарлари таъсирида, уларнинг тузилишига мос ҳолда ёзилгандир.

2. «Ал-Мақулот» — категориялар. Бу китобда тушунчалар, уларнинг турлари, энг умумий тушунчалар — категориялар таҳлил этилади.

3. «Ал-Иборат» — бу ҳукмлар, уларнинг ташкил топиши, таркиби, турларининг баёнидир.

4. «Ал-Қиёс» — бунда (силлогизм) дедуктив хулоса чиқариш, унинг тузилиши, таркиби, бўлимлари, турлари, усуллари устида фикр юритилади.

5. «Ал-Бурхон» — бу исботлаш, фикрни асослаб, далиллаб бериш мулоҳазасига бағишланган.

6. «Ал-Жадал» (диалектика) — мулоҳаза усуллари, тортишув, мунозара қилиш, унинг қоидалари, тури каби масалаларга бағишлангандир.

7. «Ас-Сафсата» (софистика) — бунда сафсата сотиш, одамни чалғитиш, фикрни адаштиришга қаратилган, азалдан нотўғри бўлган муҳокама, хулосалар ясаш, уларнинг усуллари баён этилади.

8. «Ал-Хитоба» (риторика) — бу фикрни риторик тарзда ифодалаш, нутқ санъати, нотиқлик қоидалари масалаларининг таҳлилига бағишлангандир.

9. «Аш-Шеър» — поэтика. Бунда фикрни образли, шеърий усулда баён этиш, шеърнинг турлари, моҳияти устида мулоҳаза юритилади.

Бу махсус асарлардан ташқари, Ибн Сино «Китоб аш-Шифо»нинг «Метафизика» қисмида ҳам, «Донишнома»да ҳам айрим мантиқий масалалар устида тўхтаб ўтган.

Ибн Синонинг замондошлари унинг мантиқ илмида ниҳоятда ўткир ва билимдон бўлганлигини алоҳида таъкидлайдилар. Ибн Сино асосан Аристотель ва Форобийнинг мантиқий таълимотларини давом эттирган бўлса-да, кўп масалаларда мустақил йўл тутди.

Ибн Сино талқинида мантиқ маълум билимлардан номаълум билимларни келтириб чиқариш, уларни бирбиридан фарқ қилиш, чин билим нимадан иборат, ёлғон нима ва уларнинг турлари тўғрисидаги фан ёки назарий санъатдир.

Грамматиканинг нутққа, поэтика назариясининг поэзияга муносабати қандай бўлса, мантиқнинг ҳам фикрлаш жараёнига нисбатан муносабати шундайдир.

Бошқа бир жойда Ибн Сино, мантиқ шундай бир қуролки, унинг талабларига амал қилиш ёрдамида инсон тафаккури хато ва ёлғондан сақлаб қолинади деб таърифлайди. Мантиқ ҳақиқатни билиш тўғрисидаги, маълум билимдан номаълум билимга ўтишнинг қоидалари, шакллари, усуллари ҳақидаги фан сифатида объектив оламни билиш учун хизмат қилади. Билиш эса реал предметларни биринчи навбатда сезгилар орқали акс эттириш, сўнг ақлий мавҳум билишга асосланади. Ибн Сино билиш, фикрлаш қонун-қоидалари, шакл ва усуллари ҳақидаги мантиқ фанини ҳам асосан материалистик заминда талқин этади.

Ибн Сино фалсафа, билиш назарияси ва мантиқ муаммоларини аралаштириб юбормайди, бундай аралаштирувчиларни танқид қилиб, уларни алоҳида-алоҳида баён этади. Бу жиҳатдан Ибн Синонинг мантиқ фани ҳақидаги таълимоти Аристотель яратган мантиқ фанига нисбатан юқорироқ босқични ташкил этади.

Ибн Сино мантиқ фанини борган сари ихтисослаштирган ҳолда уни математик тушунчалар билан яқинлаштиришга, унда турли математик белги ва категориялардан фойдаланишга ҳаракат қилди.

Ибн Синонинг мантиқ илмида тушунча ва категориялар, ҳукмлар, хулосалар, уларнинг турлари, тузилиши, дедукция масалалари кенг ва ҳар томонлама таҳлил этилгандир.

Тушунчалар асосан икки турли — якка ва умумий бўлади.

Мантиқ фани, Ибн Сино таъкидлашича, умумий тушунчалар билан, уларнинг турлари, ҳар бирининг мазмуни ва вазифаси, фикрда тутган ўрни каби масалалар билан машғулдир. Субстанция, миқдор, сифат, муносабат, макон, замон, ҳаракат каби 10 умумий категориялар мавжуд борлиқнинг энг умумий ҳолатларини ифодаловчи тушунчалардир ва Ибн Сино таъкидлашига кўра мантиқ шуларни ўрганади. Тушунчанинг асосий вазифаси ҳукм ва хулоса чиқаришни ташкил этиш, уларга асос бўлишдир. Тушунчаларни таърифлаш ва тақсимлаш каби мантиқий усуллар устида ҳам Ибн Сино батафсил тўхтаб ўтади.

Ҳукм назарияси Ибн Синонинг мантиқ илмида энг катта ўринлардан бирини эгаллайди.

Ҳукмларнинг тузилиши, субъект — предикат муносабати ҳар томонлама анализ этилиб, ҳукмда жинс, тур, тур белгилари кабиларнинг ифодаланиши, улар муносабати алоҳида кўриб чиқилади. Ҳукмнинг турлари, оддий, қатъий ҳукм, уларда реал муносабатларнинг ифодаланиши, мураккаб ҳукмлар — шартли, тақсим, бўлинма ҳукмлар, уларнинг турли бирикмалари, билишдаги роли, ҳукмларнинг ҳарфлар ёрдамида ифодаланиш формалари каби масалалар ҳам махсус кўриб ўтилгандир.

Ибн Сино хулосалаш назариясига катта эътибор беради ва бунда силлогизм, дедуктив хулоса чиқаришга оид бўлган барча масалаларни изчил таҳлил этади. Мураккаб силлогизмлар, уларни ҳарфларда, рақамларда ифодалаш усуллари ҳам Ибн Сино эътиборидан четда қолмайди. У индуктив хулосалаш устида ҳам фикр юритади.

Ибн Сино мантиқ илмида ўрганадиган фикр билан боғлиқ ҳолда унинг ифодаси — сўз устида тўхтаб, сўзнинг белги сифатида турлари, тузилиши хусусида сўз юритади.

Шундай қилиб, Ибн Сино мантиқ илмининг ҳажми, мукаммаллиги, мавзусининг кенглиги, талқинининг батафсиллигига кўра ўрта асрда мантиқ илми ривожининг энг юқори даражаси деса бўлади.

Ибн Синонинг мантиқ илмида унгача бўлган қадимги ва ўрта аср мантиқшунослигининг муҳим ютуқлари

маълум даражада мужассамланган. У сўнгги мантиқ таълимотларига жуда катта таъсир кўрсатди.

Мантиқ илмини Ибн Синодан сўнг унинг озарбайжонлик шогирди **Бахманёр**, араб Испаниясида яшаган **ибн Рошид** (1126—1198) ривожлантирдилар. Ибн Рошид фалсафанинг турли масалаларига оид 80 га яқин асар муаллифи бўлиб, мантиққа оид қатор рисолалар ёзди. Хусусан, Аристотель ва Форобийнинг мантиқ асарларига ёзган талқинлари, ақл масалаларига оид рисолалари, «Масалалар китоби» ва бошқа асарлари маълум. У мантиқ илмида хусусан, эҳтимол ҳукмлар масаласини чуқур таҳлил этиб, ривожлантирди.

Ибн Рошид таълимоти Шарқ фалсафаси ва мантиқи ютуқларини Европага тарқатишда, Европада илғор фикрларни ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлди.

Ўрта Осиё ва Эронда бу даврда мантиқ фани Насриддин Тусий, Фахриддин Розий асарларида ривожлантирилди.

Сўнгги асрларга келиб мусулмон Шарқида мантиқ илмини аста-секин теология, диний таълимотнинг назарий асоси — каломга бўйсундиришга уриниш кучайди.

XIII—XIV асрларда Фахриддин Розий, ал-Урмавий, ал-Абхарий, Насриддин Тусий, Қазвиний, Шамсиддин Самарқандий, Тахтоний каби йирик мантиқшунослар майдонга келди.

Маънавий ҳаётнинг бошқа шакллари сингари фалсафа, мантиқ диний дунёқарашга бўйсундира бошланди. Мантиқ илми анча қисқартирилди ва формаллаштирилди. У чин мазмундан ажратилган фикрнинг — белгининг шаклий алоқа схемасини ўрганувчи илмга айлантириб борилди. Лекин илғор мутафаккирлар мантиқда Аристотель, Форобий, Ибн Сино анъаналарини давом эттиришга ҳаракат қилдилар. Ана шулар жумласидан йирик мутафаккирлар **Тафтазоний** (1322—1390) ва **Миршариф Журжонийни** (1340—1413) кўрсатиш мумкин. Уларнинг ҳар иккиси ҳам Хуросонда туғилди, Шарқ мамлакатларининг турли шаҳарларида ўз замонасининг илм-фанлари билан шуғулландилар. Амир Темур ва сўнг Улуғбек ҳукмронлиги даврида Самарқандда вужудга келган илмий мактаб ишида иштирок этиб, қатор йиллар давомида Самарқанддаги мадрасада ўқитув ишлари ҳамда илмий асарлар ёзиш билан машғул бўлдилар.

Тафтазоний қирққа яқин асарнинг муаллифи бўлиб, уларда математика, риторика, поэтика ва мантиқ масалаларига катта эътибор берди. Ўзининг «Мантиқ ва каломга тузатиш», «Илм қидирувчилар мақсади» асарларида билиш масалаларига, мантиқий тафаккурнинг шакл, қонун-қондаларининг таҳлилига катта ўрин ажратди. Унинг шогирди Миршариф Журжоний 50 дан ортиқ асар ёзиб қолдирди ва айниқса замонасининг йирик мантиқшуноси сифатида шуҳрат қозонди. У мантиққа оид қатор асарлар муаллифи, айниқса «Мантиқда илм таърифи», «Мантиқ ҳақида катта рисола», «Мантиқ ҳақида кичик рисола» каби асарларида ҳукм, хулосалар, уларнинг сўзда, нутқда ифодаланиши масалаларига катта ўрин берилган.

Журжоний мантиқий билишни иккига ажратади: биринчиси тасаввур, тушунча ва уни таърифлаш орқали амалга оширилади; иккинчиси ҳукм ҳам унинг турлари ёрдамида қўлга киритилади. Ҳукмлар хулосалашнинг асосларини ташкил этади, хулосалаш эса уч хил бўлади; силлогизм, индукция, аналогия. Силлогизм бўйича хулосалаш — бу аниқ билим беради; Индукция ва аналогия эса шартли билим беради. Журжоний тушунча ва сўз бирлигига, тилдан фикрни тўғри ифодалаш учун аниқ фойдаланиш масаласига катта эътибор берди.

XV—XVII асрларда Ўрта Шарқда ва Ўрта Осиёда яшаб, мантиқ соҳасида иш олиб борган мутафаккирлардан Давоний, Шервоний-Румий, Маҳмуд Шерозий, Исомиддин Исфаҳоний, Турсун ал-Андижоний, Қорабоғий, Шерозий кабиларни кўрсатиш мумкин. Бу мутафаккирлар яратган мантиққа оид асарларда маълум янги фикрлар олға сурилган бўлиб, уларни махсус ўрганиш талаб этилади. Уларда асосан Форобий ва Ибн Синоларнинг мантиқшуносликдаги яратган ғоя ва анъаналарини ривожлантиришга асосий эътибор берилади.

3. Европада ўрта аср ва янги даврда мантиқ фани

Ўрта ва Яқин Шарқда, Ўрта Осиёда IX—XII асрларда фан-маданият, фалсафа ва мантиқ фани кенг ривожланган бўлса, Европада тўлиғича дин ва схоластика ҳукмрон эди.

Европада схоластикага бўйсундирилган мантиқ фани Аристотель, ундан сўнг юнон ва Рим мантиғи асосида ривожланди. Европа схоластикаси ривожини,

одатда, икки даврга ажратадилар: биринчи давр IX—XII асрлар — бу даврда Европа қадимги юнон фалсафаси билан кам таниш эди, тўлиғича христианлик ҳукмрон, ҳар томонлама устун эди. Аристотелнинг мантиққа доир фақат 2—3 асаригина лотинчада маълум бўлиб, фанда асосан ўта идеалистик дунёқараш — неоплатонизм устунлик қилар эди. Иккинчи давр — XIII—XIV асрлар. Бу даврга келиб Европага, хусусан Испания, Италия орқали ўрта аср Шарқи маданияти, фани, фалсафасининг таъсири кучайди. Арабчадан турли фанларга оид қатор асарлар латин тилига кўплаб таржима этила бошланди, таржима марказлари вужудга келди. Бу жиҳатдан Испаниянинг Кордова, Севилья, Толеда шаҳарлари муҳим роль ўйнади. Аристотель ва бошқа грек файласуфларининг асарлари араб тилидан латинчага таржима этилди.

Розий, Форобий, Ибн Сино, Ибн Рошид каби Шарқ мутафаккирларининг асарлари ҳам латинчага бир неча бор таржима этилиб, ўқув қўлланмаси сифатида фойдаланилди.

Аристотель мантиғи, Форобий, Ибн Сино, Ибн Рошидларнинг мантиққа оид асарлари бу даврдаги Европадаги мантиқ фанининг асосини ташкил этди.

Аристотелнинг «Органон»и, унинг мантиқий таълимоти Шарқ орқали Европага кириб келди. Форобий, Ибн Сино, Ибн Рошид асарлари Европада илғор фалсафий таълимотнинг кучайишига сабаб — туртки бўлди. Ўрта аср Европасида ҳам, Шарқда бўлганидек, фалсафий-мантиқий таълимотларнинг ривожи турли фикрлар кураши билан характерланади. Бу кураш ўрта асрда номинализм билан реализм ўртасидаги кураш тусини олди. К. Маркс номинализмни ўрта аср шароитида материалистик қарашларнинг ифодаси деб баҳолади. Номинализм тарафдорлари Расцелин, Абеляр (XI—XII) умумий тушунчаларнинг мавжудлигини инкор этиб, объектив реалликда конкрет нарсаларгина мавжуд, универсал умумий тушунчалар инсон миясида вужудга келади, деган таълимотни олдинга сурдилар. Уларнинг рақиблари реалистлар — Анселим Кентербергский (XII), Альберт Магнус (XIII), Фома Аквинский (XIII) умумий тушунчалар конкрет билимлардан аввал реалликда мавжуд деб, уларни худонинг мавжудлиги билан боғладилар. Мантиқ масалалари XIII асрнинг йирик олимларидан Дунс Скотт ва Роджер Бэкон

асарларида ривожлантирилди. Роджер Бэкон мантиқий илмларни табиатшунослик илмлари билан боғлашга ҳаракат қилди. XIV асрда фалсафа ва мантиқ масалаларини ўрганишга, хусусан Уильям Оккам, Буридан, Луллийлар маълум ҳисса қўшдилар. Луллий универсал мантиқий машина ўйлаб топишга ҳаракат қилди.

XV—XVI асрларда Италияда, сўнг бошқа Европа мамлакатларида Уйғониш даври деб ном олган фан ва маданиятнинг тез суръатлар билан ривожланиш даври бошланди. Бу даврда табиатшунослик илмларига эътибор кучайди, илмий метод масаласи муҳим аҳамият касб этди.

Уйғониш даврининг йирик олимлари Николай Кузанский (XV), Компанелли, Рамус (XVI—XVII), Жордано Бруно (XVI), Ян Амос Каменский (XVII), Леонардо да Винчи, табиатшунослар Галилей, Кеплер (XVII) асарларида билиш назарияси, мантиқ, илмий методнинг айрим масалалари ёритиб берилди. Уларнинг асарларида схоластик метод ва у билан боғлиқ бўлган Аристотель мантиғи кескин танқид қилиниб, унинг чегаралганлиги кўрсатиб берилди.

* * *

XVII аср ишлаб чиқаришнинг кенгайиши, унга боғлиқ ҳолда буржуа муносабатларининг аста-секин ривожланиши билан характерланади. Табиатни ўрганишга бўлган қизиқиш кучая борди, бу эса тадқиқот методи, илмий методни ривожлантиришга эътиборнинг кучайишига олиб келди.

XVII асрда Францияда йирик математик, философ Дени Декарт билишга математик метод, геометрик принципларни қўллашга, дедукцияни ривожлантиришга ҳаракат қилди. Декартнинг билиш методи ақлий аксиоматик қоидаларга амал қилиб, рационализм билан характерланади, у сезги, тажрибанинг ролини инкор этади.

1662 йилда сўнгроқ «Пор—Роял мантиғи» номи билан машҳур бўлган «Мантиқ ёки фикрлаш санъати» асари нашр этилди. Пор—Роял черкови мактабидан чиққан француз муаллифлари Антуан Арно ва Пьер Николай томонидан ёзилган бу асар Декартнинг билиш методи ва Аристотель мантиғига асосланган эди.

Асар авторлари «Мантиқни нарсаларни билиш учун ақлни тўғри ишлатиш санъати» деб талқин этдилар ва тўғри фикрлаш асосий шакллари — тушунча, ҳукм, хулоса чиқариш ва исботлашнинг қисқача баёнини бердилар.

Буржуа ишлаб чиқаришининг ривож топиши, техника, табиат ҳодисаларини ўрганишга қизиқиш янги метод топишга ундади. Аста-секин тараққий этаётган табииётшунослик фанлари эски дедуктив метод, силлогистиканинг чегаралганлигини кўрсата борди.

Бу давр илғор олимлари орасида схоластика ва у билан боғлиқ ҳолда Аристотель мантиғини танқид кучайди. Ўз даври табиатшунослиги талабларига жавоб берувчи янги мантиқий методни ишлаб чиқишда машҳур инглиз файласуфи ва табиатшуноси **Френсис Бэкон** (1561—1625) катта роль ўйнади. Инглиз материализми ва тажрибага асосланган илмларнинг асосчиси Бэкон ўрта аср схоластикасини кескин танқид қилди. Мантиқ табиатни ўрганишга ёрдам бериши, янги ихтироларга олиб келиши зарур, деган фикрни тарғиб қилган ҳолда Аристотель мантиғининг эскириб қолганлигини кўрсатиб, ўзининг «Янги Органон» асарини яратди. Бэкон силлогистикани танқид қилиб, унингча ҳақиқатга олиб борувчи билишнинг ҳақиқий илмий методи — индукция методини ҳар томонлама ишлаб чиқишга ҳаракат қилади. Индукция якка фактларни, ҳодисаларни ўрганиш орқали умумий хулосаларга олиб боради, у шунинг учун биринчи навбатда табиатни, воқеаларни кузатишга ҳамда экспериментга асосланиши зарур. Бэконнинг индуктив методи, Аристотелда қайд қилинганидек, якка фактларни оддий санаб ўтишга эмас, уларнинг ўзаро боғланиши ва умумий сабабларини аниқлашга қаратилгандир. Декарт билишда анализга эътибор берган бўлса, Бэкон фактларни синтез қилишга кўпроқ эътибор беради. Бэкон мантиғида табиатшунослик билан боғлиқ ҳолда материализмнинг ривожланиб бориши ўз аксини топди. Бэкон билишда дедукциянинг ролини камайтириш ҳисобига индукцияга жуда катта баҳо беради. Лекин шунга қарамай Бэкон индукцияси фалсафий ва мантиқий таълимотлар тарихида катта ижобий роль ўйнади.

Бу даврда ижод этган йирик материалист мантиқчилардан бири инглиз файласуфи **Томас Гоббсдир** (1568—1679).

Гоббс фалсафада Бэкон йўлини давом эттирди, унинг материализми механистик бўлса-да, илм-фан ривожига хизмат қилди. Гоббснинг фалсафий таълимоти, билиш назарияси ва мантиқ ҳақидаги таълимотлари математикага асосланган «Фалсафа асослари» ва «Левиафан» асарларида баён этилган.

Мантиқ ҳақиқатни ёлғондан ажратиб олиш ҳақидаги фан бўлиб, унинг асосида тушунчалар устида турли операциялар олиб бориш, уларни қўшиб-айириш асосида ҳақиқатни аниқлаш ётади. У тушунчани исм ёки белги сифатида таърифлаб, ҳукм ва хулоса чиқариш белгиларнинг турлича қўшилувидан ташкил топади деб ўрганади. Гоббс ҳукмларни мусбат, манфий, умумий, якка, қатъий ва шартли, зарурий ва эҳтимолий каби қатор турларга ажратади. Шартли ҳукмларга катта эътибор беради.

Ҳукмлар белгиларнинг турли айирув-қўшув амалига асосланганидек, хулоса чиқариш ҳам ҳукмларнинг айирув-қўшув амалидан вужудга келади.

Гоббс мантиқий қонунлар, хусусан, зиддият, учинчиси истисно қонунларига тўхтаб ўтади. Гоббс ўз таълимоти билан сўнгроқ ривожланган ҳисоблаш мантиғини бошлаб берди. У фикрни объектив реалликдан ажратиб талқин этувчи идеализмни танқид қилади.

XVI—XVII асрларда мантиқ фанининг ривожига немис файласуфи, машҳур математик **Лейбниц** (1646—1716) катта ҳисса қўшди. У объектив идеализм позициясида турган ҳолда ўзининг қомусий билими билан оламнинг ички қонуниятларини билиш методларини, диалектикасини ечишда муҳим роль ўйнади.

Лейбниц таърифида мантиқ бошқа илмларни исботлашни ва кашфиётлар методини ўргатувчи фандир. У мантиқ қонунларига, хусусан, айният, зиддият ҳамда учинчиси истисно қонунига катта эътибор бериб, уларни тўғри фикрлашнинг энг зарур принциплари деб қаради, улар ёрдамида ақлнинг тўғрилиги, ҳақиқат ўлчанади деб билди.

Лейбниц тўртинчи мантиқ қонуни — етарли асос қонунини кашф этди: «Ҳар қандай мавжудот ўз мавжудлигининг етарли асосига эгадир»,— деб қайд этди. Бу қонун эмпирик билимларнинг, фактларнинг ҳақиқийлигини билиш, ўлчаш учун асосдир.

Лейбниц математик мантиқнинг асосчиси. У бирин-

чи бўлиб турли мантиқий операцияларнинг формаллаштирилган арифметик тузилишларини берди.

Лейбницнинг символлар ва мантиқий ҳисоблаш ғояларн ҳозирги символик мантиқ ва математик анализга асос бўлди. Унинг ўзи барча фанлар учун зарур бўлган умумий «формулалар санъатини» яратишни мақсад қилиб қўйган эди.

Лейбниц ўзининг «Универсал характеристика элементлари», «Билиш, ҳақиқат ва тушунчалар ҳақида мулоҳазалар», «Мантиқ соҳасидаги қийинчиликлар», «Инсон ақли ҳақида янги тажрибалар» асарларида фалсафа, мантиқ соҳаларидагина эмас, математика соҳасида ҳам янги, ниҳоятда муҳим ғояларни олға сурди.

Лейбницдан сўнг мантиқнинг ривожида оригинал фикрлари билан из қолдирган йирик файласуф **Кант** (1724—1804) бўлди. Немис классик идеализмининг асосчиси Кант ўз фалсафасида объектив нарсаларни билиб бўлмайдиган «нарса ўзида» деб эълон қилди, агностицизмни олға сурди. Унингча, фалсафанинг асосий мақсади — ақл имкониятларини чегаралаб, диний эътиқодга йўл очиб беришдир. Кант Аристотелнинг анъанавий мантиғини танқид қилди. Мантиқ, унинг эътибор этишича, ҳар қандай мазмундан ва реал нарсалардан мавҳумлашган ҳолда фақат шаклни, фикр формасини ўрганади, унинг ҳақиқатга ҳеч қандай алоқаси йўқдир. Мантиқнинг вазифаси ақлнинг ҳар қандай зиддиятдан ҳоли бўлишини таъминлайди. У мантиқнинг маълум тўрт қонунини эътироф этиб, айният ва зиддият қонунларига жуда катта эътибор беради.

Ҳукмлар устида тўхтаб, Кант уларни биринчи навбатда аналитик ва синтетик ҳукмларга ажратади. Хулоса чиқариш назариясида Кант силлогистикани танқид қилди, фақат категорик силлогизмларнинг билишдаги аҳамиятини қайд этди. У анъанавий мантиқ билиш учун етарли эмаслигини кўрсатиб, тажрибагача мавжуд бўлган онгнинг азалий ўзгармас шаклларини ўрганувчи трансцендентал мантиқни ишлаб чиқишга ҳаракат қилди. Бу мантиқ умумий назарий билиш учун хизмат қилмоғи лозим. Унинг шакл ва қонунлари тажриба ва реал нарсаларга нисбатан бирламчи бўлиб, улар ҳақиқат мезонидир. Фикр чин бўлиши учун уларга мос келиши зарур. Шундай қилиб, Кант ўзининг «Соф ақл танқиди», «Пралегомен», «Мантиқ» асарларида фикрнинг туғма шакллари, уларнинг реал

объектив нарсаларга қадар мавжудлиги каби фикрларни олға сурди.

Марксизмгача бўлган сўнгги энг йирик ва машҳур файласуф, мантиқшунос **Гегель** (1770—1831) бўлди.

Гегель дунёвий руҳ ривожига, идеализмга асосланган универсал фалсафий таълимот яратди. Лекин унинг идеализми диалектикага асосланади. Гегель талқинида мантиқ диалектикага мос келади.

Гегель таълимотига кўра дунё мутлақ ғоядан бошланади, сўнг у ривожланиб, табииёт шаклига ўтади. Сўнгги ривожланишда яна ўзининг соф шаклига қайтади. Фалсафа уч қисмдан иборат: руҳ фалсафаси абсолют ғоянинг сўнгги босқичини — ўзининг соф шаклига қайтган даврини ўрганади. Табиат фалсафаси — ғоянинг иккинчи босқичини, яъни руҳнинг табиат кўринишига эга бўлган даврини ўрганади. Ғоянинг биринчи бошланғич босқичи — яъни унинг соф ўз азалий шаклида мавжудлик даврини мантиқ ўрганади. Шунга биноан, мантиқ бу «соф ғоя, яъни тафаккурнинг мавҳум стихияси» ҳақидаги фандир. Гегель Кантнинг мантиқ ғоясини ва ўрта аср схоластикасини кескин танқид қилади, фикрнинг шаклини мазмун билан боғлаб, мазмунли фикрни ўрганиш зарурлигини қайд этади.

Гегель мантиғи уч бўлимдан иборат бўлиб, биринчи ва иккинчи бўлимда объектив мантиқ таҳлил этилади. Унда борлиқ ва моҳият ҳақида гап боради. Учинчи бўлим субъектив мантиққа бағишланган бўлиб, унда асосан тушунча устида фикр юритилади. Билиш, демак, борлиқдан моҳиятга, ундан эса тушунчага қараб боради.

Тушунча, Гегель таърифича, ривожланишнинг олий босқичи, борлиқ ва моҳиятнинг бирлигидир. Ҳар қандай предмет — бу тушунчанинг реал ҳолатга айланишидир, тушунча, тафаккур формалари — ривожланишда, ўзгаришдадир.

Гегелнинг идеалистик характердаги диалектик мантиғи фалсафа тарихида муҳим кашфиётдир.

К. Маркс ва Ф. Энгельс Гегель диалектикасининг «рационал мағзи»ни юқори баҳоладилар.

Гегель умумий, классик мантиқ ўрганадиган тафаккурнинг қонун-қоидаларининг аҳамиятини тушуниб етмади. У Лейбниц томонидан бошлаб берилган ва астасекин ривожланиб бораётган математик мантиқ, ҳисоблаш мантиғи аҳамиятини ҳам тушуниб етмади. Гегель

«Руҳ феноменологияси», «Мантиқ фани», «Фалсафий фанлар энциклопедияси», «Мантиқ», «Табиат фалсафаси», «Руҳ фалсафаси», «Фалсафа тарихидан лекциялар» каби асарлар муаллифидир.

Гегелнинг диалектик мантиғи классик немис фалсафаси ривожининг энг муҳим ютуқларидан бўлди.

Бу даврда XIX асрда Англияда мантиқ фани асосан индукция назариясини мукаммаллаштириш, ривожлантириш асосида тараққий этди. Бу йўналиш **Вильям Юэлнинг** (1794—1866) «Қадимги даврдан бошлаб индуктив фанларнинг тарихи», «Янгиланган янги Оргонон» асарларида, **Жон Стюарт Миллнинг** (1806—1873) «Силлогистик ва индуктив мантиқ системаси», «Вильям Гамилтон фалсафаси обзори» ва **Вильям Минтонинг** (1845—1893) «Дедуктив ва индуктив мантиқ» асарларида ўз аксини топган. Тарихда бу идеалистик йўналиш умуминдуктивизм номини олди.

Айниқса Жон Милль индукция назариясини ҳар томонлама ривожлантириб, уни ижтимоий ҳодисаларга татбиқ этишга ҳаракат қилди. Асосий асари «Силлогистик ва индуктив мантиқ системаси» олти китобдан иборат бўлиб, сўнггиси «Ахлоқий фанлар мантиғи» деб аталади.

4. Россияда мантиқ фани

Россияда XVIII асрга келиб мантиқ фани билан қизиқиш, уни ўрганиш айниқса кучайди. Киев ва Москва академияларида мантиқ илми ўқитилар эди. Татищчев, Кантемир каби илғор мутафаккирлар ўз асарларида фанлар ва мантиқни ўрганишнинг аҳамиятини кўрсатдилар.

Рус материалистик фикрининг асосчиси, энциклопедик олим **М. В. Ломоносов** (1711—1765) мантиқ ва риторика фанига катта ҳисса қўшди.

М. В. Ломоносов ўзининг қатор асарларида физика, кимё, геология, минералогия, жўғрофия каби табиатшунослик фанлари билан бирга тил, адабиёт, фалсафа, тарих илмларида ҳам янги уфқлар очди. У Россияда табиатшунослик фани ҳамда умуман ҳақиқий илмий тадқиқотнинг асосчисидир.

Умумий мантиқ, мантиқий тафаккурнинг қонун ва шакллари ҳақидаги таълимот риторика ва грамматика масалалари билан бирга унинг «Гўзал сўзлаш бўйича қисқа қўлланма» асарида баён этилгандир.

Ломоносов Лейбницнинг идеалистик принципларини танқид этиб, объектив реаллик билим манбаидир, нарса ва ҳодисалар тажриба—эксперимент асосида билиб олинади, деб таълим берди.

М. В. Ломоносов мантиқ фанини грамматикадан сўнгги энг муҳим, ҳамма фанларни ўрганиш учун зарур бўлган фан деб қаради. Умумий мантиқ қонунлари муваффақиятли муҳокама юритишнинг элементар принципларидир. Ломоносов ҳукм, хулоса чиқариш, силлогизмларни ўрганиш соҳасида, хусусан уларни таснифлаш масаласида оригинал фикрларни олга сурди.

Йирик рус материалисти **Н. А. Радишчев** Ломоносовнинг мантиқ соҳасидаги фикрларини давом эттириб, хусусан тафаккур ва тилнинг бирлиги масаласида муҳим фикрларни олга сурди. Карповнинг «Мантиқнинг изчил баёни» асаридаги идеалистик қарашларни фош этди.

Материалистик фалсафа, билиш назарияси, тафаккур ҳақидаги таълимотлар ривожига рус революциондемократлари катта ҳисса қўшдилар. Рус революциондемократлари А. И. Герцен (1812—1870), В. Г. Белинский (1811—1848), Н. А. Добролюбов (1836—1861), Н. Г. Чернишевский (1829—1889) материалистик фалсафани ривожлантирдилар, билишда диалектиканинг ролига алоҳида эътибор бердилар. Уларнинг билишнинг босқичлари, тафаккурнинг ва тилнинг роли, фаннинг аҳамияти, инсоннинг билиш қобилиятлари ҳақидаги фикрлари ўзининг материалистик характери, диалектика элементларига бойлиги жиҳатидан фалсафа тарихида янги даврни ташкил этади.

А. И. Герцен ўзининг «Табиатни ўрганиш тўғрисида хатлар», «Фандаги дилетантизм» каби асарларида идеализм ва метафизикани кескин танқид қилди. У объек-

тив реаллик ва унинг акси бўлган инсон билимлари, тафаккури ҳам диалектик ривожланишда эканини кўрсатиб, мантиқда бир томонлама рационализмни ҳам, эмпиризмни ҳам танқид остига олди, билиш жараёнида дедукция ва индукция узвий боғлиқлигини кўрсатди.

Объектив идеализмнинг ғайриилмий эканлигини тушунган **Г. В. Белинский** тезда материализм позициясига ўтди ва Гегелнинг диалектик фикрларига юқори баҳо берди, билиш жараёнида кузатиш, ҳиссий ва ақлий билишнинг ролини тўғри талқин этди.

Диалектиканинг аҳамиятини тушунган **Н. А. Добролюбов** ҳам идеализм, метафизика ва сохта илмийликни танқид қилди, билишда факт, илмий метод ва ҳаёт мантиғини яхши тушуниш зарурлигини кўрсатди.

Н. Г. Чернишевский ўзининг «Фалсафада антропологик принцип», «Инсон билимининг характери», «Хурофот ва мантиқ қондалари» каби асарларида билиш босқичларини, билим структурасини, мантиқий қоида ва усулларнинг аҳамиятини тўғри тушунтириб берди. Дедукция билан индукция, анализ билан синтезнинг узвий боғлиқлигини, билишнинг диалектик характерини кўрсатиб, эмпиризм ва идеализмни танқид қилди.

Рус революцион-демократлари билан бир даврда Россия университетлари, академияда ҳам мантиқий таълимотлар мутахассислар томонидан ривожлантирилди. Ўқитиш дастури асосида қатор мантиқий таълимотлар вужудга келди. Бундай таълимотлар рус файласуфлари, профессорлар В. Н. Карпов (1840—1890), Н. Я. Грот (1852—1899), А. И. Введенский (1856—1925) асарларида олға сурилди. Шу билан бирга рус мантиқшунослари М .И. Каринский (1840—1917), Л. В. Рутковский (1859—1920) ва бошқалар мантиқ фанини сохталаштириш, формаллаштиришга қарши курашиб, мантиқий қонун ва формаларни илмий ўрганишга катта ҳисса қўшдилар.

Карпов В. Н. Петербург руҳий академиясининг профессори ўзининг асосий асари «Мантиқнинг система-

тик баёнида» мантиқ фанини психология асосида талқин этишга ҳаракат қилди. У мантиқни 3 қисмга ажратади:

1) элементар мантиқ, унда тушунча, ҳукм ва хулоса чиқариш тадқиқ этилади;

2) тафаккур шаклларини бир бутунга бирлаштириш масаласи кўрилади;

3) мантиқнинг система ва методларининг ривожи ўрганилади. Мантиқий қонунлар унингча мантиқий шаклларнинг келиб чиқиши учун бошланғич асосдир. Карповнинг тадқиқоти оригинал характерга эга.

Ўзининг «Мантиқни реформа қилиш масаласига доир», «Фалсафа ва унинг умумий қонунлари» асарларида **Грот Н. Я.** мантиқ илмини реформа қилишга уринди, ўз давридаги мантиқий таълимотларни танқид қилди, мантиқ психологиянинг бир қисми деб талқин этди.

М. И. Каринский ўзининг «Хулосалар таснифи», «Мантиқ», «Ҳодиса ва воқелик» каби асарларида мантиқий шакл ва қонунларни материалистик талқин этишга яқинлашди. Кантни субъектив идеализми учун танқид қилди, Гегелга катта баҳо берди. У мантиқшуносликка янгилик киритишга ҳаракат қилди, хулоса чиқаришнинг ҳамда ҳукмларнинг оригинал таснифини яратди, ҳозирги замон математик мантиқнинг шаклланишида ижобий роль ўйнади.

М. И. Каринский бошлаб берган ишни мантиқшунослик ва мантиқ тарихи соҳасида таниқли олим **Л. В. Рутковский** давом эттирди. Ўзининг мантиқ бўйича дарслиги «Хулосаларнинг асосий турлари», «Индуктив исботлаш методларининг танқиди» асарида мантиқ масалалари, хусусан хулоса чиқариш масаласи бўйича янги фикрларни олға сурди, инглиз мантиқшуноси Миллнинг индуктив хулосалаш ҳақидаги таълимотининг чегараланганлигини танқид остига олди.

5. Диалектик мантиқнинг вужудга келиши

К. Маркс ва Ф. Энгельс ўзларигача бўлган илм-фан тарихини, фалсафа тарихини чуқур ўрганиб, Гегелни чуқур билиш ва ундан танқидий фойдаланиш асосида материалистик диалектикани олға сурдилар. У табиат, жамият ва тафаккурнинг умумий ривожланиш қонуниятлари ҳақида фикр юритади.

У таълим берадики: табиат, жамият, мавжудот — бирламчи, азалдан мавжуд, инсон сезгилари, хоҳиши натижаси эмас, аксинча, инсон сезгиси, онги, тафаккури ундан ташқарида абадий мавжуд бўлган реал нарса ҳодисаларнинг инсон миясидаги инъикоси, уларнинг акси, шунингдек тафаккур шакллари, қонунлари, объектив реал нарса-ҳодисаларнинг, улар муносабатларидаги қонуниятларнинг ифодаланишидир. Инсон ўз сезгиси, тафаккури, онги — ақли ёрдамида объектив дунёни ўрганади. Бу таълимот объектив реаллик, табиат, жамият, инсон, унинг сезгилари, тафаккури ва билими, илм-фан, барча мавжуд нарсалар тўхтовсиз ҳаракатда, ўзгаришда, ривожланишда, янгиланишда, мукаммалланишда, яъни барча мавжудликка диалектика хос деб таълим беради.

Бизда конкрет фан, табиат ҳақидаги, жамият ҳақидаги, инсон, унинг психикаси, онги, тафаккури билими ҳақидаги фанлар диалектикага асосланади. Билиш, тафаккур, фан ва умумий диалектик қонуният асосида ривожланиб боради. Материалистик диалектикага қадар ҳақиқатни аниқлаш, билишнинг тўғрилигини таъминлашни ўрганувчи фан сифатида фақат анъанавий ёки умумий мантиқ маълум эди.

Лекин анъанавий мантиқ ҳеч қачон билишнинг умумий методи, объектив реалликни тўлиғича ўрганиш фани бўлмаган, чунки у фақат хусусий, махсус фан сифатида тафаккурнинг ўзига хос табиий қонун ва шаклларинигина ўрганади. Унинг чегаралганлиги айниқса табиатшунослик илмлари, техника, саноат ривожланиб борган сари намоён бўла борди.

Айрим файласуфлар, хусусан Гегель анъанавий мантиқни метафизика билан тенглаштирган ҳолда ҳамма айбни унинг устига қўймоқчи бўлди, фойдасизликда,

ўзгармасликда, ақидачиликда айблаб, уни инкор этди. Унга ўзининг идеалистик диалектикасини қарама-қарши қўйди.

Материалистик диалектика ҳақидаги таълимот, анъанавий мантиқни инкор этмайди, балки унинг ютуқларидан фойдаланади, уни метафизик талқиндан тозалаган ҳолда анъанавий мантиқ ҳеч қачон умумий билиш методи бўлмаганлигини, унинг чегараланганлигини, тафаккур ҳақидаги хусусий фан эканини бир неча бор таъкидлайди.

Ф. Энгельс «Анти-Дюринг» асарида фалсафа ривожланиши давомида конкрет фанлар аста-секин мустақиллашиб боради ва «олдинги фалсафадан тафаккур ва унинг қонунлари ҳақидаги таълимот — умумий мантиқ ва диалектикагина ўз мустақиллигини сақлаб қолади» деб кўрсатади. Диалектика билишга, тафаккурга ҳам хос. Диалектикага асосланган билиш, фикрлашгина, билишда, фикр юритишда диалектик қонунлар асосида иш олиб борилгандагина объектив реалликдаги нарса ва ҳодисаларни ҳар томонлама чуқур билиб олиш, уларнинг ички ўзгариш, ривожланиш қонунларини тўғри акс эттириш мумкин. Лекин бу тўғри акс эттириш албатта, анъанавий мантиқ назарда тутган тафаккур қонунлари, шаклларини ҳам ўз ичига олади, диалектик билишда улар ҳам актив иштирок этади. Диалектикани билиш, тафаккур жараёнига татбиқ этиш, уни мантиқ сифатида, инсоннинг рационал, ақлий билиши, фикрлаши ҳақидаги фан сифатида ўрганиш диалектик мантиқ таълимотини вужудга келтирди.

Умумий ва диалектик мантиқни бир-бирига таққослаган ҳолда диалектик мантиқ талабларининг тўрт хусусиятини санаб ўтиш мумкин: 1) предметни ҳар томонлама — унинг барча томонлари, алоқаларини назарда тутган ҳолда ўрганиш; 2) предметни узлуксиз ўзгаришда, ривожланишда ўрганиш; 3) инсон тажрибаси ҳақиқат мезони ва предмет муносабатини амалий белгиловчи деб тушунилмоғи зарур; 4) диалектик мантиқ абстракт ҳақиқат йўқ, ҳақиқат доим конкретдир деб ўргатади.

Демак, диалектик мантиқ бу диалектикани билиш назарияси, мантиқ сифатида ўрганишдир.

Умумий ва диалектик мантиқни таққослаган ҳолда биринчисини бошланғич математикага, иккинчисини олий математикага ўхшатиш мумкин.

IV боб. ТЎҒРИ ФИКРЛАШНИНГ АСОСИЙ МАНТИҚИЙ ҚОНУНЛАРИ

1. Қонун, унинг моҳияти ва турлари

Бизни ўраб олган муҳит, табиат, инсоният жамияти, инсоннинг ўзи ва унинг руҳий, маънавий ҳаёти в. б. ҳаммаси ўзаро боғланишда, муносабатда, шу билан бирга ўзгаришда, ҳаракатда, янгиланишда.

Оламда қотиб қолган, ўзгармайдиган, янгиланмайдиган нарса, ҳодиса йўқ. Мавжудот борки, у ҳаракатда, ўзгаришда.

Лекин предмет, ҳодисаларнинг ўзгариб, янгиланиб, ҳаракат этиб туриши, бетартиб, пала-партиш ҳолда эмас, балки маълум бирин-кетинлик, сабабий боғланиш, сабаб-натижа боғланиши асосида зарурий равишда амалга ошиб боради. Яъни, ҳар қандай ўзгариш, ҳаракат, ривожланиш маълум, ўзига хос ички қонунлар асосида юзага келади. Предмет, ҳодисалар ҳаракати ранг-баранг бўлгани каби, бу қонунлар ҳам турли хил, ранг-барангдир.

Демак, биз атрофимиздаги предмет, ҳодисалар ўзгариши, ҳаракати асосида ётган қонунларнинг аввало объектив, инсон хоҳишидан ташқарида, унга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд эканлигини эътироф этишимиз зарур. Бу масалада фалсафа тарихида турли фикрлар ўртасида доим ўзаро тортишув давом этиб келди.

Қонун деганда, аввало, объектив реалликнинг муҳим томони ҳақида гап боради. Шу маънода объектив табиат, жамият қонунларининг ифодасидан иборат бўлган турли фанларнинг қонунлари мазмунини юридик қонунлардан фарқ этмоқ зарур. Юридик қонунлар қонуншунос олимлар ижодий фаолиятининг маҳсули бўлиб, у жамиятда тартибни сақлаб туриш ва давлатнинг сиёсатини ҳимоя қилиш учун маълум ижтимоий-иқтисодий тузум тақозосида ҳукумат қарори билан таъсис этилади ва фуқароларнинг жамиятдаги хатти-ҳаракатини бошқариб туриш ва уларнинг ҳуқуқини, мажбуриятини аниқлаб бериш учун қабул этилади. Улар турли шароитлар ва даврларда, турли давлатларнинг ижтимоий-сиёсий тузумида турлича бўлади. Бу ҳуқуқий қонунлар давлатнинг келиб чиқиши, қонун таъсис

этувчи органларнинг вужудга келиши билан келиб чиқади. Бу ҳуқуқий қонунларни амалга ошириш, ишлаб чиқиш, ўзгартириш, янгилаш ва алмаштириш масалалари билан давлатнинг ҳуқуқий органлари шуғулланади.

Фан қонунларида, илмий қонунларда ўз ифодасини топган объектив табиат ва жамият қонунлари давлатнинг, шароитнинг ўзгариши билан ўзгармайди ҳам, йўқ бўлмайди ҳам. Чунки уларнинг объектив мавжудлиги шундаки, биз уларни биламизми-йўқми, барибир у ҳодисалар муносабатида амал қилаверади. Турли фанларни ўрганиш билан, масалан, бутун олам тортилиш қонуни, планеталар ҳаракати қонуни ва ўсимликларнинг ўсиш қонунларини билиб оламиз. Лекин бизнинг уларни билиш ёки билмаслигимиздан қатъи назар, планеталар ўз қонунига биноан ҳаракат қилаверади, ўсимликлар ўсаверади, қиш, баҳор, ёз ўзгараверади ва ҳоказо.

Табиат, жамият қонунларининг объективлиги шундаки, уларни одамлар йўқота олмайдилар ҳам, ўзгартириб ярата олмайдилар ҳам. Бу қонунларнинг бизга фойда ёки зараридан қатъи назар, улар реал ҳодисалар муносабатларида мавжуд бўлиб тураверадилар.

Табиат ва жамият қонунларининг объективлиги инсоннинг хоҳиши ва ихтиёрига боғлиқ эмаслиги яна шундаки, инсон ўзининг кундалик фаолиятида бу қонунларнинг талаблари билан ҳисоблашишга мажбур. Агар бу қонунларнинг талаблари назарга олинмаса ва уларга зид ҳолда иш олиб борилса, унда инсон ўз фаолияти, кундалик ҳаётида тўсиқларга йўлиқади, мағлубиятга дучор бўлади. Чунки объектив қонунлар инсонларни ўз талабига бўйсунишга мажбур этади. Масалан, инсон Ернинг тортиш қонуни билан ўз фаолияти давомида ҳамиша ҳисоблашмоғи зарур, акс ҳолда бу қонунга зид қилинган ҳар қандай иш мағлубиятга учрайди.

Демак, қонун ҳодисаларнинг объектив муносабатларида мавжуд. Лекин ҳар қандай муносабат ҳам қонуний характерга эга эмас.

Қонун ҳодисалар муносабатидаги энг муҳим мазмун, моҳиятини кўрсатиб берувчи томонларни ўзида ифодалайди. Шунинг учун ҳам моҳият, муҳим томонлар сиртда кўринувчи воқеаларда намоён бўлганидек, қонун ҳам турли шаклларда ўз ифодасини топади. Масалан, жисмнинг массаси унинг тезлиги билан уз-

вий боғлиқликда эканлигини кўрсатувчи Ньютон томонидан кашф этилган механика қонуни турли шароит ва турли жисмлар ҳаракатида турлича намоён бўлади. Шунинг учун ҳам қонунни ўрганиш ана шундай ҳолатни содир қилувчи турли воқеаларни ўрганишдан бошланади.

Нарсалар ўртасидаги муҳим муносабатлар зарурий характерга эгадир. Шунга кўра қонун зарурий алоқаларни ифодалайди, тасодифлар эса қонунда ўз ифодасини топмайди, фан шу қонунларни ўрганади.

Нарса ва ҳодисалар ўртасидаги боғланишлар зарурий ва тасодифий бўлади, яъни бўлиши ҳам мумкин, бўлмаслиги ҳам мумкин.

Нарса, ҳодисалар ўртасидаги алоқа, боғланишлар хусусий ва якка типга эга бўлади. Унда жуда кўп қайтариладиган умумий томонлар, ҳислатлар мавжуд бўлиб, қонун шу энг умумий, ва демак, зарурий томонни ифодалайди. Чунки зарурият умумийлик билан чамбарчас боғланган бўлади.

Демак, энг умумий томонлар уларнинг зарурийлигини тақозо этади, шунингдек, зарурийлик, умумийликни назарда тутади. Бу ҳолатни таъкидлаган ҳолда Ф. Энгельс «Табиатда энг умумийлик формаси бу қонундир»[1]»,— деган эди.

Воқеа, ҳодисалар тез-тез ўзгариб туради, эскилари ўрнига янгилари келади, лекин улар боғланишидаги қонунлар сақланиб қолади ва бу боғланиш шу қонуният асосида амалга ошади.

Демак, *қонун нарса ва ҳодисалар ўртасидаги объектив, муҳим, зарурий, энг умумий, такрорланувчи, қатъий, нисбий ўзгармас, бир хил боғланишларни ифодалайди.* Дунёдаги барча табиий, ижтимоий, маънавий ва руҳий ҳодисалар маълум қонунлар асосида мавжуд ва ўзгариб боради. Бу объектив қонунлар мавжудлиги шарт-шароитга қараб инсон учун ё ижобий, ёки салбий натижаларга олиб келади. Агарда инсон фаолияти шу қонунларнинг талабига мос ҳолда амалга оширилса, у ижобий натижа беради, агарда инсон фаолияти шу қонунга зид ҳолда амалга оширилса, у ижобий натижа эмас, аксинча салбий натижаларга олиб келади. Бу эса объектив қонунларни тўғри билиш, акс эттиришга

---

1 Ф. Энгельс. Диалектика природы. М., 1950 й. 186- бет.

ҳамда улардан назарий ва амалий фаолиятда тўғри фойдаланишга боғлиқдир.

Қамраб олган нарса ва ҳодисаларнинг миқдори ва ҳажмига қараб қонунлар *энг умумий, умумий* ва *хусусий* қонунлардан ташкил топади. **Моддий оламнинг ҳаракатига хос бўлган ва одамдаги барча нарса, ҳодисалар муносабатида ифодаланувчи қонунлар бу энг умумий қонунлардир.** Масалан, нарса ҳодисаларнинг узлуксиз ўзгариши ривожланишнинг диалектик қонунлари.

Бу энг умумий қонунлар билан бир қаторда табиатнинг ўзигагина хос бўлган фақат ижтимоий ҳаётда, жамиятда амал қиладиган қонунлар ҳам мавжуд. Масалан, тоғларнинг вужудга келиши, ер қимирлаши, қуёш тутилиши ва бошқа қонунлар табиий ҳодисалар дунёсига хосдир.

Эҳтиёж ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро боғлиқ ҳолда ривожланиш қонуни ва ишлаб чиқаришнинг ўзига хос бўлган қиймат қонуни фақат жамиятдагина учрайди.

Булардан ташқари, табиатнинг айрим ҳодисалари, жараёнларигагина хос бўлган қонунлар ҳам мавжуд. Масалан, биологик жараёнларга хос бўлган ёки табиатдаги миқдорий муносабатларгагина (математика) хос бўлган, ёки бўлмаса, осмон жисмлари алоқасидагина ифодаланувчи (астрономия) қонунлар мавжуд.

Торроқ доирадаги предмет-ҳодисалар боғланишини белгиловчи қонунлар хусусий қонунлар, кенгроқ доирадаги предмет-ҳодисалар муносабатини ифодаловчи қонунлар умумий қонунлардир.

Қонунлар ўзи ифодалайдиган ҳодисаларнинг моҳияти, хусусиятлари, мазмунига қараб табиий ва ижтимоий қонунларга ажралади.

Табиат қонунлари ўз навбатида механик, химик, биологик ва ҳоказо қонунларга, жамият қонунлари эса иқтисодий қонунлар, санъат қонунлари ва ҳоказоларга ажралади. Табиат қонунлари инсоният жамияти пайдо бўлмасдан олдин ҳам мавжуд бўлган. Табиат мавжуд экан, табиий қонунлар ҳам мавжуддир. Ижтимоий қонунлар эса инсоният жамияти келиб чиқиши билан вужудга келди ва у жамият фаолияти билан узвий боғлиқдир.

Қ о н у н л а р н и б и л и ш в а ф а н. Инсон ўз фаолиятида табиат қонунлари ва жамият қонунларини билишга, ўрганишга ҳаракат қилади. Бу объектив қо-

нунларни билиш инсон ҳаёти учун жуда катта аҳамиятга эга. Чунки инсон уларни билиб, ўрганибгина ўз мақсадлари йўлида фойдаланиши ва унинг зарарли натижаларининг олдини олиши мумкин. Лекин объектив ҳодисаларни ҳар қандай билиш, акс эттириш қонунларни билиб олишга олиб келавермайди. Қонунларни билиш узоқ кузатиш, илмий ўрганиш натижасида қўлга киритилади. Фан ва унинг турли тармоқлари объектив реалликдан табиат ва жамиятда турли жараёнларнинг умумий, зарурий, такрорий томонларини, уларнинг ривожланиш, ўзгариш қонунлари билиш жараёнида вужудга келиб шаклланади. Ҳар бир фан маълум хусусий қонунларни аниқлаш, билиш билан характерланади ва бошқа фанлардан ажралиб туради. Жамиятнинг ривожланиши билан инсон табиат сирлари, ижтимоий ҳодисаларни борган сари чуқурроқ билиб бораверади. Натижада фанларнинг тармоқлари ҳам кўпайиб, унинг янги-янги тармоқлари, йўналишлари вужудга келаверади. Масалан, ҳозирда тиббиёт фанининг ўзи бир неча тармоққа бўлиниб кетгандир: хирургия, терапия, гигиена, рентгенология, ортопедия ва бошқалар.

Фан ривожлана борган сари илмий билишнинг турли метод ва воситалари ҳам ортиб бораверади. Турли илмий асбоблар, аппаратлар вужудга келиб, у билишни янада чуқурлаштириш учун хизмат қилади.

Инсон жамияти, ижтимоий ҳодисалар вужудга келиши билан уларни ўрганувчи фанлар ривож топди — тарихшунослик, лингвистика, адабиётшунослик, санъатшунослик, психология, социология, ҳуқуқшунослик ва бошқалар шулар жумласидандир.

Мантиқ илми ҳам инсонга хос бўлган тафаккурнинг объектив реалликдаги муносабатларини тўғри акс эттирувчи фикрлаш жараёнининг ички ўзига хос томонларини, қонун-қоидаларини ўрганишга интилиш жараёнида вужудга келди ва шаклланди.

Фан инсоннинг ижодий-илмий фаолияти билан боғлиқ бўлиб, унинг ёрдамида объектив реалликдаги жараёнлар, сабабий боғланишлар, ташқарида ва юзада кўринувчи воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятлари, қонун ва қонуниятларини аниқлайди.

Объектив қонунларни билиш, уларни тўғри акс эттириш фанларнинг ривожланишига олиб келади. Фанларнинг ривожи бу инсонга табиат сирларини очиш,

унинг стихияли кучларига таъсир этиш, бу кучлардан амалий фаолият учун фойдаланиш имконини беради. Табиатдаги стихияли кучларнинг билиб олиниши уларнинг инсон ҳаётига бўлган зарарли таъсирининг олдини олиш, уларни инсоннинг мақсадга бўйсундириш шароитларини яратади. Масалан, ядро жараёнининг очилиши, унинг учки ва ўзаро таъсир қонуниятларини аниқлаш, улардан халқ хўжалиги учун кенг фойдаланиш имконини берди.

Геологик жараёнлар, қимматли рангли металларнинг пайдо бўлиш қонуниятларини билиш бу соҳадаги янги-янги қонунларни очишга олиб келди. Демак, фан объектив қонуниятларни очиш орқали уларни инсон хизматига йўналтиради.

Маълум касалликнинг вужудга келиш қонунияти тиббиётда очилгандан сўнггина унинг олдини олиш ва даволаш мумкин бўлади.

Фан, демак, бу объектив қонунларни тўғри акс эттирувчи амалий билимлар системасидан иборатдир. Фан инсоннинг ўзини ўраб олган муҳитни билиб олишга бўлган эҳтиёжи, табиат сирларини ўрганиши, уни ўзига бўйсундириши, улардан фойдаланишга бўлган интилиши натижасида вужудга келиб, у инсон учун, унинг келажаги, ҳаётининг янада фаровон бўлиши учун, инсоният жамиятининг ҳар томонлама — ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан равнақ топиши учун хизмат қилади.

2. Мантиқий қонунларнинг хусусиятлари

Мантиқий қонунлар — бу хусусий қонунлар, инсон тафаккуригагина хос бўлган, инсон тафаккурида турли фикр, мулоҳаза, муҳокамалар муносабатидагина амал қиладиган қонунлардир.

Биз бундай қонунларни бошқа соҳада, бошқа фанларда учратмаймиз. Лекин бошқа қонунлар сингари мантиқий қонунлар ҳам ўз соҳасининг, бошқача айтганда тафаккур элементлари, фикр-муҳокамалари ўртасидаги энг умумий, зарурий, такрорланувчи, қатъий ва умумий ҳамда бир хил боғланишларни ифодалайди. Бошқа қонунлар сингари мантиқий қонунлар ўз соҳасининг — мантиқий фикрлашнинг тўғри амалга ошишини таъминлаб туради. Уларни бузиш, алмаштириш, ўзгартириш, янгилаш мумкин эмас. Акс ҳолда тўғри тафаккурнинг мавжудлиги йўқолади.

Тафаккур қонунлари биринчи кўринишда шахсларга хос қонунлардек бўлиб туюлади. Чунки улар инсон миясида (унинг шахсан мустақил ҳолда фикр юритишида), субъектнинг интеллектуал, ақлий ҳаёти жараёнида мавжуддир. Инсон, инсонлар бўлмаса, унинг тафаккури бўлмаса (табиий равишда), бу қонунлар ҳам ўз-ўзидан кераксиз ва улар мавжуд ҳам бўла олмайдилар.

Шу сабабдан бу мантиқий қонунларни субъектив қонунлар ва инсон тафаккурининг маҳсули, яъни улар фикрни осонлаштириш учун инсон томонидан ўйлаб топилган, деган таълимотлар фалсафа тарихида кўп бўлган. Лекин тафаккур қонунлари ҳам инсоннинг субъектив хоҳишларига, кайфиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳар қандай мантиқий, тўғри фикрлашга хос бўлган тафаккурнинг ўз табиий қонунлари, объектив реал муносабатлар инсон миясида акс этиши натижасида вужудга келган, яъни объектив мазмунга эга бўлган қонунлардир.

Тафаккур, фикр юритиш, инсонга, инсон миясига хос бўлган табиий хусусиятдир. Инсон мавжуд экан, унинг мияси саломат ва соғлом ишлар экан, у тафаккур этади.

Табиатда энг етук жонивор бу инсон, энг етук табиий руҳий жараён бу унинг тафаккури. Тафаккурсиз инсонни, инсонсиз тафаккурни тасаввур этиш мумкин эмас. Тафаккурни эса унга хос бўлган тушунча, ҳукм, хулосаларсиз ва бу фикр элементларининг ўзаро тўғри боғланишини таъминловчи танқидий қонунларсиз тасаввур этиш мумкин эмас.

Табиатнинг энг олий маҳсули бўлган инсон, инсоният ва унинг тафаккури айрим субъектларнинг тафаккури шаклида кўринади. Ф. Энгельс инсон тафаккури ҳақида гапириб шундай деган эди: «Бу якка махсус инсоннинг тафаккурими? Йўқ. Лекин у ўтмишдаги, ҳозирдаги ва келажакдаги кўплаб миллиард инсонларнинг тафаккури шаклида мавжуддир»[1].

Демак, тафаккур инсонларга хос бўлган табиий хислат, табиий жараён экан, унинг қонунлари ҳам тафаккурнинг табиий қонунларидир.

Бу жиҳатдан мантиқий қонунлар грамматик қонунларга ўхшаб кетади. Грамматиканинг қонун-қоидалари

---

[1] Ф. Энгельс. Анти-Дюринг. Т., Ўздавнашр, 1953 й, 81-бет.

бир-бирини тушуниб олишни, тўғри сўзлашни таъминловчи тил эса нутқ қонун-қоидаларини ифодалайди. Тил ва нутқ инсон учун ҳамда инсон мияси учун табиий хислат, жараёндир. Нутқсиз соғ-саломат инсонни, инсонсиз нутқни тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг учун нутқ тафаккур билан, мантиқ грамматика билан ажралмас боғлиқдир. Тил нутқда миллий характерга эга, яъни ҳар бир миллат, халқнинг ўз тили бор. Шунинг учун ҳам у миллий тил деб юритилади. Албатта, ҳар қандай нутқнинг, ҳар бир тилнинг ўз қонун-қоидалари, грамматик шакллари мавжуд. Лекин қонун-қоидасиз, грамматик категорияларсиз инсон тилини тасаввур этиб бўлмайди, албатта.

Мантиқий тафаккур ва унинг қонун-қоидалари эса умуминсонийдир. Барча миллат ва халқларнинг фикрлашида бу қонун-қоидалар бир хил бўлади. Шунинг учун инсонлар қайси тилда гаплашмасинлар, қайси замонда, қайси ерда яшамасинлар, бир-бирларини (таржимонлар, хатлар, китоблар) орқали тушуна оладилар. Инсонлар мияси, бош нерв системаси, миллати, ирқи, ёши, бўйи, тили жинси ва ҳоказоларидан қатъи назар, бир хил принциплар асосида фикрлашади. Бу фикрлаш бир хил қонунлар — мантиқий қонунлар асосида амалга ошади. Тафаккур жараёнининг, мантиқий қонунларнинг бир хиллиги, умуминсоний эканлиги унинг моддий асосини ташкил этувчи олий нерв системаси, мия тузилиши ҳужайраларининг бир хиллиги билан белгиланади. Шу билан тафаккур шакллари ва қонунларининг барча инсонлар учун бир хил бўлиши уларнинг, яъни объектив реалликнинг инсонлар миясида минг асрлар давомида акс этиб келиши натижасида вужудга келиб, шаклланиб қолганлиги туфайлидир.

Мантиқий қонунлар объектив реалликдаги предметҳодисаларнинг, улар муносабатининг ажралмас томонлари, хусусиятларининг бир неча минг йиллар давомида инсон миясида акс этиб қолишининг натижаси бўлиб, у ўз келиб чиқиши жиҳатидан объектив характерга эгадир. Улар қанчалик субъектив фикрлашнинг ўзигагина хос бўлиб кўринмасин, объектив мазмунга эга.

Мантиқий тафаккурнинг ажралмас ҳислати — бу **аниқлик, изчиллик** ва **асосли бўлишдир.** Бу хислатлар ҳар қандай тўғри фикрлашга хос бўлиб, мантиқий қонунлар сифатида мустаҳкамланиб қолгандир.

Аниқлик — ўзига хос хислатларга эга бўлишлик ҳар бир предмет, ҳодисага хос бўлиб, аввало бир предмет ёки ҳодиса иккинчисидаги шу хислати билан фарқ қилади. Предметнинг бу хислати ҳар бир фикр, муҳокама, мулоҳазанинг аниқ бўлишида акс этиб, ифодаланиб қолган. Чунки аниқ бўлмаган фикрни бошқа фикрдан тафовут этиш мумкин бўлмаганидан, айни пайтда унинг мустақил равишда бошқа фикрлар билан боғланиши, муносабатга киришуви мумкин эмас.

Шунингдек, объектив предметларнинг ўзаро муносабатида, боғланишида маълум тартиб, **изчиллик,** бирин кетинлик хислати мавжуд бўлиб, бу хислат ҳам инсон томонидан бир неча минг бор кузатиш, акс эттириш натижасида фикрлашнинг изчил тартиби юзага келди.

Шунингдек, мантиқий фикрлашнинг **асосли, исботли бўлиш** хислати ҳам объектив реалликдаги предметларнинг маълум тартиб билан муносабатда бўлишини ифодалайди.

Демак, мантиқий тафаккур хислатлари қанчалик мавҳум бўлишига қарамасдан, у ўзининг келиб чиқиши жиҳатдан объектив реалликка боғлиқдир.

Умуман асосий мантиқий қонунлар билан тафаккурнинг айрим шаклларига хос бўлган жузъий, қоидаларни бир-биридан фарқ этмоқ зарур. Масалан, тушунчанинг бўлиниш қоидалари, тушунча ҳажмининг торайиши билан ундаги мазмуннинг чуқурлашуви қоидаси бу ҳиссий ва фақат тушунчагагина хос бўлган қоидалардир. Шунингдек, ҳукмга оид, яъни масалан, ҳукмни айлантириш, алмаштириш жараёнига оид қоидалар ҳам жузъий қоидалардир.

Асосий мантиқий қонунлар эса мантиқий тафаккурнинг барча шаклларига, элементларига хос бўлган юқорида кўрсатиб ўтилган аниқлик, изчиллик, исботлилик хислатларини ифодалайди. Бу хислатлар тўрт асосий мантиқий қонун орқали ифодаланади. Булар *айният қонуни, зиддият қонуни, истисно қонуни* ҳамда *етарли асос қонунидир.*

Бу қонунлар ҳар бир инсоннинг тўғри, мантиқий фикрлаши учун маълум талабларни олга суради. Бу талабларга риоя этилса, фикрлашнинг мантиқий бўлиши, фикрлар ўртасидаги боғланишнинг тўғри бўлиши таъминланади. Бу қонунлар тафаккурнинг табиий қонунлари бўлгани учун уларни бузиш ёки йўққа чиқа-

риб, бошқа қонунлар билан алмаштириш мумкин эмас. Инсоннинг қандай амал қилишидан қатъи назар, бу қонунлар инсоният тафаккурнинг ажралмас ҳислатлари бўлгани учун ҳам, у ҳеч кимнинг хоҳишига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлади.

Лекин, бу қонунлардан келиб чиқадиган талаблар бузилиши, уларга риоя этилмаслик мумкин. Бу ҳолда мазкур шахснинг фикрлаши мантиқсиз, нотўғри бўлади, изчил, аниқ, асосли бўлмайди. Грамматик қонунлар ҳам шундай. Агар уларга риоя этилса ҳам, этилмаса ҳам улар тилнинг ажралмас қонунлари сифатида мавжуддир. Лекин мазкур шахс бу қонунларга риоя этса, нутқи — тўғри, риоя этмаса нотўғри, саводсиз бўлади.

Тафаккурнинг мантиқий қонунларига амал қилгандагина фикрлаш тўғри, тушунарли, аниқ, изчил, зиддиятсиз, далилли бўлиши, бу қонунларни бузиш эса, яъни уларнинг талабига риоя этмаган ҳолда тўғри, тушунарли фикр юритиш мумкин эмаслиги ҳар кунги тажрибада, илм-фанда қайта-қайта исботланди.

Мантиқий қонунлар, яъни мантиқ қонунлари билан диалектик қонунларнинг ўзаро муносабати масаласига келсак, у масала илмий адабиётимизда жуда катта ва узоқ муҳокамага сабаб бўлди. Мантиқий қонунлар тўғри тафаккур жараёнининг ажралмас табиий хислати, мажбурий шарти бўлса-да, улар яккаю ягона қонунлар эмас, яъни мантиқий қонунлар тўғри тафаккурнинг барча хислатларини, тўлиқ мазмунини ифодалаб бера олмайди. Диалектик қонунлар барча ҳодисалар, жумладан, тафаккурга ҳам хос бўлиб, фикрлаш жараёни ҳам диалектикага бўйсунади.

Диалектик қонунлар барча предмет, ҳодисалар, инсон маънавий ҳаётининг, барча табиий ва ижтимоий ҳодисаларнинг умумий қонунлари бўлиб, у табиат ва жамиятдаги маълум тор соҳаларнинг махсус қонунларини инкор этмайди, балки назарда тутади, улар ёрдамида ифодаланади. Физик ёки кимёвий ҳодисалар ва жараёнларнинг ўз ички қонуниятлари кимёвий қонунлар ҳамда физик қонунлар асосида амалга ошиши билан бир қаторда, умумий диалектик қонунларга ҳам бўйсунади.

Шунингдек, мантиқий қонунлар диалектик қонунларга нисбатан хусусий қонунлар — бу тўғри тафаккурнинг махсус қонунлари бўлиб, у тафаккур тузилиши-

нинг элементлари ўртасидаги, фикрлашнинг шакллари — тушунчалар, ҳукмлар ўртасидаги тўғри боғланишнинг ажралмас зарурий ҳислатинигина ифодалайди. Улар орасида умумийлик ва хусусийликнинг узвий боғланишли муносабати мавжуддир. Албатта, мантиқий қонунларни мутлоқлаштириш, уларнинг амал қилиш доирасини кенгайтириб юбориш ғайри илмий хулосаларга олиб келади. Фанда, фалсафа тарихида мантиқий қонунларнинг амал қилиш доирасини кенгайтириб, уларни тафаккурнингина эмас, ҳатто табиат, жамиятнинг ҳам мутлоқ қонунлари деб даъво этишлар кўп бўлган. Бу даъволар илмий тараққиёт жараёнида ўзўзидан тушиб қолди.

Энди мантиқий қонунларни алоҳида-алоҳида кўриб ўтамиз.

3. Айният қонуни

Айният қонуни мантиқий тафаккурнинг энг муҳим хислатларидан бўлган ҳар бир фикр, муҳокама аниқ, равшан бўлишини ўзида ифодалайди. Мантиқий тафаккурнинг бу хислати предмет, ҳодисаларнинг муҳим хусусиятини, улар маълум вақт ичида конкрет шакл, кўриниш, тузилишга эга бўлиб, мазмунан айнанликни сақлаб қолишини ўзида ифодалайди.

Маълумки, теварак-атрофимиздаги табиат, жамиятда мавжуд предмет, ҳодисаларнинг ҳаммаси ўзгаришда, ривожланишда, янгиланишда. Лекин бу ўзгариш, янгиланиш, ривожланишдаги ҳар бир предмет, ҳодиса-воқеа сифатида бошқаларидан фарқ қилиб, ўз конкрет мазмуни, тузилиши ва шаклига (ранги, ҳажми, қаттиқ-юмшоқлиги, овози ва бошқаларга) эга бўлади. Шу хусусияти туфайли у бошқа предмет, ҳодисалар билан муносабатга кириш имконига эга бўлади.

Ҳар бир предмет, ҳодисалар маълум давр ичида шундай ўз аниқлигига эга бўлгани учун ҳам инсон дарахтдан, дарахт сувдан, сув планетадан, планета юлдуздан фарқ қилади. Шу аниқлик ўз навбатида отани бола билан, узумни анор билан, Аҳмадни Абдулла билан аралаштириб юбормаслик имконини беради. Ҳар бир терак маълум давр ичида ўсиб, сўнг чириб, йўқолиб, тупроққа айланиб кетади. Лекин шу қисқа давр ичида у ўзининг маълум конкрет мазмуни ва хусусиятини сақлаб, терак бўлиб қолади ва чинор, акация ёки

тол дарахтидан мутлақо мустақил ҳолда яшайди. Албатта, терак йиллар давомида ўзгаради, қурийди, лекин шу йиллар давомида у барибир терак бўлиб қолаверади.

Объектив борлиқдаги буюмларнинг ана шундай нисбий барқарорлиги, муайянлиги бизнинг тафаккуримизда айнийат қонуни шаклида акс этиб қолган бўлиб, бу қонун маълум нарсалар ҳақида фикр юргизган чоғимизда, у бизнинг фикрларимизни муайян ва доимий бўлишини ифодалайди. Табиат ва жамиятдаги нарса ва ҳодисалар тўхтовсиз ривожланиб, ўзгариб турса-да, у маълум давр ичида ўз сифат муайянлигини, доимийлигини сақлаб қолганидек, бизнинг нарса ва ҳодисалар ҳақидаги фикрларимиз, билимларимиз ҳам тўхтовсиз бойиб бораверади. Лекин улар бир-бирлари билан аралашиб, қўшилишиб кетмасдан, ўз муайян мазмунини сақлаб қолади. Фикрнинг бундай муайян ва аниқ бўлиши мантиқда айнийат қонунида ифода этилади. **Бу қонунга биноан маълум муҳокама, баҳс, мунозарада ҳар бир фикр айнан бир маънода ишлатилмоғи лозим.** Фикр маълум муҳокамада ўз маъносини айнан сақлаб қолади, яъни у ўзига айнандир. Бунинг формуласи А—А ёки А— бу А дир. Бунда А ҳар қандай фикрни ифодалайди. Бу қонундан муҳокама жараёнида турли фикрларни аралаштириб юбормаслик, бир маънодаги фикрни бошқа маънода қўлламаслик зарурлиги ҳақидаги талаб келиб чиқади.

Бу мантиқий тафаккурнинг бошланғич муҳим шарти бўлиб, унга ҳар қандай инсон, қаерда ва қандай ҳолда бўлмасин, ўз фикрлашида, нутқида, суҳбатида риоя этмоғи керак.

Маълумки, ҳар бир тилда турли маънода ишлатиладиган бир хил сўзлар ёки бир хил маънони турли сўзлар билан ифодалаш ҳоллари кўп учрайди. Бундай вақтларда айнийат қонунининг талабларидан четга чиқиб кетиш ҳоллари жуда кўп учрайди. Масалан, «уч» сўзи рақамни («3») ҳам, бир предметнинг учини (бошланиши, яъни қаламнинг учи) ифодалайди. Суҳбатда ёки муҳокамада «уч» сўзини ҳам рақам маъносида, ҳам иккинчи маънода ишлатиш чалкашликларга, тушунмовчиликка олиб келиши муқаррардир. Ёки «ёз» сўзини олиб кўрайлик. У уч хил маънода қўлланилиши мумкин, яъни бир сўз шакли уч хил тушунчани ўзида ифодалайди: 1) йилнинг маълум фасли — ёз фасли; 2) хат, китоб ёзиш; 3) қанот ёзмоқ, барг ёзмоқ.

Грамматикада турли тушунчани ифодаловчи бундай бир хил сўзлар *омонимлар,* яъни *омоним* сўзлар деб аталади. Бундай омоним сўзларни муҳокамада ишлатиш тутуруқсизликка, кулгили ҳолларга олиб келади. Масалан: *Мол — уй ҳайвони.*

Магазинга мол келди.

Демак, магазинга уй ҳайвони келди.

Бу муҳокамада кулгили, бемаъни хулосада *«мол»* сўзи икки хил маънода ишлатилмоқда, *«мол»* сўзидан икки хил тушунчада фойдаланилмоқда — биринчи асосда *«мол»* уй ҳайвони тушунчасини, иккинчи асосда *«мол»* савдо-сотиқ нарсалари — мато тушунчасини ифодалайди. Шунинг учун ҳам хулоса ҳар томонлама нотўғри бўлиб қолган. Турли тушунчаларни бундай айнан қилиб қўйиш, яъни мазкур муҳокама жараёнида бир тушунча ўрнига иккинчи тушунчани алмаштириб юбориш, яъни айнят қонуни талабининг бузилиши «Тушунчани ўзгартириб қўйиш» дейилади. Муҳокама жараёнида тушунчани ўзгартириб қўйиш бу муҳокама предмети, муҳокама объектини ўзгартириб юборишдир, яъни бир предмет устида фикр юрита бошлаб, иккинчи, тамоман бошқа предмет ҳақидаги фикрга ўтиб кетишдир. Муҳокама предметини ўзгартириб юбориш, яъни «тушунчани ўзгартириб қўйиш» ихтиёрсиз, яъни *онгсиз* равишда ёки атайлаб маълум мақсад учун *онгли* равишда амалга оширилиши мумкин.

Суҳбат жараёнида айнят қонунларининг талабларини билмасдан туриб бузиш, тушунчаларнинг маъноларини билмай туриб ўзгартириб юбориш ҳоллари бу фикрлаётган одамнинг фикрлаш маданияти, маълумоти паст эканлиги ёки руҳий жиҳатдан соғлом эмаслиги, ёки хотирасининг бўшлиги натижасидир. Кўп ҳолларда суҳбат, муҳокама жараёнида билиб туриб тушунчалар атайлаб ўзгартириб юборилади. Бунда суҳбатдошни, оппонентни, рақибни алдаш, талвасага солиш, нима қилиб бўлса-да, уни енгиш ва ютиб чиқиш мақсадида нотўғри усулдан фойдаланилади. Бу шубҳасиз, ҳақиқатни атайлаб ғараз мақсадларда бузиш, мантиқ қонуни талабларини ўз шахсий манфаати йўлида қурбон қилишдир. Қадимги юнон фалсафасида суҳбатдошни мағлуб қилиш мақсадида қасддан тушунчаларни алмаштириб юбориш йўли билан фикр юритувчилар *софистлар* номи билан маълум бўлган. Софистлар кўринишдан тўғри бўлиб сезилувчи, лекин аслида нотўғри,

мантиқ қонун-қоидаларига зид муҳокамалар юритишга уста бўлганлар. *«Софизм»* сўзи ҳам ана шундан келиб чиққан бўлиб, унинг маъноси, жўрттага мантиқий хато қилиш демакдир. Софистлар фикр юргизганларида маъноси турлича бўлган тушунчаларни ишлатишлари гўё бир қоида бўлиб қолган эди. Мисол учун «шохдор» деган софизмни олиб қарайлик:

Бор нарсангни йўқотмаган бўлсанг, ўзингда бўлади.
Сен шоҳингни йўқотмагансан,
Демак, сенинг шохинг бор.

Бу ерда хулоса тамоман хато, иккинчи асос бундай хатонинг сабабчисидир. Бу софизмнинг мазмунида «йўқотмаган» сўзини икки маънода қўллаш ётади. Биринчи асосда ҳақиқатан ҳам инсонда мавжуд бўлган ва йўқотилмаган буюмлар устида гап борса, иккинчи асосда инсонда бўлмайдиган, инсонга ҳеч қачон хос бўлмаган буюмлар (шох) ҳақида гап боради. Шунинг учун ҳам хулоса тамоман нотўғридир.

Қуйидаги мисол ҳам шундай тушунчаларни ўзгартириб юбориш, бир сўзга икки хил маъно беришнинг натижасидир.

Сен бу қопнинг ичидаги буюмни билмайсан.
Бу қопнинг ичида сенинг отанг.
Сен ўз отангни билмайсан.

Ҳозирда ҳам айримлар ўз айбини ёпиш, ўзини суҳбатдоши ва омма олдида оқлаш, ҳақиқатга иқрор бўлишдан қочиш учун фикрлашда софизм усулидан фойдаланадилар. Сўнгроқ софизм ҳақида яна махсус тўхталинади. Бу ерда мантиқий қонунлар, хусусан айният қонунини бузиш, фикрлашда қандай натижа олиб келиши ҳақида гап бормоқда.

Аниқлик, муайянлик, мантиқий тафаккурнинг энг муҳим хислати, бу инсонлардаги фикрлаш маданиятининг муҳим белгисидир.

Атоқли олим, фозиллар, илм-фанда, илмий суҳбат, муҳокамаларда, фикрлаш маданияти юқори даражада бўлиши зарурлигига, фикрларнинг ҳар доим муайян, аниқ бўлишига ҳамиша катта эътибор берадилар. Шу билан бир қаторда улар ўз рақибларини мантиқий қоидаларга риоя этишга чақирдилар ва тафаккурнинг талабларини бажаришни улардан талаб этар эдилар.

Тушунчаларнинг аниқ ва муайян бўлиши ҳар бир фан ва ҳар бир муҳокама, мунозара учун керакдир.

Айрим ҳолларда «Тушунчани ўзгартириб юбориш» усулидан кулгили ҳолларни юзага келтириш ёки суҳбатни қизитиш учун адабиётда қўлланиладиган «сўз ўйини»ни ишлатишдан ҳам фойдаланилади. Масалан, ўзбек оғзаки адабиётида кенг тарқалган аския санъатининг муҳим усулларидан бири, бу бир хил ёки ўхшаш сўзлардан фойдаланган ҳолда суҳбатга турлича, кутилмаган маъно бериш ва аскиядаги мусобақачи суҳбатдошни ўзининг фикрлаш маҳорати билан мот қилиш, лол қолдириш, бу билан тингловчиларни кулдиришдир. «Сўз ўйини», яъни турли маънодаги бир хил сўзларни моҳирлик билан ишлатиш асосига қурилган суҳбат, мулоҳаза, муҳокама ўзбек тилида кўп учраб туради. Шарқ адабиётида «туюқ» номи билан маълум бўлган шеърий форма асосан турли маънодаги бир хил ёки ўхшаш сўзлардан фойдаланишга асосланган-дир. Бундай шеърий мисралар одатда гўзаллиги, ўйноқилиги ва одамга алоҳида завқ бера олиши билан ажралиб туради. Фақат моҳир шоир-санъаткорларгина бу формада ҳам мазмунан, ҳам шаклан етук бўлган шеърлар ярата олганлар.

Ўзбек классик адабиётининг машҳур намояндалари Лутфий, Навоий, Нодирабегим, Огаҳий кабиларнинг девонларидаги туюқлар бу жиҳатдан алоҳида ўрин тутади. Масалан, XVIII—XIX асрда яшаган хоразмлик машҳур ўзбек шоири Огаҳийнинг қуйидаги мисраларини келтириш мумкин:

Дўстлар, ҳамроҳни айлаб борингиз,
Тунд ҳу ёрим қошиға борингиз,
Бир кеча базмга келтирмоқ учун
Бош оёқиға қуюб ёлборингиз.

* * *

Ғам юки то қоматим ё қилмади,
Оҳим ўтиға фалак ёқилмади.
Қилмади раҳм менга, ҳуд ўзиға
Билмадимки қилдиму, ё қилмади.

Албатта, бундай туюқлар мантиқий қонунлар талабини бузиш эмас, балки уларга тўлиғича риоя этган ҳолда, ўхшаш омоним сўзлардан моҳирлик билан фойдаланиш асосида яратилгани учун ҳам инсонга завқ бериб, унда янги фикр ва туйғуларни уйғотади.

Қуйидаги туюқни анализ қилиб кўрайлик:

Энди, дўстим, тўхтамасдан ижод этиб қишин, ёз,
Ўлкамизнинг табиати, бойлигидан шеърлар ёз,

Қадр топсин бу ватанда меҳнат аҳли умрбод,
Қайнар илҳом, янги-янги зафарларга қанот ёз.

Бу шеърда, 1, 2 ва 4 мисрада «ёз» сўзи уч маънода ишлатилмоқда, яъни сўз бир шаклда бўлса-да, уч турли тушунчада ишлатилмоқда. Биринчи мисрада йил фасли тушунчаси, иккинчи мисрада «ёзмоқ» феълининг иккинчи шахс буйруқ шаклида келган ҳаракат тушунчаси ва, ниҳоят, тўртинчи мисрада «қанот очмоқ», яъни «қанот ёзмоқ» феълининг иккинчи шахс буйруқ шаклида келган ҳаракат тушунчаси қўлланилган. Кўриниб турибдики, бу ерда ҳеч қандай мантиқий қонун-қоида, айнийт қонуннинг талаблари бузилмаган ва бир хил сўз асосида уч мисрада уч хил ўзаро боғлиқ муҳокама келтирилган.

Демак, ҳаётда, амалиётда тушунчанинг турли маъноларда қўлланилишини яхши, фойдали мақсадлар учун кенг фойдаланиш мумкинлигини юқоридаги мисралардан кўрамиз. Лекин бу айнийт қонунининг талабларини бузиш йўли билан эмас, балки уларга тўлиқ риоя қилган ҳолда амалга оширилади.

Айнийт қонунининг талаблари, шартлари шундан иборатки, бир муҳокама, мулоҳаза жараёнида, маълум бир вақт давомида ва маълум муносабат, боғланишда тушунча, фикр, тезис бошланғич маъносини сақлаб қолмоғи, айнан бўлмоғи зарур. Албатта, турли вақтда, турли муносабат ва боғланишда фикр ўз маъносини ўзгартириши, бошқача маънода қўлланилмоғи мумкин. Бу айнийт қонуни томонидан ман этилмайди. Демак, **айнийт қонуни фикрнинг маъно бирлиги, айнанлиги, вақт айнанлиги ва муносабат айнанлигини талаб этади.** Агар бу шарт-шароит бўлмаса, айнийт қонуни ўз таъсирини йўқотади. Юқорида кўрганимиздек, «ёз» тушунчаси турли вақтда, ёки турли муносабатда, ёки турли предметга нисбатан турли маъноларда ишлатилиши мумкин. Лекин фикрлаш предметига, вақтга ва муносабатга нисбатан айнанлик йўқолса, фикрлаш ўзининг муайянлигини, аниқлигини йўқотади ва у чалкаш, мантиқсиз бўлиб қолади.

Айнийт қонуни ҳеч қачон тафаккурнинг ривожланиши, тушунчалар ва билимимизнинг ўзгариб, бойиб боришини инкор этмайди. Аксинча, ҳар қандай фан, шунингдек, мантиқ фани ҳам инсон билимининг турли илмларнинг мазмуни амалий ишлаб чиқаришнинг ри-

вожланиши асосида бойиб боришини назарда тутади.

Айнинят қонуни талаблари, айнанлик, муайянлик принципи чексиз мазмунини кенгайтириб юбориш, уни реал предмет, ҳодисаларга кўчириш мутлақо нотўғри, ғайриилмий хулосаларга олиб келади.

Мантиқий тафаккурнинг муҳим хислати бўлмиш — ҳар бир фикрнинг аниқ, равшан бўлиши — ғализликлар, ноаниқликлардан ҳоли бўлишини ўзида ифодалаган айнинят қонуни тўғри фикрлашнинг хусусий қонуни бўлиш билан бир қаторда, тафаккурнинг ўзида унинг барча элементлари, шакллари учун ҳам умумийдир. Бу қонун тушунчага ҳам, ҳукмга ҳам, хулоса чиқариш ва исботга ҳам хосдир, яъни тўғри тафаккурнинг қайси формаси бўлмасин, фикрлар ўртасидаги муносабат, боғланиш шу қонунга амал қилади. Бу қонуннинг талабига биноан, юқорида кўрганимиздек, тушунча мазкур муҳокама давомида ўз мазмунини айнан сақлаб қолмоғи зарур. Яъни у бир муҳокамада, фикрлашнинг мазкур боғланишида ўз маъносини ўзгартириб юбормаслиги керак. Акс ҳолда фикрларнинг чалкашлиги вужудга келади. Шунингдек, ҳукмлар боғланишида ҳам улар ўз маъносининг айнанлигини сақламоғи даркор.

Айнинят қонунининг талаблари ҳар бир тафаккур шаклининг ўзига хос бўлган конкрет қоидаларида, конкрет ҳолда ўз ифодасини топади. Масалан, ҳукмларни айлантириш, алмаштиришнинг қоидалари, силлогизм терминларининг асосларда ва хулосаларда бўлинган ёки бўлинмаганлиги ҳақидаги қоидалар, исботлаш қоидалари кабиларда фикрнинг аниқлиги, айнанлигини сақлашга қаратилган талаблар очиқ кўриниб туради.

4. Зиддият қонуни

Айнанлик, муайянлик ҳислати предметлар ўртасидаги ўзаро тафовут хислатини (ўзгариш ва ривожланишнинг узлуксизлигига қарамай), муайян маълум шароит ва боғланишда предметларнинг бир-биридан фарқли ўлароқ, алоҳида-алоҳида мавжудлиги хислатини вужудга келтиради. Бир предметнинг бир вақтнинг ўзида икки зид хислатга эга бўлишини, яъни бир вақтда, бир шароитда ҳам «оқ», ҳам «қора» бўлишини ёки бир самолётнинг бир вақтнинг ўзида ҳам учиб юрганини, ҳам ерда қўниб турганини инсон ўз ҳаётида ҳеч қачон

учратмаган. Бир вақтнинг ўзида бир предметга икки зид хислатнинг хос бўлмаслиги ва бу жиҳатдан предметларнинг боғланиши маълум изчиллик асосида мавжудлиги тафаккурда ҳам акс этиб, фикрлар боғланишидаги изчиллик хусусияти шаклида ўрнашиб қолгандир. Яъни, агар бу нарсанинг ўзи айни бир шароитнинг ва айни бир вақтнинг ўзида маълум бир хусусиятига бирданига ҳам эга бўлиши, ҳам эга бўлмаслиги мумкин эмас экан, бас, тўғри тафаккурда ҳам худди бир маънода олинган масала юзасидан бир-бирига қарама-қарши икки ҳукмни айтиш, яъни зиддиятга йўл қўйиш мумкин эмас.

Бу хусусият мантиқнинг зиддият қонунида ва унинг талабларида ифодаланади. **Бу қонунга биноан бир буюм ҳақида айтилган икки қарама-қарши фикр айни бир вақтнинг ўзида ва айни бир нисбатда бирданига чин бўлиши мумкин эмас.**

Мантиқда қўлланиладиган белгилар ёрдамида бу қонуннинг формуласи А.$\bar{А}$. дир (Яъни А ва А эмас, бир вақтнинг ўзида тўғри.) Бу ерда А ҳукмни билдиради. $\bar{А}$ ҳукми биринчи ҳукмни инкор этувчи ҳукмни ифодалайди.

Фикрлар ўртасидаги бундай боғланишни ифодаловчи мантиқий қонуннинг номи ***зиддият қонуни*** деб аталса-да, **у аслида зиддиятга йўл қўймасликни талаб этувчи, фикрий зиддиятнинг олдини олишга қаратилган қонундир.**

Тўғри тафаккур бир вақтнинг ўзида, бир маънода бир-бирини инкор этувчи фикрларга асослана олмайди. Мантиқий тафаккурда зиддиятнинг бўлмаслигини нотўғри талқин этиш, метафизик тушуниш объектив реалликнинг муҳим хислати бўлмиш диалектик қарама-қаршиликни инкор этишга олиб келади.

Реал ҳаёт зиддиятлари, яъни диалектик зиддият билан мантиқий тафаккурдаги зиддиятни бир-биридан кескин фарқ қилиш, уларни алмаштириб юбормаслик керак.

Ҳаёт зиддияти бу объектив реалликда, табиат ва жамиятда мавжуд бўлган предмет, ҳодисаларга оид ички зиддиятни, яъни диалектик зиддиятни ифодалайди. Бу объектив зиддият шундан иборатки, предметлар, ҳодисалар ҳар доим ривожланиш ва ўзгаришда, бир предмет вақт ўтиши билан ўзгариб, ўзининг маълум ҳолатини, хислатларини йўқотади, бошқа нарсаларга

айланиб кетади. Демак, диалектик зиддият бутун борлиқнинг, яъни табиат, жамиятнинг ва ҳатто инсониятнинг ҳам ўзгариши ва ривожланишида ифодаланади. Диалектик зиддият ривожланиш манбаидир.

Инсон билимлари ва фаннинг ҳам ривожланиши шу зиддият асосида юзага чиқади. Диалектик зиддият, демак, *бу реалликнинг, моддий оламнинг объектив зиддиятидир.*

Диалектик зиддият инсон фикридаги мантиқий зиддият қонунини, аниқроғи, зиддиятсизликни, яъни фикрларнинг тартибли, изчил бўлишини назарда тутади. Яъни ҳаёт зиддиятини тартибли, изчил, пала-партиш бўлмаган, бир-бирига зид бўлмаган фикрларда, муҳокама, хулосалардагина тўғри акс эттириши мумкин. Акс ҳолда эса объектив ҳаётни, унга хос бўлган реал хусусиятларни, жумладан, зиддиятни ҳам тўғри акс эттириш, демак, ҳақиқатни билиб олиш мумкин эмас.

Демак, нотўғри муҳокамада зиддиятга йўл қўймаслик даркор — айният қонуни шуни талаб қилади.

Тўғри фикрларнинг зиддиятсиз бўлиши маълум шарт-шароитни тақозо этади. Бир вақтнинг ўзида, бир масалага нисбатан бир маънода икки зид фикрнинг тўғри бўлиши мумкин эмас. Лекин турли маънода ёки турли вақтда турли нисбатда икки зид фикрнинг мавжуд бўлиши ҳамда улар тўғри бўлиши мумкин. Чунки предмет, ҳодиса вақт ўзгариши билан ўзгаради, ҳатто у қарама-қарши хусусиятларга эга бўлиши ҳам мумкин. У турли вақтларда турли хусусиятни қабул қилади.

Масалан: *Орол кўли — катта кўл* (Иссиқ кўлга нисбатан). *Орол кўли — кичик кўл* (Бойқолга нисбатан). *Оролнинг суви кўп* (30 йил аввал). *Оролнинг суви оз* (ҳозирги кунда). Бу ҳукмлар ҳам тўғри, ҳақиқатдир, чунки улар турли нисбатда, турли вақтга нисбатан келаётир. Ёки:

Искандар ёш одам.

Искандар қари одам.

Бу ҳукмлар ҳам бир вақтнинг ўзида тўғри бўлиши мумкин, агарда Искандар номи билан икки шахс тушунилса ёки Искандарнинг 20 ёшлик чоғи ва 65 ёшлик чоғи ҳақида гап борса. Бундай ҳолда икки ҳукм ўртасида зиддият йўқ.

Вақт, фикр, муносабат, нисбат бирлигининг сақла-

ниши зиддият қонунининг амал қилиши учун зарурий шарт-шароитдир.

Яъни, *зиддият қонуни айни бир вақтда айни бир нисбатда, айни бир предмет ҳақида айтилган икки қарама-қарши фикрнинг чин бўлиши мумкин эмаслигини таъкидлайди.* Лекин, албатта, бундан бу зид икки фикрнинг бири ёлғон бўлса, ундан иккинчисининг, албатта чинлиги келиб чиқади, деган гап эмас. Масалан, *Бизнинг биринчи курсда ҳамма аълочи. Бизнинг биринчи курсда ҳеч ким аълочи эмас.* Бу ҳукмларнинг ҳар иккиси ҳам нотўғридир.

Зиддият қонуни зарурий шарт-шароитлар мавжуд бўлса, икки зид ҳукмдан бирининг чинлигидан иккинчисининг ёлғонлиги намоён бўлишинигина қайд қилади. Тафаккур ривожланишида, инсон билимининг ўсиб боришида турли шароит, турли нисбатда қарама-қарши фикрларнинг ишлатилиши ва тўғри бўлиши, объектив реалликни акс эттириши табиийдир.

Ёмғирни, умуман, зарарли ёки фойдали деб бўлмайди.

15 майларда маълум қурғоқчиликдан сўнг ёққан ёмғир буғдой учун ниҳоятда фойдалидир. Лекин июлда, буғдойни йиғиб-териб олиш даврида ёққан ёмғир шубҳасиз, зарарлидир.

Шунинг учун ҳам зиддиятни аниқлашда, бир томондан, зиддият қонунининг амал қилувчи шароитларини билиш мантиқий қарама-қаршиликка йўл қўймасликка олиб келса, иккинчи томондан, бу шароитларни билмаслик бу мантиқий қонунни нотўғри талқин этишга, реал ҳаётий зиддиятни инкор этишга олиб келиши мумкин.

Мантиқий зиддият қонуни, у амал қилувчи шароитни яхши билишлик рақибнинг, суҳбатдошнинг фикрларидаги мантиқсизликни тезда очиб ташлаш, илмий таҳлилни изчил ва чуқур мантиқий асосда олиб бориш имконини беради.

Мантиқ қонунларини, жумладан, зиддият қонуни, аниқроғи зиддиятсизлик қонуни талабларини кўриб-билиб туриб, атайлаб бузиш — бу инсонда маълум ғараз мақсаднинг мавжудлигидан ёки ҳақиқатни эътироф этишдан қочишга бўлган уринишдан далолат беради.

Лекин айрим ҳолларда фикрдаги зиддиятлар очиқ-ойдин кўзга кўриниб турмай, уни аниқлаб олиш анча маҳорат ва ўткир мантиқий зеҳн талаб қилади. Чунки

бу зиддият бошқача сўз ва фикрлар орасида яширин бўлади. Бу ўринда Умар Хайёмнинг қуйидаги рубоийлари мисол бўлади:

Ҳамма нарсаларни яратиб оллоҳ,
Нимага синдириб отади, э воҳ,
Яхши бўлса нега парчалар уни,
Ёмон бўлганда айт, кимдадир гуноҳ?

* * *

Азалдан лойимни қорганда худо,
Биларди феълимдан не бўлур пайдо.
Ҳукмидан ташқари эмас гуноҳим.
Яна нечун машҳарда беради жазо.

Фикрдаги зиддият қонунини аслида зиддиятга йўл қўймаслик қонуни дейилса, унинг мазмунига мос бўлар эди. Аммо у мантиқ фанида зиддият қонуни номи билан маълум бўлиб қолган.

5. Учинчиси истисно қонуни

Учинчиси истисно қонуни мантиқий зиддият қонуни билан узвий боғлиқ. У вужудга келган икки имкониятдан биринигина танлаш мумкинлигини ифодалайди.

Бу қонун асосида объектив реалликдаги предмет, ҳодисалар ўртасидаги фарқ ва тафовут, предметларнинг бир-биридан мустақил ҳолда мавжудлиги ётади. Бу тафовут реалликда турли шаклда учрайди, бир-бирига зид икки ҳолат, яъни бир-бирини инкор этувчи икки имконият шаклида мавжуд бўлса, бундай ҳолат тафаккурда учинчиси истисно қонуни шаклида ифодаланади. Масалан, қўлимиздаги қоғоз ҳозирда ёки оқ, ёки оқ эмас,— учинчи ҳолатнинг мавжудлиги мумкин эмас. Уйимизнинг олдидаги дарахт ёки қарағай, ёки қарағай эмас,— ўртанча имконият мавжуд эмас. Шунингдек, бугун ёмғир ёғади ёки ёғмайди. Эшикдан кириб келган одам ёки аёл, ёки аёл эмас, эркак.

Учинчиси истисно қонунининг ифодаланиши қуйидагича: *бир-бирига зид бўлган ҳукмдан бири ҳамиша чин бўлиб, иккинчиси хатодир, учинчисининг бўлиши мумкин эмас.* Бу формулани аниқроқ ва тўлароқ қилиб ифодалаганда у қуйидаги шаклга киради. Бир предмет ҳақидаги икки зид фикр бир вақтнинг ўзида ва бир нисбатда бирданига чин ҳам, хато ҳам бўла олмайди, бири чин бўлса, иккинчиси ёлғон бўлади, учинчи имконият мавжуд эмасдир.

Юқорида кўрганимиздек, зиддият қонуни икки зид фикрнинг хатолиги ҳақида ҳеч қандай хулоса бермайди. Бу қонуннинг талабига биноан бир предмет ҳақидаги икки зид фикр бир нисбатда ва бир вақтда баробар чин бўла олмайди, бири чин бўлса, иккинчиси хатодир. Лекин бу қонун бир-бирини инкор этувчи имкониятни билдирмайди, шунинг учун бу зид фикрдан, яъни бирининг хатолигидан иккинчисининг чинлиги келиб чиқмайди, ҳар иккиси ҳам хато бўлиши мумкин.

Масалан: *Бу қоғоз оқ.*

Бу қоғоз қора.

Бунда зиддият қонуни бўйича бири чин бўлса, иккинчиси, албатта, ёлғондир, фақат ҳар икки ҳукм ҳам мазкур қоғоз ҳақида бир вақтда айтилган бўлса. Лекин бири чин бўлмаса, иккинчисининг ёлғон бўлиши шарт эмас, иккинчиси ҳам ёлғон бўлиши мумкин, яъни бу икки хусусият — *«оқ»* ва *«қора»* ўртасида бошқа хислатларнинг ҳам бўлиши мумкин, яъни *қизил, кўк, сариқ* ва бошқалар. Лекин *қоғоз оқ, қоғоз оқ эмас* ҳукмлари муносабатида фақат зиддият қонунигина эмас, *учинчиси истисно* қонуни ҳам амал қилади, яъни қоғоз ёки *«оқ»,* ёки *«оқ эмас»* — учинчиси бўлиши мумкин эмас, чунки қолган барча ранглар «оқ эмас» мазмунига киради. Зид фикрларнинг бундай муносабати альтернатива шаклини олади: *«оқ»* ёки *«оқ эмас».* Хуллас, **учинчиси истисно қонуни тушунчанинг икки зид муносабатини ифодалайди.** Агарда зид муносабатлар тушунчанинг тўлиқ ҳажмини қамраб олмаса, икки зид хислатлардан ташқари, бошқа хислатларнинг ҳам мавжудлиги маълум бўлса, унда учинчиси истисно қонуни амал қила олмайди.

Масалан: *Бу геометрик шакл — доира.*

Бу геометрик шакл — тўртбурчак.

Биз ҳукмлар муносабатида зиддият қонунигагина амал қиламиз. Ваҳоланки, бири чин бўлса, иккинчиси албатта чин эмасдир. Лекин ҳар иккиси ҳам ёлғон бўлиши ва ҳукмда келтирилган учинчи бир геометрик шакл, яъни ромба, эллипс, кўпбурчак ва бошқалар чин бўлишлиги мумкин. Чунки бу ерда «доира» ва «тўртбурчак» тушунчалари «геометрик шакл» тушунчасини тўлиғича қамраб олмайди, балки бир қисминигина ўз ичига олади.

Лекин бу геометрик шакл — доира
ва бу геометрик шакл доира эмас

ҳукмлари муносабатида зиддият қонунигина эмас, балки учинчиси истисно қонуни ҳам амал қилади, чунки ҳар иккисидан албатта бири чин, бири хато, учинчи имконият берилмаган *«ёки—ёки»*, яъни *«доира»* ва *«доира эмас»* тушунчалари фақат геометрик шакл тушунчасининг ҳажмини тўла қоплайди. Қолган барча геометрик шакл *«доира эмас»* тушунчаси ҳажмига киради.

Албатта, учинчиси истисно қонунининг амал қилиши учун олинган зид тушунча ёки хусусиятларнинг бири мусбат, бири манфий бўлиши ёки зид ҳукмларнинг бири тасдиқ, иккинчиси инкор бўлиши шарт эмас. Олинган икки зид тушунча ёки ҳукм ҳажм жиҳатидан бирбирини тўлиқ инкор этиши зарур, шундагина икки имконият ифодаланган бўлади, акс ҳолда тафаккур бошқа имкониятлардан ҳам фойдаланиши мумкин.

Масалан: *Бу жисм содда жисм.*

Бу жисм мураккаб жисм.

Бу ҳукмлар муносабатида ҳар иккиси баробарига чин ва баробарига хато бўла олмайди. Бунда мусбат ҳукмлар ёрдамида икки бир-бирига зид имкониятдан бири ифодаланган, учинчисининг бўлиши мумкин эмас. Чунки ҳар қандай жисм ёки содда, ёки мураккаб бўлади.

Шекспирнинг «Гамлет» трагедиясидаги бош қаҳрамон Гамлетнинг «Ё ўлим, ё ҳаёт» деб бошланувчи монологи ҳам икки имкониятни таъкидлашга асосланади. Бу ерда учинчи ҳолатнинг мавжудлиги мумкин эмас.

Бу муносабатни зид тушунчалар ва қарама-қарши тушунчалар мисолида кўриш мумкин.

Зид тушунчалар (ҳукмлар) бир предмет ҳақидаги тасдиқ ва инкор фикрни билдирса, тушунчалар ўртасидаги қарама-қаршилик муносабати шаклан сиғишмайдиган ва бир-бирини инкор этувчи икки мусбат фикрни билдиради. Тушунча ҳам ҳажм, ҳам мазмун жиҳатидан фақат икки бўлакдан, яъни хислатдан ташкил топган ҳолатдагина зидлик ва қарама-қаршилик муносабати бир-бирига мос келади. Бундай ҳолда қарама-қарши тушунча ёки ҳукмлар икки имкониятни ифодалайди ва бундай муносабатда зиддият қонуни ҳам, учинчиси истисно қонуни ҳам амал қилади.

Масалан: *Чой ширин ва чой ширин эмас.*

Бу зидлик муносабати бўлиб, маза-таъмнинг ҳажми фақат шу икки *«ширин»* ва *«ширин эмас»* — мусбат ва манфий тушунчалардан иборат (ўртада бошқа имко-

ния́т йўқ). Бу ҳолатда зиддият ва учинчиси истисно қонуни амал қилади.

Чой ширин, чой чучук ҳукмлари (икки тасдиқ, мусбат белгилар) қарама-қаршилик муносабатида бўлиб, бу ҳолатда фақат зиддият қонуни амал қилади.

Ҳар бир конкрет ҳолатда — қаттиқ — юмшоқ, узун — калта, уруш — тинчлик каби муносабатларда зидлик ва қарама-қаршилик ҳолати мос келади.

Учинчиси истисно қонуни принципсизликни, келишмовчиликни ва муросасизликни, худди бир масала юзасидан айтиладиган ва бир-бири билан сиғишмайдиган нуқтаи назарларни аралаштириб юборишни, яъни умумий қилиб айтганда, мантиқсизликни фош этишда муҳим аҳамиятга эга. Учинчиси истисно қонуни асосида фикр юритишда вақт, нисбат, предмет бирлигига риоя этиш билан бирга зидлик ва қарама-қаршиликнинг мазкур конкрет ҳолда қандай муносабатда эканини билиш ва назарда тутиш зарур. Акс ҳолда, учинчиси истисно қонуни ўз кучини йўқотади, яъни учинчи имкониятни назарда тутмаган ҳолда тушунчалар, муносабатларни сунъий равишда, реалликка мос келмаган ҳолда альтернатива шаклида ифодалаш ҳолатлари ҳам учраб туради. Бу ҳам фикрнинг изчиллигига зарар етказади ва мантиқсизликка олиб келади.

Бу қонун ҳам мантиқнинг бошқа қонунлари каби тўла чин фикрларни аниқлашнинг муҳим шарти сифатида ҳақиқатни топишга ёрдам беради.

6. Етарли асос қонуни

Чин фикрлашнинг аниқ, муайян, изчил, зиддиятсиз бўлишлиги юқорида кўриб ўтилган мантиқий қонунларда ифодаланган бўлса, унинг исботли, ишонарли бўлишлик хусусияти **етарли асос қонуни** деб номланган мантиқий қонунда ўз ифодасини топгандир.

Бу қонуннинг талаби бўйича **тафаккур жараёнида ҳар бир чин фикр етарли асосга эга бўлмоғи зарур, яъни ҳар бир фикр, мулоҳаза, муҳокаманинг чинлиги бошқа чинлиги исботланган фикр ёрдами билан асослаб берилмоғи керак.**

Бу ерда гап фикрнинг мантиқий жиҳатдан асослаб берилишида, унинг мантиқий исботга эга бўлиши ҳақида боради, чунки мантиқан бошқа бир фикрдан кел-

тириб чиқарилмаган, у билан исботлаб берилмаган фикрни умуман чин деб аташ, мантиқли деб характерлаш нотўғридир. Демак, етарли асос қонунида мантиқли тафаккурнинг энг муҳим хислатларидан бўлмиш фикрларнинг умумий изчиллик, қатор фикрларнинг бирин-кетин маълум ва муайян тартибда боғланиб келиш хусусияти — мантиқий жараённинг бундай муҳим қонунияти ўзининг яхлит ифодасини топади. Етарли асос қонуни албатта олдинги кўриб ўтилган қонунларнинг амал қилинишини назарда тутади, аниқ бўлган, муайян мазмун ва ҳажмга эга бўлган тушунчаларни ўз ичига олувчи ўзаро зид бўлмаган ҳукмларнинг бирин-кетин ички узвий боғланиб келиши — фақат шу тартибда ва усулда ташкил топган фикрлар тизмасигина мантиқий мулоҳазани, муҳокамани, фикрлар тизмасини ташкил этади.

Демак, етарли асос қонуни аввалги кўриб ўтилган мантиқий қонунларга сўзсиз амал қилишни назарда тутади.

Албатта, баён этиладиган фикрни турли йўл билан исботлаб бериш мумкин. Масалан, *баҳор келди, дарё кўпириб оқмоқда, самолёт учмоқда, хонада икки дераза бор* каби ҳукмлар махсус исбот талаб этмайди, уларни оддий кўрсатиш билан ифодалаш етарлидир. Улар мантиқий асосни, исботни талаб этмайди, уларни оддий кузатиш, кўз билан кўриш орқали ишонч ҳосил этиш мумкин.

Шунингдек, «2×2=4», «бутун ўз бўлагидан катта» каби ҳукмларни ҳам махсус исботлаш талаб этилмайди, чунки бундай ҳукмларнинг чинлигига ҳамма махсус исботсиз ишонаверади. Бундай ҳукмлар фанда аксиомалар номи билан маълум бўлиб, исбот талаб этмайдиган ҳақиқатдир. Уларнинг чинлиги инсон тажрибасида миллион-миллион марта синаб кўрилган.

Сув совуқ; металл электр токини ўтказади; суюқлик иссиқдан кенгаяди; Аҳмад касал; Нодира араб тилини билади каби ҳукмларнинг чинлиги бевосита тажрибада синаб кўрилиб, эксперимент ёрдамида исботланиб, асослаб берилади.

Лекин фанда, инсоннинг кундалиқ тафаккур тажрибасида жуда кўп учрайдиган фикрлар мавжудки, уларнинг чинлиги аввалдан исботланган бошқа бир фикр билан исботланади.

Масалан: *Темир электр токини ўтказади, чунки те-*

мир металлдир. Ҳар бир металл электр токини ўтказади.

Темирнинг электр токини ўтказишини эксперимент билан исботлаш ҳам мумкин, мантиқий йўл билан, яъни бошқа чин ҳукм ёрдамида — «ҳамма металларнинг электр токини ўтказиши» ҳақидаги фикр ёрдамида исботлаш ҳам мумкин.

Демак, биз ҳаётда ўз фикримизни ҳар доим ҳам далилларга мурожаат этиш ёки ҳар сафар тажриба ўтказиш билан исботлавермаймиз ва бундан ташқари, фактларга бевосита мурожаат қилиш ҳамма вақт ҳам мумкин бўлавермайди. Чунончи, органик ҳаётнинг бундан бир ярим, икки миллиард йил илгари пайдо бўлганлиги тўғрисидаги фикрнинг чинлигини тасдиқламоқ учун ҳаётнинг юзага келишидаги энг биринчи фактни кўрсатиш мумкин эмас.

Шунингдек, фикрнинг чинлигини тасдиқламоқ учун ҳар сафар бевосита фактни кўрсата беришга ҳеч қандай зарурият ҳам йўқ. Инсоннинг табиат қонунларини билишдан мақсади тажрибада учраган ҳар бир айрим воқеага кўр-кўрона осилиб олишдан иборат эмасдир. Инсон айрим буюмларни янада яхшироқ билиш ва бу якка-якка буюмлар ҳақидаги фикрларни мантиқий жиҳатдан исботлаш учун, юқорида кўрсатилганидек, умумийлашган фикрлардан фойдаланади. Масалан, темир, мис, алюминий кабиларнинг электр токини ўтказишини исботлаш учун барча металларнинг электр токини ўтказиши ҳақида конкрет ҳолдаги умумий фикрни билишимиз кифоядир.

Ф и к р л а ш — бу турли фикрларнинг ички боғланиши асосида ташкил топувчи фикрлар тизмасидир. Лекин бу тизма бўлак-бўлак ҳолда икки фикрнинг *мантиқий асос* ва *мантиқий натижа* — оқибат шаклида келувчи фикрларнинг тизмасидан ташкил топади.

Бошқа фикрларнинг — ҳукмларнинг тўғрилигини асослаш учун келтирилувчи ҳукмлар мантиқий асос деб юритилади. Лекин, мантиқий асосни объектив ҳақиқий реал асос билан аралаштириб юбормаслик ва уларни бир-биридан доимо фарқ қила билиш керак.

Реал асос, бу табиат ва жамиятдаги, объектив реалликдаги предмет, ҳодисаларнинг келиб чиқишини, мавжудлигини белгиловчи асос — сабабдир.

Мантиқий асос тафаккургагина хос бўлса-да, у объектив реаллик хусусиятини ва реал асосни ифодалайди.

Маълумки, объектив реаллик предмет ва ҳодисалар боғланишининг узлуксиз тизмасидан ташкил топади. Бу боғланиш ҳамда бу тизма ички қонуният асосида вужудга келади ва мавжуддир. Бу боғланишнинг энг муҳим шакли, сабабий боғланиш, сабаб-оқибат боғланишидир.

Объектив предметлар, ҳодисалар тизмасида, умуман, бошқа яна бир ҳодисани келтириб чиқарадиган *сабаб*, келиб чиққани, яъни вужудга келган ҳодиса эса *оқибат* дейилади.

Сабаб ва оқибат муносабати предмет, ҳодисалар тизмасидан ажратиб олинса, бу икки предмет ўртасидаги боғланишдан иборат, яъни умумий боғланишни таркибга ажратганда, у сабаб ва оқибат боғланишидан ташкил топганлиги маълум бўлади.

Сабаб вақт жиҳатидан оқибатдан олдин келади ва уни вужудга келтиради. Лекин, олдинда келувчи ҳар бир ҳодиса ундан кейин келувчи ҳодиса билан сабабий боғланишда бўлади, ва албатта, унинг сабаби бўлади, деган хулосани келтириб чиқармайди.

Объектив предмет, ҳодисаларнинг бундай боғланишлари инсон тажрибасида ва унинг онгида миллион маротаба қайтарилавериб, унинг тафаккурида фикрларнинг асос ва хулоса шаклидаги боғланишида акс этиб қолгандир. Инсоннинг кенг мулоҳазаси, муҳокамалари бу ўзаро боғланган фикрларнинг, тушунча ва ҳукмларнинг узлуксиз тизмасидан иборатдир. Бу тизмада бир фикр иккинчисига нисбатан асос, яъни сабаб бўлиб келади.

Биз ҳар доим маълум чин фикрлардан иккинчи, чинлигини исботлаш зарур бўлган фикр учун асос, яъни сабаб сифатида фойдаланамиз. Бу асос ёрдамида чинлиги исботланган хулоса — фикрнинг ўзи бошқа, ҳали чинлиги номаълум фикр учун асос сифатида фойдаланилади.

Демак, **фикрлар тизмаси узлуксиз асослар ва хулосалар, яъни натижалар тизмасидан ташкил топади.**

Объектив реалликдаги сабаб-оқибат муносабатлари мураккабдир. Бир сабаб бир неча оқибатни келтириб чиқариши ёки бир неча сабаб натижасида бир оқибат келиб чиқиш ҳоллари ҳеч кам эмас. Бу мураккаб муносабатлар ҳам мантиқий тафаккурда акс этади.

Лекин етарли асос қонуни ҳар қандай айтилган

фикр учун келтирилган асоснинг етарли бўлишлигини талаб этади, чунки келтирилган асос мазкур фикр учун етарли бўлмаслиги, чинлиги учун қўшимча асосларга муҳтож бўлиши мумкин.

Фикрларнинг етарли асосга эга бўлишлигининг объектив манбаи, фақат реал сабаб-оқибат муносабатинигина эмас, фикрнинг изчиллиги, асосланганлиги, исботланган бўлишлик хусусиятини, объектив мазмуни, сабаб-оқибат муносабатидан ташқари бошқа муносабатларни ҳам ўз ичига олади. Чунки юқорида кўриб ўтган мисолимиз: *Мис электр токини ўтказади, чунки у металлдир ёки: Гимнастика соғлиқ учун фойдали* деган фикрни биз *чунки у спорт, спорт эса соғлиқ учун фойдали* деган фикр билан асослаб берамиз. Бу фикрлар тизмасида сабаб-оқибат муносабати эмас, бошқача муносабатлар ўз ифодасини топгандир. Чунки гимнастиканинг инсон саломатлиги учун фойдали бўлиши унинг спорт турига киришидан келиб чиқмайди, албатта.

Ёки: *хамелеон судралувчи, чунки у калтакесакдир.* Бу ерда хамелионнинг судралувчи эканлиги ҳақидаги фикрнинг чинлиги унинг калтакесаклар турига кириши билан асослаб берилмоқда. Ҳолбуки, хамелеон калтакесаклиги, унинг судралиб юриш сабаби очиқ тушунтириб берилмайди.

Бу ўринда жинс ва тур тушунчалари муносабати сифатида маълум бўлган мантиқдаги боғланиш, яъни ҳажми жиҳатидан умумийроқ, кенгроқ бўлган тушунча билан торроқ, кичикроқ тушунчалар боғланиши ётади. Бу боғланиш эса объектив сабаб-оқибат боғланишини эмас, балки умумийлик, хусусий ва яккалик боғланишини, объектив предмет ҳодисаларда умумий хусусиятлар билан хусусий — якка томонларнинг ўзаро боғлиқ ҳолда мавжудлигини акс эттиришдир.

Спорт тушунчаси гимнастика тушунчасига нисбатан кенгроқ, умумийроқ бўлиб, у гимнастика тушунчасини ўз ичига олади. Шунинг учун спорт тушунчасига қандай хислат мансуб бўлса, у гимнастикага ҳам оиддир. Шунинг учун ҳам спорт тушунчаси умумийроқ тушунча бўлиб, у кичикроқ тушунчанинг чинлигини кўрсатиш учун асос бўлиб келмоқда.

Хамелион, калтакесак ва судралиб юрувчилар тушунчаларининг ўзаро боғланиши ҳам жинс ва тур тушунчаларининг муносабатларига асослангандир. Реал

предмет, ҳодисаларда умумий ва хусусий томонларнинг биргаликда мавжудлиги ва унинг тафаккурда акс этиб қолиши умумий муҳокамалардан хусусий фикрларга ва айрим конкрет фикрлар асосида умумий фикрларга ўтиш имконини вужудга келтиргандир.

Объектив реалликда умумий хислатлар ҳеч қачон мустақил ҳолда конкрет предмет, ҳодисалардан айрим, мустақил ҳолда мавжуд бўла олмайди. Шунингдек, ҳар қандай якка предмет, ҳодиса ҳам кўпчилик предметлар учун хос бўлган умумий хислатларга эга бўлади.

Объектив реалликда ҳар қандай умумийлик фақат айримлик, айрим (предметлар) орқали мавжуддир, айримлик эса умумийликка олиб борувчи алоқалар орқалигина мавжуд бўлиши мумкин, ҳар қандай айримлик тўла бўлмаса-да, умумийликка киради.

Объектив реалликдаги умумийлик ва айримликнинг боғланишидан ташқари, яна бутун ва қисмнинг боғланиши мавжудки, бу боғланиш ҳам фикрда акс этиб, асос ва натижа муносабатларида ўз ифодасини топиши мумкин. Бутунга хос бўлган хислат унинг бўлагига ҳам хосдир. Бутун ва бўлак муносабатлари сабаб ва оқибат, умумийлик ва хусусийлик муносабатидан фарқ қилади. Масалан: *Гулга сув қуйилмаганлиги учун барги сўлиб қолди,* деган муҳокамада баргнинг сўлишига гулга сув қуйилмаганлиги ҳақидаги фикр асос қилиб келтирилган. Барг гулнинг бир қисми, бўлаги бўлиб, умуман гулнинг сувсиз қолиши, уни қисмларининг, жумладан, баргининг ҳам қуришига олиб келишига сабабдир.

Демак, фикрларимизнинг асосли, исботли бўлиши хусусияти ва бу хусусиятини ифодаловчи етарли асос қонуни ҳам бошқа мантиқий қонунлар каби объектив, реал ҳодиса ва воқеаларнинг боғланишларини тафаккурда акс эттириш натижасида вужудга келгандир.

Етарли асос қонуни фикрларимизнинг мантиқли, тартибли, ишонарли бўлиши учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир.

Мантиқ фани ҳар қандай асоссиз, уйдирма, объектив реаллик билан боғлиқ бўлмайдиган фикрлар, ақидаларнинг душманидир. Хусусан, нутқда, фикрлаш жараёнида фикрнинг исботли, асосли бўлишини талаб этиш бу унинг мантиққа асосланишини талаб этишдан иборатдир.

Чунончи, Умар Хайёмнинг қуйидаги рубоийси бунга яққол мисол бўла олади:

Дўзаҳу жаннатни ким кўрган, э дил,
У дунё хабарин ким берган, э дил,
Қўрқув ва умидлар манбаи булар
Ному нишонасин ким билган, э дил!

Мантиқдаги асос ва натижа муносабати объектив реалликдаги фақат сабабий муносабатнигина акс эттириб қолмайди, у бутун ва қисм, предметлардаги умумий, жузъий ва якка томонлар ўртасидаги муносабатни ҳам акс эттиради.

Етарли асос қонуни мантиқий фикрлашнинг энг муҳим хусусиятларидан бирини ифодалаб, объектив реалликни тўғри акс эттиради. Бу илмий билимларнинг ривожланиши учун катта аҳамиятга эгадир.

7. Мантиқий қонунларнинг аҳамияти

Биз юқорида инсон тафаккурининг мантиқийлигини таъминловчи хусусиятлар — аниқлик, муайянлик, изчиллик, зиддиятсизлик, асосли бўлиш ҳамда бу хусусиятлар ўз ифодасини топган мантиқий қонунлар — *айният қонуни, зиддият қонуни, учинчиси истисно қонуни* ва *етарли асос қонунларини* бирма-бир кўриб ўтдик.

Бу тафаккур қонунлари, албатта, муҳокама жараёнида, фикрлар тизмасида қайси бир фикрнинг чинлиги, қайси бирининг хатолигини бизга аниқлаб, белгилаб бера олмайди. Фикрларнинг чин ёки хатолиги илмий текширишлар натижасида, кундалик тажриба, ҳаёт амалиёти асосида аниқланади.

Ижтимоий амалиёт, тажриба ҳақиқатнинг, чин фикрларнинг мезони, ўлчовидир. Ҳар қандай фикр, илмий ғоялар, назарияларнинг чинлиги ҳам амалиётда, ҳаётда билиб олинади. Ҳаётий тажриба, ижтимоий турмуш, ҳаёт билимларимизни синовдан ўтказади, уларнинг чин ва хатосини бир-биридан ажратиб берувчи энг асосий ва муҳим ўлчов вазифасини ўтайди.

Ҳақиқат ҳар доим конкретдир, яъни фикрнинг чинлиги ҳамиша муайян, конкрет шароитда, масаланинг моҳиятини билиш асосида ҳал этилади. Лекин мантиқий қонунларга риоя қилмасдан туриб, чин билимга эришиш мумкин эмас. Тўғри фикр юритиш соғлом инсон миясининг табиий хусусиятидир. Тўғри фикр юритганимизда, биз ҳар доим ўзимиз пайқамаган ҳолда, бу қонунларга риоя қиламиз.

Тафаккур қонунларидан онгли равишда билиб фойдаланиш тафаккур маданиятининг муҳим хислатидир. Бу қонунларни билиш бизга мантиқий фикрлашнинг талаб-қоидаларини бузувчи, унга риоя этмовчиларни, мунозарада рақибларнинг асоссиз даъволарини, туҳматларини фош қилиш учун янги имкониятлар яратади.

Мантиқий қонунлар мантиқий тафаккурнинг хусусий қонунлари сифатида тафаккурнинг, билимларнинг ривожланишига асосланади, нотўғри, хато билимлардан чин, тўғри, ҳақиқий билимларга узлуксиз ўтиб боришини назарда тутади ва шу жараёнда намоён бўлади.

Маълум вақт давомида мантиқий қонунларни нотўғри талқин этиш натижасида унинг фикрлашдаги аҳамияти камситиб келинди.

Мантиқий қонунлар тўғри тафаккур жараёнида бирин-кетин ёки бирининг ўрнига иккинчисининг келиши шаклида эмас, бир вақтда, бароварига, фикрлар боғланишининг характерига қараб амал қилади. Бу қонунларнинг турлича талаблари мантиқий тафаккурнинг ранг-баранглиги, кўп қирралигидан далолат беради. Бу қонунларнинг талаблари бир-бирини тўлдириш асосида яхлит мантиқий тафаккурнинг асосий хусусиятларини характерлаб бериш имконини беради. Шунинг учун ҳам бу қонунларнинг амал қилиш доираси жуда кенгдир. У тафаккурнинг барча мантиқий шакллари, мантиқий усуллари, мантиқий жараённи қамраб олади.

V боб. ТУШУНЧА

1. Тушунчанинг моҳияти

Буюмларнинг умумий ва муҳим белгиларини инсон онгида яхлит акс эттирувчи тафаккур шакли тушунча деб аталади. Иккинчи хил қилиб айтганда, тушунча фикрнинг объектив дунёдаги нарса ва ҳодисаларнинг умумий ва муҳим белгиларини акс эттирувчи шаклидир.

Тушунча инсоннинг асрлар бўйи тўпланган сезиш, ибтидоий даражадаги идрок, тасаввур қилиш тажрибаларини доимий равишда умумлаштириб бориши асосида эришган ютуғидир. Агар биз инсон билимини организм десак, унда тушунча бу организмнинг ҳужайрасидир. Албатта, бу — инсон тафаккури тарихида тушунча олдин, ҳукм ундан сўнг вужудга келган деган гап эмас. Инсон тафаккури тарихи унинг шакллари ўзаро боғлиқ ҳолда ривожланганидан дарак беради.

Тушунча ҳукмларга асосланади. Ҳукм эса, ўз навбатида, тушунчаларга таянади. Тушунча буюмлар орасидаги муҳим боғланиш ва муносабатларни ифодалайди ҳамда ўз навбатида ҳукм, хулоса чиқариш таркибига киради. Якка, жузъий буюмлар тушунча ҳосил қилишда муҳим роль ўйнайди, албатта, лекин мантиқ энг умумий тушунчалар ва категорияларга таянади. Агар биз «Ўрта Осиё халқлари қадимий ва бой маданий меросга эга» десак, бу ҳукм ўз пойдевори сифатида бир қанча тушунчага — «Ўрта Осиё», «халқлари», «маданий мерос» ва бошқаларга таяниб ҳосил бўлади. Бу ҳолда тушунчалар ҳукмнинг таркибига киради. Умуман ҳар қандай ҳукм тушунчалар бирикмасидан ташкил топади. Ҳукм тушунчаларни ҳаракатлантиради.

Тушунча инсоннинг оддий психик билиш шакллари — сезиш, идрок ва тасаввурдан фарқ қилади. Сезиш буюмлардаги айрим сифатлар (ранг, таъм, ҳид ва бошқалар) нинг инсон онгидаги аксидир, идрок эса буюмларнинг инсон онгида тўла яхлит ҳолда инъикос этишидир. Шунинг учун идрок сезишга нисбатан инсон психик фаолиятининг мураккаброқ ҳолатидир. Масалан, биз мўридан чиқаётган тутунни кўраётганда, бу ҳодисанинг кўп ҳислатларини: тутуннинг рангини ва тутун зарраларининг ҳаракатини, буруқсиб чиқаётган

тутуннинг қуюқлигини ва қайси томонга кетаётганлигини, унинг қанча баланд кўтарилганлигини ва шу кабиларни идрок қилиш имкониятига эга бўламиз.

Аммо инсон тутунни кўриши билан дарров бошқа нарсани ҳам, яъни: «демак, печкада ёки ўчоқда ўт ёқиляпти» деб ўйлайди.

Ҳақиқатда эса, кўриш органи фақат мўридан чиқаётган тутунни билдиради ва унинг кўзга кўринадиган баъзи ташқи белгиларини акс эттиради, холос. Бошқа сезги органлари бу ҳодисани акс эттиришда мутлақо қатнашмайди. Сезги билан идрок бу ҳолатда бевосита боғлангандир.

Демак, инсон печкада ёки ўчоқда ёқилган ўтни бошқа фактлар воситасида билди. Бунинг асосий сабаби тутун билан ўт орасидаги боғланиш ва муносабат борлигини англаб олишдир.

Идрок этилган нарсалар ҳақидаги билим асосида тасаввур пайдо бўлади. Яъни, идрок этилган нарсаларнинг образи онгда бирдан йўқ бўлиб кетмайди, маълум из қолдиради, хотирага ёзилади. Маълум сабаб билан ёки инсон ўз хоҳиши билан эслаб қолган нарсалар образини яна кўз олдида тиклаши мумкин — бу тасаввурдир.

Тасаввур айни замонда, биз ҳозирда идрок қилмаётган, лекин қачонлардир идрок этган нарсалар ва ҳодисаларнинг онгимиздаги образлари бўлади.

Сезги ва идрок нарсалар, ҳодисаларнинг инсон сезги органларига бўлган таъсири билан бевосита боғлиқдир. Биз ўқитувчини кўраётирмиз — демак, бизда бу шахс ҳақида идрок бор, у чиқиб кетган замоно у ҳақдаги идрок ҳам тугайди. Аммо тасаввур сақланиб қолади, чунки бунда биз идрок этган буюмлар образи онгимизда ўз «изларини» қолдиради. Шунинг учун идрок ва тасаввурнинг умумий муҳим хислатларидан бири уларнинг кўргазмали бўлишидир.

Тасаввур идрокка нисбатан яна бир қанча ўзига хос хислатларга ҳам эга. Унинг муҳим хислатларидан бири ўзимиз шахсан идрок этмаган буюмлар образини ҳам кўз олдига келтиришдир. Масалан, Ҳиндистондаги қалин ўрмонлар, денгиз остидаги қатор тоғлар ва шунга ўхшаш ҳолатларни, гарчи биз уларни кўрмаган бўлсак-да, уларнинг образини тасаввур эта оламиз. Инсон тасаввур орқали ҳатто бир-бирига ўхшаш буюмларни умумлаштириш қобилиятига ҳам эга. Масалан, биз

Сирдарё, Амударё ва Зарафшон дарёлари ҳақидагина эмас, балки умуман дарё, умуман тепловоз, умуман самолёт, космик кема ва бошқаларнинг умумий образлари ҳақида тасаввурга эга бўла оламиз.

Шундай қилиб, сезги, идрок ва тасаввур инсон онгидаги ташқи дунё конкрет буюмларининг инъикоси бўлиб, тафаккуримиз ўсиши учун асосий омиллардан ҳисобланади.

Тушунча, юқорида баён этилганидай, тафаккурнинг мураккаб шаклларидан бўлиб, сезги, идрок ва тасаввурдан тамоман фарқ қилади. Сезги, идрок ва тасаввур буюмларнинг асосан конкрет белгиларини кўргазмали ҳолда инсон онгида акс эттиради. Тушунча эса идрок, тасаввурга ўхшаш конкрет образлар бўлмасдан, ўзининг умумийлиги билан характерланади.

Тушунча буюмларнинг якка белгиларидан узоқлашади ва бир-бирига ўхшаш кўп нарсалар ва ҳодисаларнинг умумий томонларини онгимизда акс эттиради. Агар биз қўл соатига қарасак, бу бизнинг идрокимиз бўлади. Соатни кўзга кўринмайдиган жойга қўйсак, унинг образи бизнинг хотирамизда қолади. Бу — тасаввур қилишдир. Бизнинг идрокимиз ва тасаввуримизда айрим бир нарса, яъни қўл соатининг ўзига хос якка образлари сақланади.

Инсон ўз турмушида кўп соатларни: қўл соати, девор соати, чўнтак соатини, соатларнинг турли металлардан, турли шакл ва рангларда ясалганини кўрган. Соат ҳақида гап борар экан, инсон фақат қўл соати, чўнтак соати ёки девор соати ҳақида тушунчага эга бўлибгина қолмай, яъни айрим соатларнинг якка сифатлари билан чегараланмай, соатларнинг умумий ва муҳим белгиларини тушунади.

Шунингдек, инсон, жамият, мактаб, китоб, қаҳрамон, ғолиб, фан, адабиёт, тарих ва бошқалар ифода этилган фикрларнинг ҳаммаси ҳам тушунчалардир.

Тушунча материянинг олий маҳсули бўлмиш миянинг олий маҳсулидир. Тушунча инсон онгида объектив воқеликдаги буюмлар боғланиши, ҳолатлари ва қонуниятларини акс эттиради.

Тушунча инсон тафаккурининг махсус шакли эканлиги унинг қатор хислатларини белгилаб беради. Жумладан, ҳар бир фаннинг ўзига хос махсус тушунчалари бўлиб, улар шу фаннинг хусусияти, ҳозирги даврдаги тараққиёт даражаси, ютуғи ҳамда мавқеини кўрсатади.

Ижтимоий фанлардаги ишлаб чиқариш, товар, нарх, қиймат, сиёсат, давлат, дунёқараш, ғоя; адабиётдаги ижобий, салбий, типик образлар, услуб; биологиядаги тур ва жинс; физикадаги атом молекула ва бошқа тушунчалар инсоннинг муайян буюм ҳақида эришган билими, хулосасини билдиради.

Шундай қилиб, фикрлашда мантиқий тушунча икки хил вазифани бажаради. Биринчидан, тушунча ҳукмнинг вужудга келишини таъминловчи зарур шароитни яратади, сўнг унинг элементи сифатида таркибига киради. Тушунчанинг иккинчи муҳим вазифаси инсон онгида билимнинг тўлароқ якунини ифодалашдир.

Тушунча белгилари. Агар нарса ва ҳодисалар бирон сифат билан бир-бирига ўхшаш ёки бир-биридан фарқли бўлса, шу ўхшашлик ёки тафовут нарса ва ҳодисалар белгиси деб айтилади. Бизнинг онгимизда акс этган нарса ва ҳодисалар белгисини тушунча белгиси деб атаймиз.

Буюмларнинг икки хил белгиларини аниқлаш мумкин.

Улар онгда ифодаланиб, тушунча белгиларини ташкил этади.

1) Муҳим ва 2) муҳим бўлмаган белгилар.

Мантиқ илми буюмларнинг тушунчаларда акс этган муҳим белгиларини ўрганади.

Буюмларнинг маълум нисбатда олингандаги туб хусусиятларини ифодаловчи белги муҳим белги деб аталади. Муҳим белгилар буюмлардаги бир гуруҳ сифатларни ва бу гуруҳдаги сифат зарур эканини, белгилар мажмуи эса буни бошқа буюмлардан ажратиш учун етарли асос эканини ифодалайди.

Предметнинг муҳим белгиларини ажратиш учун ҳаётда шу буюмларга нисбатан муносабатнинг ўзгаришини, тажрибанинг талабини ҳисобга олиш лозим. Муҳим белгини ажратиш ва уни таърифлаш учун тажриба асосий роль, ўлчов бўлади.

Инсон ўз тажрибасига таяниб, буюмларнинг, айни замонда, муҳим ва муҳим бўлмаган белгиларини ажратади. Бошқача айтганда, муҳим ва номуҳим белгилар муносабати нисбийдир. Инсон буюмларнинг бир томонини чуқурроқ билиш учун унинг шу мақсадга мувофиқ бўлмаган белгиларини ҳисобга олмайди.

Демак, инсоннинг конкрет амалий фаолияти ўзига хос маълум мақсадга қаратилгани учун, унинг пред-

метлардаги муҳим белгиларни ажратиши ҳам шу мақсадга бўйсундирилган бўлади. Буюмлардаги қатор белгиларни ажратиб яхлит ифодаловчи тушунча буюмлар моҳияти ҳақидаги тушунча бўлади.

Тушунча ва сўз. Ҳар бир тушунча — бу кўриб, эшитиб, сезиб, ҳидлаб бўлмайдиган фикр шаклидир. Тушунчани сезги ва идроқ ёрдамида аниқлаб бўлса-да, бироқ, у ҳаммадан олдин моддий борлиқ маҳсулидир. Тушунча моддий борлиқдаги нарсалар ва ҳодисаларнинг инъикоси. Шу билан бирга, тушунчани моддий материал, нарса шаклида бир шахсдан иккинчи шахсга топшириш мумкин. Бу тушунчадан бир неча юз одам, халқ, миллат, инсоният фойдалана олади. Бу сўзлар орқали амалга оширилади.

Тафаккур тил билан қандай боғланган бўлса, тушунча ҳам сўз билан шундай боғлиқдир. Тушунчанинг моддий асоси сўздир. Сўздан ажралган тушунча йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Сўзсиз тушунча пайдо бўлмайди. Ҳар бир тушунча сўз орқалигина ифодаланади. Сўз тушунчанинг моддий-материал қобиғидир.

Ҳар бир сўзнинг моддий табиати кишининг сезги органларига таъсир этувчи омилдир. Шунинг учун ҳам ҳар бир сўзнинг сезги органларимизга таъсири тушунча пайдо бўлиши учун катта омилдир. Тушунчанинг табиатини билишнинг ягона йўли шундан иборат.

Сўз ташқи таъсирни алмаштириши мумкин. Масалан, тоғ ҳақида бирон фикр ҳосил қилмоқчи бўлсак, уни албатта бориб кўришимиз шарт эмас. Инсон ўз тажрибаси асосида «тоғ» тушунчаси ҳақидаги билимни мия марказидаги ўтмиш билимига асосланиб қўзғатади.

Юқорида баён этганимиздек, тушунча тафаккур категорияларидан бўлиб, буюмлар моҳиятини умумий инъикос эттиришдир. Оддий сўз — тил категорияларидан бўлиб, унинг оддий якка маъноларини ифодалайди.

Тушунча предмет — буюмни инъикос эттирса, сўз буюмлар номини ифодалайди. Шунинг учун ҳам инъикос ва ном ифодаси бир хил маънони билдирмайди. К. Маркс айтганидай, нарсалар, буюмлар номи уларнинг табиати билан ҳеч қандай умумийликка эга эмас.

Агар сўз буюмлар моҳияти ва ўзига мансуб бўлган буюмлар табиати билан боғлиқ бўлганда эди, унда бир буюм ҳамма тилларда ҳам бир хил ифодаланган бўлур эди.

Тушунча тафаккур категорияларидан бўлса, сўз тил категорияларидандир. Булардан ташқари, сўзнинг лексика, фонетика, морфология ва синтаксисдаги қиммати ҳар хил бўлади. Тушунчада эса бундай турли-туман қиймат бўлмайди. Ҳар бир сўз интонация ёрдами билан ҳатто турли туйғу-ҳиссиётларни ҳам ифодалай олади. Тушунча эса илм ва тажриба асосида эришилган муваффақиятга таяниб, нарса ва ҳодисаларнинг муҳим хусусиятларини инъикос эттиради. Шуни таъкидлаш зарурки, сўз оғзаки, ёзма шаклларда ифода этилади, тушунча фақат сўз орқали бошқага етказилади. Сўз грамматика фани ёрдамида ҳар томонлама ўрганилса, тушунчани ўрганиш мантиқ, фалсафа фанининг вазифасидир.

Шундай қилиб, бир томондан, тушунча сўз билан энг яқин алоқада, у билан узвий боғлиқ. Иккинчидан, сўз ўз хислатлари билан тушунчадан фарқ қилади.

2. Тушунча шаклланишининг асосий мантиқий усуллари

Тушунчанинг вужудга келишида инсон тафаккурининг воқеликни акс эттириш жараёнида фойдаланиладиган усуллари: таққослаш, анализ, синтез, мавҳумлаштириш ва умумлаштириш муҳим роль ўйнайди. Булар «мантиқий усуллар» номи билан маълум бўлиб, фикрлаш жараёнида инсон улардан кенг фойдаланади. Бу усуллар ҳар бир фанда ўзига хос ҳолда кенг ишлатилади. Масалан, анализ, синтез усули турли конкрет фанда ўзига хос шаклда, намоён бўлади. Мантиқ илми эса бу усулларнинг энг умумий ва асосий мазмунини ўрганади. Тушунчалар ўзининг ҳажми ва мазмуни, мантиқий вазифалари ва ҳоказоларга қараб турларга бўлинади.

Баъзан бир тур мазмундаги икки тушунчани ўзаро солиштириб, улардаги умумий белгиларни топа оламиз. Шунингдек, баъзи белгилар эса ўша икки тушунчани бир-биридан ажратади. Масол учун «олим» ва «санъаткор» тушунчалари муносабатини кўриб чиқайлик. Бу икки тушунча мазмунидаги умумий белги уларнинг ақлий меҳнат хизматчилари бўлишларидир. Бу жиҳатдан улар ўз ижодий меҳнатлари билан халқ учун хизмат қиладилар. Аммо бу тушунчалар мазмунининг бошқа белгилари, яъни олимларнинг воқелик-

ни билишлари санъаткорларнинг ҳаётни бадиий билишларидан ажратади. Ўз мазмунида умумий белгиларга эга бўлган икки тушунча таққосланадиган тушунча бўлади.

Шундай қилиб, тушунчанинг пайдо бўлишидаги асосий омиллардан бири таққослаш бўлади. **Таққослаш фақат буюм ёки воқеаларнинг бир-бирига ўхшашликларини аниқлаш билангина эмас, балки буюмлар орасидаги тафовутни аниқлаш учун ҳам хизмат қилади.**

Таққослаш, демак, бу воқеликдаги нарса ва ҳодисалар ўртасидаги ўхшашлик ва тафовутни аниқлаш учун хизмат қилувчи мантиқий усулдир. Таққослаш натижаси чин бўлиши учун қуйидагиларни ҳисобга олишимиз лозим:

а) ҳамма вақт бир-бири билан ҳақиқатда бир тарзда ўзаро реал боғланиши бўлган буюмларни таққослаб кўришимиз зарур;

б) таққослаш чин бўлиши учун қандай белгига кўра қиёслашимиз олдиндан маълум бўлиши шарт;

в) ҳамма вақт икки ёки бир неча буюмни бир белги асосда, айнан бир нисбатда таққослаш керак;

г) ҳар қандай таққослаш тасодифий, дуч келган белгиларга қараб эмас, балки таққосланадиган буюмлар учун муҳим аҳамиятга эга бўлган белгилар асосида амалга оширилиши лозим.

Объектив реалликни, реал нарса-ҳодисалар, уларнинг белгилари ва муносабатларини акс эттирувчи тушунчаларнинг, умуман билимнинг вужудга келишида тафаккур жараёнида фойдаланиладиган энг муҳим мантиқий усуллардан бири **анализ** ва **синтездир.** Анализ ва синтез фикрлаш жараёнининг барча босқичларида актив амалга оширилиб, у билишда муҳим роль ўйнайди. Фикрлашда анализ ва синтез абстракт тушунчалар ёрдамида амалга оширилади ва бундай тушунчаларни вужудга келтиришда асосий усуллардан бўлиб хизмат қилади. Билишда у бошқа усуллар — таққослаш, абстракциялаш ва умумлаштириш билан узвий боғлаб қўлланилади.

Мантиқий анализ тадқиқ этилувчи объектни фикран таркибий қисмларга ажратишдан иборат. Маълумки, объектив воқелик ниҳоятда мураккаб бўлса-да, бироқ у конкрет нарса-ҳодисалардан ташкил топади. Улар ўз навбатида хилма-хил хусусият ва сифатларга эга. Бундай ҳодиса ва нарсаларни билиш, улар тўғри-

сидаги билимларимизни чуқурлаштириш учун шу мураккаб нарсаларни таркибий қисмларга, элементларга, бўлакларга фикран ажратиш, яъни анализ қилиш зарур.

Масалан, кимёгар бирор кимёвий жараён ёки ўзгаришни тушуниш учун бу жараённи таҳлил қилади, қандай бўлаклардан, кимёвий элементлардан иборат эканлигини текшириб кўради. Бундай ҳолда фикрий таҳлил амалий таҳлил билан боғлиқ бўлади. Иқтисодчи эса капитализм ва унинг тараққиёт қонунларини ўрганиш учун фикрий анализ ёрдамида капитализмнинг элементларини — товар, баҳо, қиймат, қўшимча қиймат ва ҳоказоларнинг моҳияти, хусусиятларини ўрганади. Ўрганилувчи объектни ҳар томонлама билиш шарти — уни анализ қилишнинг кўп қиррали бўлишидир. Бутунни таркибий қисмларга ажратиш билинувчи, ўрганилувчи объектнинг тузилишини, унинг структурасини аниқлаб олишга имкон беради. Анализ қилиш жараёнида фикр мураккабдан оддийликка, умумдан яккага, бутундан бўлакка қараб боради. Лекин фикрлаш жараёнида нарсаларни билиш учун анализнинг ўзи кифоя эмас, анализ тоза ҳолда учрамайди. У ҳар доим синтез билан биргаликда, у билан боғлиқ ҳолда келади. **Синтез — бу анализ ёрдамида бутуннинг бўлакларга ажратилган қисмлари, элементларини яна фикран тўплаб, яхлит ҳолда ўрганишдир.** Бир объектни ўрганиш жараёнида аввало уни бўлакларга ажратиб, сўнг бу бўлакларни яна бир бутунга тўплаймиз — бунда фикрий синтез бевосита амалий синтез билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Масалан, машина моторини ўрганиш, билиш жараёнида унинг қисмларини ажратиб қараймиз, сўнг моторни йиғамиз. Синтезлаштириш жараёнида фикр яккадан умумийга, қисмдан бутунга, конкретдан абстрактга боради. Синтез анализга асосланади ва билишда тушунчаларнинг вужудга келишини якунлайди. Анализ билан синтез билишда диалектик равишда боғлиқ ҳолда келади ва узвий боғлиқликда ишлатилгандагина кутилган мақсадга олиб келиши, объектив реалликни тўғри акс эттирувчи янги тушунчаларнинг вужудга келишини таъминлаши мумкин. Анализ ва синтезни бир-биридан ажратиб қўйиш, уларнинг муносабатини тушунмаслик метафизикага олиб боради.

Анализ ва синтез — мантиқда муҳим мантиқий усул

сифатида ўрганилади. Шу билан бирга у умуман илмий билишнинг энг муҳим методларидан бўлиб, ҳар бир фанда, у ўрганадиган объектларнинг характерига қараб, ўзига хос шаклларда намоён бўлади. Ҳеч қайси фан бу муҳим, илмий билиш учун энг зарур бўлган методларсиз тадқиқотларни амалга ошира олмайди. Бу методлар умумий диалектик методга зид турмайди, аксинча унга асосланади, ўз навбатида диалектика ҳам умумий метод сифатида билишнинг бу элементар методларини инкор этмайди, уларни илмий талқин этади, улардан илмий билишда тўғри фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратади. Тушунчанинг вужудга келишидаги муҳим мантиқий усул умуман объектив реалликдаги нарса ва ҳодисаларни уларнинг хусусиятларини тафаккурда акс эттиришнинг энг муҳим хислатларидан бири абстракциялаш — мавҳумлаштиришдир.

Мавҳумлаштириш яъни абстракциялаш — бу билишда объектив реалликдаги предмет, ҳодисаларнинг иккинчи даражали, муҳим бўлмаган, алоҳида хусусиятларидан узоқлашиш, мавҳумлаштириш ёрдамида уларнинг энг муҳим, асосий умумий томонларини аниқлашдир. Мавҳумлаштириш жараёнида турли илмий категориялар, қонун, қонуният, сабабият, материя каби мавҳум тушунчалар вужудга келиб, улар оламни илмий билишнинг муҳим якунлари, натижаларидир. Конкрет белгилардан узоқлашиш ва муҳим белгиларни топиш жараёни абстракциялаш дейилса, шу жараённинг натижаси, якуни, хулосаси абстракция дейилади. Абстракция тушунча, категория шаклида мияда мавжуд бўлади. Мавҳумлаштириш асосан тафаккурнинг муҳим хусусияти ҳисобланса-да, лекин тасаввурда ҳам абстракциянинг айрим элементларини учратиш мумкин. Оламни илмий ўрганишда, ҳодисаларнинг ички томонларини, моҳиятини очишда, улар ҳақида тўғри илмий хулосалар чиқаришда абстракциянинг аҳамияти жуда катта. Идеализм мавҳумлаштиришни ва унинг натижасида вужудга келувчи мавҳум тушунчаларни ақлий жараённинг маҳсулигина деб тушунтириб, унинг объектив асосини инкор этади. Фан абстракциялаш миянинг соф маҳсули бўлмай, у объектив реалликдаги ҳодисалар хусусиятига асосланади, деб ўргатади. Турли абстракциялар «қисқартмалардан иборат бўлиб, уларда биз ҳиссий идрок этилувчи кўпгина нарсаларни уларнинг умумий хислатлари асосида қамраб оламиз»

(Ф. Энгельс). Объектив реалликдаги ҳар бир предмет бошқа предмет билан боғлиқ, бошқа предметлар билан маълум томондан қандайдир умумийликка эга, масалан, «терак — дарахт, ўсимлик — организм ва бошқалар». Шунинг учун ҳар бир предметнинг фақат ўзига хос хислатлари ҳам борки, бу томонлар шу предметнинг маълум системага, қандайдир умумий қонуниятга бўйсунишини кўрсатади. Шу умумий томонларда бир турдаги қатор предметларнинг ҳаммасига хос бўлган хусусиятлар ифодаланиб, бу хусусиятларни фақат предметнинг якка томонларидан мавҳумлашиш, улардан узоқлашиб, умумий томонларга эътибор бериш ёрдамидагина билиш мумкин. Билиш жараёнида яккаликдан умумийликка, конкретликдан мавҳумликка, ташқи сифатлардан ички хислатларни билишга ўтиш оддий механистик жараён бўлмай, мураккаб диалектик характерга эга ва билишдаги қарама-қаршиликнинг кўринишлари шаклларидан биридир. Мавҳумлаштириш жараёнида реал ҳодисалардан ажралиб қолиш ҳодисалари ҳам кўп учрайди, бунда у илмий хулосаларга эмас, балки ёлғон натижаларга, уйдирмаларга, қуруқ ақидаларга, схемаларга олиб келади. Мавҳумлаштириш илм-фан, санъат учун объектив реалликни тўғри ва чуқур, ҳар томонлама билишнинг энг муҳим қуроли бўлиб хизмат қилади.

Мавҳумлаштириш қобилияти бу фикрлаш қобилиятидир. Ўқувчини мавҳумлаштиришга ўргатиш уни илм-фанни эгаллаши, конкрет ҳодисаларнинг умумий томонларини била олиши, қонуниятларини тушуна олиши учун жуда муҳим аҳамиятга эга. Илмий мавҳумлаштириш предметларнинг конкрет белгиларидан узоқлашган ҳолда уларни чуқурроқ билишга хизмат қилади. Илм-фан илмий абстракцияларга асосланади.

Тафаккур конкретдан мавҳумга кўтарила борган сари — агарда улар тўғри бўлса, улардан узоқлашмайди, балки яқинлашади, уларни чуқурроқ, аниқроқ, тўлароқ акс эттиради. Ҳар бир чин абстракция мантиқий шаклда буюмлар мазмунини ифодалайди. Шунинг учун ҳам инсон ўзининг кўп йиллик тажрибаси асосида буюмларнинг бир жинсдаги қисмига тааллуқли муҳим белгиларини ажратишга ўрганган. Абстракция натижаси деб айрим фанларда ишлатиладиган (масалан, шакл, мазмун, тараққиёт, меҳнат, қиммат, ишлаб чиқариш кучи, ишлаб чиқариш муносабати ва шу каби

сўзлар) мавҳум тушунчаларга айтилади. Фалсафа фани абстракциялашнинг мазмуни, табиати, аҳамиятини фалсафий категория сифатида илмий равишда ёритиб беради.

Мавҳумлаштириш усули фикрни умумлаштириш билан узвий боғлиқдир. **Умумлаштириш** — нарса ва ҳодисаларнинг ўхшаш ҳамда муҳим белги ва хусусиятларини, боғланишларини фикран муайян тушунчага бирлаштириш жараёни ва унинг натижасидир. Умумлаштириш — илмий билишнинг муҳим восталаридан бири. Умумлаштиришда айримликдан умумийликка ўтилади (масалан, «иссиқлик» тушунчасидан «энергия» тушунчасига ўтиш) ва умумий тушунча, ҳукм, назариялар ҳосил қилинади (сабзи, пиёз, карам — сабзавот, олма, нок, беҳи — мева). Бундай тушунчалардан юзага келган умумий билим моддий оламни чуқурроқ акс эттириб, унинг моҳиятини англаб олишга ёрдам беради.

Мантиқ илми нуқтаи назаридан умумлаштиришда фикр хусусийликдан умумийликка, турдан жинсга қараб ҳаракат қилади ва умумийлик нарса ҳамда ҳодисаларнинг муқаррар ўхшаш ва муҳим белгилари сифатида олиб қаралади. Жинс тушунчасининг мазмуни тур тушунчаси мазмунидан торроқ бўлади (қиёсланг: олма мева дарахт), чунки тур (олма) тушунчасидан жинс (мева) тушунчасига ўтилганда турнинг ўзига хос кўплаб белги-хусусиятлари ажратилиб, фикран эътибордан соқит қилинади. Жинс (мева) тушунчаси эса якка (олма) ва шу каби кўплаб конкрет турларнинг барчасига хос ўхшаш муҳим томон, белги-хусусиятларни тафаккурда умумлаштириш натижасида вужудга келади. Шунинг учун ҳам тушунчанинг биринчи ўзига хос белгиси умумийликдир. Ҳар қандай умумий тушунча якка тушунча, алоҳидаликсиз мавжуд бўлмайди, унда якка, конкрет тушунчаларнинг ўхшаш, муҳим бир қисми ёки бир томони, белгиси бўлади, бинобарин, ҳар қандай якка тушунча умумийликка тўла кирмайди. Мавҳум тафаккур шакли ҳисобланган умумий тушунчаларни умумлаштириш натижаси тилда ифодаланади. Шу маънода тил тафаккурда юз берадиган умумлаштиришнинг муҳим шарти ҳисобланади. Бунинг боиси ўз-ўзидан аён, чунки тил фақат умумликни ифодалайди, тилда фақат умумийлик бор.

Юқорида кўриб ўтилганлардан маълумки, таққослаш, анализ-синтез, мавҳумлаштириш, умумлаштириш —

булар тушунчани ҳосил қилишнинг энг муҳим усулларидир. Тафаккур ёрдамида қўлга киритиладиган ҳар қандай мантиқий билим шакли бу усуллардан фойдаланиш ёрдамида вужудга келади.

Лекин шу билан бирга улар умуман илмий билишнинг муҳим методларидир. Ҳар бир фан улардан онгли равишда муҳим ва энг зарурий метод сифатида фойдаланади. Фан ўрганадиган объектнинг характерига қараб улар турли шаклларда намоён бўлиши мумкин. Бу билиш методлари диалектикани умумий метод сифатида инкор этмайди, аксинча диалектика асосидагина улар билиш жараёнида ўз аҳамиятига эга бўлади ва ўз вазифасини бажаради. Диалектика уларни ўз ичига олади ва назарда тутади, шу билан бирга уларнинг ўзаро муносабатларини, боғланишини, ҳар бирининг ролини кўрсатиб беради.

3. Тушунчанинг мазмуни ва ҳажми

Тушунчанинг мантиқий таркиби — унинг ҳажми ва мазмунидир. Буюмларнинг тушунчада акс этган муҳим белгилари йиғиндиси тушунча мазмунидир. Масалан, «одам» тушунчаси мамзунига ишлаб чиқаришни вужудга келтирувчи, абстракт фикрлаш, нутқ қобилияти ва ҳоказоларга эга бўлган тирик вужуд хислатлари киради.

Инсоният жамияти тарихи одамларнинг ҳаётдаги воқеаларга бўлган амалий муносабатларига қараб уларда тушунча мазмунининг ҳам доимий равишда ўзгариб бориши, яъни янги белгилар билан бойиб, эскирган белгиларининг тушиб қолишидан дарак беради. Мисол учун, «интеллигенция», «парламент», «атом», «халқлар дўстлиги» ва бошқа шунга ўхшаш тушунчалар мазмуни ҳақидаги билимимиз ҳам табиат ва жамият ҳақидаги фанлар тараққиёти ва инсоннинг бу тараққиёт моҳиятини чуқурроқ англаб бориши натижасида ўзгаради. Тушунча, демак, маълум бир даврда табиат, жамият ва инсон билимларининг айрим тараққиёт даражасида ўз мазмунини сақлаб келади.

Тушунча моҳиятига кирадиган билим, тасаввурлар йиғиндисига, тўпламига тушунча ҳажми дейилади. Масалан, «одам» тушунчаси ҳажмига ўтмишда яшаган, ҳозир яшаётган ва келажакда яшайдиган ҳамма одамлар ҳақидаги билимлар, «шаҳар» тушунчаси ҳажмига

эса бор бўлган, ҳозир мавжуд ва бўлажак шаҳарлар ҳақидаги тасаввурларимиз киради.

Математик мантиқда тушунча ҳажми кўплик муносабатларидаги элементлар, А, В, С, Д ҳарфлари билан белгиланади.

Тушунча ҳажми ҳисобланиши мумкин бўлган бир қанча ёки беҳисоб кўп элементларга эга бўлиши мумкин. Бир текисда кўп нуқталар, кўп мусбат рақамлар ва бошқалар беҳисоб тушунчалардир, қуёш системаси, ҳозирги замон давлатлар марказий шаҳарлари тушунчалари чегараси аниқ бўлган тушунчалардир. Шунинг учун математик мантиқ кўп элементларни қамраб олган ҳажми кенг тушунчани «Б» ҳарфи ва унга итоат этувчи тушунчани эса «А» ҳарфи билан ифодалайди.

Тушунча ҳажм ва мазмун бирлигидан иборатдир, шунинг учун мазмунсиз ҳажмли ва ҳажмсиз мазмунли тушунча бўлиши мумкин эмас. Мантиқда тушунчалар маълум бир турларда ифода этилади.

Мантиқий тур — тўда буюмлар учун тааллуқли бўлган умумий белгилар йиғиндисидир. Тушунчаларда ифодаланган ҳодисалар гуруҳлари ҳажм жиҳатидан муносабатларига қараб: 1. Жинс гуруҳлари. 2. Тур гуруҳларига бўлинадилар.

Тушунча ҳажмидаги жинс ва тур гуруҳлари ўзларининг юқори ёки қуйи муносабатларига қараб фарқланади. Ҳамма вақт жинс тушунчалари тур тушунчаларига нисбатан олий бўлади. Чунки жинсга ҳамма вақт тур ўхшаш белгилари билан итоат этади. Мисол учун, «мактаб» ва «олий мактаб» тушунчаларини олиб қарайлик. Албатта, бу мисолда «мактаб» тушунчаси жинс, «олий мактаб» тушунчаси эса тур тушунчасидир.

Тушунча ҳажмидаги жинс ва тур белгилари, жинс ва турнинг муносабати инсоннинг буюмларга бўлган муносабатига қараб ўзгариб туриши ҳам мумкин. Бундай вақтларда тушунча жинс ва тур белгилари ўз жойларини алмаштирадилар. «Олий мактаб» ва «университет» тушунчаларини олиб қарайлик. Бунда «олий мактаб» тушунчаси «университет» тушунчасига нисбатан жинс, «университет» тушунчаси эса тур бўлади. Аммо жинс ва тур боғланишини «мактаб» ва «олий мактаб» тушунчалари муносабатида кўриб чиқадиган бўлсак, бунда «мактаб» тушунчаси жинс, «олий мактаб» тушунчаси эса тур белгисини ифодаловчи тушунчага айланади. Шунинг учун воқеликдаги буюмларнинг

уларнинг инсон онгидаги инъикоси натижасида ҳосил бўлган тушунча ҳажмидаги жинс ва тур муносабатлари инсон тажрибаси асосида ўз ҳолатларини ўзгартириб туради.

Мантиқда жинс тушунчаси нисбий бўлади. Агар биз бир жинсдан иккинчи юқори жинсга қараб борадиган бўлсак, биринчи жинс, албатта, турга айланади. Бу ҳол фикримиз илмий категориялар даражасига чиққунига қадар давом этади. Аксинча, агар биз фикрлашда аста-секин жинсдан турга ва ундан реал воқеликдаги буюмларга борадиган бўлсак, бизнинг бу соҳадаги тушунчамиз ҳам ҳажм ва мазмун жиҳатидан ўзгариб боради. Тушунча ҳажмидаги жинс ва тур хилларининг тўғрилиги, уларнинг муносабати тушунчанинг чинлитига боғлиқдир. Объектив реалликда предмет ва ҳодисаларнинг муносабати, уларнинг умумий конкрет воқеалар тизмасида тутган ўрни хилма-хил бўлганлиги ҳамда инсон ўз амалий фаолиятида бу предмет ҳодиса муносабатларига турли томондан дуч келиши мумкинлиги туфайли бу хилма-хиллик тушунчаларда акс этиб, жинс-тур муносабатларининг турли-туманлигини, нисбийлигини вужудга келтирди. Тушунчалар тизмаси кўпайган сари, белгиси жиҳатдан бир-бирига яқин, умумий бўлган тушунчалар сони кўпайиши билан жинс-тур боғланишлари ҳам кўпаяверади. Масалан: организм, ўсимлик, декоратив ўсимлик, гул, атиргул ва ҳ. к.

Лекин жинс-тур муносабатлари, албатта, чексиз эмас: тафаккурда ҳажми жиҳатидан энг умумий, кенг ва энг тор тушунчалардан кўп фойдаланилади. Масалан, якка предметни ифодаловчи тушунча — бу энг тор тушунчадир. Масалан, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик Институти — бу тушунчалар ҳеч қачон жинс бўла олмайди, улар ягона.

Шунингдек, табиат, ҳаракат, билиш каби тушунчалар ҳажм жиҳатидан ниҳоятда кенг тушунчалардир. Тушунчанинг бундай муносабати юз минг йиллар давомида инсон тафаккурида қайтарилавериб, қонунқоида шаклига кириб қолган. **Бу мантиқий қонун «тушунчалар мазмуни билан ҳажмининг тескари нисбати» деб аталади.** Бу қонунга мувофиқ тушунчанинг мазмуни қанча кенг бўлса, яъни тушунча белгилари қанча

кўп, конкрет бўлса, унинг ҳажми шунча тор бўлади ва аксинча, тушунчанинг мазмуни қанча тор бўлса, яъни белгилари кам, умумий бўлса, унинг ҳажми шунча кенг бўлади.

Тескари нисбат қонуни тушунчада ўзаро жинс-тур муносабатида кўринади. Мисол учун, «адабиёт» ва «ўзбек адабиёти» тушунчаларини олиб қарайлик. Бу тушунчаларнинг ҳажми турличадир. Биринчи тушунчанинг ҳажми кенг ва иккинчи тушунчанинг ҳажми тор. Мазмун жиҳатидан эса тамоман бошқача. «Ўзбек адабиёти» тушунчаси «адабиёт» тушунчасига нисбатан кўп белгиларга эга. «Адабиёт» тушунчасига хос бўлган умумий белгилардан ташқари, яна у ўзи учун махсус бўлган белгиларга: миллийлиги, маълум конкрет регион билан боғлиқлиги, тил хусусиятлари ва ҳоказоларга ҳам эга.

Шундай қилиб, ҳар бир тушунчанинг ҳажми кенгайиши билан унинг мазмуни тораяди ва аксинча, мазмуни қанча кенг бўлса, ҳажми шунча тораяди.

4. Тушунчанинг турлари ва улар орасидаги муносабат

Тушунчалар: а) уларда акс этган нарса-ҳодисаларнинг миқдорига, яъни тушунча ҳажмига; б) уларда акс этган нарса-ҳодисаларнинг характерига, мазмунига; в) тушунчаларнинг мазмуни жиҳатидан муносабатига; г) ҳажми жиҳатидан муносабатига қараб бир неча турга бўлинади.

1. Аввало тушунчалар ҳажм тафовутига қараб **умумий ва якка тушунчаларга** бўлинадилар. Буюмлар гуруҳига ва бу гуруҳнинг белгиларига тааллуқли тушунча умумий ҳисобланади. Бунга «самолёт», «давлат», «қўл», «рақам» ва бошқа умумий тушунчалар мисол бўла олади. Якка бир буюмга боғлиқ бўлган тушунчалар якка бўлади. Масалан: «Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети», «Абу Али ибн Сино», «Майсаранинг иши» пьесаси муаллифи ва бошқалар. Умумий тушунчалар икки ва ундан ортиқ буюмларни, якка тушунча эса бир буюмнигина акс эттиради. Умумий тушунчалар якка тушунчаларга нисбатан ҳажм жиҳатидан кенг, яккалари эса тор бўлади. Масалан, «мева дарахти» тушунчаси «дарахт» тушунчасига нисбатан торроқдир. Лекин биз «олма да-

рахти» ва «мева дарахти» десак, унга «мева дарахти» тушунчаси «олма дарахти» тушунчасига нисбатан кенгроқ бўлади. Жамловчи тушунча умумий тушунчадан фарқ қилади. Яъни жамловчи тушунчанинг белгиси янгича белги бўлиб, унинг таркибига кирувчи, жамланувчи элементларда бу белги учрамайди. Яъни маълум ўхшаш предметлар тўплами янги хислат касб этади.

Масалан, маълум миқдордаги одамларнинг маълум мақсадга эришиб, бирор умумий масалаларни муҳокама этиши «мажлис»дир. Жуда кўп дарахтлар ўсган жой яхлит ҳолда «ўрмон» дейилади.

Умумий ва якка тушунчалар орасида жамловчи тушунча алоҳида ўринни эгаллайди. Бу тушунча буюмлар тўплами йиғиндисини инъикос эттиради. Масалан: «мажлис», «ўрмон», «кутубхона» ва бошқалар. Умумий тушунча эса якка тушунчаларнинг маълум белгисини қайтаради. Умумий тушунча буюмларни ҳисоблаш имкониятини вужудга келтирадиган хислатга эга бўлади. Бунга «ТошДУ студентлари», «ҳафта кунлари» ва бошқа тушунчаларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Шу билан бирга, умумий тушунчада ҳисоблаш имкониятини бермайдиган саноқсиз ҳоллар ҳам бўлади. Масалан, «бурчак», «атом», «сонлар» ва ҳоказо.

2. Конкрет ва мавҳум тушунчалар. Конкрет тушунчалар — бу объектив борлиқда реал моддий ҳолатда мавжуд бўлган, сезгилар ёрдамида билиш мумкин бўлган предметларни акс эттирувчи тушунчалардир. Конкрет тушунчалар уларда акс этган предметлар белгиларини яхлит ифодалайди. «шаҳар», «жамият», «стадион», «ҳайкалтарош», «космонавт» ва бошқа шунга ўхшашлар конкрет тушунчадир.

Агарда тафаккурда буюмнинг сифатлари, муносабатлари, белгиси ажратилиб, мустақил ҳолда акс эттирилса, у мавҳум тушунча бўлади. Мавҳум тушунчада буюмлар ва ҳодисалар эмас, балки уларнинг қандайдир бир хусусияти ёки муносабати яхлит мавжуд нарса шаклида инъикос эттирилади. Масалан, «қаҳрамонлик», «ошкоралик», «тенглик», «онглилик», «жоҳиллик» ва бошқалар мавҳум тушунчалардир.

Конкрет ва мавҳум тушунчалар табиатини ўрганар эканмиз, улардаги баъзи бир хусусиятларни албатта ҳисобга олишимиз лозим:

а) конкрет ва мавҳум тушунчалар тушунчанинг ҳажмига эмас, балки мазмунига қараб фарқланади;

б) конкрет тушунчаларнинг пайдо бўлишида мавҳум тушунчалар ҳам қатнашади. Умуман ҳамма тушунчалар (конкрет ва мавҳум) буюмларнинг айрим белгиларидан узоқлашиш орқали пайдо бўлади. Агар бу буюмлардан узоқлашиш унинг махсус белгисига тегишли бўлса, унда айтганимиздек, мавҳум тушунча пайдо бўлади ва аксинча, фикр бир тўп белгиларга ва улар орқали шу буюмни аниқлашга қаратилган бўлса, конкрет тушунча вужудга келади.

Шундай қилиб, конкрет ва мавҳум тушунчалар фикран буюмлардан узоқлашиш даражасига қараб ажралади.

3. **Мусбат ва манфий тушунчалар** ҳам тушунчанинг мазмунига қараб, буюмларда белги борлигини тасдиқлаши ёки уни инкор этиши билан бир-биридан фарқланади. Агар тушунчада белги борлиги ифодаланса, у мусбат, аксинча, белги йўқлиги кўрсатилса, манфий бўлади. Масалан, «обрўли», «маданиятли», «интизомли», «саводли» деган тушунчалар мусбат ва «обрўсиз», «маданиятсиз», «интизомсиз», «саводсиз», «эътиқодсиз» тушунчалари эса манфий тушунчалардир. Одатда, ўзбек тилида манфий тушунчалар ҳар бир сўзга «сиз-», «но-», «бе-», «эмас» ва бошқа қўшимча ва ёрдамчи сўзларни қўшиб ифодалаш орқали ҳосил бўлади. Масалан, «нонисоф», «ношуд», «бебахт» ва бошқалар. Аммо мусбат ва манфий тушунчаларни, унга нисбатан бўлган бизнинг муносабатимиз билан алмаштириш хатодир. Масалан, «миллатчи», «хиёнатчи», «босқинчи» ва шунга ўхшаш тушунчалар мусбат тушунчалардир, чунки буларда буюм учун хос бўлган белгилар кўрсатилган.

Аммо бу тушунчаларда ифода этилган ҳолатларни биз манфий баҳолаймиз. Ҳақиқатан ҳам биз бундай аҳволга, миллий низо, турли ҳиёнатларга, боқсинчиликка бефарқ қарай олмаймиз.

4. Мазмунига қараб тушунчалар яна **нисбатли ва нисбатсиз** тушунчаларга бўлинади. Агар бир тушунча иккинчи тушунча орқали билинадиган бўлса, у **нисбатли** бўлади. Бунга мисол қилиб «онла», «бошлиқ», «базис», «устқурма», «сабаб», «натижа», «шакл», «мазмун», «якка», «умумий» каби тушунчаларни кўрсатиш мумкин.

Тушунча бошқа тушунчаларсиз билинадиган бўлса, **нисбатсиз** бўлади. Бунга мисол қилиб «давлат», «сту-

дент», «халқ ўқитувчиси», «шартнома» ва бошқа тушунчаларни кўрсатиш мумкин.

5. **Категориялар.** Категория — тушунчанинг махсус тури. Категория буюмлар муносабати ва боғланишларини инсон онгида энг умумий тарзда инъикос эттирадиган илмий тушунчадир. Ҳар бир фан ўзига хос илмий категорияларга эга. Масалан, фалсафа фанида «материя», «ҳаракат», «шакл», «мазмун», «сабаб», «моҳият», «зарурият» ва бошқа илмий категориялар, адабиётда «образ», «ижобий», «салбий», «типиклик» ва бошқа илмий категориялар бор. Категориялар инсон билим бойлигини кенгайтиришга катта ёрдам беради.

Тушунча турлари орасидаги муносабатлар. Тушунчалар орасидаги муносабат масаласи муҳим аҳамиятга эга. Тушунчалар мазмунан ўзаро муносабатига қараб бир қанча қисмларга бўлинади.

Бу муносабатнинг муҳим турларини кўриб чиқайлик:

1. **Таққосланадиган муносабат.** Бундай муносабат ўзаро муҳим ва умумий белгиларга эга бўлган тушунчалар орасида мавжуд. Масалан, «тарих» ва «адабиёт», «мантиқ» ва «фалсафа» каби тушунчалар ўртасидаги муҳим умумийлик — уларнинг ҳаммаси фанлиги, фаннинг турли тармоқлари эканлигида.

Шунга кўра таққосланмайдиган тушунчаларда муҳим ва умумий белгилар бўлмайди. Бунга мисол қилиб «базис», «логарифма», «қаҳрамонлик», «маданий ўғит» тушунчаларини кўрсатиш мумкин. Бу тушунчалар ўртасида ўхшашлик, мазмунан боғланиш йўқ. Баъзи таққосланадиган тушунчалар ҳажм жиҳатидан сиғишадиган, мос келадиган тушунчалардан иборат бўлади. Сиғишмайдиган муносабатда тушунча ҳажмлари, аксинча, ўзаро мос бўлмайди.

Сиғишмайдиган муносабатлар уч турга бўлинади:

а) **бир маъноли тушунчалар муносабати.** Бунда тушунча ўз ҳажми жиҳатидан иккинчи тушунча билан тўла сиғишади ва айният муносабатида бўлади. Мисол учун «Шарқ Аристотели», «Иккинчи муаллим», «Форобий» ёки «Исломнинг асосий муқаддас китоби», «Қуръон» тушунчаларини кўриб чиқайлик. Бу мисолларда тушунчалар ўз ҳажми билан тўла мос эканлигини кўрамиз. Мантиқда бундай муносабат схемада қуйидагича ифодаланади (1- расм).

Бундай ҳолларда тушунчалар мазмун жиҳатидан бир-биридан фарқ қилиши мумкин, аммо ҳажм жиҳа-



1- расм.



2- расм.

тидан бир буюмнинг маъносини ифодалайди. Бунда икки хил тушунчада бир предмет икки ўзаро фарқ қилувчи белгиси орқали ифодаланади. Мантиқда ҳажм жиҳатидан бундай муносабат айният муносабати дейилади. Албатта, айният тушунчанинг ҳажмий муносабатидир, чунки мазмун жиҳатидан тушунча бундай вақтларда айнан бўла олмайди;

б) **бўйсуниш муносабати.** Бу муносабатда бир тушунча иккинчи тушунча ҳажмига нисбатан бўйсуниш муносабатида бўлади. Одатда, бир тушунча ҳажми торроқ, иккинчисиники эса кенгроқ бўлиб, торроқ тушунча кенгроқ тушунча ҳажмига киради. Кенгроқ, яъни жинсий тушунчани бўйсундирувчи ва торроқ тушунчани бўйсунувчи тушунчалар деб аташ мумкин. Мисол учун, «терак» ва «дарахт», «Ўзбекистон» ва «республика», «завод» ва «саноат корхонаси» каби жуфт тушунчаларнинг биринчилари ўз ҳажмлари жиҳатидан иккинчиларига бўйсуниш муносабатида бўлади. Бу мисолларда «терак», «Ўзбекистон», «завод» тушунчалари жинс тушунчалари, «дарахт», «республика», «саноат корхоналари» тушунчалари тур бўлиб, ҳажми тор, бўйсунувчидир. Бўйсуниш муносабати 2- расм билан ифодаланади.

Биз, одатда, буюмлар ва ҳодисалар ҳақида фикр юритганимизда «бутун» ва «бўлак» деган тушунчаларни ҳам қўллаймиз. Аммо бундай тушунчалар юқорида келтирилган маънода ўзаро бўйсуниш муносабатида бўлмайди. Чунки бундай тушунчалар ўзаро жинс ва тур муносабати билан боғланмайди, балки бир бутуннинг бўлаги шаклида ифодаланади. Масалан, «кун» ва «ҳафта», «синф» ва «мактаб» каби тушунчалар жинс тушунчасининг тури бўлмай, балки бутуннинг айрим бўлагини ташкил этади;



3- расм.



4- расм.

в) ҳажмларнинг қисман мос бўлиб келиш муносабати. Бундай тушунчалар ҳажми бир-бирига қисман мос келиб, ўзаро чатишади. Мисол учун, «китобхон» ва «олим» ёки «студент» ва «гимнаст», «шоир» ва «шахматчи» деган тушунчаларни олиб қарайлик. Ҳақиқатан ҳам «ҳамма студентлар» тушунчасини «гимнастлар» тушунчаси ва «ҳамма гимнастлар» тушунчасини «студентлар» тушунчаси деб бўлмайди. Яъни, студентларнинг бир қисми гимнастика билан шуғулланади, бир қисми шуғулланмайди — бу ҳақиқатга тўғри келади ва объектив муносабатларни ифодалайди.

Шунингдек, ҳар қандай шахматни яхши биладиган одам шоир бўлавермайди. Биринчи, иккинчи ва учинчи мисолларда ҳажмларнинг қисман мос бўлиши акс этган. Бу муносабат 3- ва 4- расмларда ифодаланган.

2. **Сиғишмайдиган тушунчалар муносабати.** Булар зидлик, қарама-қаршилик ва бирга бўйсуниш муносабатларида бўлади. Тушунчанинг зидлик муносабатида ҳажмлар ўзаро сиғишмайди. Бу муносабат маълум умумийликка эга бўлган тушунчалар орасида мавжуд бўлади. «Оқ», «оқ эмас», «баланд», «баланд эмас», «соғ», «соғ эмас», «тинч», «нотинч», «миннат», «беминнат» каби мисолларда бу ҳолат аниқ кўринади. Бунда ҳамма вақт инкор этувчи тушунчанинг мазмуни номаълум бўлиб қолади. Бундай муносабатда шу умумийлик доирасида учинчи тушунчанинг мавжудлиги тўлиғича инкор этилади. «Оқ» ва «оқ эмас» белгилари ранг тушунчаси ҳажмини тўлиғича қамраб олади. Мантиқда унинг схематик ифодаси 5- расмда берилган.

Баъзан зид тушунчалар ўз ҳажмларининг қисми билан тўғри келмай бир-бирини инкор этади, лекин ўр-



5- расм.



6- расм.

танча ҳолат бўлишига йўл қўйилади. Бундай муносабат тушунчаларини қарама-қарши (ёки контраст) муносабат дейилади. Бунда бир умумий белги доирасида бирбирини инкор этувчи икки тушунча умумий тушунча ҳажмини тўлиғича ифода эта олмайди ва қамраб ҳам ололмайди. Масалан, «оқ» ва «қора» ёки «ўспирин» ва «чол», «ширин» ва «аччиқ» тушунчалари муносабати буларга мисолдир. Бундай муносабатда бирор ўртанча ҳолнинг бўлиши табиийдир, яъни «оқ» ёки «қора» бўлмай, «қизил» бўлиши ёки «ширин» ва «аччиқ» эмас, «шўр» бўлиши мумкин. Бунда биз тушунча муносабатини 6- расм билан ифодалаймиз.

Тушунчалар қарама-қарши бўлишига қарамай, бир жинс тушунчаси ҳажмига киради. Агар биз «оқ ранг», «қора ранг» десак, бу тушунчалар учун умумий жинс «ранг» бўлади.

Бирга бўйсунувчилик муносабатида сиғишмайдиган тушунчалар бир жинснинг турлари деб қабул қилинади. Ҳажми жиҳатидан бир қанча тушунчалар бир жинсга мансуб бўлгани сабабли бирга бўйсунувчи бўлади. Аммо мазмун жиҳатидан бир жинсдаги турли тушун-



7- расм.

чалар бир-бирига тўғри келмайди. Қуйидаги мисолларни анализ қилиб кўрайлик: «чизиқ» деган тушунча жинсига «тўғри», «эгри», «синиқ» турлари киради. Шунга ўхшаш «бурчак» тушунчаси жинсига «тўғри», «ўткир», «ўтмас» деган тушунчалар киради. Шундай қилиб, бирга бўйсуниш муносабати икки ёки кўп тардаги муносабатларни бир умумий даражага қаратишни акс эттиради. Бундай муносабат қуйидаги расм билан ифодаланади (7- расм).

Тушунчалар орасидаги муносабатларни қатъий, узил-кесил деб қараш нотўғри. Чунки чатишма тушунчалар муносабатини бошқа шаклларида ҳам кўриш мумкин.

5. Тушунчани умумлаш ва чегаралаш

Инсон ўз тажрибасида кўп вақт бир ҳажмдаги тушунчадан иккинчи ҳажмдаги тушунчага ўтади. Одатда, бундай вақтларда жараён тушунчанинг умумлашиши ёки чегараланиши йўли билан бориши мумкин.

Тушунчанинг чегараланиши деб шундай мантиқий усулга айтиладики, бу усул ёрдами билан тушунча ҳажми торайтирилади. Бундай вақтда буюмнинг қисмига тааллуқли бўлган янги белги, албатта, бошланғич ҳажмга киради.

Биз бировнинг ёзувчи эканлигини билиб, кейинчалик ёзувчи ҳақидаги билимимизни аниқлашимиз лозим бўлади. Бундай вақтда бизнинг билимимиз ўзгариши — бойиши қуйидагича бориши мумкин: олдин унинг ўзбек ёзувчиси эканини, шундан кейин унинг Давлат мукофоти лауреати эканини ва охири «Навоий» романи муаллифи (Ойбек) эканини аниқлаймиз. Фикрнинг бундай тарзда бориши унинг чегараланиши билан боғлиқдир.

Тушунчамизни чегаралаш пайтида биз бир тушун-

чадан иккинчи тушунчага ўтамиз: «ёзувчи», «ўзбек ёзувчиси», «Навоий» романи муаллифи. Бундай вақтда олдин ифода этилган тушунчанинг ҳажмига кейинги тушунча киради.

Шундай қилиб, ҳар бир тушунчани чегаралаш пайтида биз ҳажм жиҳатидан торроқ тушунчага борамиз ва бошланғич тушунчанинг айрим қисми учун хос бўлган белги ёки белгилар мазмунини очамиз. Тушунчанинг чегараланишига қарши қаратилган мантиқий усул умумлашишдир.

Тушунчанинг умумлашиши шундай мантиқий усулдирки, бу усул ёрдамида бир тушунча ҳажмини ташкил этувчи буюмларга хос бўлган айрим-айрим белгиларни бирма-бир олиб ташлаш йўли билан бошланғич тушунча ҳажми кенгайтирилади. Бошқача қилиб айтганда, бизнинг фикримиз умумлашиш ёрдами билан қисқа ҳажмдаги тушунчадан кенг ҳажмдаги тушунчага қараб боради.

Кичик ҳажмдаги тушунчадан кенг ҳажмдаги тушунчага қараб бориш тушунча ҳажмини ташкил этувчи буюмларга тааллуқли белгиларни бирин-кетин фикран олиб ташлаш йўли билан бажарилади. Масалан, «ёзувчи» тушунчасига «инсон», «ақлий меҳнат эгаси», «драматург», «кичик пьесалар муаллифи» ва бошқа белгилар киради. Агар биз бу тушунчалар орасида энг кичиги — «пьесалар муаллифи» тушунчасини ва шундай қилиб, иккинчи даражадаги тушунчаларни олиб ташлай бошласак, бизнинг тушунчамиз тобора умумлаша боради.

Умумий тушунчаларнинг чегараси жуда ҳам кенг тушунчаларга бориб тақалади. Энг кенг маънодаги тушунчалар мантиқ илмида категориялар деб аталади. Категориялар ҳақида биз тушунчанинг асосий турлари билан танишганда муфассал тўхтаган эдик.

Инсон ўз тафаккур фаолиятида ҳамма вақт кичик ҳажмдаги тушунчалардан кенг ҳажмдаги тушунчаларга ва аксинча, кенг ҳажмдаги тушунчалардан тор ҳажмдаги тушунчаларга ўтиб туради. Тушунчанинг бу икки ҳолати ўзаро мустаҳкам боғлангандир. Тушунчанинг умумлашиши ва чегараланиши инсон муҳокамасининг асосли ва кетма-кет бўлишига катта ёрдам беради.

Тушунчанинг умумлашиш ва чегараланиш тарзини қуйидаги расм билан ифодалаш мумкин:

умумлашиш		чегаланиш	
	А		А — ақлий меҳнат эгаси
	Аа		а — ёзувчи
	Ааб		б — ўзбек ёзувчиси
	Ааб с		с — «Навоий» романининг муаллифи

6. Тушунчалар устида мантиқий амаллар

Тушунчани таърифлаш (дефиниция). Таърифлаш фан ва ҳаёт учун ҳамма вақт керак ва зарур бўлган мантиқий усуллардандир. Бу мантиқий усул ёрдами билан биз таърифланадиган буюмларнинг моҳиятини кўрсатиб, бир буюмни унга ўхшаш бошқа буюмдан ажратамиз.

Ҳар қандай мунозарада аввало аниқ таъриф бўлиши зарурлигини алоҳида уқтириб ўтмоқ керак. Шундай бўлгач, таъриф ҳар бир фандаги аниқлик ва равшанликни таъминлаш, белгилаш учун хизмат қилади.

Тушунчанинг аниқлиги мантиқ илмида тушунча таърифи орқали белгиланади. Ҳар бир фан ўзига хос таърифга ҳам эгадир. Масалан, ижтимоий фанларда «иқтисод», «маданият», «онг», «жамият», «синф», «давлат» ва бошқа тушунчаларни, физикада «оғирлик», «ўлчов», «ҳаракат», биологияда «биологик турлар», «ирсият», «организм» тушунчалари таърифланади. Булар эса фанлар тараққиётига катта ёрдам беради. Шунинг учун ҳар бир фан ўз мақсадини аниқ таърифлаб бериши лозим. Ҳеч бир фан таърифсиз мавжуд бўла олмайди.

Демак, биз тушунчанинг таърифи, моҳиятини мукаммал билишимиз лозим. Тушунча таърифи фан тараққиёти билан аниқланган буюмлар моҳиятини билишдир. Тушунча таърифи буюмларнинг муҳим белгиларини очишга ёрдам беради. Тушунча мазмунининг очилишига тушунча таърифи дейилади.

Тушунча мазмунини очишга қаратилган жараён мантиқда таърифлаш ёки дефиниция деб аталади. Тушунчани таърифлаш — бу унинг мазмунини очиб берувчи асосий белгиларини кўрсатиб беришдир. Буюмларнинг муҳим белгилари кўп бўлгани сабабли тушунча таърифи буюмлардаги муҳим белгиларнинг барчасини тўлиқ акс эттира олмайди, албатта.

Буюмларни тўғри таърифлаш учун формал мантиқ-

да муҳим белгиларни ажрата олиш тартибига катта эътибор берилади. Бу тартиб қуйидаги йўллар билан амалга оширилади.

А. Энг яқин тур белгисини кўрсатиш ва жинс орқали таърифлаш. Буюмларни тўғри таърифлаш учун ҳаммадан олдин унинг энг яқин жинс ва тур белгиларини ажрата олиш лозим. Масалан, биз учбурчак тушунчасини уч текис чизиқ билан чегараланган (тур) геометрик текис шакл (жинс) деб таърифлаймиз. Энг яқин жинс бир қанча буюмларни, кўп турларни ва ундан таърифланиши лозим бўлган турни ҳам ўз ичига олади. Маълумки, таърифлашда биз жинс хислатини кўрсатишимиз лозим. Аммо бу тушунча таърифи учун етарли бўла олмайди. Шунинг учун таърифлашда турни аниқлаш нуқтаи назаридан, хусусан, таърифланадиган тур белгисини алоҳида кўрсата олишимиз керак.

Келтирилган мисолда «уч текис аниқ чизиқ билан чегараланган геометрик текис шакл учбурчакдир» деган таърифда турни аниқлашга алоҳида эътибор берилгани бу турнинг муҳим белгиларини кўрсатиш орқали ифодаланган.

Тушунча таърифининг бундай амалга оширилиши тасодифий эмас, балки у объектив асосга эгадир. Ҳақиқатан ҳам объектив борлиқда буюмлар боғланиши тасодифий эмас, балки маълум тартиб асосида мавжуддир.

Объектив дунёда буюмлар айрим турларга, турлар эса жинсларга тааллуқлидир. Шунинг учун жинс ва тур эркин, ихтиёрий равишда эмас, балки объектив дунёнинг реал боғланиши натижасида пайдо бўлган тушунчадир.

Жинс ва тур орқали таърифлашда, биринчидан, биз буюмни бошқа жинсдаги буюмлардан, иккинчидан, шу жинснинг бошқа турларидан ажратамиз. Бундай йўл билан таърифлаш муҳим аҳамиятга эга.

Б. Генетик таъриф. Генетик таърифлаш буюм ва ҳодисаларни жинс ва тур орқали таърифлашдан қисман фарқ қилади. Генетик таърифлаш буюмларнинг пайдо бўлишини, келиб чиқишини кўрсатиш орқали амалга оширилади. Генетик таърифлаш моҳиятини аниқроқ тушуниш учун қуйидаги мисолларни кўриб чиқайлик:

1. Предметнинг маъносини англатиб, эгалик, сон ва

келишик каби грамматик категорияларга эга бўлган сўз туркумига от дейилади.

2. Феъл фикрни ифода этишда энг муҳим сўз туркуми бўлиб, шахс ва предметларга хос ҳаракатни билдиради.

3. Нутқ — бу меҳнат процессида вужудга келган, фикрни ифодалаш учун хизмат қилувчи, инсонларгагина хос бўлган муносабат қуролидир.

Келтирилган мисоллар генетик таърифлаш жинс ва тур орқали таърифлашнинг бир тури эканидан дарак бермоқда. Амалда эса мантиқда бундай илмий асосланган таъриф йўқ. Мисол: «Атом ядро ва электронлардан ташкил топган заррадир».

В. Реал ва номинал таърифлаш.

Агар таъриф тушунчанинг фақат сўз маъносигагина қаратилган бўлса, у номинал таърифлаш бўлади. Мисол: «Атом — бўлинмас деган маънони билдирадиган сўзлар».

«Логика»—«логос» сўзидан олинган бўлиб, фикр, маъно дегани» ва бошқалар. Мантиқда таърифлашнинг чин ва хатолардан ҳоли бўлиши учун айрим шарт-шароитларни кўзда тутувчи қоидаларга амал қилиш зарур.

Таърифлаш қоидалари. I. Ҳар бир таъриф мутаносиб бўлмоғи лозим.

Бунда таърифловчи тушунча билан таърифланувчи тушунчанинг ҳажман тенг бўлиши талаб қилинади. Ҳажм жиҳатидан бундай тенглик таърифловчи ва таърифланувчи тушунчалар жойи алмаштирилганда аниқ кўринади. Бундай вақтда биз, албатта, таърифловчи ва таърифланувчи тушунчалар мазмунини билишимиз лозим. Мисол: «Инсон — бу онг ва тилга эга бўлган ҳамда фойдали меҳнат билан шуғуллана оладиган жонивордир». «Онг ва тилга эга бўлган ҳамда фойдали меҳнат билан шуғуллана оладиган жонивор инсондир».

Агар биз юқоридаги қоидани бузсак, унда икки хатога йўл қўйишимиз мумкин. Бизнинг таъриф ҳаддан ташқари кенг ёки жуда қисқа бўлиши мумкин. Бундай таъриф эса мутаносиб бўла олмайди. Яна бир неча мисолларни олиб қарайлик:

«Касаба союзлари — меҳнаткашлар ташкилоти». Бундай мулоҳаза таъриф эмас, чунки у ҳаддан ташқари кенг бўлиб, меҳнаткашларнинг касаба союзлардан ҳам бошқа ташкилотлари борлигини ҳисобга олмайди.

Ёки биз «Мантиқ — тушунча ҳақидаги фан» деб таърифласак, у жуда тор, қисқа таъриф бўлади. Чунки мантиқ тафаккурнинг тушунчадан бошқа шаклларини ҳам ўрганади.

2. Таъриф айланма бўлмаслиги керак. Бу қоидага мувофиқ таърифловчи сифатида олинган тушунчанинг ўзини фақат таърифланувчи тушунча воситасида англаш мумкин эмас. Таърифнинг айланма бўлиши тавтологик шаклдаги хатони вужудга келтиради. Бу ҳолатни қуйидаги мисолда яққол кўриш мумкин:

«Соф виждонли бўлиш шахснинг ўз виждонини тоза тутишидир». XIX асрнинг кўп экономистлари ҳам таърифни айланма шаклда аниқлашга уриниб, катта хатога йўл қўйганлар. Улар товар қийматини меҳнат қиммати ифодаси, меҳнат қиммати ифодасини эса товар қиммати ифодаси, деб таърифлашга уринганлар.

3. Таъриф инкор этиш орқали бўлиши мумкин эмас. Бу қоида таърифнинг бир белги йўқлигини таъкидлаш билан чегараланиши мумкин эмаслигини, яъни қуйидагича бўлмаслигини кўрсатади, яъни «Ўсимлик ҳайвонот эмасдир», «Яхшилик ёмон одат йўқлигидир» ва бошқалар.

4. Таъриф аниқ, равшан ва метафорасиз бўлмоғи лозим.

Метафорик хусусияти бўлган образли ифодалар, масалан, «артиллерия — уруш худосидир», «уйқу — хирург ёрдамчиси» ва шунга ўхшаш иборалар таъриф бўла олмайди.

Таърифнинг аниқ ва равшан бўлиши, аввало, унинг қисқа ва етарлича мукаммал бўлишига боғлиқ. Таърифлашнинг бу қоидасига мувофиқ, таърифга — «чунончи», «яъни», «масалан», «бўлиб», «модомики» ва шунга ўхшаш ортиқча сўзлар қўшилмаслиги керак.

Ҳар бир фан соҳасида буюмлар ҳақида маълум билимга эга бўлиш учун таърифлашнинг турли қоидаларидан тўғри фойдаланиш лозим. Чунки бу қоидаларни бажариш таърифлаш мазмунининг чинлигини таъминлайди. Формал логика айрим фанлардаги тушунчаларнинг (галактика, дифференция, миллат ва бошқа тушунчалар) мазмунан чинлигини ҳал қила олмайди. Чунки бу ҳар бир конкрет фаннинг ўз вазифасидир. Мантиқий таърифлаш қоидаларининг вазифаси таърифнинг чин бўлиши учун лозим бўлган талаблар-

ни кўрсатишдан иборат. Агар ҳар бир фан таърифлаш қоидаларига асосланган бўлса, мантиқ унинг чинлигига гувоҳ бўла олади.

Тушунча таърифидан буюм ҳақида тўла маълумот олиш мумкин эмас. Бу унинг камчилигидир. Аммо таърифда буюмнинг энг муҳим ва зарур белгилари кўрсатилиб, уни бошқа буюмлардан чегаралаб, ажратиб олинади.

Тушунчани энг яқин жинс ва тур орқали таърифлаш кенг тарқалган бўлиб, илмий қоида шаклига кириб қолган. Бироқ у таърифлашнинг ягона йўли эмас.

Баъзан инсон ўз тажрибасида, илмий масалаларни ҳал этишда жинс ва тур орқали таърифлашдан ёки таърифлашнинг бошқа шаклларидан фойдаланмасдан, улар ўрнини босадиган бошқа йўллардан ҳам фойдаланади.

Таърифлашга олмош бўладиган усуллар. Таъриф олмошлари тушунча таърифи ўрнини боса олмайди, аммо унинг мазмунини очиш ва тўлдиришга катта ёрдам беради. Бу усуллар **кўрсатиш, тасвирлаш, характеристика, ўхшатиш ва тафовутлашдир.**

Кўрсатиш аниқ бир буюмни билиш ва уни бошқа буюмлардан фарқлаш мақсадида бевосита ишлатилади.

Тасвирлаш буюмлар ҳақида тўла маълумотга эришув мақсадида унинг белгиларини аниқловчи тафаккур усулидир. Масалан, пахта терадиган машинани тасвирлайдиган бўлсак, унинг асосий қисмлари, бу қисмларнинг ўзаро муносабати, машинанинг ташқи кўриниши, унинг катталиги, иш ҳаракати ва бошқаларни тилга оламиз. Ёки бирор жойни (географик) тасвирлайдиган бўлсак, унинг иқлими, ундаги сув бойлиги, тупроғи, ер ости бойлиги ва бошқаларини ифодалаймиз. Бундай вақтда инсон буюмларнинг қисмини тасвирлаш орқали унинг бир бутун образини яратади.

Тасвирлашнинг ижобий ва салбий томонлари бор. Тасвирлашнинг ижобий томони буюм ҳақида тўла «жонли» образ яратишдир. Тасвирлаш одатда буюмларни таърифлашга нисбатан кўп белгиларини очади. Тасвирлашнинг салбий томони буюмнинг жуда кўп муҳим ва муҳим бўлмаган белгиларини ҳам кўрсатиб беришдир.

Характеристика буюм ҳақидаги тушунча мазмунини очиш усулидир. Характеристика тасвирлаш тур-

ларидан бўлиб, буюм, нарсаларнинг типик белгиларини кетма-кет қайд қилади. Характеристика ҳамма фанларда қўлланилади ва унинг ёрдамида айрим буюмларнинг бошқа буюмлардан тафовути аниқланади. Ҳамма таърифлар, одатда, чегаралланган бўлгани учун характеристика уни тўлдиради.

Тушунчанинг таърифи ҳар бир назарий ва амалий иш учун муҳим аҳамиятга эга. Тушунча таърифи бизнинг буюм ҳақидаги билимимизни қисқа тарзда ифодалайди ва шу билан объектив воқеликни билиш учун катта имконият беради. Шунинг учун ҳамма фанлар, жумладан, тарих, тилшунослик, адабиётшунослик фанларидаги ҳамма тушунчаларга ҳам аниқ таъриф берилмоғи зарур. Дарҳақиқат, агар биз ижтимоий фанлардаги «бизнес», «устқурма», «ишлаб чиқариш кучи», «ишлаб чиқариш муносабати», «образ» ва бошқа тушунчаларни аниқ таърифлай олмасак, унда биз бу тушунчалар мазмунини била олмаймиз. Аммо ҳамма таъриф буюмлар мазмуни ҳақида тўла билим бера олмайди.

Ҳақиқатан ҳам фанни унинг фақат таърифи орқали билиш мумкин эмас. Масалан: мантиқни ўргана туриб, уни тафаккур шакллари ва қонунлари ҳақидаги фан деб таърифлаш билан чегараланиб бўлмайди. Биз мантиқий шакллар ва мантиқий қонунлар нима эканини, яъни тафаккур шаклларидан: тушунча, ҳукм, хулоса чиқариш ва мантиқ қонунлари моҳиятини ўрганишимиз зарур. Шунинг учун Ф. Энгельс ҳаёт тушунчаси ҳақидаги биологияда берилган таъриф устида тўхтаб, шундай деган эди: «Маълумки, бизнинг ҳаётга берган таърифимиз мутлақо етарли эмас, чунки бу таъриф ҳаётнинг барча ҳодисаларини ўз ичига ололмайди, аксинча, бу ҳодисалардан умумийлари, энг оддийлари билан чекланади. Ҳамма таърифларнинг илмий жиҳатдан аҳамияти жуда оз бўлади. Ҳаёт ҳақида ҳақиқатан тугал-тўкис тасаввур ҳосил қилмоқ учун бизга ҳаётнинг қуйидан тортиб энг юқоригача бўлган ҳамма шаклларини кузатиб боришга тўғри келар эди»[1],— деб берган таълимини эсда тутишимиз лозим.

---

[1] Ф. Энгельс. Анти-Дюринг. 1957. 104—105- бетлар.

7. Тушунчанинг бўлиниши

Тушунчалар таърифи уларнинг мазмунини аниқлашга қаратилган бўлса, тушунчанинг бўлиниши унинг ҳажмини аниқлашга, тушунча ҳажмида ифодаланган буюмларнинг миқдорини белгилашга қаратилгандир. Тушунчани бўлакларга ажратиш, тақсимлаш усули ҳам унинг таърифланиши каби тушунчаларда акс этган предмет, ҳодисаларни ҳар томонлама билиб олиш учун хизмат қилади. Бўлакларга ажратиш асосан тушунча ҳажмига тегишли бўлиб, бу мантиқий процесс мантиқ илмида тушунчани бўлиш деб юритилади.

Тушунча бўлинганда у ҳажм жиҳатидан кичикроқ бўлган нечта турдаги тушунчадан ташкил топгани, бу тур тушунчалар, яъни тушунчада акс этган буюмларнинг умумий сони ёки гуруҳлари қанча эканлиги аниқланади.

Ҳажмини аниқлаш зарур бўлган тушунча *бўлинувчи тушунча* деб аталади. Бўлиш натижасида вужудга келган тушунча турлари, *бўлиниш аъзолари ёки қисмлари* деб юритилади.

Тушунчани бўлиш процессида аввало тушунчада акс этган, ифодаланган буюмларнинг умумий таърифи ва характеристикаси берилади. Ундан сўнг тушунча турларга бўлинади. Айрим турлар алоҳида кўриб чиқилади. Масалан, грамматикада гап таърифи ва умумий характеристикаси берилгач, гап дарак, сўроқ, буйруқ, ёйиқ, йиғиқ, тўлиқ, тўлиқсиз, бир составли, икки составли, содда, қўшма каби турларга бўлиниб, уларнинг ҳар бири таърифлангач, ҳар бир гап тури алоҳида кўриб чиқилади. Тарих, геометрия ва бошқа фанларда ҳам тушунчанинг умумий характеристикасидан сўнг уни турларга бўлиш бошланади. Шунинг учун тушунчанинг бўлиниши буюмларда аниқланган умумий тушунчадаги асосий тафовутларни топишдир. Чунки буюм тўғри жинсдаги тафовутнинг асосини ташкил этади. Аммо, тушунча бўлинишидаги тафовутлар бирор муносабатда ёки белгилар муносабати асосида бўлиши лозим. Шунинг учун *тушунчани бўлишга асос қилиб олинган белги ёки белгилар йиғиндиси бўлиш асоси дейилади.*

Бир тушунча турли асослар ёрдамида бўлиниши мумкин. Масалан, фалсафий таълимотлар назариянинг характерига қараб, метод бўйича, уларни яратган фай-

ласуфларнинг номига қараб бўлиниши мумкин. Масалан, одамларнинг жинси, ёши, миллати ва бошқа ҳолатларига қараб, яъни турли асослар билан гуруҳларга бўлиш мумкин. Буюмлар қанча кўп томонлама бўлса, уларни акс эттирган тушунчалар ҳам шунча кўп бўлиниш асосига эга бўлади. Тушунча ҳамма белгиларига қараб эмас, фақат мазкур муносабат учун муҳим бўлган белги асосида бўлинади.

Бўлиш асоси эса буюмлар моҳиятини ифода этувчи белгидир. Бундай пайтда биз бўлиш орқали буюмлардаги умумий моҳиятнинг айрим шаклларда кўринишини ифодалаймиз. Шунинг учун асос конкрет воқеанинг муҳимлигига қараб танланади.

Ҳамма вақт тушунчани бўлишнинг асосий қоидаларига риоя қилиш лозим. Қоидалар асосан 4 та:

1-қ о и д а. **Ҳамма вақт бўлиш бир асос билан олиб борилмоғи лозим.** Бошқача қилиб айтганда, агар бир белгини асос қилиб оладиган бўлсак, бўлиш ҳам фақат шу асосда амалга ошмоғи лозим. Масалан, мактаб ўқитувчиларига ўрта мактаб ва бошланғич синф ўқитувчиси унвонлари берилади десак, бу тўғри бўлиш бўлади, чунки бундай бўлиш бир асосга таянади. Аксинча, агар олий мактаб тушунчасини билим юрти ва университет деб бўлсак, бу хато бўлиш бўлади, чунки бунда биз тушунча турларини турли асослар билан бўлган бўламиз. Бундай хато бўлишни а д а ш т и р у в ч и деб аталади.

Агар тушунча адаштириш орқали бўлинса, унда бўлинма-тушунчаларни ўзаро таққослаб бўлмайди.

Шунингдек, бу ҳолда тушунчадаги ҳамма турларни кетма-кет кўриш ҳам мумкин эмас, чунки бундай бўлишда уларнинг баъзилари ўзаро чатишган бўлиши мумкин.

2-қ о и д а. **Бўлиш аъзолари ёки қисмлари бир-бирини инкор этиши лозим.** Баъзан тушунчани бўлишда бўлиш асосини аниқлаб таърифлаш жуда қийин, шу сабабли вужудга келган хатолар ҳам тез аниқланмайди. Масалан, учбурчакни ўтмас, ўткир, тўғри ва тенг бурчакларга бўлганимизда, бўлиш асосидаги адаштирувчи нуқтани сезиш қийин. Аммо бундаги хатони (яъни бўлиш аъзоларининг чалкашлигини) пайқаш эса осон. Шунинг учун тушунча ҳажмида ифодаланган ҳар бир буюм бўлишнинг фақат бир аъзосини ташкил этиши зарур.

3-қоида. **Бўлиш мутаносиб бўлиши лозим.** Бу қоидага мувофиқ бўлиш аъзолари ўз ҳажми билан бўлинадиган тушунча ҳажмини тўла қопламоғи, ўз ичига олиши лозим ва мазкур ҳажмга алоқаси бўлмаган ҳеч бир бошқа тушунча унинг ҳажмига киритилмаслиги зарур. Масалан, «санъат» тушунчаси фақат музика, тасвирий санъат, архитектурага бўлинади, дейиш мумкин эмас. Чунки бунда санъатнинг бошқа турлари, хореография, скульптура ва бошқалар ташлаб кетилган бўлади.

4-қоида. **Бўлиш узлуксиз бўлмоғи лозим.** Бу қоидага мувофиқ бўлиш энг яқин турдан бошланиши, барча тур санаб ўтилмагунча бўлиш давом этказилмоғи зарур.

Бўлиш вақтида ҳеч қачон энг яқин турдан сакраб ўтиш мумкин эмас. Бошқача айтганда, бўлиш аъзолари бўлинадиган тушунчанинг энг яқин, ўзаро итоат этувчи турлари бўлмоғи лозим. Масалан, агар бир гап бўлакларини эга, кесим, аниқловчи, тўлдирувчи ва ҳол деб кўрсатсак, тамоман нотўғри бўлар эди. Аввало, ўзаро яқин гуруҳлардан бўлган эга ва кесимни, ундан сўнг буларнинг ҳар бирини қисмларга ажратиш тўғри бўлар эди. Шунингдек, энг яқин турдан, масалан, гап бўлаклари кесим ва иккинчи даражали деб сакраш ҳам нодурустдир.

Дихотомик бўлиш. Тушунчани бўлишнинг махсус кўриниши дихотомик[1] бўлишдир. **Дихотомик бўлиш буюмларни маълум белгига кўра икки группага, яъни шу белги бор бўлган нарсалар (булар одатда бўлиш асосини ташкил қилади) ва бу белгига эга бўлмаган нарсаларга ажратади.** Бошқача қилиб айтганда, бир тушунча икки қарама-қарши ёки зид тушунчаларга бўлинади.

Масалан, ҳамма элементларни металл ва металл бўлмаганларга, ҳамма моддаларни кислород билан қўшилган ва қўшилмайдиган, ҳамма ижтимоий ҳодисаларни устқурма характерига эга бўлган ва устқурма эмасларга ажратиш мумкин.

Бундай бўлиш қоидаси буюмларни маълум белгиси, бор-йўқлигига қараб ажратишда катта ёрдам беради.

Дихотомик бўлишнинг ижобий томони унинг жинс

---

[1] Дихотомия — грек тилидан олинган бўлиб, кетма-кет икки қисмга бўлиш маъносини билдиради.

ва тур шаклдаги бўлишда учрайдиган хатодан холилигидир. Дихотомик бўлишнинг нуқсони шундаки, бўлинган тушунчада албатта иккинчисининг мазмуни номаълум бўлиб қолади ва ҳамма қолган турларнинг миқдорини санаб бўлмайди.

8. Классификация — тасниф

Ҳар бир тушунча бўлиниши шу тушунчада ифода этилган нарсаларнинг таснифидир. Мантиқда ва бошқа фанларда тасниф бўлишнинг махсус шакли, ҳолати, кўриниши деб айтилади.

Тасниф объектив буюмларни ифодаловчи тушунчаларни ўхшашлиги ва тафовутига қараб синф ёки турларга бўлишдан иборат бўлиб, бу синф ва турлар бўлинувчи тушунча турлари тизмасида қатъий ўринни эгаллайди.

Тасниф фанлар тузилишида муҳим ўринни эгаллаб, объектив реалликни билишда улар томонидан кенг фойдаланилади.

Тасниф — бу объектив предметлар ҳақидаги билимларимизни системалаштириш, маълум тартибга солиб ўрганишнинг муҳим усулидир. Одатда, тасниф натижалари илмда кенг қўлланиладиган турли схема, жадвал, рўйхат орқали ҳам ифодаланади. Тасниф — бу бўлишнинг энг мукаммал шаклидир.

Албатта классификация — тасниф умуман тушунчани бўлишнинг барча қоидаларига риоя этган бўлиши зарур. Лекин фанда таснифга асос қилиб олинган белги илмий тадқиқотлар ёрдамида ниҳоятда масъулият билан танланиши зарур. Бундай ҳолда тасниф объектив реалликни ўрганишда катта аҳамиятга эга бўлади, муҳим ихтироларга олиб келади. Масалан, биологиядаги ўсимлик ва ҳайвонот, жамиятда ижтимоий формациялар, материя ҳаракати шакллари таснифи шулар жумласидандир.

Тасниф бўлишнинг бошқа турларидан ўзининг анча доимийлиги ва барқарорлиги билан ажралиб туради. Таснифнинг вазифаси айрим фанларнинг доимий талабини қондиришдир. Ҳар бир тасниф аъзоси маълум номга эга бўлади. Одатда, тасниф бўлиш билан чегараланмайди. Унда бўлишнинг бир бутун таркиби ўзининг энг муҳим асослари билан кўринади. Масалан: фанларни ҳаммадан олдин объектив жараёнларга қа-

Тасниф схемаси Бўлиш схемаси



8- расм.

раб: 1) табиат ҳақидаги фанлар ва 2) жамият ҳақидаги фанлар, деб икки группага ажратамиз. Ундан сўнг ҳар бир фан группаларини кичик группаларга бўламиз.

1) а) органик табиат ҳақидаги фанлар;
б) органик бўлмаган табиат ҳақидаги фанлар.
2) а) устқурма ҳодисалар ҳақидаги фанлар.
б) устқурма бўлмаган ҳодисалар ҳақидаги фанлар.

Бундай тартиб билан тасниф қилиш оддий бўлишдан фарқланади.

Агар тасниф ҳамма бўлиш қоидалари асосида бориб, ўзига хос асос қилиб муҳим белгиларни оладиган бўлса, у чин бўла олади. Масалан, китобхонадаги китобларни классификация қиладиган бўлсак, китоб муаллифи фамилиясининг биринчи ҳарфи бу ишда биз учун муҳим бўлади. Агар биз учун китоб формати белгиси зарур бўлса, унда муҳим бўлган аввалги белги назардан қолади.

Фанларда бир вақтда бир қанча тасниф мавжуд бўлади. Масалан, тилшунослик илмида тиллар классификацияси қуйидагича:

1) генеологик тасниф. Бунда дунё тиллари келиб чиқиши бўйича, умумий қардошлиги жиҳатидан классификация қилинади;

2) морфологик тасниф. Бунда дунё тиллари сўзларнинг морфологик структураси бўйича мавжуд умумий ўхшашлиги жиҳатидан классификация қилинади.

Агар фанда бир қанча тасниф бўлса, булардан бири етакчи аҳамиятга эгадир. Мантиқда, одатда таснифни табиий ва сунъий деб икки гуруҳга бўладилар. Табиий таснифга мисол қилиб Менделеевнинг кимёвий элементлар классификациясини, сунъий таснифга китобларни алифбе йўли билан группалашни кўрсатиш мумкин.

Одатда, илмий таснифни чуқур, муҳим белгиларга асосланган ва улардаги боғланиш қонунларини ифода эттирадиган тасниф деб кўрсатадилар.

Тасодифий ҳамда муҳим бўлмаган белгилар (уларнинг объектив хусусияти ва боғланишларини инкор этган ҳолда) асосида предметларни группаларга ажратиш илмий бўлмаган ёки хато тасниф деб айтилади.

Табиий ва сунъий таснифлар ҳаётда жуда кўп учрайди. Табиий тасниф предметлар синфларининг ички умумийлигини ифодаловчи муҳим белгиларига қараб амалга оширилади.

Табиий тасниф илмий тадқиқотнинг натижаси ва муҳим воситаси бўлиб, билиш жараёнида катта аҳамиятга эга.

Сунъий тасниф ташқи белгиларга асосланади ва турли-туман предметларни, уларни акс эттирувчи тушунчаларни тартибга солиш учун хизмат қилади.

Масалан, кутубхонадаги китобларни предметга қараб, муаллифига қараб тартибга солиш ёки телефон китобчасида, синф журналида одамлар фамилиясини алфавит тартибда рўйхатга олиш ва бошқалар.

Билимнинг келиб чиқиши, илмлар тартиби, структураси ва ўзаро муносабатини ўрганишда умуман фанлар таснифи муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу масала билан ўтмишда кўп олимлар, жумладан, Аристотель, Форобий, ибн Сино, Ф. Бэкон, Декарт, Кант, Ф. Энгельс ва бошқалар шуғулланганлар.

9. Тушунчанинг аҳамияти

Тушунча инсон фаолияти учун катта аҳамиятга эга. Ўтган темада айтилганидай, инсон билими икки турга: 1. Ҳиссий билим — сезгилар орқали билиш. 2. Рационал — ақлий билим тафаккур орқали билишга бўлинади.

Ҳиссий билим якка, хусусий ва тасодифий ҳодисаларни, рационал ақлий билим эса умумий, муҳим, за-

рурий қонуниятларни билади. Ҳиссиёт орқали билиш мумкин бўлмаган буюмлар моҳиятини рационал йўл билан ўрганамиз. Тушунча эса рационал билишнинг муҳим шакли. Тушунчада инсоннинг амалий фаолияти процессида билиб оладиган объектив воқелик қонуниятлари ўз ифодасини топади.

Тушунча, бир томондан, ўтмишда қўлга киритилган билимлар натижаси бўлса, иккинчи томондан, билиш қуролидир. Тушунча ўтмишда эришилган билим натижаси эканлиги буюмларнинг умумий муҳим белгилари, хусусиятларидан инсон ўз меҳнати жараёнида кенг фойдаланишида кўринади. Тажриба асосида умумлаштирилган натижа — тушунча моҳияти асосида ётади.

Тушунча билим қуроли эканлиги у бизнинг билимимизни янада ривожлантиришга хизмат қилишида, нарса ва ҳодисаларнинг янги томонларини акс эттиришида исботланади. Масалан, материя «сезгиларимиз билан идрок қиладиган объектив реалликдир», деб таърифланади. Бу тушунча инсоннинг кўп йиллик билим тажрибасининг натижаси бўлиб, объектив воқеликни яна ҳам чуқурроқ ўрганиш учун катта ёрдам беради. Шунинг учун ҳам тажриба асосида пайдо бўлган бу тушунча кейинча материянинг конкрет, яъни физик, химик, биологик ва бошқа шаклларини ўрганишга хизмат қилади. Материя ҳақидаги умумий тушунча ёрдами билан айрим материялар ҳақидаги билимга эга бўламиз. Ҳақиқатан ҳам айрим шахс якка, индивидуалдир. Аммо унинг организми умумий физиологик қонуниятларга, қон айланиши, нафас олиш, овқат ҳазм қилиш, ички секреция фаолияти ва бошқа қонунларга итоат этади. Ҳар бир шахс такрорланмайдиган индивид бўлишига қарамай, бу умумий қонунларга бўйсунади. Шунинг учун объектив воқеликнинг умумий ва турли қонунларини билиш ҳар бир фандаги тушунчанинг асосий вазифасидир.

Демак, табиат ва жамият объектив қонунларини билиш тушунча орқали амалга оширилади. Тушунчаларсиз бирор қонунни ифода этиш, шунингдек ҳамма билимлар мезони бўлган тажрибани ҳам илмий асослаш мумкин эмас. Тушунча ўзининг тез ўзгариши мумкинлиги, эластиклиги ва маълум вақтларда ўзига зид хислатларга ўта олиши билан катта аҳамиятга эга.

МАШҚЛАР

1. Тушунча мазмуни ва ҳажми

1. Қуйидаги тушунчалар мазмунига кирадиган белгиларни айтиб беринг:

Мустақиллик. Ошкоралик. Қишлоқ. Китоб. Демократия.

2. Қайд этилган белгилар — хислатлар қуйидаги тушунчалар мазмунига кирадими?

«Омоним» — сўз, ўзбек тилида учрайди, бадиий адабиётда тез-тез учраб туради. «Жазира» — қуруқлик, сув билан ўралган, денгизда бўлади.

3. Қуйидаги белгилар қайси тушунча мазмунига киради?

Иситади, ёритади. Инсон ижоди. Кўчиб юриш учун хизмат қилади. Ер сатҳини тасвирлайди. Ҳаракатни ифодаловчи сўз.

4. Қуйидаги белгилар қайси тушунча мазмунини ташкил этади?

Инсон. Олий ўқув юрти. Сув тўлғазилган чуқур, ҳамма томондан қуруқлик билан ўралган. Катта ва кичик ҳажмли.

5. Қуйидаги масалалардаги белгиларни айрим группаларга ажратинг. Ҳар бир группадаги белгилар бир тушунча мазмунини ифода этсин. Тушунча номини айтиб беринг.

Ердан кичик, 4 томони бор, акс этилган ёруғликдан нур беради, шар шаклига эга, бир текисликда ўрнашган, қаттиқ қуруқлик қисми, равшан ёруғлик беради, ҳамма томондан сув билан ўралган, электр кучи билан алоқадор.

Пак-пакана бўйи бор, етти қават тўни бор. Бу топишмоқда қандай мантиқий вазифа қўйилган?

6. Қуйидаги тушунчаларнинг мазмун жиҳатдан қайси бири бойлигини айтиб беринг:

Тонг. Баҳорги тонг. Ўзбек тили. Навоий тили. Одам. Одобли одам. Адабиёт. Ўзбек адабиёти. Маданият. Маънавий маданият.

7. Қуйидаги буюмлар ҳажмини ташкил этувчи тушунчаларни айтинг. Стол. Ручка. «А». Одамлар.

8. Қуйидаги буюмлар группаси қайси тушунчани ташкил этади: Сизнинг уйингиздаги стол ва стуллар.

9. Қуйидаги тушунчаларнинг ҳажм жиҳатидан қайси бири кенг:

Одам, инженер. Адабиёт. Ўзбек адабиёти. Фан. Тарих. Рақам. Тоқ рақамлар. Агар бир қисм студентлар бошқа группага кўчирилса, «группамиз студенти» деган тушунча ҳажми ўзгарадими?

2. Тушунча ва сўз

1. Синонимга мисоллар келтиринг.

2. Қуйидаги сўзларга синонимлар танланг: Ботир. Ўқитувчи. Самолёт.

3. Қуйидаги тушунчаларни мазмунан ўзгармайдиган бошқа тушунчага айлантиринг: Энг катта қобилият. Гапнинг бош бўлаги. Тафаккур.

4. Қуйидаги сўзлар бир маънодаги тушунчани ифода этадими?

Педагог — Ўқитувчи. Эксперимент — Тажриба. Дўст — Ўртоқ — Биродар. Колхоз — Артель — Кооперация. Бет — Башара.

5. Омонимга мисоллар келтиринг.

6. Қуйидаги сўзлар билан қандай тушунчалар ифода этилади? Машъал. Мантиқ. Баҳор.

3. Жинс ва тур. Умумлаштириш ва чегаралаш

1. Қуйидаги тушунчалар жинсини топинг:

Тоқ рақами. Сўроқ белгиси. Ишчи. Реформа. Демократия. Сўз. Тушунча. Саноат. Трактор. 1812 йил уруши.

2. Қуйидаги тушунчалар турини топинг:

Революция. Ҳафта. Идиш. Ахлоқ. Гап.

3. Қуйидаги тушунчаларнинг жинс ва тур, қисм ва бутун муносабатларини аниқланг.

Мактаб. Ўрта мактаб. Мактаб. Мактабнинг сўнгги синфи. Кун. Сутка. Корея — Осиё. Қишлоқ хўжалиги — Чорвачилик. Ахлоқ — Ишлар ахлоқи.

4. Қуйидаги тушунчаларни умумлаштиринг:

Шарқ тарихи — Ўрта Осиё тарихи. Эга — Кесим. Тол — Терак — Чинор.

Чегаралашга мисоллар келтиринг.

4. Тушунча турлари

1. Қуйидаги тушунчалардан умумий ва яккаларини топинг:

1. Ўзбекистон — республика. 2. Зарафшон. 3. Демократик партия. 4. Тараққиёт. 5. Қоинот. 6. Садриддин Айний.

2. Қуйидаги мисоллардан конкрет ва мавҳум тушунчаларни ажратинг:

1. Ижобий. 2. Ўсимлик. 3. Салбий. 4. Ғалаба. 5. Тезлик. 6. Фикр. 7. Истиқлол.

3. Қуйидаги ифода этилган тушунча мазмуни ва ҳажми жиҳатидан тушунчаларнинг қайси типига киради:

1. Балет. 2. Ҳаракат. 3. Мақол. 4. Нодонлик. 5. Ўзгарувчанлик. 6. Космик. 7. Тезлик. 8. Меҳнатсевар. 9. Дўстлик. 10. Танглик. 11. Типик. 12. Фожиа. 13. Табассум.

5. Тушунчаларнинг ҳажм муносабати

1. Қуйидаги тушунчалар ҳажмига қисман мос бўлган тушунчаларни топинг:

1. Демократик давлат. 2. Студент. 3. Ўрта Осиё халқлари. 4. Драматург. 5. Археолог.

2. Қуйидаги тушунчаларнинг ҳажм муносабатини график шаклда чизиб кўрсатинг:

1. Қосмонавт. Бизнинг космонавт. 2. Реализм. Бадиий метод. 3. Шоир. Ўзбек шоири. 4. Кун. Тун. 5. Буюм. Буюм хусусияти. 6. Комедия. Драма. 7. Кулгили. Трагедия. 8. Ўрта Осиё суверен давлатларининг марказий шаҳарлари. Тошкент, Ашхобод, Душанбе, Бишкек. 9. Сутка. Сутка қисми. Кун. Соат. 10. Драма. Назм. Наср. 11. Шоир. Прозаик. Драматург 12. Гап. Фикр. Тушунча. 13. Ота. Ўғил. Ака. 14. Тарих. Фан. Ижтимоий фан. 15. Ҳайвонот. Ўсимлик. Йиртқич.

6. Тушунча таърифи ва бўлиниши

1. Қуйидаги таърифларнинг тўғри ва хатоларини топинг. Хато бўлса, хатоларини кўрсатинг.

1. Тушунча — буюм ҳақидаги фикр. 2. Қиш — йилнинг энг совуқ фасли. 3. Марс — Қуёш йўлдоши. 4. Болалар — ҳаёт гули. 5. Ўзбекистон тарихи — фандир. 6. Кун — туннинг йўқлигидир.

2. Қуйидаги тушунчаларни генетик таърифланг:

1. Санъаткор. 2. Мантиқ. 3. Археолог. 4. Ҳокимият. 5. Ахлоқ. 6. Лицей. 7. Дўст. 8. Ўртоқ. 9. Биродар. 10. Ўқитувчи. 11. Студент. 12. Аълочи.

3. Қуйидаги тушунчаларни номинал таърифланг.

1. Фонетика. 2. Морфология. 3. Синтаксис. 4. Пунктуация. 5. Орфография.

4. Қуйида келтирилган мисолларда тушунча бўлиниши борми:

1. Университет студентлари кундузги ва сиртқига бўлинадилар. 2. Гапнинг бош бўлаги эга ва кесимдир. 3. Мантиқ китоби 10 бобдан иборат.

5. Қуйидаги тушунчаларни бирон белгисига қараб группаларга бўлинг:

Республика, орол, исён, планета, тафаккур, конкрет тушунча, журнал, соат, ручка, уруш, ахлоқ, дарё, ғалаба, кураш, муваффақият, ҳаракат, асар, тезлик, синф, чойнак, ўқув юрти, касб, ёз, революция, ҳунар, партия, вулқон, мунозара, баҳо, мактаб, мустақиллик.

6. Қуйидаги эълонларнинг мантиқсизлиги нимадан иборат?

1. «Магазинда сут ва озиқ-овқат моллари сотилади».

2. «Кечки киноларга 16 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар қўйилмайди».

7. Мунозара учун саволлар:

1. Бир тема учун бир қанча бир хил дастурлар тузиш мумкинми?

2. Асосий масалани турлича ҳал қилувчи ишчининг бир хил дастури бўлиши мумкинми?

VI боб. ҲУКМ

1. Ҳукмнинг моҳияти ва таркиби

Ҳукм ҳам тушунчага ўхшаш фикрни ифодалашнинг мантиқий шаклидир. Бизнинг ҳар бир чин (ёки хато) фикримиз воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро муносабатлари борлиги ёки йўқлиги ва бу воқелик элементлари орасидаги муносабатнинг доимийлиги, муваққатлиги ёки тасодифийлиги ҳақида борса, унда бизнинг бу фикримиз ҳукм шаклида ифодаланади. Демак, **ҳукм нарса ва ҳодисалар, уларнинг турли белгилари, хусусияти ва муносабатлари ҳақидаги тасдиқ ёки инкор шаклидаги фикрдир.**

Тасдиқ ёки инкор ҳар бир ҳукмнинг характерли белгисидир. Шунинг учун, агар ҳукм ўзига хос бўлган тасдиқ ёки инкор белгисига эга бўлмаса, у ҳукм бўла олмайди. Масалан, агар биз «Ҳар бир фан халқ учун хизмат қилиши керак» десак, бунда тасдиқлаш орқали фаннинг муҳим белгиси — «халқ учун хизмат қилишини» аниқлаймиз. Аксинча, «коинотнинг чегараси йўқ» деган ҳукмда, коинотнинг чегарасиз эканлиги хислати инкор орқали аниқланади.

Ҳукм ҳам тафаккурнинг бошқа шаклларига ўхшаш объектив воқелик инъикоси натижасидир. Ҳукм буюм учун белгининг тааллуқли ёки тааллуқли эмаслигини акс эттиради. Ҳар бир ҳукм чин ёки хато бўлиши мумкин.

Чин ҳукмда буюм ва буюм белгиси ҳақидаги фикр воқеликда буюм ва унинг белгиси қандай бўлса, худди шундай олиниши лозим. Агар воқеликда бирлашган буюмлар ажралган деб ва ажралганлар эса бирлашган деб олинса, унда ҳукм албатта хато бўлади. Ҳақиқатан ҳам агар биз «мис — металл», «Қуёш юлдуз эмас» десак, бу ҳукмларимиз хато бўлади. Маълумки, мис эритиб қўшилган қуйма, Қуёш эса ҳақиқатда юлдузларнинг биридир.

Келтирилган ҳукмларда воқеликка зид бўлган мулоҳазалар кўрсатилган. Шунинг учун чин ёки хато ҳукмлар инкор ёки тасдиқ ҳукмнинг чин ёки хато бўлиш сабабчиси деган хулоса чиқариш хатодир. Ҳукмнинг чин ёки хатолиги тасдиқ ёки инкор натижасида

эмас, балки буюм ва уларнинг белгилари ҳақидаги тўғри ёки нотўғри ҳукм натижасида бўлади. Ҳукмларнинг хатолигини аниқлаш учун, одатда, қуйидаги қоидалардан фойдаланилади:

1. Агар бир фикрнинг чинлиги исбот этилган бўлса, уни чин деб тасдиқлаш ҳам чин бўлади.

2. Агар бир фикрнинг чинлиги исбот этилган бўлса, уни хато деб тасдиқлаш хато бўлади.

3. Агар бир фикрнинг хатолиги аниқланган бўлса, уни чин деб тасдиқлаш хато бўлади.

4. Агар бир фикрнинг хатолиги исбот этилган бўлса, уни хато деб тасдиқлаш чин бўлади.

Бу жиҳатдан ҳукм тушунча билан яқин муносабатдадир. Тушунча ва ҳукм бир-биридан ажралган ҳолда мавжуд бўла олмайдилар. Улар бизнинг ҳамма вақт такомиллашаётган тафаккуримизда ўзаро боғлиқ ҳолда ривожланади. Тушунча ва унинг белгилари ҳукм асосида пайдо бўлади ва ривожланади.

Ҳукм тузиш учун буюмларнинг айрим томонларини ифодаловчи бир қатор тушунчаларга эга бўлиш лозим. Тушунчанинг ҳукмдан асосий фарқи шундаки, унда ҳукмга хос бўлган тасдиқ ва инкор ҳолатлари йўқдир. Фикримизнинг исботи учун қуйидаги мисолларга эътибор берайлик: 1. «Ҳиссий билиш — билишнинг биринчи босқичидир». 2. «Билишнинг биринчи босқичи». Биринчи мисолда фикр тасдиқ шаклда аниқ кўрингани учун у ҳукм бўлади, иккинчи мисолда фикр инкор ва тасдиқ шаклида бевосита кўринмагани сабабли тушунча бўлади.

Баъзи мантиқшунослар ҳукм моҳиятини қўпол равишда бузадилар, улар учун ҳукм фақат тушунча боғланишларидир. Улар фикрича, ҳукм инсоннинг субъективф фаолияти маҳсулоти бўлиб, у моддий дунё билан ҳеч қандай алоқада эмас. Улар фикрича, ҳукм моддий дунёга боғлиқ эмас, балки моддий дунё ҳукм системаси ёрдами билан ясалади.

Бундай мантиқшуносларнинг ҳукм моҳияти ҳақидаги бундай хато қарашлари инсон тафаккури тажрибаси, унинг ижтимоий тажрибаси фан ютуқлари асосида рад этилади.

Ҳаётнинг ҳар тарафлама тараққиёти моддий дунё бўлмаганда, ҳеч қандай тафаккур ва унинг муҳим шакли ҳукм ҳам бўлмаслигини исбот этмоқда.

Объект билан боғланмаган ва уни инъикос эттир-

майдиган ҳукм йўқдир. Инсон ҳукми акс эттирадиган бу объект ҳукм **буюми** деб айтилади,

Табиат, жамият ва инсон тафаккурининг ҳамма хислатлари ҳам ҳукм буюми бўла олмайди. Биз моддий нарсалар ҳақида — масалан, «олтин — металл» ёки руҳий ҳодисалар ҳақида ҳам масалан, «фикр — воқеликнинг олий шаклдаги инъикоси» деган ҳукмга эга бўлишимиз мумкиндир Ҳукм буюми, одатда, ҳукмдан ташқарида бўлади. Қайси бир нарса, буюм ҳақида биз мулоҳаза юритмайлик ва уни инъикос эттирмайлик, у нарса бизнинг ҳукмимиздан ташқарида бўлади, унга итоат этмайди. Инсон ҳукм буюмларини ўз онгида акс эттиради.

Энди ҳукм таркибини кўриб чиқайлик. Биз ҳукмни таҳлил этиб, унинг буюм ва буюм белгисини акс эттирувчи хислатга эга эканлигини билиб олдик. Одатда, ҳар бир ҳукмнинг уч асосий қисми, элементи бўлади. Ҳукмнинг биринчи элементи логикада субъект (лотин тилидаги «Subjektum» сўзидан), иккинчи элементи предикат (лотин тилидаги «Predikatum» сўзидан) олинган. Ҳукмнинг учинчи элементи боғловчи деб айтилади.

Шунинг учун мантиқда ҳукмнинг биринчи тушунчасини ҳукмнинг мантиқий эгаси, ҳукмнинг иккинчи тушунчасини ҳукмнинг мантиқий кесими ва булар орасидаги муносабатни вужудга келтирувчи ҳукм элементини ҳукм боғловчиси деб айтилади.

Мантиқ илмида ҳукмнинг субъекти (эгаси) ва предикати (кесими) ҳукм терминлари[1] деб айтилади.

Ҳукмнинг умумий схемаси қуйидагича ифодаланади. S—P, бунда S — субъект (эга), P — предикат (кесим) символи бўлиб, «—» белгиси эса субъектнинг предикат билан бўлган муносабатини ифодаловчи боғловчидир.

Ҳукм маълум бир фикрни ифода этгани каби, унинг айрим элементлари ҳам айрим тушунчаларни ифода этади.

Ҳукм ўз табиати билан ҳамма вақт диалектик характерга эгадир. Бунда якка, жузъий ва умумийлик, айниятлик, тафовутлик ва бошқа категориялар ўз ифодасини топган. Ҳукмдаги эга ва кесим элементлари ўзаро нисбий боғлангандир. Мантиқда эга кесимга, ке-

---

[1] Терминлар мантиқда тушунчалар маъносида қўлланилади.

сим эса эгага нисбатан мавжуд. Агар биз эга ва кесимни бир-биридан ажратиб қарайдиган бўлсак, улар якка ҳолатда ҳукм бўла олмайди. Масалан, якка олинган «кино» тушунчаси эга ҳукми ва якка олинган «санъат» тушунчаси кесим ҳукми бўла олмайди. Агар биз «кино — санъатдир» десак, бунда икки тушунчанинг ўзаро диалектик муносабати маълум бир ҳукмни ташкил этади, яъни бунда «кино» ҳукмнинг эга элементига ва «санъат» унинг кесим элементига айланади. Шунга ўхшаш, агар биз «Карим — инженер» деган ҳукмни ифода этсак, бунда «Карим» — якка, «инженер» эса умумий тушунчани ташкил этиб, бундаги қарама-қаршилик ҳукм бирлиги орқали ифодаланган бўлади.

Ҳукм ёрдами билан инсон табиат, жамият ва тафаккур қонунларини ўрганади. Объектив қонунларни очади ва янги билимларни аниқлайди.

2. Ҳукм ва гап

Ҳукм гап билан узвий боғланган. Булар ўзаро бирликни ташкил этадилар. Бизнинг тафаккуримизда гапсиз ҳукм бўла олмайди, чунки ҳамма фикр нутқ орқали ифодаланади. Ҳукм эса фикрдир.

Умуман, тафаккурнинг бошқа шаклларидек, ҳукм ҳам тил ёрдами билан инсонлар орасида фикр алмашув вазифасини бажаради. Бундай фикр алмашув жараёнида ҳукмнинг эга ва кесим элементлари бир хил вазифани бажармайди. Одатда, ҳукмдаги эга аллақачон маълум бўлган олдинги билимларни, кесим эса янги билимларни ойдинлаштиришга қаратилган бўлади. Айтилган мулоҳаза исботи учун қуйидаги мисолни кўриб чиқайлик: «Тарих фандир, фан эса диалектик методга таянмоғи лозим. Диалектик методга таяниш бу фанни узлуксиз тараққиётда, у янгиланиши ва тенденциялар кураши натижасида ривожланади деб тушунишдир». Бу мураккаб фикр уч асосий ҳукмдан иборат бўлиб, ҳар бири буюмнинг янги белгиларини кетма-кет очиб беради. Биринчи ҳукмдан тарихнинг фан экани ҳақида маълумот берилади. Бунда биринчи тушунча (субъект — эга) «тарих» тушунчасидир. Тарих белгисини очадиган тушунча (кесим) «фан»дир. Иккинчи ҳукмда «фан» ҳукм эгаси бўлиб, биринчи ҳукмда кесим (фан) деб қабул қилинган тушунчадан олинган-дир. Иккинчи ҳукмдаги янги фикр «диалектик методга

таяниш» тушунчаси бўлади. Аммо бу иккинчи ҳукмда аниқланган тушунча учинчи ҳукмда эга вазифасини бажариб, унинг кесими эса «фан узлуксиз тараққиётда, янгиланиш ва тенденциялар кураши натижасида ривожланади» тушунчаси бўлади.

Шундай қилиб, тушунча ўзаро кетма-кет боғланган ҳукмларда баъзан эга ва баъзан кесим ўрнини эгаллаб, аниқ бўлган ва аниқ бўлмаган янги билимларни аниқлашга олиб боради.

Эга ва кесим — ҳукм элементлари бир буюмга таалуқли бўлиб, унинг турли белгиларини акс эттиради. Одатда, субъект олдинги ҳукмлардан аниқ бўлган белгиларни; предикат эса янги белгиларни ифодалайди. Ҳар бир ҳукм учун эга ва кесимнинг зарур бўлиши уларнинг алоҳида-алоҳида бўлган аҳамиятини инкор этмайди, албатта. Уларнинг ҳукмдаги вазифалари турличадир. Ҳар бир ҳукмда асосий вазифа ва диққат маркази ҳукмнинг кесим элементига тушади. Чунки кесим ҳукмда асосий мантиқий мақсадни ифодалаш вазифасини бажаради. Агар биз «асал ширин» десак, бунда асосий фикр реал объектив ширинлик ҳақида боради. Шунинг учун ҳам ҳукм моҳияти бўлган терминларни (тушунчаларни) буюмларнинг объектив белгилари билан аралаштириш ярамайди.

Энди ҳукм терминларининг учинчи элементи — боғловчи моҳиятини кўриб чиқайлик. Боғловчи, юқорида баён этилганидек, ҳукмнинг эга ва кесим элементлари орасидаги муносабатни амалга оширувчи ҳукмнинг муҳим таркибий қисмидир. Аммо ҳар вақт ҳукмнинг эга ва кесими боғловчи орқали ўзаро боғланади ва тафаккур қонунлари асосида мантиқий муносабатга киришади.

Ҳукмда боғловчи бир қанча вазифаларни бажаради. Ҳаммадан олдин боғловчи эга ва кесимни ўзаро боғлаб, ҳукмнинг шаклланишига ёрдам беради. Бундан ташқари, боғловчи эга ва кесим муносабатини ёки тасдиқ, ёки инкор шаклда очиб беради. Яна боғлама ёрдамида буюмдаги белги буюмнинг объектив хислати эканлигини билиб оламиз.

Ҳукмлардаги боғловчилар айрим ёки бир қанча сўзлар шаклида, баъзан эса бу сўзларсиз ҳам ифодаланиши мумкин. «Карим одамдир» деган ҳукмда боғловчи «дир» шаклида, «танқид ва ўз-ўзини танқид ишдаги камчилик ва нуқсонларни тугатиш қуроли бўлади» де-

ган ҳукмда «бўлади» шаклида ва «Версия (талқин) гипотезанинг (фаразиянинг) айрим турларидан бири» деган ҳукмда «бири» шаклида учрайди. Баъзан сўз орқали ифодаланувчи боғловчилар оғзаки нутқда сукут ва интонация, ёзма нутқда эса, тире (—) билан ҳам ифодаланади. Масалан, деган ҳукмда «дир» боғламаси вазифасини тире белгиси бажарган.

Шундай қилиб, ҳар бир ҳукм таркибида эга ва кесим муносабатини аниқловчи боғловчи бўлиб, у ҳукмнинг муҳим элементларидан ҳисобланади. Боғловчи кесимдаги фикр мазмунининг ҳукм буюми учун хос ёки хос эмаслигини кўрсатади.

Мантиқ юқорида қайд қилинган боғловчи шакллари, одатда, «дир», «эмас», яъни тасдиқ ва инкор маъносидаги сўзлар билан ифодаланади.

Шундай қилиб, ҳар бир ҳукмнинг таркибий элементлари эга, кесим ва боғловчидан иборат бўлади.

Шундай вазифаларни контекст ҳам бажаради. Масалан: «Қиш... паға-паға ёғаётган қор осмонни булутдек қоплаган...» Бунда «қиш» бир таркибли гап бўлиб, ўзи билан ёндош келган кўп таркибли гап каби ҳукм бўлади. Шундай қилиб, дарак гапларда ҳам ҳукм белгилари кўринади. Аммо бу билан грамматик эга мантиқий субъектга ва грамматик кесим мантиқий предикатга тенг дейиш нотўғри бўлар эди. Агар гапларда эга ёки кесим бўлмаса, уларнинг ҳукм субъекти ва предикати мос келмайди. Булар бир таркибли гаплар бўлади.

Гаплардаги, контекстдаги, мантиқий урғу мад[1] ёки сўз қатори ҳукм предикатини аниқлаш учун катта хизмат қилади. Қўйилган савол талабига қараб гапдаги эга ва кесим икки хил ҳукмни баён этиши мумкин. Масалан: Агар биз «Троллейбус келаётир» деган гапни «Троллейбус тез келармикан?» деган савол жавоби деб ҳисобласак, бу ҳолда мантиқий кесим — предикат «келаётир» бўлади, аксинча, агар гап «нима келаётир?» деган саволга жавоб берадиган бўлса, бу ҳолда мантиқий кесим — предикати «троллейбус» тушунчаси бўлади. Бундай вақтда, агар биз гап бўлакларини ҳукм терминларига мослаштирадиган бўлсак, у «келаётган — троллейбусдир» деб айтишимиз лозим.

Мантиқий мад ҳукмга янгилик киритувчи предикат

---

[1] Мад — товушни кўтариш учун ҳарф устига қўйиладиган белги.

учун фойдали қуролдир. У бир грамматик гап доирасидан турли ҳукмлар чиқаришга ёрдам беради. Агар биз: «Шавкат эртага Москвага кетади» (бунда мад «эртага») ва «Шавкат эртага Москвага кетади» (бунда мад «Москвага») десак, ҳақиқатда икки ҳукмни ифода этган бўламиз. Биринчидан, бу — Шавкатнинг худди эртага, бошқа кун эмас ва, иккинчидан, Москвага, бошқа шаҳарга бормаслигидан дарак беради. Булардан ташқари, мад Шавкатнинг Москвага бориши ҳақида бўлса, унда биз янги ҳукмга ҳам эга бўламиз.

Ҳукм ва гапнинг ўзаро муносабатини тушунишда ҳаммадан кўп қийинчиликни сўроқ ва буйруқ гаплари туғдиради. Сўроқ гапларнинг асосий мақсади жавоб олишдир. Шунинг учун сўроқ гаплар бир қатор ҳукмлар ёрдами билан маълум хабар етказиш усулидир. Сўроқ гапдаги «Ким келди?» сўроғи «кимдир келди» ҳукмини билдиради. Бундай ҳолат бўлмаганда эди, сўроқ ҳам маъносиз фикрга айланар эди. Шунинг учун ҳар бир сўроқ гапда икки бўлак, булардан бири бошланғич («кимдир келди») ва иккинчиси эса талаб этилган савол спецификасини ташкил этувчи бўлади. Шунга ўхшаш ҳолат ундов гапларда ҳам мавжуддир.

Агар биз «ёнғин», «маккор», «фожиа» ёки шунга ўхшаш сўзларни интонация ёрдами билан ундов гаплар шаклига айлантирсак, у гаплар ўзининг чин ёки хатолиги билан ҳукмга айланадилар. Шунга ўхшаш айрим магазинларда «нон», «сут», «газлама» ва бошқалар деб ёзилган вивескалар ҳам ҳукмлар ифодасидир.

Шундай қилиб, юқорида баён этилган сўроқ ва буйруқ гапларда ҳукмнинг маълум шакллари ифодаланади. Демак, ҳар бир гап ҳукмнинг бевосита воқеъ бўлишидир. Гапсиз ҳукм ва ҳукмсиз гап бўла олмайди.

Аммо бундан ҳукм ҳам гап таркиби бир хил бўлади деган хулоса чиқармаслик керак. Чунки ҳукм ва гап ифодаланиш усуллари ҳамда таркиби жиҳатидан фарқ қилиб, уларнинг ҳар бири ўзларига хос хусусиятларга эга. Мисол учун, сўроқ гапни олиб қарайлик. Маълумки, сўроқ гапнинг асосий вазифаси берилган саволга жавоб олишдир. Сўроқ гап унда ҳеч қандай ҳукм йўқлигидан дарак беради. Ҳақиқатда эса бундай эмас. Мисол учун «Ким келди?» деган сўроқ ва унга берилган жавоб моҳиятига эътибор берайлик. Одатда, бундай саволга «Маҳмуд келди», «Ўқитувчи келди» ёки шунга ўхшаш жавобни оламиз. Бундай вақтда савол

мазмуни конкрет ким кулгани ҳақида маълумот бермаса ҳам, кимдир кулгани ҳақида хабар беради. Шунинг учун сўроқ гаплар яширин шаклдаги ҳукмлардан иборат бўлиб, инсон билимини кенгайтиришга катта ёрдам беради.

Шундай ўхшаш дарак, буйруқ гапларда ҳам ҳукм бордир. Масалан, «Қаттиқ кўнгилли, ёмон сўзли бўлма» (Ҳадисдан) деган фикрда ҳам яширин ҳолатда «ҳукм» борлиги ўз-ўзидан билинади. Шундай қилиб, ҳар бир ҳукм яширин ҳолатда гапнинг ана шу уч шаклида (яъни сўроқ, дарак, буйруқ) кўринади. Умуман ҳар бир ҳукм ўзининг қуйидаги принципиал хислатлари билан грамматик категориядан — гапдан ажраладилар.

— Ҳамма ҳукм гап орқали ифодаланади. Аммо ҳамма гап ҳукм бўла олмайди. Масалан, кўпчилик вақтларда сўроқ ва ундов гаплар ҳукм бўла олмайди.

— Бир тарзда тузилган гап юқорида баён этилганидек, интонация, сукут ва бошқалар ёрдами билан турли маънодаги ҳукмни ифодалайди. Мисол: «Ўзбекистон — мустақил республика». Бу гап уч маънодаги ҳукмни ифодалай олади. Биз баъзан «Ўзбекистон», баъзан «мустақил» ва баъзан «республика» деган сўзларга эътибор бериб, уч маънодаги ҳукмга эга бўламиз. Бундай вақтда мантиқий урғунинг роли катта. Масалан:

1. Ўзбекистон (бошқа ўлка эмас) республика.
2. Ўзбекистон мустақил (қандай) республика.
3. Ўзбекистон мустақил республика (нима).

Бу уч ҳукм турли хил тузилган уч саволга жавоб бўлади:

1. Қайси ўлка мустақил республика?
2. Ўзбекистон қандай республика?
3. Ўзбекистон нима?

Қўйилган савол мазмуни жавоб характерини аниқлайди.

— Ҳукм ва гапда ҳар доим эга ва субъект, кесим ва предикат бир-бирига мос келавермайди, буни юқоридаги мисолдан очиқ кўриш мумкин.

— Ҳар ҳукмда фақат икки тушунчанинг муносабати ифодаланади. Гапда эга ва кесимни ифодалаш учун битта ёки бир неча сўздан фойдаланиш мумкин. Шунинг учун гапда эга ва кесимдан ташқари, бошқа бўлаклар аниқловчи, тўлдирувчи каби бўлаклар иштирок

этиши мумкин, шунга қараб гапнинг структураси ўзгариб туради. Ҳукмнинг структураси қатъийдир, у ҳар доим икки асосий элемент ва боғловчидан иборат.

3. Ҳукмларнинг сифат ва сон жиҳатидан бўлиниши

Ҳаммадан олдин ҳукмлар содда ва мураккаб қисмларга ажралади. Агар фикр биргина ҳукмдан иборат бўлса, содда ва, аксинча, бир қанча содда ҳукмлар йиғиндиси бўлса, мураккаб ҳукм бўлади. Содда ва мураккаб ҳукмлар ўзаро мустаҳкам муносабатдадир. Ҳамма вақт мураккаб ҳукмлар турли мантиқий воситалар, жумладан «ёки», «агарда», «унда», «ва», «ҳам», «фақат», «бундан» ва бошқа шунга ўхшаш сўзлар ёрдами билан содда ҳукмлардан тузилади. Содда ҳукмларга «Тошкент — Республикамиз пойтахти», «Ўзбекистоннинг баъзи шаҳарлари Ўрта Осиёда энг қадимгидир», «2+3=5» деган ҳукмлар мисол бўла олади.

Мураккаб ҳукмлар бир неча содда ҳукмлардан иборат бўлиб, қатъий ёки шартли шаклларда ифодаланади. Мураккаб ҳукмлар учун: «Бу одам ўзбек ҳам, қозоқ ҳам, тожик ҳам эмас» деган ҳукмни келтириш мумкин. Бу ҳукмда бир буюмга бир қанча белги тааллуқли эмаслиги ифодаланаётир. Агар бир неча буюмларга бир қанча белгилар тааллуқли эканини мураккаб ҳукм орқали ифода этсак, унда фикримиз қуйидаги шаклда бўлиши мумкин:

«Шоди, Қарим, Муборак, Ойдинлар Тошкентда яшайдилар ва Тошкент Давлат университетида ўқийдилар». Баъзан бир белги бир неча хил буюмга алоқадор бўлиши мумкин: Масалан: «Венера, Меркурий ва Плутон планеталари ўз йўлдошларига эга эмаслар» ва ҳоказо.

Энди ҳукмларнинг ўзларига хос бўлган хусусиятларига қараб, уларнинг айрим турларга бўлинишларини кўриб чиқамиз.

а) Ҳукмнинг сифат жиҳатдан бўлиниши. Инсон воқеликни билиш жараёнида турли ҳукмлардан фойдаланади. Ҳукмлар эса ўзларига хос бўлган белгиларига қараб айрим группа, қисмларга бўлинадилар. Шунинг учун ҳам ҳукмнинг ўз сифатларига қараб ажралиши уларнинг муҳим хусусиятидир. Мантиқда сифат жиҳатидан ҳукмлар тасдиқ ва инкор ҳукмларга бўлинади. Агар ҳукм буюмга хос бўлган бирон

белгини қайд этувчи бўлса, у тасдиқловчи ҳукм бўлади. Тасдиқ ҳукмларнинг энг муҳим хислатлари таркибидаги боғловчининг тасдиқловчи бўлишлигидир. Баъзан, агар ҳукм предикати инкор этувчи ва ундаги боғловчи ҳам инкор этувчи бўлса, ҳукм, албатта тасдиқловчига айланади. Бунга мисол қилиб, «У айбсиз эмас» деган ҳукмни кўрсатиш мумкин. Тасдиқ ҳукмлар бу жиҳатдан бизнинг ақлимиз маҳсулоти бўлмай, балки муайян объектив ва унинг қонуниятларини инъикос этиш натижасидир. Ҳақиқатан ҳам объектив воқеликдаги буюмлар ўзларига хос белгиларга эгадирлар. Бизнинг ҳукмимиз эса тасдиқ шаклида бу буюмлар қонуниятларини акс эттиради. Инкор ҳукм эса тасдиқ этилган буюм белгиларини рад этишдан иборат. Аммо биз тасдиқ ва инкор ҳукмлар орасида ҳамма вақт ўзаро боғланиш борлигини ҳам ҳисобга олишимиз лозим. Бундай ҳолатни бир муносабатдаги тасдиқ ҳукмнинг иккинчи муносабатда инкор ҳам бўлишида кўриш мумкиндир. Ҳамма вақт бир белгини тасдиқлаш унга зид бўлган бошқа бир белгини инкор этишдир. Мантиқда «тасдиқ ҳукм S—P дир, инкор ҳукм эса S—P эмас» формуласи билан ифодаланади. Мисол: «Ўзбекистоннинг мустақилликка эга бўлиши давримизнинг муҳим воқеасидир». Бундай ҳукм тасдиқдир. Чунки бунда Ўзбекистоннинг мустақилликка эришувига хос бўлган муҳим белги «давримизнинг муҳим воқеаси» эканлиги кўрсатилган.

Инкор этувчи ҳукмга «илғор жамият ўтмиш маданият бойликларини инкор этмайди», деган мулоҳазани кўрсатиш мумкин. Агар ҳукм предикати инкор этувчи бўлса ва ундаги боғловчи тасдиқловчи бўлса, бундай ҳукмни инкорий ҳукм дейиш хатодир. Масалан, агар биз «Эргаш ака жамоаси (S) экишни бошлаб берди (P)» десак, унда бизнинг ҳукмимиз тасдиқли бўлади. Шунинг учун ҳам биз ҳукмнинг тасдиқ ёки инкор ҳукмлигини ундаги боғловчининг сифатига қараб ажратишимиз лозим.

Айрим мантиқшунослар тасдиқ ва инкор ҳукмларни бир-биридан ажратиб, зид қўядилар. Ҳақиқатда эса, биз баён этгандай, булар орасида узвий боғланиш мавжуд. Баъзи мантиқчилар эса (масалан, Х. Зигварт, Вундт ва бошқалар) инкор ҳукмларда мустақил ақлий фаолият йўқ деб қарайдилар. Улар фикрича, тасдиқ ва инкор бир-биридан узоқ ва теиг ҳуқуққа эга бўлмаган

ҳукмлар бўлиб, инкор ҳукм хато, тасдиқ ҳукмларни рад этувчи ва мустақил аҳамиятга эга бўлмаган ҳолатдир. Ҳақиқатда эса, тасдиқ ва инкор ҳукмлар ва улардаги боғловчилар мустақил аҳамиятга эга. Бу иккала ҳукм ҳам объектив воқеликдаги нарсалар ва ҳодисаларни инъикос эттиради.

Шунинг учун инкор ҳукмни тасдиқ ҳукмнинг тўлдиргичи деб қараш хато. Аксинча, инкор ҳукм ҳам, тасдиқ ҳукм сингари инсон билимини бойитишга ёрдам беради.

б) Ҳукмнинг сон жиҳатидан бўлиниши. Ҳар бир ҳукм фақат ўз сифати билангина ажралмасдан, балки сони билан ҳам ажралади. Бунинг асосий сабаби ҳар бир ҳукм бир ёки бир неча буюмни, унинг бир неча нарса, хислатини акс эттириши мумкин. Шунинг учун мантиқда ҳукмлар сон жиҳатидан уч асосий қисмга: якка, хусусий ва умумийга ажралади.

Якка ҳукм бир буюмга хос бўлган хусусиятни акс эттиради. Масалан, «1905 йил рус революцияси одатдаги буржуа революцияси эмас эди» деган ҳукмда фикр фақат бир ягона революция устида боради. «Бизнинг коллектив кўп миллатли» ва бошқа шуларга ўхшаш ҳукмлар ҳам якка ҳукмлардир. Одатда, якка ҳукмлар субъекти якка тушунчалар бўлади.

Агар ҳукм нарса ва ҳодисанинг йиғиндисини ифодалаб, айрим яхлит ҳолда келса, у ҳам якка ҳукм бўла олади. Юқорида баён этилган «Бизнинг коллектив кўпмиллатли», деган ҳукмни олиб қарайлик. Бу ҳолда ифода этилган фикр коллективнинг айрим аъзоларига тааллуқли бўлмай, балки ҳамма аъзолари йиғиндисига тааллуқлидир. Якка ҳукмлар бизнинг билим манбаимизни бойитишга ёрдам беради. Ф. Энгельс айтганидек, «...Ҳар бир воқелик инъикоси фақат бизнинг тушунчамиз орқали яккадан жузъийликка ва бундан умумийликка олиб бориш орқали ўз вазифасини якунлайди».

Якка ҳукмлар жузъий ва умумий ҳукмлар чиқариш учун катта ёрдам беради.

Жузъий ҳукмлар деб буюмлар синфининг маълум қисми ифодаланган ҳукмларга айтилади. Бунга мисол қилиб «Баъзи корхоналарда саноат моллари ишлаб чиқаради». «Баъзи ихтиролар XX асрда пайдо бўлди», «Баъзи олимлар республика Беруний мукофоти лауреати» деган ҳукмларни кўрсатиш мумкин. Жузъий ҳукм «Баъзи S—P дир» ёки «баъзи S—P эмасдир» форму-

ласига эга. Жузъий ҳукмлар икки типда ифодаланиши мумкин:

«Фақат баъзи S—P» ёки «Фақат баъзи S—P эмас».

Биринчи типдаги ҳукм учун қуйидаги мисолни келтириш мумкин. «Республикамизнинг фақат баъзи олимларигина Беруний мукофотига сазовор бўлдилар». Бундай ҳукм орқали биз маълум белгининг буюмнинг қисмига тааллуқли эканини билиб оламиз.

Агар биз «баъзи фанлар қишлоқ хўжалик маҳсулоти унумдорлигини оширишга хизмат қилади» десак; бундай шаклдаги мулоҳазалар орқали биз қисмдан умумийга, нотанишдан танишга ва яккадан тўлиқ умумий билимга қараб борамиз. Биз, булардан ташқари, ҳукмдаги «кўпчилик» терминига ҳам эътибор беришимиз лозим. Бундай ҳукм тасдиқловчи бўлса, «кўпчилик S—P дир» формуласи билан ифодаланади.

Агар гап ҳукмдаги «кўпчилик» термин ҳақида борадиган бўлса, ҳамма вақт биз бу тушунчани фақат жузъий ёки қисман ҳукм ифодаси деб билмасдан, балки бундаги ҳукм ифодасининг ярмидан кўпини ўз ичига олишини назарда тутамиз. Шуни ҳам ҳисобга олиш лозимки, баъзан жузъий ҳукмларда ифодаланадиган фикр мазмунига қараб аниқ ёки ноаниқ бўлиши ҳам мумкин. Бу фикримизнинг исботи учун қуйидаги икки ҳукмни олиб қарайлик: «Африка қитъасидаги кўпчилик халқлар мустамлакачилик занжирини уздилар». «Геология факультетининг баъзи студентлари университетга киришдан олдин саноат корхоналарида ишлаганлар». Биринчи мисол — жузъий ҳукм бўлиб, Африканинг ҳамма халқинимас, балки кўпчилик халқларини билдирса, иккинчи ҳукмда студентларнинг қолган қисми ҳақида тасдиқ ва инкор фикр ифодаламайди. Булардан ташқари, жузъий ҳукмлар «кўпчилик», «камчилик», «ярми», «учдан бир қисми» ва бошқа тушунчалар билан ҳам ифодаланади.

Умумий ҳукмлар. Агар баён этилган фикр предикат (кесим) шаклида ҳамма айтилган буюмлар синфини ўз ичига оладиган бўлса, у чоғда ҳукм умумий бўлади. Умумий ҳукм эгаси (субъект) ҳамма вақт тасдиқловчи бўлса, «ҳамма», «ҳар бир», инкор этувчи бўлса «ҳеч бир», «ҳеч қайси» ва бошқа тушунчалар орқали ифодаланади. Умумий ҳукмлар тасдиқловчи шаклда «Ҳамма S—P дир», инкор шаклида эса «Ҳеч бир S—P эмас» формулалари билан ифодаланади.

Мисоллар: «Халқлар ўзаро дўстликда яшамоғи зарур».

«Ҳеч бир шахс бошқа бир шахсга ўхшамайди» ва бошқалар.

Буюмларнинг умумий белгиларини акс эттирувчи умумий тушунчалар сон ва сифат жиҳатидан якка тушунчалардан тамоман фарқ қилади. Масалан: агар «Одамлар меҳнат қуроли ясаш қобилиятига кўра ҳайвонлардан фарқланадилар» десак, бундай ҳукм исботи учун ҳамма одамларни ҳисоблаш лозим бўлади, деган хулосага келиш нотўғри. Иккинчи хил қилиб айтганда, умумий ҳукмлар якка ҳукмлар йиғиндиси эмас, чунки умумий ҳукмлар ўзининг узвий бутунлиги билан якка ҳукмлардан ажралади.

Умумий ҳукмлар объектив воқеликнинг тараққиёт қонуниятларини акс эттириш билан инсон билимини бойитишга катта ёрдам беради. Мисол: «Халқ эҳтиёжи учун ғамхўрлик — ҳар бир давлат раҳбарининг олий вазифасидир». «Ядро қуролини кўпайтириш тинчлик иши учун хизмат қилмайди».

Шундай қилиб, фан ва унинг қонунлари ҳукмлар орқали нарсалар ва ҳодисаларнинг умумий ва муҳим белгисини акс эттиради. Аммо бундан фан ва унинг қонунлари фақат умумий ҳукмлар маҳсули деган хулосага келиш хато. Маълумки, якка, жузъий ҳукмларни умумийлаш жараёнида фан қонунлари ва уларнинг ифодаси вужудга келади. Шунинг учун умумий ҳукмлар хулосасида баъзан якка, жузъий ҳукмлар уйғунлигини ҳисобга олиш лозим. Умумий ҳукмлар умумий хислатларни акс эттиради. Умуман борлиқдаги буюмларни ўрганиш учун маълум тушунча ҳажмига кирадиган саноқсиз буюмларни, шу билан бирга, ўтмиш, ҳозирги ва келажакка тааллуқли бўлган ҳамма ҳолатларни тўла билиш, санаб ўтиш имкониятига ҳамма вақт эга бўла олмайди. Шу билан бирга миқдорий кўрсаткичга эга бўлган ҳукмларни умумий ҳукмлар билан аралаштириш ярамайди. Масалан, агар биз «Аудиториямиздаги ҳамма столлар 15 қаторга жойлашган» десак, «ҳамма» кўрсаткичи жамловчи маъносига эга. Баъзан якка ҳукм умумлашган ҳукмни ташкил этиб, ўз сифати ва узвий боғланиши билан ҳам ажралади. Масалан, биз «Ҳамма илғор давлатлар тинчлик учун актив курашадилар» деган фикрни аниқлашимиз биланоқ, ўз билимимизни умумлаштирамиз. Бундай шаклдаги

умумий ҳукмларни якка ҳукмлар йиғиндиси деб қараш хатодир. Аксинча, бундай ҳукмлар буюмлар ҳақида чуқурроқ билим бериб, бошқа ҳукмлардан ўз сифати билан ажралади. Биринчи группадаги ҳукмларга «Қуёш системасидаги ҳамма планеталар Ғарбдан Шарққа қараб ҳаракат қилади» деган умумий ҳукм мисол бўла олади. Бу ҳукм бизни қизиқтирадиган ҳамма ҳукмлар синфи — йиғиндиси натижасида ҳосил бўлгандир. Иккинчи группадаги ҳукмлар айрим тушунча ҳажмига кирадиган якка ҳукмларни тўла равишда ўз ичига олмайди. Масалан, агар биз «Ҳамма одамлар меҳнат қуроли яратиш қобилиятига кўра ҳайвонлардан фарқланадилар» десак, албатта, бундай ҳукм вужудга келиши учун ҳамма одамларни санаб чиқиш мумкин эмас, деган хулосага келамиз.

Умумий ҳукмлар сон ва сифат жиҳатдан якка ҳукмлардан ажраладилар. Улар оддий санаш орқали пайдо бўлмай, юқорида баён этилгани каби, узвий бутунликни ташкил этади. Якка ва умумий ҳукмлар билан бирга жузъий ҳукмлар ҳам фан қонунлари ва қонуниятларини акс эттириш жиҳатидан катта аҳамиятга эга.

Жузъий ҳукмлар моҳияти ҳақида биз алоҳида мулоҳазаларни баён этган эдик. Шундай қилиб, сон жиҳатидан бўлинадиган якка, жузъий ва умумий ҳукмлар ўзларига хос хислатларга эга бўлишига кўра ўзаро узвий боғлангандир. Бундай узвий боғланишнинг асосий сабаби уларнинг инсон тафаккури ва унинг айрим шакли ҳукмнинг объектив воқеликдаги нарсалар ва ҳодисалар инъикоси натижаси бўлишидир.

4. Ҳукмларнинг сон ва сифат жиҳатдан бирлашган таснифи. Ҳукмларда атамаларнинг бўлиниши

Ҳукмларни сон ва сифат жиҳатдан ўзаро муносабатларига қараб тўрт асосий группага ажратамиз: а) якка ёки жузъий тасдиқ ҳукмлар; б) якка ёки жузъий инкор ҳукмлар; в) умумий тасдиқ ҳукмлар; г) умумий инкор ҳукмлар.

Мантиқда ифода этилган ҳукмлар айрим символик — рамзий белгилар билан кўрсатилади. Масалан, якка ёки жузъий тасдиқ ҳукм лотинча «I», якка ёки жузъий инкор ҳукм лотинча «О», умумий тасдиқ ҳукм лотинча «А» ва умумий инкор ҳукм лотинча «Е» ҳарфлари билан ифодаланади.

а) Якка ёки жузъий тасдиқловчи ҳукмлар (I) бир вақтда ҳам якка ёки жузъий ва ҳам тасдиқловчи бўладилар. Мисол: «Ҳамза — ўзбек адабиётининг машҳур вакили». Баён этилган фикр якка (Ҳамза) ва тасдиқловчи (ўзбек адабиётининг машҳур вакили) ҳукмдир. Жузъий тасдиқловчи ҳукмлар ҳам (I) бир вақтда жузъий ва тасдиқловчи бўладилар. Мисол: «Баъзи саноат ва қишлоқ хўжалик илғорлари аёллардир», «Баъзи студентлар аълочидир» ва бошқалар.

б) Якка ёки жузъий инкор ҳукмлар («О») бир вақтда якка ёки жузъий инкор бўладилар. Мисол: «Баъзи ёшлар шахмат ўйинини билмайдилар».

в) Умумий тасдиқ («А») ҳам бир вақтда икки элементни (якка умумийлик ва тасдиқловчилик) ўз ичига олади. Мисол: «Меҳнатнинг таги роҳат». «Илм истамоқ ҳар бир мусулмонга фарздир» (Ҳадисдан).

«Ҳамма адолатли урушлар — озодлик учун кураш урушидир».

г) Умумий инкор ҳукм («Е») бир вақтда ҳам умумий ҳам инкордир. Мисол:

«Ҳеч бир жисм дунёда мутлақ тинчлик ҳолатда бўлмайди».

«Ҳеч бир ўсимлик сувсиз яшай олмайди».

Мантиқда ифода этилган сон ва сифат жиҳатидан тўрт асосий таснифдаги ҳукмлар қуйидаги айрим формулалар билан ифодаланади: якка ёки жузъий тасдиқ ҳукми I=S—P; «Баъзи S—P дир», якка ёки жузъий инкор ҳукми «О»=«Баъзи S—P эмас». Умумий тасдиқ ҳукм «А»—«Ҳамма S—P дир»; Умумий инкор ҳукм «Е»—«Ҳеч бир S—P эмас».

Одатда, тўғри мантиқий операцияларни I, О, А, Е ҳукмлари орқали хулоса чиқаришда ишлатиш учун ҳукмдаги тушунчаларнинг якка субъект (S) ва предикатлари (P) бўлинишларини ҳисобга олиш лозим.

Тушунча ёки атама ўзининг тўлиқ ҳажми билан фикрланса, бўлинган деб айтилади. Акс ҳолда, яъни бўлинмаган терминлар буюмнинг бир қисми ҳажми ҳақида фикрлаш бўлади.

Одатда, умумий тасдиқловчи (А) ҳукмларда субъект бўлинган, предикат эса бўлинмаган бўлади. Масалан, агар биз «Ҳамма металлар (S) электр токини ўтказади (P)» десак, бунда субъект (металлар) бўлинган бўлади, чунки бундаги ҳукм ҳамма субъект ҳажмига тааллуқлидир, иккинчи хил қилиб айтганда, ҳамма



9- расм.

металлар (яъни, қисман эмас) электр токини ўтказишидан дарак беради. Одатда, умумий тасдиқловчи ҳукмлар мантиқда 9- расмдаги шаклда ифодаланади.

Мисолда келтирилган предикат (электр токини ўтказади) бўлинмаган атама ёки тушунчадир. Бу ҳукмда айтилган фикр ҳамма электр токини ўтказувчилар ҳажмига тааллуқли бўлмай, балки булардан фақат металларгагина тааллуқли экани, яъни металлардан бошқа электр токини ўтказувчи қисмлар ҳақида сўз бормаётганидан дарак беради. Агар умумий тасдиқ ҳукмлардаги субъект ва предикат бир хил ҳажмга эга бўлса, унда субъект ва предикат терминлари бўлинган бўлади. Бунга мисол қилиб тушунчаларни таърифлаш қоидасини кўрсатиш мумкин.

Умумий инкор ҳукмда субъект ва предикат бўлинган, яъни тақсим қилингандир. Мисол: «Ҳеч бир тинчлик тарафдори (S) урушни истамайди (P)». Бундай умумий инкор ҳукмнинг субъекти «Ҳеч бир тинчлик тарафдори (S) урушни истамайди (P)». Бундай умумий инкор ҳукмнинг субъекти «Ҳеч бир тинчлик тарафдори ҳақида (яъни уларнинг бир қисми ҳақидагина эмас) сўз боради, яъни уларнинг урушни истамасликлари ифодаланган. Умумий инкор ҳукм шакли 10- расмдагидай ифодаланади.

Жузъий тасдиқ ҳукмларда субъект ҳамма вақт бўлинмаган, предикат эса бўлинган ёки бўлинмаган бўлиши мумкин. Мисол: «Баъзи студентлар (S)—аълочи (P)». Бундай субъект (студентлар) бўлинмаган, чунки



10- расм.





12- расм.



11- расм.



13- расм.

ифодаланган фикр ҳажмига тааллуқли бўлмай, фақат уларнинг бир қисмигина — аълочиларга (бўлинмаган) тегишли. Бундай шаклдаги ҳукмлар 11- расм тарзида кўрсатилган. Ифодаланган ҳукмдаги предикат («аълочилар») ҳам бўлинмаган, чунки сўз ҳамма аълочилар ҳақида эмас, балки фақат аълочи-студентлар ҳақида бораётир. Шунинг учун ҳам S—P орасидаги чизиқ иккала ҳукм тушунчасига баробар тегишли.

Агар биз «Баъзи тарбиячилар (S) — ўқитувчи (P)» десак, бундаги субъект («тарбиячилар») бўлинмаган тушунча, чунки ифода этилган тушунча субъектнинг ҳамма ҳажмига тааллуқли бўлмай, яъни ҳамма тарбиячиларга эмас, балки уларнинг бир қисмигагина — ўқитувчиларга тааллуқли. Ҳукм предикати («ўқитувчи») эса бўлинган, чунки ҳукм ҳамма ўқитувчилар тарбиячи эканликларидан дарак беради. Бундай ҳукмлар муносабати график шаклда 12- расмдаги кўринишда бўлади.

Жузъий инкор ҳукмда субъект бўлинмаган ёки тақсимланмаган, предикат эса бўлинган — тақсимланган бўлади. Бундай ҳукмлар икки турли бўлиши мумкин. Биринчи турдаги жузъий инкор ҳукмларда субъект билан предикат ўзаро туташган бўлади:

Мисол: «Баъзи бухгалтерлар (S) олий маълумотга эга эмас (P)». Ифода этилган ҳукм субъекти («бух-

галтер») тақсимланмаган. Чунки айтилган фикр субъектнинг тўла ҳажмига тааллуқли бўлмай, фақат бир қисми — олий маълумотли бўлмаганлар ҳақида бораётганидан дарак бераётир. Шунинг учун бу муносабат 13- расмдагидек ифодаланади.

Мисол қилиб кўрсатилган ҳукм предикати («олий маълумот») тақсимланган. Чунки ҳукм бунда бир қисм ўқитувчиларнинг олий маълумотларга алоқали эмасликлари ҳақида хабар бераётир.

Энди жузъий инкор ҳукмнинг иккинчи турини кўриб чиқайлик. Бу турдаги ҳукмда предикатнинг иккинчи қисми субъект тушунчасига итоат этган бўлади. Бунинг исботи учун қуйидаги мисолни кўриб чиқамиз. «Баъзи одамлар (S) олий маълумотга эга эмас (P)». Ҳукмнинг субъекти («олий маълумот») тақсимланмаган, чунки мулоҳаза ҳамма субъект ҳажми ҳақида эмас (яъни ҳамма одам ҳақида эмас), баъзи бир одамлар ҳақида бораётир. Ҳукмнинг предикати эса («олий маълумотга эга») тақсимланган, чунки ҳукмда сўз умуман олий маълумот ҳақида боради. Бу 14- расмдаги шаклда бўлади.



14- расм.

Юқорида баён этилган фикрларга таяниб, ҳукм терминлари бўлинишини қуйидаги жадвал шаклида ифодалаш мумкин.

Жадвалнинг шартли белгилари: + бўлинган термин; — бўлинмаган термин. Жадвалга асосланиб, қуйидаги хулосага келишимиз лозим:

Ҳукм типлари	S	P
A	+	баъзан +
E	+	+
J	—	баъзан +
O	—	+

1. Субъект ҳамма вақт умумий ҳукмларда (тасдиқ ва инкор) бўлинган ва жузъий ҳукмларда бўлинмагандир.

2. Предикат эса ҳамма вақт умумий ва жузъий инкор ҳукмларда бўлинган ҳамда умумтасдиқ ва жузъий тасдиқ ҳукмларда аксари бўлинмаган, баъзан бўлингандир.

Ҳукмларнинг предикат мазмунига кўра бўлиниши. Буюмларда бирон нарса тасдиқланиши ёки инкор этилишига қараб ҳукмлар уч қисмга бўлинади: 1. Мавжудлик ҳукми. 2. Хусусият ҳукми. 3. Муносабат ҳукми.

1. Мавжудлиқ ҳукми объектив борлиқдаги буюмнинг бор ёки йўқлиги ҳақида маълумот, билим беради. Мисол: «Тилсиз тафаккур бўлмайди», «Ўзбекистон турли конларга бой».

Баъзи мантиқшунос олимларимизнинг фикрига қараганда мавжудлик ҳукми бўлиши мумкин эмас, у билим орттиришга ёрдам бера олмайди. Уларнинг фикрича, мавжуд ҳукм умумий ҳукм билан қўшилган. Бу тамоман хато фикр. Умумий ҳукмларда субъект бўлинган бўлса, мавжуд ҳукмларда предикат бўлинган. Мавжуд ҳукм формуласи ўзининг таркиби билан умумий ҳукмлардан ажралади. Агар биз «фақат — Р — дир» деган мавжуд ҳукм формасини «Ҳамма S—P дир» формуласига ўхшатсак, хато қилган бўламиз. Мисол: «Фақат спортчи ғолиблар мусобақага қатнашдилар» деган ҳукмни «Ҳамма ғолиблар мусобақага қатнашдилар» деган ҳукм билан аралаштириш хато бўлар эди. Мантиқда «фақат» сўзи предикат муносабатида алоҳида аҳамиятга эга.

2. Хусусият ёки хоссани ифодаловчи ҳукмлар буюмларнинг ўз белгилари билан бўлган боғланишларини ифодалайди. Мисол: «Фан объектив воқеликни билиш учун хизмат қилади». «Ер юзида адолат тантанаси муқаррар», «ИЛ-62 самолёти учаётир» ва бошқалар.

Буюмлар белгисиз бўлмагани каби, белгилар ҳам буюмлардан ажралган ҳолда бўлмайди. Хусусият ҳукмларига мисол қилиб «Тинчлик ва демократия кучи енгилмайди» деган ҳукмни кўрсатиш мумкин. Хусусият ҳукмлари воқеликни билишнинг асосий йўлларидандир. Хусусият ҳукмлари буюмларнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини тасдиқ ёки инкор этибгина қолмасдан, балки бу буюмда маълум белги бор ёки йўқлигини ҳам тасдиқлайди. Масалан: «ИЛ-62 самолёти учаётир» деган ҳукм самолёт мавжудлигини эътироф қилибгина қолмай, бунда маълум белги, яъни учиш хусусияти борлигини ҳам аниқлайди.

3. Муносабат ҳукмлари. Бу ҳукмлар икки ёки кўп буюмларнинг фазога, вақтга, жинсга, кетма-кетликка ва тенгликка нисбатан бўлган муносабатларини акс эттиради.

Мантиқ илмида муносабат ҳукмлари «АРВ» формуласи билан ифодаланади. Бунда «А» ва «В» белгилари буюмлар ҳақидаги тушунчани; «Р» белгиси эса улар орасидаги муносабатни кўрсатади.

Энди юқорида айтилган муносабатларни кўрсатадиган ҳукмларга мисол келтирамиз.

1. Буюмларнинг фазодаги муносабати: «Тошкент Самарқанднинг шимоли-шарқий томонида».

2. Вақт муносабати: «Жомий Алишер Навоийнинг замондоши».

3. Тенглик: «Университетнинг биноси медицина институтининг биносидан катта».

4. Жинс муносабати: «Барно — Раънонинг опаси».

5. Кетма-кетлик: «Карим Насибадан уч ой кейин туғилган».

Айрим мантиқчилар фикрича, буюмлар алоқаси эмас, балки соф муносабат мантиқда етакчи ўринни эгаллайди. Бундай фикр хато, чунки муносабат буюмлар билан чамбарчасдир. Ҳар бир буюм хусусияти иккинчи буюм билан бўлган ўзаро муносабатда яққол кўринади. Хўш, бундай мантиқчиларнинг буюмдан кўра муносабатни биринчи ўринга қўйишларига асосий сабаб нима? Улар фикрича, математика фанининг аҳамияти шундаки, у асосан муносабатларни ўрганади, ҳозирда бошқа фанлар ҳам борган сари кўпроқ нарсалар ва ҳодисаларни эмас, балки муносабатларни ўрганиш билан шуғулланмоқда, шунинг учун уларни математика орқали тўлиқ ифодалаш мумкин.

Шундай қилиб, улар символик логикадаги муносабат назариясини ҳамма фанларга тарқатадилар. Аслида эса, муносабат ҳукми нарсаларни билишнинг фақат бир томонини аниқлаш учун хизмат қилади ва ҳеч қачон универсал билим вазифасини ўтай олмайди.

Ҳукмларнинг модаллик бўйича бўлиниши. Ҳукмларнинг модаллик бўйича бўлинишига ҳукм предикатидаги белгининг фикримиз буюмида тасдиқ ёки инкор шаклдаги боғланиш даражаси асос бўлади. Шунга кўра, мантиқда ҳукмлар икки асосий группага бўлинади.

Ҳукмлар объектив модаллигига қараб эҳтимолий, воқеий ва зарурийга ва иккинчидан, унинг мантиқий

модаллигига қараб, проблематик ва ишончли ҳукмларга ажралади.

I. Ҳукмнинг объектив модаллиги инсон онгидан ташқарида бўлган буюмларнинг объектив, эҳтимолий, воқеий ёки зарурий боғланишларини акс эттиради.

а) Эҳтимолий ҳукмлар нарсалар, ҳодисалар ва уларнинг белгилари ўртасидаги боғланишнинг тасдиқ ёки инкор шакли эҳтимолий бўлишини ёки бўлмаслигини кўрсатади. Мантиқда эҳтимолий ҳукм «S эҳтимол P дир» ёки «S эҳтимол P эмас» формуласи билан ифодаланади.

«Эҳтимол, эртага ҳаво яхши бўлар», «Бизнинг команда навбатдаги футбол ўйинини ютиши мумкин», «Биз эртага, чамаси, коллектив бўлиб тарихий ёдгорликларни бориб кўрамиз» каби мулоҳазалар эҳтимолий ҳукмлар бўла олади. Эҳтимоли ҳукмларнинг чинлиги ва бу ҳукмларнинг воқеий ҳукмларга айланиши айтилган ҳодисанинг қандай даражада юз бериши билан боғлиқ. Одатда, эҳтимолий ҳукмлар ҳақиқатга зид бўлмасалар, албатта, чин воқеий ҳукмларга айланади. Масалан, «Ҳаво булут, ёмғир ёғиши мумкин», деган эҳтимолий ҳукм маълум вақтдан сўнг «Ёмғир ёғмоқда» деган чин ҳукмга айланди. Бу ҳол эҳтимолий ҳукм шаклининг келажакда аниқ, чин билим асоси бўла олишини кўрсатади. Ҳозирги ўзбек адабий тилида эҳтимоллик, модал ҳукмлар «эҳтимол», «чамаси», «шекилли», «мумкин» каби сўзлар ёрдами билан ифодаланади.

б) Воқеий ҳукмлар предмет билан белгилар орасидаги, яъни S ва P орасидаги боғланиш аниқ эканлиги, яъни ҳукм факт ва бўлган воқеанинг ҳақиқат экани ёки эмаслиги ҳақида хабар беради. Одатда, воқеий ҳукмлар ифода этилган воқеанинг мавжуд ҳолатини қайд қилишга қаратилган бўлади. Бундай вақтда боғланишнинг тасодифий ёки зарурий эканлиги алоҳида кўрсатилади. Бундай ҳукмга мисол «Мустақиллик туфайли халқимиз демократия ва ошкораликни қўлга киритди». «Қабул қилинган мажбурият бажарилди». «Жаҳонда биринчи марта Юрий Гагарин ер атрофида парвоз қилди», «Сўзсиз, кеча иссиқ кун бўлди». Мантиққа доир баъзи асарларда воқеий ҳукмлар ассерторик[1] ҳукмлар деб ҳам айтилди. Ўзбек адабий тилида

---

[1] Лотинча assero сўзидан олинган бўлиб, тасдиқлайман маъносини билдиради.

воқелик ҳукмлар, агар улар тасдиқловчи бўлса, «сўзсиз», «ҳақиқатан», «ҳам», «албатта», «шубҳасиз», «дарҳақиқат» каби сўзлар ёрдами билан ҳам ифодаланади.

в) Зарурий-аподиктик[1] ҳукмлар турли шароитларда ҳам буюмлар, ҳам уларнинг белгилари ўртасидаги боғланишларнинг зарурий бор ёки йўқлигини акс эттирадиган ҳукмлардир. Зарурий ҳукмлар табиат, жамият қонуниятлари ва ақидаларни ифодалайди. Иккинчи хил қилиб айтганда, зарурий ҳукм нарсалар, ҳодисалар билан белгилар орасидаги боғланишнинг муқаррар эканлигини аниқлаб беради. Бундай ҳукмга мисол қилиб, «Тинчлик урушни енгади», «Жаҳонда тинчлик ва адолат ғалаба қозонади», «Бутун бўлакдан кўп», «2×2=4», «Кишиларнинг яхшиси халққа фойдалироғидир» (Ҳадисдан), деган ҳукмларни кўрсатиш мумкин.

Зарурий ҳукмлар орқали кўпинча таълим-тарбиявий ва ахлоқий қонун ва қоидалар ҳам ифода этилади. Масалан: «Ижтимоий ва шахсий ҳаётда ҳалоллик ва ростгўйлик, ахлоқий поклик ва камтарлик ҳар бир инсоннинг муқаддас ва шарафли вазифасидир», «Ўз Ватанига, халқига хизмат қилиш ҳар бир гражданнинг муқаддас бурчи».

Келтирилган мисолларда «зарур», «шарт» деган сўз қўлланмаган бўлса ҳам, унинг гап таркибида бор эканлиги гап мазмунидан англашиб туради.

2. Фикрнинг исботланувчанлик даражасига қараб ҳукмнинг мантиқий модаллилиги икки асосий қисмга: а) проблематик ва б) ишончлига бўлинади.

а) Мантиқий модалликдаги проблематик ҳукм ўз хусусиятлари билан объектив модалликдаги эҳтимолий ҳукмлардан ажралади. Объектив модалликдаги проблематик ҳукм тажрибадан текширилган бўлиб, унинг юқорида баён этилганидек, воқеликка ўтиши, яъни объектив воқеликни акс эттириши муқаррардир.

Мантиқий модалликдаги проблематик ҳукмнинг хулосаси ҳали тажрибада текширилмаган бўлади. Шунинг учун ҳам нарса, ҳодиса ва улар белгиси орасидаги боғланиш тасдиқ ёки инкор проблематик шаклда ифодаланади. Мисол: «Эҳтимол, Карим касаллик натижасида дарсга қатнашмагандир».

---

[1] Юнонча apodeiktikos ишончли, асосли маъносида.

Бундай ҳукмда юз берган ҳодисанинг натижаси ҳали тўла аниқ эмас. Карим, эҳтимол, касаллик натижасида ёки яна бундан бошқа сабаблар билан дарсга қатнашмаган бўлиши мумкин.

Шунинг учун мантиқий модаллик шаклидаги проблематик ҳукм: тасдиқ шаклида «эҳтимол S—P» дир ва рад этувчи шаклда «эҳтимол S—P эмас» формулаларидан фойдаланади.

б) Ишончли ҳукмлар тафаккур буюмлари учун маълум хусусиятни — белгининг хос ёки хос эмаслигини аниқлайди. Бундай ҳукмлар «S—P дир» ёки «S—P эмас» формулалари билан ифодаланади. Масалан: «Дунёда мустамлакачиликнинг ўлими муқаррар», «Атом ҳам бўлинади», ёки «Зарафшон дарёси Каспий денгизига ҳеч қачон қуйилган эмас», «Адабиёт табиий фан эмас» ва бошқалар. Биринчи ва иккинчи ҳукм «S—P дир» формуласи билан, учинчи ва тўртинчи ҳукм «S—P эмас» формуласи билан ифодаланади.

Мураккаб ҳукмлар ва уларнинг турлари. Биз шу вақтга қадар, содда ҳукмлар, яъни бир субъект ва бир предикатдан иборат бўлган ҳукмлар устида фикр юритдик. Агар ҳукм таркибида бирдан ортиқ субъект ва предикат бўлса, у мураккаб ҳукм ҳисобланади. Мантиқий муносабатига қараб мураккаб ҳукмлар уч асосий қисмга, яъни қўшувчи, шартли ва бўлинувчи ҳукмларга ажралади.

а) Қўшувчи ҳукмлар. Икки ёки ундан ортиқ содда ҳукмларнинг «ва» боғловчиси ёрдамида қўшилувидан ташкил топган мураккаб ҳукмлар қўшувчи (ёки конъюктив) ҳукмлар деб юритилади.

Қуйидагилар бундай ҳукмларга мисол бўлади.

«Булутлар тарқалди ва қуёш кўринди», «Ёзда кўрилган қийинчиликлар, қилинган оғир меҳнат беҳуда кетмади: пахта ҳосили яхши бўлди ва жамоа режани илғорлар қаторида бажарди».

«Имтиҳонлар тугади, таътил бошланди, студентлар уйларига жўнаб кетдилар». Бу мураккаб ҳукмларнинг схемаси «S—P дир, $S—P_1$ дир, S—P эмас, $S—P_1$ эмасдир» ва бошқалар. Бундай қўшувчи ҳукмлар чин бўлиши учун уларнинг таркибидаги содда ҳукмларнинг ҳар бири чин бўлиши зарур.

б) Шартли ҳукмлар асос ва натижа боғланишини шартли равишда ифодалайди. Бундай ҳукмлар ўз таркибида бир неча субъект ва предикатга эга бў-

либ, маълум бир буюмни тасдиқ ёки инкор этади. Шартли ҳукм тасдиқловчи бўлса: «Агар S—P бўлса, унда S_1—P_1 дир» инкор этувчи бўлса у «S—P бўлмаса, S_1—P_1 эмас» формуласи билан ифодаланади ва ҳоказо. Шартли тасдиқловчи ҳукмга мисол: «Агар ўқувчи аълочи бўлса, мақташга лойиқдир».

«Агар қолмаса ҳар кишидан нишон,
Удир меваси йўқ дарахт бегумон».

Саъдий.

Келтирилган биринчи мисолда субъект — (S) «ўқувчи» «аълочи» (P) бўлса, у (S_1), «мақташга лойиқ бўлади» (P_1). Шартли инкор этувчи ҳукмга мисол: «Агар мева дарахти (S) гулламаса (P), у (S_1) ҳосил бермайди (P_1).

Шартли ҳукмлар ҳам бошқа турдаги ҳукмларга ўхшаш чин ёки хато бўлиши мумкин. Агар асос учун келтирилган шарт натижаси эҳтиёж билан боғлиқ бўлса, у чин бўла олади. Агар шартли ҳукмда бир ҳодисанинг иккинчи бир ҳодиса билан шартли муносабатда бўлиши нотўғри акс эттирилса, у хато бўлади. Шартли чин ҳукмга мисол: «Агар бир жамиятда диктатура ҳукмрон бўлса, бу жамиятда адолатсизлик учун кенг имкон яратилади».

Хато шартли ҳукмга мисол: «Агар студент дарсга кам қатнашса, оз билади». Албатта, бу ҳукм хато, чунки студентнинг билими кам бўлишига, унинг дарсга кам қатнашиши ягона сабаб бўла олмайди. Бундай вақтларда бошқа сабабларга ҳам эътибор бериш лозим.

а) Айирувчи ёки дизъюнктив ҳукмлар. Бундай ҳукмларнинг субъекти ёки предикати бир неча нарсалар, ҳодисаларни ёки уларнинг белгиларини ифодалаши мумкин. Айирувчи ҳукмлар формуласи қуйидаги шаклларда ифодаланади:

«S ёки P ёки P_1 ёки P_2 дир».

Ёки «S ёки S_1 ёки S_2—P дир».

Биринчи шаклда бир субъект ва бир неча предикат бўлса, иккинчи шаклда, аксинча бир неча субъект ва бир предикат бор. Биринчи шаклдаги айирувчи ҳукмга мисол.

«Талаба имтиҳонда ёки аъло, ёки яхши, ёки қониқарли, ёки қониқарсиз баҳо олади». Иккинчи шакл

учун мисол: «Ёки Қарим, ёки Аҳмад, ёки Сафар, ёки Болта мусобақада биринчи бўлар».

Бўлинган ҳукмларда субъектга тааллуқли бўлган предикатлар баъзан ўзаро боғланган ва баъзан эса бир-бирига зид бўладилар. Масалан: Агар биз «бу ташаббус ёки А ёки Б ёки В томонидан бўлган» десак, бунда бизнинг фикримиз ташаббуснинг бир вақтда А ва Б ёки А, Б ва В томонидан бўлганидан ҳам дарак бериши мумкин. Бундай ҳолатнинг фикримизда рўй беришининг асосий сабаби нимада? Асосий сабаб шундаки, баён этилган субъект предикатлари бир-биридан тўлиқ ажралган эмас.

Агар тафаккуримиздаги буюмлар белгиси бир-биридан мустасно бўлса, унда айирувчи ҳукмлар ҳам мустасно бўлади. Бунга мисол: «Бу кўринган ёруғ ё юлдуз, ё планета». Бу ҳукмда қайд этилган белгилар бир-биридан мустаснодир, яъни юлдуз ва планета бир-бирига ҳеч қачон сиғишмайди, ўзаро инкор этади.

Одатда, агар айирувчи ҳукмлар воқеликка мос ва унга зид бўлмасалар, ҳамма вақт чин бўлади. Бўлинувчи ҳукм чинлигининг энг муҳим шарти субъектга тааллуқли ҳамма предикатларнинг тўла ифодаланишидир. Агар субъект ҳажмига кирадиган предикатлардан биронтаси тушириб қолдирилса, айирувчи ҳукм хато бўлади. Ифода этилган мулоҳазамизни бир мисол орқали кўриб чиқайлик. Масалан, агар биз «Мактаб ўқувчилари билимига 1, 2, 3, 4, 5 баҳолари қўйилади» десак, бунда биз ҳақиқатан мавжуд билим баҳолари белгиларини тўла ифода этган бўламиз. Аксинча, агар биз бу шартни, талабни бузиб, «фақат тўрт ёки ундан ҳам оз баҳо бўлади» деб айтадиган бўлсак, хатога йўл қўямиз.

5. Ҳукмларнинг белгилар (символика) ёрдамида ифодаланиши

«Мантиқнинг мавзу баҳси ва унинг аҳамияти» мавзуининг мазмуни билан танишган вақтимизда мантиқда қўлланадиган символика ва уларнинг хислати ҳақида умумий маълумотга эга бўлган эдик. Ҳукмда символика-белгилар мантиқий хулоса чиқариш учун лозим бўлган мантиқий муносабат ва боғланишларни ифодалайди.

Бундай символика ҳукм турларининг чин хулосага


Ҳукмлар
Содда ҳукмлар
Мураккаб ҳукмлар
Сифат жиҳатидан
Сон жиҳатидан
Предикат характерига кўра
Объектив модалликка кўра
Предикатнинг субъектга бўлган муносабатига кўра
Инкор
Тасдиқ
Якка
Жузъий
Умумий
Мавжуд
Хусусият
Муносабат
Эҳтимоллик
Воқелик
Зарурлик
Қатъий
Шартли
Бўлинувчи
Бирлашган классификация
А - Умумий тасдиқ
J - Жузъий тасдиқ
Е - Умумий инкор
О - Жузъий инкор

боришини таъминлашга катта ёрдам беради. Маълумки, мантиқий боғловчи «ва», «ёки», «агарда унда» конъюнкция, дизъюнкция ва импликация деб аталади.

«Агарда унда» деган мантиқий боғловчи-импликация икки ҳукмнинг шундай боғланишидирки, унинг ёрдами билан биз янги шартли ҳукмни вужудга келтирамиз. Агар бу янги шартли ҳукмнинг асоси чин ва натижаси хато бўлса, у ҳам хато ва агар унинг ҳам асоси, ҳам натижаси чин бўлса, у ҳам чин бўлади. Агар бу ҳукмнинг асоси хато натижаси чин ҳамда асос ва натижаси хато бўлса, унда у ҳам хато бўлади.

Импликациянинг шартли белгиси «→» экани бизга маълум. Агар сўз муносабат ҳукмлари ёки шартли, бўлинувчи (дизъюнктив), бирлашувчи (конъюнктив) ва инкор этувчи ҳукмлар ҳақида борадиган бўлса, қуйидаги жадвалдан фойдаланиш ўнғай.

		А	В	\В
Қаторлар	I	ч	ч	ч
	II	ч	х	х
	III	х	ч	ч
	IV	х	х	ч

Жадвал тушунарли бўлиши учун мисол: «Агар ёмғир ёғса (А), ер лой бўлади (В)». Бу ҳукм чин бўлиб, жадвалнинг биринчи қаторида акс эттирилган. Биринчи қатордаги ҳукмларнинг чин бўлиш сабаблари нимада?

Жадвалнинг биринчи қаторидаги (А) ҳукмни чин деб қарайлик. Унда (А→В), яъни «Агар ёмғир ёғса, ер лой бўлади» ҳукми ҳам чиндир. Агар «А→В» ва «А» ҳукми чин бўлса, «В» ҳукмининг ҳам чин бўлиши муқаррар. Иккинчи қатор: агар бирон шахс биринчи қаторда ифода этилган фикримизнинг чинлигини инкор этадиган бўлса, у жадвалнинг биринчи қаторидаги «А», яъни «ёмғир ёғаётир ҳукмини» чин, «В», «яъни ер лой эмас» деб хато ҳукмни чиқариш учун уринар эди. Бундай ҳолатда (А→В) импликацияси, яъни иккинчи қатор албатта, хато бўлур эди.

Энди жадвалнинг 3- ва 4-қаторларини кўриб чиқайлик Агар «А» ҳукми (ёмғир ёғаётир) хато бўлса, унда «В» ҳукми чин ёки хато бўлиши мумкин. (Ер лой, чунки сув босган: ёки қуруқ, аммо ёмғир ёғмагани сабабидан эмас). Турмушда ҳукмнинг бундай ҳолатлари кўп учрайди. Бу йўл билан шартли ҳукмнинг чин ёки хато хулосага келиш тартиби аниқланади. Шундай қилиб, шартли ҳукм икки содда ҳукмнинг қўшилиши на-

тижасида «агарда ,унда «А→В» деган мантиқий боғланиш орқали юзага келган мураккаб ҳукмдир. Шартли чин ҳукмларда асос ва оқибатнинг ўрнини алмаштириш хато хулосаларга сабаб бўлади. Мисол учун биз «Агар замбарак отилса, унда кучли овоз чиқади» деган ҳукмни кўриб чиқайлик. Бу ҳукм чин, чунки замбарак отилган замон (А ни чин фикр деб қабул қилгач), кучли овоз чиқмаслиги (яъни В нинг хато бўлиши) мумкин эмас. Энди шу ҳукмдаги асос (А) ва оқибат (В) фикрлар жойини алмаштириб кўрамиз. Унда: «Агар кучли овоз чиқса, демак, замбарак отилди» деган ҳукм пайдо бўлади. Бу ҳукм хатодир, чунки кучли овоз чиқиши (А чинлиги) бошқа ҳолатларда (В хатолиги), масалан, бақириш, портлаш натижасида ҳам вужудга келади.

Дизъюнктив — айирув (v) ҳукми деб содда ҳукмларнинг мантиқий боғловчи «ёки» ёрдамида қўшилишидан пайдо бўлган мураккаб ҳукмларга айтилади. Айирув мантиқий боғловчи «ёки» ёрдамида ифодаланувчи ҳукмнинг ҳеч бўлмаганда бири чин бўлишига боғлиқ. Агар ҳар икки айирувчи ҳукм хато бўлса, янги мураккаб ҳукм ҳам тўлиғича хато бўлади.

Мисол: «Абдулла дам олишни Тошкентда ёки Самарқандда ўтказади».

Бу ҳукм қуйидаги фикрларни тасдиқлайди:

1. Абдулла албатта бу икки жойнинг бирида бўлади.

2. Абдулла бир вақтда ҳам Тошкентда, ҳам Самарқандда бўла олмайди.

Бундан биз юқорида баён этилган мураккаб ҳукм — икки содда шаклга айлантирилган ҳукмдан бири чин, иккинчиси хато бўлган тақдирда, чин бўлишини биламиз. (Яъни дам олишни ё Тошкентда ўтказади, дам олишни ё Самарқандда ўтказади, деган фикр.)

Бундай вақтда агар иккала фикр ҳам чин дейилса (яъни Абдулла бир вақтда ҳам Тошкентда, ҳам Самарқандда бўлади), ёки иккала ҳукм хато бўлса, (яъни Абдулла бир вақтда Тошкентда ҳам, Самарқандда ҳам бўлмайди) унда мураккаб айирувчи ҳукм тўлиғича хато бўлади.

Одатда, ҳар бир шахс ўз вақтида айирувчи ҳукмларни қисқартирилган шаклда ифода этади. Агар айирувчи ҳукм бир хил субъектга эга бўлса, биз биринчи ҳукм субъектини ифода этиш билан чегараланамиз.

Масалан, «Бу геометрик фигура ёки учбурчак, ёки кўпбурчакдир», деган мураккаб ҳукмда бундаги иккинчи содда ҳукмнинг субъекти қолдириб кетилган. Аслида ифода этилган мураккаб ҳукм қуйидаги содда ҳукмлардан ташкил топади: «яъни «Бу геометрик фигура учбурчакдир» ёки «Бу геометрик фигура кўпбурчакдир».

Конъюнктив — қўшув (v) ҳукми деб икки ёки ундан ортиқ содда ҳукмларнинг мантиқий боғловчи «ва», «ҳам», «ҳамда» ёрдамида қўшилишидан пайдо бўлган мураккаб ҳукмларга айтилади. Қўшув — янги мураккаб чин ҳукмларни вужудга келтирувчи ҳукмлар орасидаги боғланишдир. Агар ҳар бир муносабатга кирувчи содда ҳукм чин бўлса, мураккаб ҳукм ҳам чин; муносабатга кирувчи бирон содда ҳукм хато бўлса, мураккаб ҳукм ҳам хато бўлади. Масалан: «Чекиш ва алкоголь соғлиқ учун зарарли» деган мураккаб ҳукмни кўриб чиқайлик. Келтирилган мисол икки содда ҳукмдан: (яъни «чекиш соғлиқ учун зарарли» ва «алкоголь соғлиқ учун зарарли») иборат. Икки ҳукмнинг қўшилиши уни мураккаб шаклга айлантиради. Агар А ва В ҳукмларида қўшув — конъюнкция бир хил субъектга ёки предикатга эга бўлса; унда, одатда, иккинчи гапдаги субъект ёки предикат ташлаб кетилади. Шунга биноан қўшув (конъюнкция) ҳукми ҳам (А) қуйидаги жадвал билан ифодаланади:

Қаторлар		В	А	АVВ
	I	ч	ч	ч
	II	ч	х	х
	III	х	ч	х
	IV	х	х	х

Ҳукмни инкор этиш шундай мантиқий амалдирким, бунинг ёрдами билан ҳукм таркиби янгидан ташкил этилади.

Бунинг натижасида муносабатга кирган содда ҳукмдан, агар у хато бўлса, янги чин ва агар у чин бўлса, хато ҳукм пайдо бўлади. Агар биз «А» орқали муносабатга кирган ҳукмни ва $\bar{А}$ орқали «А» ни инкор этиш натижасида пайдо бўлган янги ҳукмни билсак, унда ҳукм сифатлари орасидаги муносабат қуйидаги жадвал билан ифодаланади:

Агар А ҳукм чин бўлса, унинг инкори ($\bar{А}$) хато. Аксинча ($\bar{А}$) хато ҳукм бўлса, унда А чин бўлади.

Шунинг учун «Бу дарахт — мевали» ҳукмини инкор этсак, «Бу дарахт мевали эмас» деган янги ҳукм ҳосил

қиламиз. Бундай ҳукмлар бир-бирига зид бўлган ҳукмлар деб айтилади. Одатда, А ва Е таркибидаги ҳукмлар бир-бирига зид бўлган ҳукмлар бўла олмайди. Масалан: «Ҳамма ёзувчилар олим», «Ҳеч бир ёзувчи олим эмас».

Қаторлар		А	А
	I II	ч х	х ч

Иккала ҳукм ҳам хато, шунинг учун улар бир-бирига зид бўла олмайди. Мантиқда сон ва сифат жиҳатидан қўшилган ҳукмлар (А, I, Е, О) символика терминларида алоҳида ифода этилади.

6. Ҳукмлар орасидаги муносабат (мантиқий квадрат)

Юқорида баён этилганидек, ҳукм ўз сифати ва сони билан жузъий тасдиққа (J); жузъий инкорга (О); умумий тасдиққа (А) ва умумий инкорга (Е) бўлинади. Аммо бу ҳукм шакллари ўзаро турлича муносабатда. Ҳукм муносабатлари эса чин ва хато ҳукмлар орасидаги ҳолатни белгилайди. Логикада баён этилган ҳукмлар орасидаги муносабатлар «мантиқий квадрат» (15-расм) шаклида ифодаланади.

Мантиқий квадратнинг диагонал ва вертикал чизиқлари бурчагида сон ва сифат жиҳатдан қўшилган тўрт ҳукмнинг символик белгилари (А, Е, J ва В) қўйилгандир. Мантиқий квадратдаги ҳукмлар муносабати, 15-расмда ифода қилинганидай, тўрт шаклда кўринади.

1. Қ а р а м а-қ а р ш и ҳ у к м л а р. Бундай муносабат умумий тасдиқ (А) ва умумий инкор (Е) ҳукмлар орасида бўлиб, улар ўзларига хос субъект ва предикат-



15-расм

га эга бўлади. Бундай муносабатга мувофиқ агар бир ҳукм чин бўлса, унга қарши бўлган ҳукм хатодир, икки қарама-қарши ҳукм бир вақтда чин бўла олмайди, аммо бир вақтда хато бўла олади. Бир қарама-қарши ҳукмнинг (А ёки Е) хатолигидан иккинчисининг чин бўлиши ҳақида хулоса чиқариш хатодир, у хато ёки чин бўлиши мумкин. Мисоллар:

«Ҳамма студентлар шахмат ўйинини билишади» (А).

«Ҳеч бир студент шахмат ўйинини билмайди» (Е).

Бу икки ҳукм бир-бирига қарама-қарши шу билан бирга ҳар иккаласи ҳам хато. Бунда бир қисм студентларга хос белги ҳамма студентларга тааллуқли деб кўрсатилаётир. Чин бўлган ҳукмларни биз мантиқий квадратнинг қуйи қарама-қарши ҳукмларига айлантиришимиз лозим.

Энди иккинчи мисолни кўриб чиқайлик:

«Барча ўсимлик сув билан ҳаёт» (А).

«Бирор ўсимлик сув билан ҳаёт эмас» (Е).

Бу ҳукмда умумий тасдиқ ҳукм (А) чин ва умумий инкор ҳукм (Е) хато. Ҳеч бир вақт предмет синф учун тааллуқли бўлган белги бир вақтда ҳам тааллуқли, ҳам бедахл бўлиши мумкин эмас.

2. Бир-бирига зид муносабатлар. Бундай муносабат умумий тасдиқ (А) билан жузъий инкор (О) ва умумий инкор (Е) билан жузъий тасдиқ (І) ҳукмлари орасида бўлади. Бу муносабат қоидасига мувофиқ ҳукмлар бир вақтда чин ва хато бўла олмайди; ҳамма вақт бири чин ва иккинчиси эса хато бўлади. Бунда бир-бирига зид бўлган ҳукмлар ўртанча чин ҳукмнинг бўлишига йўл қўймайди.

Мисол: «Ҳамма илмий қонунлар объектив характерга эга (А)» ва «Баъзи бир илмий қонунлар объектив характерга эгамас (О)». Бунда биринчи ҳукм чин, иккинчиси хато. Булар орасида учинчи ҳукм бўла олмайди.

Иккинчи мисол: «Ҳеч бир фан органик материяни ўрганиш билан шуғулланмайди (Е) ва «Баъзи фанлар органик материяни ўрганиш билан шуғулланади (І)». Бунда биринчи ҳукм хато, иккинчи ҳукм чиндир.

Энди бир-бирига зид муносабатдаги ҳукмларнинг қарама-қарши ҳукмлардан фарқини кўриб чиқайлик:

а) Бир-бирига зид муносабатда бўлган ҳукмдаги белгилар бир ёки бир группадаги буюмларга тааллуқли ёки тааллуқли эмас. Шунинг учун ҳам бир вақтда

чин ёки хато бўла олмайди. Қарама-қарши ҳукмда эса буюмдаги белги тааллуқли ёки бедахллигига қараб бирданига хато бўлиши мумкин.

б) Қарама-қарши ҳукм ўртанча ҳолат бўлиши мумкинлигини, бир-бирига зид ҳукм эса ўртанча ҳолат бўлмаслигини кўрсатади. Қарама-қарши ҳукмлар субъекти бир синфдаги буюмнинг тўла ҳажмини ўз ичига олади, бир-бирига зид буюм субъектив тўла ҳажмини ўз ичига олмайди.

3. Қуйи қарама-қарши муносабат жузъий тасдиқ (J) ва жузъий инкор (O) ҳукмлар орасида бўлади. Бундай ҳукмлар формуласи «баъзи S—P» ва «баъзи S—P эмас» шаклида ифодаланади.

Қуйи қарама-қарши муносабатдаги ҳукмлар жузъий бўлиб, иккинчи инкор ҳукмдир. Қуйи қарама-қарши муносабатдаги ҳукмлар қарама-қарши муносабатдаги ҳукмлардан фарқ қилади.

Қуйи қарама-қарши ҳукмлар бир вақтда чин бўлиши, аммо бир вақтда хато бўлмаслиги мумкин. Мисол:

«Баъзи давлатлар Осиёда жойлашган (J)».

«Баъзи давлатлар Осиёда жойлашмаган (O)».

Бу икки ҳукм ҳам чин, чунки бундаги икки предикат икки турли буюмга тааллуқли бўлиб, биринчи ҳукмда предикат субъектда белги борлигини тасдиқлайди, иккинчи мисолда эса предикат субъектда бу белги борлигини рад этади.

4. Бўйсунувчи муносабатдаги ҳукмлар. Бу ҳукмлар умумий тасдиқ (A) ва жузъий тасдиқ (J) ҳамда умумий инкор (E) ва жузъий инкор (O) ҳукмлари орасида бўлади. Иккинчи хил қилиб айтганда, A—J ва E—O муносабатларидир. Бундай вақтда умумий ҳукмлар итоат эттирувчи ва жузъий ҳукмлар эса итоат этувчи бўлади. Умумий ҳукмларнинг чинлиги жузъий ҳукмларнинг чинлигига олиб боради. Мисол:

1. «Ҳамма гражданлар оилада бир-бирини ҳурмат қилиши, болалар тарбияси тўғрисида ғамхўрлик қилиши лозим (A)».

2. «Айрим гражданлар ҳам оилада бир-бирини ҳурмат қилишлари, болалар тарбияси тўғрисида ғамхўр бўлишлари лозим (J)».

3. «Ҳеч бир граждан жамиятнинг бахт-саодати йўлида меҳнат қилишдек муқаддас бурчдан бош тортмаслиги лозим (E)».

4. «Айрим гражданлар ҳам жамиятнинг бахт-саодати йўлида меҳнат қилишдек муқаддас бурчдан бош тортмаслиги лозим (О)».

Шуни ҳам ҳисобга олиш лозимки, жузъий ҳукмларнинг (J ва О) чинлигидан умумий ҳукмларнинг (А ва Е) чинлиги келиб чиқмайди. Умумий ҳукмлар бундай вақтларда чин ёки хато бўлишлари мумкин. Мисол: «Баъзи ижтимоий тузумлар адолатлидир (J)». Бу ҳукм чин. Аммо агар биз ҳукмни умумий тасдиқ ҳукмга — «Ҳамма ижтимоий тузумлар адолатлидир (А)» га айлантирсак, унда бу ҳукм чин бўла олмайди. Бунинг асосий сабаби жузъий ҳукмга хос бўлган белгини умумий ҳукмга сунъий татбиқ этишдир. О ва Е ҳукмлари орасида ҳам муносабат юқорида келтирилган мисолдагига ўхшашдир. Агар жузъий ҳукмлар чин бўлса, умумий ҳукмлар чин ёки хато бўлади.

Мантиқий квадрат қоидаларига мувофиқ, бир зид ҳукмнинг чин ёки хатолигидан иккинчи ҳукмнинг чин ёки хатолиги келиб чиқади. Одатда, айрим шахслар мунозарасида бир мулоҳазанинг хатолигини аниқлаш учун унга қарама-қарши бўлган ҳолатни келтирадилар. Шунинг учун ҳам бир-бирига зид бўлган мулоҳазалар, мунозаралар вақтида қарама-қарши ҳукмларга таяниш ҳар бир шахс учун кучли қурол бўлади.

Умуман, «мантиқий квадрат» ҳукмларнинг чин, хатолигини ўлчаш ёки аниқлаш мезони бўла олмайди. Биз «мантиқий квадрат»дан фақат ҳукмларнинг сони ва сифат бирлашуви муносабатларини билишда ўнғай бўлгани учун фойдаланамиз.

МАШҚЛАР

I. Қуйидаги фикрларда тушунча ва ҳукмни ажратинг: «Ахлоқ», «Ахлоқийлик», «Ахлоқ ва ҳуқуқ», «Ўзбекистон мустақил бўлди», «Олма пишди», «Пишган олма», «Зангори кема», «Қора қуш», «Қуш қора».

II. Қуйидаги ўзбек халқ мақоллари қандай ҳукмларни ифодалаган:

Булбул чаманни севар, одам ватанни.

Она юртинг омон бўлса, рангу-рўйинг сомон бўлмас.

Илмни меҳнатсиз эгаллаб бўлмас.

Билмаганни сўраб ўрганган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим (Навоий).

Ошнинг таъми туз билан, одамнинг таъми сўз билан.

Жаҳл — душман, ақл — дўст.

III. Қуйидаги гаплардан қайси бири ҳукмни ифодалайди:

«Нечанчи аср?», «Олға!», «Ухлагим келаётир», «Ухласам эди», «Шундайин ҳам ухлагим келади!», «Душанба, 19 январь», «Соат

2-15 минут», «Қор», «Фурсатни ютқизмаслик учун ўқиётирман», «Яшасин тинчлик!», «Халқ иши учун мардонавор курашаётганларга шон-шарафлар бўлсин».

IV. Қуйидаги гапларда ифодаланган содда ҳукмларнинг субъект, предикат ва боғловчисини кўрсатиб, уларни грамматик кесим ва эга билан солиштириб кўринг:

Ақл бўй билан ўлчанмас. Ер — планета. Коинот чегарасиз. Бор экан, йўқ экан, кампир билан чол бор экан. Ер қуёш атрофида айланади. Мен бу расмни бугун кўрмаганман. Халқлар урушни истамайдилар.

V. Қуйидаги гапларнинг стиль жиҳатидан ўзгариши ҳукм ифодасига қандай таъсир кўрсатади?

Ўқувчиларга оғир бўлмаган масалани ечиш таклиф этилди.

Ўқувчиларга ечиш учун таклиф этилган масала оғир эмас эди.

Университет профессори Карим Солиҳов узоқ қишлоққа лекция ўқиш учун борди.

Узоқ қишлоққа лекция ўқиш учун борган киши университет профессори Карим Солиҳовдир.

VI. Қуйидаги ҳукмлар сифатини аниқланг:

Мукофотни фақат ажойиб асарлар учун олиш мумкин.

Бу кун узоқ чўзилмади. Бу кун тез ўтмайди. Ақл ёшда эмас — бошда. У аълочи бўла олади. Асли қора оқармас. «Одами эрсанг демагил одами, онингким йўқ халқ ғамидан ғами». *(Навоий.)*

Тақдирин қўл билан яратур одам.

Ғойибдан келажак бахт бир афсона. *(Ғафур Ғулом.)*

Алишер Навоий, Ғафур Ғулом шеърларининг инкор ҳукмни ифодаловчи мисраларидан мисол келтиринг.

VII. Қуйидаги ҳукмлар сонини аниқланг:

Тошкент — Ўзбекистон Республикаси пойтахти.

Кўпчилик ўқувчилар аълочи.

Ҳамма ҳукмлар инкор ва тасдиқ шаклида бўлади.

Республикамизнинг ҳамма гражданлари илм олиш ҳуқуқига эга.

Гапларнинг асосий турлари дарак, сўроқ ва буйруқ гапларидир.

Бўрон бир неча кун давом этди.

VIII. Қуйидаги ҳукмларнинг сони ва сифатини ҳамда А, Е ва О ҳукм туркумидан қайси бири эканини аниқланг:

Бизнинг кучимиз — бирлик ва жипсликдадир.

Санъат — халқникидир.

Бирники — мингга, мингники — туманга.

Областимиз корхоналари орасида қолоқлари ҳам бор.

«Енглар, ичинглар, садақа қилинглар, аммо исрофгарчиликка ва фахрга ўтманглар» *(Ҳадис)*.

Иккинчи жаҳон урушида немис фашизми тор-мор этилди.

Ватан урушн йилларида рус халқи қаҳрамонлик кўрсатди.

«Илмга нисбатан гўё чўпон каби посбон бўлинглар, лекин илмни фақат ривоят қилувчи бўлманглар» *(Ҳадис)*.

IX. Қуйидаги ҳукмлар инкорини топинг:

Ҳамма топширилган вазифалар бажарилди.

Баъзи топширилган вазифалар оғир.

Ҳеч бир топширилган вазифа оғир эмас.

Баъзи топширилган вазифа оғир эмас.

Аҳад топширилган вазифани бажарди.

X. Ҳукмнинг модаллигига қараб типини аниқланг.

Эҳтимол, эртага биз қишлоққа борамиз.
Биз эртага қишлоққа борамиз.
Биз эртага қишлоққа боришимизга шубҳа йўқ.
Ҳамма халқлар баробар куррамизни чулғаган.
Саҳий атмосферадан текис олажак нафас. Ғафур Ғулом.

XI. Қуйидаги қўшув-конъюнктив ҳукмларни унинг белгиси орқали ифодаланг (қўшув ҳукмнинг белгисидан фойдаланинг):

Экологик хавф олдида бепарволик, беғамликка ўрин йўқ ва бўлиши мумкин эмас.

Аму, Сир дарёлари Орол денгизига қуйилади.

XII. Адабий асарлардан фойдаланган ҳолда ўзингиз жумла тузиб, қуйидаги тарздаги конъюнктив-қўшув ҳукмига мисол келтиринг.

А ∧ В.
А ∧ В ∧ С.
А ∧ В ∧ С ∧ Д.

XII. Ифода этиладиган гапларни дизъюнктив-бўлув ҳукми формуласи билан кўрсатинг. Бунинг учун бўлув ҳукмининг белгисидан фойдаланинг.

Ё тамомила қуролсизланиш, ё жаҳонда тинчсизлик.

Мактаб ўқувчиси Аҳмедов С. имтиҳондан ё 1, ё 2, ё 3, ё 4, ёки 5 баҳо олиши мумкин.

XIV. Дизъюнктив ҳукмлар учун ўзингиз бир неча мисоллар топинг.

XV. Қуйидаги шартли ҳукмларнинг асоси ва натижасини аниқланг.

Асос ва натижани А—В формуласи билан ифодаланг:

«Агар душман таслим бўлмаса, уни йўқотмоқ лозим». *(Горький.)*

«Агар сен эсанг дўст билан жону тан,
Ғаним емирилур шоху илдизи билан» *(Саъдий.)*

«Агар сиз бу тема бўйича яхши тайёрланган бўлсангиз, унда нега бу саволларга жавоб бера олмайсиз?».

XVI. Ўзбек халқ мақолларидан шартли ҳукмга бир неча мисоллар топинг ва уларнинг асос ва натижасини кўрсатинг. Шу шартли ҳукмларни қатъий ҳукмга айлантиринг.

XVII. Мураккаб ҳукмлар таркибига кирадиган содда ҳукмларни ажратинг ва мураккаб ҳукмлар формуласини ёзиб кўрсатинг:

Етук жамият урушни ҳам, қашшоқликни ҳам, ишсизликни ҳам, кризисни ҳам билмайди.

Агар гап сўроқ шаклида тузилмаган бўлса, у сўроқ гап бўла олмайди.

Амрингга мунтазир турганда олам,
Сен нима хаёлга асирсан, одам?

(Бедил.)

XVIII. Мураккаб ҳукмларнинг қуйидаги формулаларига мисол топинг:

(А → С) (В → С)
(А∨В) → С)
(А ∧ В) → (С ∧ Д)

XIX. Қуйидаги ҳукмларни анализ қилинг. Содда ҳукмлар субъекти ва предикатини топинг. Агар ҳукм мураккаб бўлса, унинг турини формула билан кўрсатинг.

Керак ҳар илмдин бўлмоқ хабардор,
Бўлур ҳар қайси ўз вақтида даркор.

Фурқат

Ё ишқ балоси анга, ё жаври замона,
Ё ёр жафоси менга, ё ғуссайи ағёр?

Атоий

Дунёнинг тилаги, самари ҳам биз,
Ақл кўзин қораси, жавҳари ҳам биз.
Тўгарак жаҳонни узук деб билсак,
Шаксиз унинг кўзи — гавҳари ҳам биз.

Умар Хайём

XX. Қуйидаги ҳукмларни инкор ҳукмига айлантиринг:

«Ҳиммат камарини боғлаган ҳамон,
Чумоли енгади шерни бегумон».

Бедил

Агар биз «Гаплар ва фақат улар ҳукмнинг грамматик ифодасидир» ва «Ҳамма гаплар ҳукмни ифода этавермайди» десак, бунда биз биринчи фикримиз инкори иккинчи фикр деган хулосага кела оламизми?

«Бу гап дарак ҳам, сўроқ ҳам эмас» деган инкор ҳукмни қандай формула билан ифодалаш мумкин?

XXI. Қуйидаги инкор ҳукм тўғри тузилганми? Агар хато бўлса, тузатинг:

Карим ўқишда яхши ва у илғор жамоатчи.
Карим ўқишда ҳам, жамоат ишида ҳам ёмон.
Баъзи берилган топшириқлар оғир эмас.
Ҳамма берилган топшириқлар оғир.
Бу группанинг ҳамма студентлари интизомли.
Бу группанинг ҳамма студентларини интизомли деб бўлмайди.
Бу группанинг студентлари интизомсиз.
Бу группанинг баъзи студентлари интизомли эмас.
«Бойлик молу дунёнинг кўплиги билан эмас, балки нафснинг тўқлиги биландир» (*Ҳадис*).

XXII. Қуйидаги сўроқ гаплар қайси ҳукм ҳақида тахмин қилишни лозим топади:

Ўзбекистон пахтаси Ўрта Осиёнинг бошқа республикалари пахтасига нисбатан анча кўпми?
Ойнинг бир томони сатҳини қандай ўлчаш мумкин?
Ўқитувчилар иншосига мантиқий характеристика бериш зарурми?
Ҳар бир дарс плани бутунни қисмларга ажратиш қоидасига асосланганми?

XXIII. Чин бўлмаган ҳукмларга мисоллар келтиринг.

VII боб. ХУЛОСА ЧИҚАРИШ

1. Хулоса чиқаришнинг умумий характеристикаси

Хулоса чиқариш ҳам тафаккурнинг асосий шаклларидан биридир. Бизнинг билимимизнинг кўп қисми хулоса чиқариш шаклида тузилган. Шунинг учун хулоса чиқариш мантиқда мантиқий фикрлашнинг муҳим шакли ҳисобланади.

Хулоса чиқариш деб бир ёки бир нечта ҳукмлардан объектив воқеликдаги нарсалар ва ҳодисалар ҳақида янги ҳукмни вужудга келтириш учун хизмат қиладиган тафаккурнинг махсус шаклига айтилади.

Бошқача қилиб айтганда, хулоса чиқариш маълум бўлган билим орқали номаълум билимни вужудга келтиришдир. Хулоса чиқариш воситали янги билим бўлиб, у бизнинг олдинги билимларимизга асосланади. Хулоса чиқариш орқали объектив воқеликдаги буюмлар ва улар орасидаги муносабатларни билиб оламиз.

Хулоса чиқариш буюмлар орасидаги объектив муносабатларни акс эттиради. Аммо, хулоса чиқаришда бу муносабатлар бизнинг олдинги билимларимизга асосланган ҳолда билиб олинади. Мисол учун қуйидаги мулоҳазани кўриб чиқамиз: бизга А ва С миқдори берилган. Аммо улар орасидаги муносабат биз учун ноаниқ. Унда биз буларни учинчи В миқдори билан солиштириб кўрамиз. Бу икки миқдорнинг ҳам В га тенг эканлиги аниқланса, унда биз А—В га ва В—С га тенглигини билиб, А—С га тенг деган хулосага келамиз.

Демак, бу хулоса бизнинг олдинги билимимиз асосида пайдо бўлди. Воситали ёки бевосита билим ҳамма вақт бизнинг тажрибамизга таянади.

Маълумки, ҳар қандай билим воситасиз ва воситали йўллар билан объектив реалликни акс эттиради. Масалан, сезгилар ва ҳиссий идрокка таянган билим — бу бевосита билимдир. Масалан, «ёмғир ёғмоқда», ё «кун иссиқ» каби ҳолат бевосита кўриш, ҳис этиш ёрдамида билиб олинади.

Лекин билимларимизнинг кўпчилиги бевоситадир. Масалан, сув ўзаро боғлиқ бўлган водород ва кисло-

роддан ташкил топганлиги, момақалдироқ ва чақмоқ ўзаро сабабли алоқада эканлиги, тинчликни сақлаш муқаддас бурч эканлиги ҳақидаги билимлар бошқа маълум бўлган билимлар орқали, яъни бевосита билиб олинади.

Хулоса чиқариш турли конкрет фикрни характерлаб, воқеликни акс эттиради.

Бу жиҳатдан хулоса чиқариш тушунча ва ҳукмга ўхшайди. Аммо, хулоса чиқариш ўзига хос хусусиятлари билан тафаккурнинг бошқа шаклларидан ажралади. Тушунча буюмларнинг умумий ва муҳим белгиларини бизнинг онгимизда акс эттирса, ҳукм буюмларда маълум белги бор ёки йўқлиги ҳамда фикрнинг чин ёки хатолиги ҳақида маълумот беради. Хулоса чиқариш тушунча ва ҳукмлар орқали янги тушунча ёки янги ҳукм пайдо қилиш вазифасини бажаради.

Мисол: «Ҳамма металлар электр токи ўтказувчи; мис — металл; демак, мис ҳам электр токини ўтказувчидир».

Бунда бир синфдаги буюм белгисини шу синфнинг айрим бўлаги учун тааллуқли эканлиги янги мантиқий хулоса — ҳукм шаклида юзага келди. Умуман, хулоса чиқаришда ҳукмларнинг боғланиши объектив воқеликдаги буюмларнинг ўзаро боғланишидан келиб чиқади. Хулосада ҳукмларнинг боғланиши ҳар бир шахснинг иродасига боғлиқ эмасдир.

Ҳар қандай хулоса чиқариш ўз структураси, тузилиши ва таркибига эга.

Хулоса чиқаришнинг таркиби икки муҳим қисмдан ташкил топади: 1) бу маълум билимларни ифодаловчи ҳукмлар бўлиб, улар янги билим учун асос бўлади. Улар хулоса чиқаришнинг асослари деб аталади. 2) Бу маълум ҳукмлар асосида келиб чиққан янги билимни ифодаловчи ҳукм хулоса чиқариш натижаси, яъни хулоса деб аталади.

Масалан,

1. Асос — барча республикамиз гражданлари дам олиш ҳуқуқига эга.

2. Асос — Аҳмедов республикамиз граждани.

Хулоса — Аҳмедов дам олиш ҳуқуқига эга.

Бунда олдинги икки ҳукм **асослар** деб юритилади, булардан умумий билимни билдирувчи, яъни бу ерда биринчи ҳукм — **биринчи асос**, хусусий ёки якка билимни билдирувчи, яъни бу ерда иккинчиси — **иккинчи**

асос деб юритилади. Бу асослар ёрдамида хусусий ёки якка билимнинг янги хислати ҳақида янги билим келиб чиқадики — бу хулосадир (яъни Аҳмедов дам олиш ҳуқуқига эга).

Хулоса чиқаришнинг объектив асоси умумийлик, жузъийлик ва яккалик бирлигидир. Агар буюмлар умумий белгиларга эга бўлмаганда эди, биз улар ҳақида ҳеч қандай хулоса чиқара олмас эдик. Бу умумий белгилар эса, айрим синфдаги буюмларга тааллуқлидир. Айрим синфдаги белгилар ўз навбатида якка буюмлар ёки ҳодисаларга тааллуқли. Демак, хулоса чиқариш ҳам яккадан умумийга ёки умумийдан якка ва жузъийга қараб боради. Хулоса чин бўлиши учун икки асосий шартнинг бўлиши зарур: 1. Ҳар бир хулосанинг асослари чин бўлмоғи; 2. Ҳар бир хулоса чиқаришнинг ҳукмлари мантиқий боғланган бўлмоғи лозим. Аммо ҳозирда айрим мантиқчилар фикрнинг чин бўлиши билан унинг тўғрилиги мос бўла олмайди, фикр мазмуни унинг шаклига боғлиқ эмас, фикрнинг чинлиги унинг тўғрилигидан холис, деган формалистик назарияни илгари сурмоқдалар.

Ҳақиқатда эса ҳар бир фаннинг тушунчаларини «шакллантириш» катта аҳамиятга эга. Аммо, бундай ҳолат ҳамма вақт ҳар бир фан тушунчаси объектив мазмунга эга эканлигини ҳисобга олишни талаб этади. Ҳар бир фанни «шакллантириш» маълум мазмундан четлашиш бўлса-да, у объектив мазмундан ҳеч қачон узоқлашмайди. Ҳар бир тушунчани унинг объектив мазмунидан ажратиш илмий йўлдан чекиниш демакдир.

Ҳақиқатда эса агар хулоса чиқариш реал воқелик буюмлари ва хислати билан боғлиқ бўлмаса, у билим учун аҳамиятини йўқотиб, фақат бўш схема бўлиб қолади.

Фикрнинг турли шакли аниқ конкрет мазмундан узоқлашиши натижасида юзага келиб, нисбий мустақилликка эга бўлади ва ўзига хос конкрет мазмунни тан олади. Аммо, хулоса чиқариш шаклининг асослар мазмунига нисбатан мустақиллиги, бу шаклнинг турли мазмунга нисбатан, бефарқ эканидан эмас, албатта. Аксинча, у шакл жиҳатидан тўғри ва мазмун жиҳатидан чин бўлган муҳокама ва билимнинг икки ўзаро боғланган томонидир. Фикрнинг мантиқий шаклини унинг мазмунидан ажратиш мумкин бўлмагандай, фикрнинг тўғрилигини чинлигидан ҳам ажратиш мум-

кин эмас. Инсон ўз тафаккурининг пайдо бўлиш ва ривожланиш процессида тажриба асосида тўғри хулосаларни ажратиш ва мустаҳкамлаш қобилиятига эга бўлди. Тўғри фикрнинг шакли хато фикр шаклидан ўз асосларининг чин бўлиши туфайли хулосанинг ҳам чин бўлиши билан фарқланади. Шунинг учун тўғри фикр шакли чин ҳолатларнинг миллиард марталаб фикрда такрорланиши маҳсули бўлгани учун, уни ўз табиати билан чин мазмунли шакл деб биламиз.

Тафаккурнинг ҳар бир фаолиятида чин фикр мантиқан хато йўл билан пайдо бўлмайди. Демак, тафаккур тўғрилигининг шарти чинлигидир. Бу ҳолат тўғрилик ва чинлик боғланиши диалектикасидир. Шунинг учун улардан бирини мантиқий бирламчи дейиш хато. Хулоса чиқариш шакллари бошқа мантиқий шакллар сингари инсоннинг асрлар давомидаги тажрибалари натижаси бўлиб, объектив характерга эга.

2. Бевосита хулоса чиқариш

Чин билимга эришмоқ учун хулоса чиқаришнинг асосий турлари билан танишиш лозим. Ҳаммадан олдин хулоса чиқаришни икки турга ажратамиз. 1. Бевосита хулоса чиқариш. 2. Воситали — бавосита хулоса чиқариш.

Агар натижа ёки хулоса бир асос ёрдамида қўлга киритилса, у бевосита хулоса чиқариш деб айтилади.

Бевосита хулоса чиқаришга мисол:

«Университетимизнинг баъзи студентлари шоир; демак, баъзи шоирлар университетимизнинг студентларидир», ёки «Сиёсий мустақил бўлган мамлакат мустамлака мамлакат эмас. Демак, «Мустамлака мамлакат сиёсий жиҳатдан мустақил бўла олмайди» ва б.

1. Мантиқий квадратдаги ҳукм муносабатларига қараб хулоса чиқариш, яъни қарама-қаршилик, зидлик, бўйсуниш муносабатлари. Мантиқий квадратга қаранг (16-расм).

2. Алмаштириш орқали хулоса чиқариш. Бундай хулоса чиқаришда биринчи ҳукмнинг субъекти иккинчи ҳукмнинг предикатига, унинг предикати эса иккинчи ҳукмнинг субъектига айлантирилади, аммо ҳукмнинг мазмуни биринчидай қола беради. Алмаштиришнинг



16-расм.

турлича усуллари мавжуд. Буни қуйидаги мисоллар орқали кўриш мумкин.

а) «Республикамизнинг ҳамма гражданлари (S) тенг ҳуқуқлидир (P)».

б) «Тенг ҳуқуқлиларнинг бир қисми (P) — республикамиз гражданлари (S)».

Бунда S билан P ўрни алмаштирилган бўлса ҳам ҳукмнинг мазмуни ўзгармади, яъни республика гражданлари тушунчаси фақат «тенг ҳуқуқли»ларнинг (P) бир қисмини ташкил этганлиги кўринади. Мисолдаги икки тушунча муносабати расм орқали қуйидагича ифодаланади (17- расмга қаранг).

Содда алмаштиришга мисол:

Иккинчи мисол



17-расм.

а) «Ҳеч бир демократик давлат (S) агрессив давлат эмас (P)». б) «Ҳеч бир агрессив давлат (P) демократик давлат эмас (S)». Мисолдаги «демократик давлат (S)» ва «агрессив давлат» (P) тушунчалари ҳажми бир-бирига мос келмайди.

Мисолдаги субъект ва предикат тушунчалари бир-бирига сиғишмайди. Биринчи ҳукмда субъект ва предикат бўлинган, чунки алмаштирилган ҳукмнинг предикати («аг-

рессив давлат») тўлиқ ҳажмда фикрланади.

Алмаштириш орқали биз ҳамма вақт ҳукм мазмунини тўлароқ очамиз. Ҳар бир тушунчани таърифлаш учун ҳам алмаштириш катта амалий аҳамиятга эгадир. Ҳар бир алмаштириш ҳукмдаги субъект ва предикат ҳажми янада аниқроқ бўлишини таъминлайди. Энди турли ҳукмлар шаклининг алмашувини кўриб чиқамиз:



18-расм.

1. Умумий тасдиқ ҳукм (А) жузъий тасдиқ ҳукмга (I) алмашади: «Ҳамма S—P, баъзи P—S дир». «Синфимизнинг барча ўқувчилари (S) бу йил лагерга борадилар (P)» деган ҳукм «Бу йил лагерга борадиганларнинг баъзилари (P) синфимизнинг ўқувчиларидир» (S) билан алмашади.

Агар умумий тасдиқ ҳукмдаги субъект ва предикат мос бўлса, бундай ҳукм алмаштириш натижасида ҳам умумий тасдиқ бўлади: ҳамма S—P; ҳамма P—S.

Мисол. «Туҳмат (S) — бировни шармисор қилиш учун ёлғон бўҳтонлар тарқатишдир (P)».

«Бировни шармисор қилиш учун ёлғон бўҳтонлар тарқатиш (P) — туҳматдир (S).

Якка ҳукмлар бундай ҳолатларда умумий ҳукмларнинг алмашинув қоидасига бўйсунади. «Тошкент — Ўзбекистон пойтахти». «Узбекистон пойтахти Тошкентдир» ҳукм билан алмашади.

2. Умумий инкор ҳукм (Е) содда алмаштириш орқали умумий инкор ҳукмга айлантирилади. «Ҳеч бир S—P эмас, ҳеч бир P—S эмас»,

Мисол: «Ҳеч бир босқинчилик уруши (S) адолатли уруш эмас», (P) ҳукми «Ҳеч бир адолатли уруш (P) босқинчилик уруши эмас (S)» ҳукмига айланади.

3. Жузъий тасдиқ ҳукмда (S) субъект ва предикат (P) тушунчалари ўзаро туташади.

«Баъзи S—P, баъзи P—S».

«Баъзи драмалар (S) шеърий йўл билан ёзилган асардир (P)».

«Баъзи шеърий йўл билан ёзилган асарлар (P) драмадир (S)».

S билан P тушунчалари орасидаги боғланиш икки тушунчанинг ўзаро қисман алоқадор эканлигидан хабар беради.

4. Жузъий инкор ҳукм (O) алмашмайди.

Ҳукм алмаштиришнинг моҳияти шундан иборат: янги ҳукмда фикр предмети асос ҳукмнинг субъектида ифодаланган предмет эмас, балки предикатида ифодаланган предметдир.

Бу усул билан пайдо бўлган ҳукм янги билим беради. Ҳукм алмаштириш, масалан, тушунчани таърифлашнинг тўғрилигини билиб олиш, умуман ҳукмдаги субъект ва предикатнинг ҳажмини аниқлаб олишда муҳим роль ўйнайди.

3. Айлантириш орқали хулоса чиқариш

Айлантириш шундай бевосита хулоса чиқаришдирки, бунда бошланғич асос ҳукмнинг субъекти, хулоса ҳукмда сақланиб қолади, лекин предикат қарама-қарши мазмундаги предикатга, боғловчи ҳам қарама-қарши маънодаги боғловчига айлантирилади.

«Баъзи хулосалар бевосита чиқарилади».

«Баъзи хулоса чиқариш воситали эмас» ёки

«Ҳар қандай хиёнат жазоланмоғи даркор».

«Ҳеч қандай хиёнат жазосиз қолмаслиги керак».

Бу ерда биз биринчи ҳукмдаги боғловчини унинг қарама-қаршисига, предикатини эса қарама-қарши тушунчага айлантирдик.

Айлантиришнинг бу хусусиятини **бирор ниманинг қўш инкори унинг тасдиғига тенгдир** деган қоида билан ифодалаш мумкин.

Ҳақиқатда ҳам биринчи ҳукмнинг мазмуни ўзгармаган ҳолда у икки маротаба инкор шаклида ифодаланади — янги боғловчи ҳам, предикат ҳам ўз аксига айлантирилади. Лекин маъно сақланиб қолади.

Айлантириш қуйидаги схемада боради.

S—P дир.
S—P мас эмас.

Айлантириш ёрдамида фикрланувчи предметнинг предикатда акс этган хислатининг тескарисига эга бўла олмаслиги аниқланади. Айлантиришда хулоса ҳукм би-

ринчи асос ҳукм мазмунинигина такрорлаб қолмасдан, уни аниқлашга ёрдам беради.

Сифат ва сон жиҳатидан турлича бўлган ҳукмларда айлантириш натижасида олинадиган хулосаларни кўриб ўтамиз.

1. Умумтасдиқ ҳукмлари (А) умуминкор ҳукмларига (Е) айлантирилади.

«Ҳамма S—P дир. Ҳеч бир S—P мас эмас».

«Барча ҳақиқий демократик давлатлар тинчликпарвардир».

«Ҳеч бир ҳақиқий демократик давлат тинчликпарвармас эмасдир».

2. Умумий инкор ҳукмлар (Е) умумтасдиқ ҳукмларга айланади (А). Схемаси:

«Ҳеч бир S—P эмасдир. Ҳар бир S—P сиз (мас) бўлади».

«Ҳеч бир империалистик уруш адолатли эмас».

«Ҳамма империалистик урушлар адолатсиздир».

3. Қисман тасдиқ ҳукмлар (S) қисман инкор ҳукмларга (О) айланади.

Схемаси: «Баъзи S—P дир, баъзи S—P мас (сиз) эмасдир».

«Баъзи мамлакатлар экваторда жойлашган».

«Баъзи мамлакатлар экваторда жойлашмаган эмас».

4. Қисман инкор ҳукмлар (О) қисман тасдиқ ҳукмга (I) айланади. Схемаси:

«Баъзи S—P эмас, баъзи S—P сиздир».

«Синфимиздаги баъзи ўқувчилар шахмат ўйнайди».

«Синфимиздаги баъзи ўқувчилар шахмат ўйнамайди».

Демак, айлантириш орқали хулоса чиқаришни барча ҳукмларга, уларнинг сифат ва сонидан қатъи назар, татбиқ этиш мумкин. Айлантириш натижасида барча ҳукмларнинг сифати ўзгаради, лекин сони ўзгармай қолаверади.

4. Предикатга қарама-қарши қўйиш

Айлантириш алмаштириш билан боғлаш предикатга қарама-қарши шаклдаги бевосита хулоса чиқаришни вужудга келтиради.

Предикатга қарама-қарши қўйишда янги ҳукмнинг субъекти асос ҳукмнинг предикатига зид, предикати эса унинг субъектига қарши ҳукм бўлади.

Бундай хулоса чиқариш қуйидаги схема билан ифодаланади:

$$\frac{S—P}{P \text{ эмас } S \text{ эмасдир}}$$

Мисол: Мактаб ўқитувчилари (S) тарбиячидирлар (P)».

«Ҳеч қачон тарбиячи бўлмаган киши (P) мактаб ўқитувчиси бўла олмайди (S)».

Бундай янги хулоса ёки янги ҳукм биринчи ҳукм предикатига икки инкор тушунча қўйилишидан келиб чиқди. Бевосита хулоса чиқаришни предикатга қарама-қарши қўйиш усулини ишлатиш пайтида қуйидаги тўрт асосий қоидани ҳисобга олиш лозим:

1. Предикатга қарама-қарши қўйиш орқали умумий тасдиқ ҳукмдан умумий инкор ҳукм келиб чиқади.

Мисол. «Ҳамма ўқитувчилар педагог (A)».

«Ҳеч қачон педагог бўлмаган киши ўқитувчи бўла олмайди (E)».

2. Предикатга қарама-қарши қўйиш орқали умумий инкор ҳукмдан жузъий тасдиқ ҳукм пайдо бўлади.

«Ҳеч бир S—P эмас. Баъзи P эмаслар S дир».

«Ҳеч бир ақлли одам (S) мунозарада бақирмайди (P)».

«Мунозарада бақирмовчи баъзи одамлар (P) ақлли (S)».

3. Предикатга қарама-қарши қўйиш орқали жузъий тасдиқ ҳукмдан ҳеч қандай хулоса чиқариб бўлмайди.

4. Жузъий инкор ҳукмдан жузъий тасдиқ ҳукм келиб чиқади. «Баъзи S—P эмас. Баъзи P эмас S дир».

Мисол: «Айрим ёшлар (S) ўқимайди (P)».

«Айрим ўқимайдиганлар (P) ёшдир (S)».

Предикатга қарама-қарши қўйишнинг моҳияти асосдан келиб чиққан ҳукмнинг янги билим беришидадир.

Биз бевосита хулоса чиқаришнинг кенг тарқалган тўрт усули билан танишиб чиқдик. Аммо, объектив воқеликни чин билишга эришиш учун воситали хулоса чиқариш бевосита хулоса чиқаришга нисбатан кўпроқ аҳамиятга эга.

МАШҚЛАР

I. Қуйидаги ҳукмлар миқдор жиҳатидан ўзгарадими? Агар ўзгарса, янги ҳукмнинг олдинги мантиқий асоси бўла оладими?

Мамлакатимизнинг ҳамма гражданлари илм олиш ҳуқуқига эга.

Баъзи гаплар фикрни ифодалайди.

Бизда ҳамма хотин-қизлар эрлар билан тенг ҳуқуқда.

Бирники мингга, мингники туманга.

Баъзи ундов гаплар фикрни ифодалайди.

II. Қуйидаги жуфт ҳукмларда иккинчи ҳукм биринчи ҳукм учун мантиқий оқибат — хулоса бўла оладими?

Ўрта Осиёнинг ҳамма дарёларида тошқин бўлиб турадн.

Ўрта Осиёнинг баъзи дарёларида тошқин бўлиб турадн.

Ўқувчилар севган ашулаларини биргалашиб ижро этадилар.

Баъзи ўқувчилар севган ашулаларини биргалашиб ижро этадилар.

III. Қуйидаги ҳукмларни алмаштиринг.

Баъзи студентлар — шоир.

Баъзи ўқувчилар спортга қизиқадилар.

Баъзи драмалар шеър билан ёзилган.

Ҳамма тинчлик тарафдори, урушни истамайди.

Ҳамма гаплардаги эга ким, нима сўроғига жавоб беради.

Баъзи студентлар тарихчи эмас.

Баъзи ўқувчилар музикани тушунишмайди.

IV. Агар имконияти бўлса, қуйидаги ҳукмларни алмаштиринг.

Навоий — буюк ўзбек шоири.

Термиз — Ўрта Осиёнинг энг қадимги шаҳарларидан бири.

Тошкент — катта шаҳар.

Улуғбекнинг астрономик жадвали математика фанининг тараққиёти учун катта ёрдам берди.

V. Қуйидаги ҳукмлар алмаштирилиши тўғрими?

Баъзи тушунчалар ҳукм предикатидир.

Ҳамма ҳукмлар предикати — тушунча.

Ҳамма студентлар — ўқувчи.

Ҳамма ўқувчилар — студент.

Мусо Хоразмий — шарқнинг буюк математиги.

Шарқнинг буюк математикларидан бири — Мусо Хоразмий.

VIII боб. ДЕДУКТИВ ХУЛОСА ЧИҚАРИШ (СИЛЛОГИЗМ)

1. Силлогизмнинг моҳияти

Дедуктив хулоса чиқариш воситали хулоса чиқаришнинг муҳим туридир. Дедуктив хулоса чиқаришнинг асосий хусусияти фикримизнинг умумийдан хусусийга, яккага қараб боришини ифодалайди. Мантиқда дедуктив хулоса чиқариш силлогизм[1] деб айтилади.

Силлогизм деб икки ёки ундан кўп асослардан янги хулоса чиқаришга айтилади. Силлогизм шунинг учун воситали хулоса чиқаришдирки, унда икки ҳукм бир-бири билан мантиқий қўшилиб, янги, учинчи ҳукм, яъни хулоса пайдо бўлади. Бундай вақтда бизнинг фикримиз кенгроқ маънодаги умумий фикрдан торроқ, хусусий фикрга ёки юқорида баён этилганидек, умумийдан якка ёки жузъий хулосага қараб боради.

Силлогизмда умумий қонун, қоидалар асосида якка ёки жузъий натижа олинади. Бошқача қилиб айтганда, силлогизм хулосаси тайёр қонун ва қоидаларни якка ёки жузъий натижалар учун ҳам дахлли қилиб кўрсатишдир. Албатта, бундай вақтда хулосанинг чин бўлиши учун асосларнинг ҳам чин бўлиши шарт. Бундан ташқари, асослар ҳам ўзаро мантиқий боғланган бўлиши лозим. Агар ҳукмлар буюмларнинг ўзаро объектив боғланишини акс эттирмасалар, уларни сунъий боғлашдан ҳеч қандай чин хулоса, яъни учинчи ҳукм чиқара олмаймиз. Масалан: «Ҳамма балиқлар сувда яшайди» ва «Иссиққўл Осиё қитъасида жойлашган» десак, бу икки ҳукмдан хулоса чиқариб бўлмайди, чунки бу икки ҳукм орасида ҳеч қандай мантиқий боғланиш йўқ.

Ҳар бир чин хулоса ўзига хос объектив асосга эга бўлмоғи лозим. Силлогизмдаги асос ҳукмларнинг ўзаро боғланиши сабаби шундаки, бу ҳукмлар орқали инъикос эттирилган нарса ва ҳодисалар объектив боғлангандир. Силлогизм йўли билан чин хулосага келиш мезони — ўлчови — инсон тажрибасидир.

Силлогизм йўли билан хулоса чиқариш қуйидаги уч асосий тарзда боради:

---

[1] Силлогизм — грекча Syllogismos сўзидан олинган бўлиб,— «ҳисоблаш», «ҳисоблаб олиш» деган маънони билдиради.

1. Энг умумийликдан кичикроқ умумийликка, хусусийликка ёки яккага қараб бориш. Масалан, XIX аср охири, XX аср бошидаги ўзбек маърифатпарвар шоирлари рус демократик маданиятига ижобий муносабатда бўлдилар. Муқимий — XIX асрнинг охири, XX аср бошида яшаб ўтган маърифатпарвар шоир. Демак, Муқимий рус демократик маданиятига ижобий муносабатда бўлди. Силлогизм шаклида ифодаланган мисолда фикр умумийдан яккага қараб бораётир, чунки биринчи асос умумий ҳукм бўлиб, хулоса — яккадир.

2. Яккадан жузъийга қараб хулоса чиқариш. Мисол:

Сув — суюқ жисм.

Сув — химик элементлардан иборат.

Демак, баъзи химик элементлардан иборат бўлган нарсалар суюқ жисмлардир.

Бундай шаклдаги дедуктив хулоса — силлогизмда биз якка асосларнинг мантиқий боғланишидан жузъий ҳукм ва хулоса ҳосил қилдик.

3. Бир умумийликка эга бўлган ҳукмдан шу умумийликка эга бўлган бошқа ҳукмга бориш. Мисол:

Ҳеч бир уруш тарафдори тинчликни истамайди. Тинчликпарвар инсонлар тинчликни истайдилар.

Демак, ҳеч бир тинчликпарвар инсон уруш тарафдори эмас.

Бундай тарздаги хулоса чиқаришда асослар ҳам, хулоса ҳам бир умумийликка эга бўлган ҳукмлардан иборат.

Мантиқий хулоса чиқаришнинг бу қоидалари инсон онгида нарсалар муносабатини инъикос эттириш натижасидир.

Силлогизмда хулоса пайдо бўлиши учун хизмат қиладиган асос ҳукмлар ўз ҳажмларига кўра кенг ёки тор бўлишлари мумкин. Одатда, хулоса чиқариш учун хизмат қиладиган биринчи асос — ҳукм иккинчи асосга нисбатан ўз ҳажми жиҳатидан кенг бўлади. Ифода этилган фикрлар исботи учун қуйидаги мисолни кўриб чиқайлик:

Барча давлат иқтисодий тараққиёт учун кураш олиб боради.

Болгария — давлат.

Болгария иқтисодий тараққиёт учун кураш олиб боради.

Мисолдаги биринчи ҳукмда иқтисодий тараққиёт учун курашув ҳамма давлат учун хос эканлиги баён

этилмоқда. Иккинчи ҳукмда давлатлардан бири Болгария эканлиги ифодаланмоқда. Хулоса эса шу синфнинг вакили бўлган Болгария учун синф белгиси — иқтисодий тараққиёт учун кураш хос деб якун ясалмоқда. Мисолдаги биринчи ҳукмнинг катта асос дейилишининг сабаби унинг иккинчи ҳукмга нисбатан ҳажми жиҳатидан кенг бўлишидир. Иккинчи ҳукм эса биринчи ҳукмга нисбатан ҳажм жиҳатидан торроқ бўлганлиги учун кичик асос деб айтилади.

Юқорида ифода этилган фикрларга таяниб, силлогизм шаклида хулоса чиқариш икки ёки ундан кўп ҳукмларнинг объектив боғланишларига таяниб учинчи янги ҳукмни вужудга келтиришдир дейиш мумкин. Силлогизмдаги мантиқий боғланадиган ҳукмлар — асослар биз учун таниш табиат, жамият ва инсон тафаккурининг умумий қонунлари ҳақида маълумот берса, силлогизм хулосаси айрим, якка ёки жузъий буюмлар ҳақида билим берувчи ҳукм бўлади.

2. Силлогизм таркиби

Ҳар бир содда силлогизмнинг таркибига икки асос, хулоса ва уч атама киради. Асослар биз учун таниш билимни ифодалаши, хулоса эса бу асосларнинг мантиқий боғланиши натижасида янги билим бериши маълум. Фикримизга далил сифатида қуйидаги уч ҳукм боғланишини қараб чиқамиз:

1. Ҳамма илмий қонунлар объективдир.
2. Материалистик диалектика қонунлари илмий.
3. Демак, материалистик диалектика қонунлари объективдир.

Мисолимиздаги учинчи янги ҳукм — «Материалистик диалектика қонунлари объективдир», биринчи ва иккинчи ҳукмларнинг мантиқий боғланиши натижасида пайдо бўлади.

Мисолдаги биринчи — «Ҳамма илмий қонунлар объективдир» ва иккинчи — «Материалистик диалектика қонунлари илмийдир» ҳукмлари силлогизм асослари, учинчи ҳукм эса силлогизм хулосасидир. Силлогизм асослари ўз ҳажмига қараб катта ва кичик қисмга бўлинади. Силлогизмда кенг ҳажмга эга бўлган ҳукм катта асос ва унга нисбатан тор ҳажмга эга бўлган ҳукм кичик асос бўлади. Келтирилган мисолдаги биринчи ҳукм шу силлогизмнинг катта асоси, иккинчи

ҳукм эса унинг кичик асоси бўлиб ҳисобланади. Одатда, катта асос предикати силлогизм хулосасининг кесими, кичик асос субъекти эса силлогизм хулосасининг эгаси бўлиш билан бир-бирларидан фарқланадилар.

Силлогизм терминлари деб, силлогизмда хулоса чиқариш учун хизмат қиладиган тушунчаларга айтилади. Ҳар бир содда силлогизм уч терминдан иборат. Одатда, силлогизм хулосасининг кесимини ифода этувчи тушунча **катта термин** деб аталади. Агар тушунча силлогизм хулосасининг субъектини ифода этса, **кичик термин** деб аталади.

Мантиқда катта ва кичик терминлар хулоса — ҳукмнинг олдинги ва охирги томонида тургани учун четдаги тушунчалар ёки терминлар деб айтилади. Агар тушунча икки асос учун умумий бўлиб, хулосада учрамаса, **ўрта термин** бўлади.

Силлогизмда тушунчалар бир-бирига нисбатан бир хил ҳажмга эга эмаслар, шунинг учун уларнинг ҳажми нисбатларига қараб уларга катта, кичик ва ўрта термин номи берилган. Одатда, катта термин «Р» ҳарфи билан — (лотинча Predicatum — кесим) кичик термин «S» ҳарфи билан (лотинча Subjektum — эга) ва ўрта термин «М» ҳарфи билан (лотинча Medius — ўрта) ифодаланади.

Юқорида келтирилган мисолимиздаги силлогизмнинг «объективдир» тушунчаси — катта термин (Р), «илмий қонунлар» тушунчаси — ўрта термин (М) ва «Материалистик диалектика қонунлари» тушунчаси — кичик термин (S) бўлади.

Ўрта термин (М) силлогизм шаклида хулоса чиқариш учун катта аҳамиятга эга, усиз катта ва кичик асослар орасида мантиқий боғланишнинг бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун у силлогизмнинг муҳим белгиси ҳисобланади. Ўрта термин буюмлар орасидаги объектив муносабатларни акс эттиради. Унда буюмларнинг айрим хусусиятларини буюмлар жинси — гуруҳига хос ёки хос эмаслиги ифодаланади. Ўрта термин силлогизмдаги икки асос муносабатини аниқлаб, янги ҳукм, янги билим келиб чиқиши учун хизмат қилади. Ўрта термин бир жинсдаги буюмлар орасида қисман айнанлик ва тафовутни аниқлашга хизмат қилади.

Баён этилган мулоҳазалар асосида ҳар бир силлогизм мазмунини икки асос, бир хулоса ва уч тушунча, яъни термин ташкил этади, деган якунга келамиз.

3. Силлогизм аксиомаси

Силлогизм аксиомаси силлогизм моҳиятининг ички қонуниятини очиб беради. У силлогизмнинг пайдо бўлишини қуйидагича тушунтиради: даставвал аниқ бир ҳукмда янги ҳукм (хулоса) чиқариш вазифаси қўйилади. Бу жараён асосида эса бизнинг кундалик тажрибамизда кўп учрайдиган нарсалар ва ҳодисаларнинг энг оддий муносабатлари: яккаларнинг хусусийлик билан, хусусийликнинг умумийлик билан ўзаро мантиқий боғланиши туради. Силлогизмда бундай муносабатлар, М ва Р терминлари орқали ифодаланади. Масалан, агар S—M га итоат этувчи тушунча бўлса, М эса ўз навбатида Р га итоат этса, бундай муносабат S—P га итоат этувчи бўлади, деган хулосага олиб келади.

Силлогизм терминларининг бундай муносабати тасдиқловчи ҳукмлар шаклида кўринади. Агар силлогизм шакли инкор этувчи бўлса, унда терминлар муносабати қуйидагича ифодаланади: S—M га итоат этмайди, M—P га итоат этмайди. Демак, S—P га итоат этмайди, деган хулоса келиб чиқади.

Силлогизмда бундай хулоса терминларнинг ўзаро ҳажм муносабати асосида пайдо бўлади. Бундан ташқари, силлогизмдаги тушунчалар мазмунига, яъни буюмларнинг муҳим белгиларига асосланиб, терминлар муносабатини аниқлаш мумкин. Агар бир жинсдаги буюмларга хос белги аниқланса, у белги, албатта, шу жинсдаги айрим буюмда ҳам бўлади. Аксинча, бир жинсдаги буюмда муҳим белги йўқлиги исбот қилинса, шу жинс таркибига кирувчи бошқа буюмларда ҳам бу белги бўлмайди, деган хулосага келамиз. Масалан, инсон ишлаб чиқариш қуролларини яратиш ва меҳнат қилиш қобилиятига эга деймиз. Инсонга хос бўлган бу муҳим белги айрим шахсларга ҳам хос. Аксинча, бу муҳим хислат ҳайвонотга хос белги эмас. Демак, маълум конкрет ҳайвон ва унинг бирор турига ҳам бундай хислат хос эмас.

Мантиқда буюмлар жинси ва бу жинсга кирувчи айрим буюмлар муносабати қуйидаги аксиома шаклида ифодаланади: **нимаики буюмларнинг айрим жинслари учун тасдиқланса ёки инкор этилса, бу тасдиқ ёки инкор шу жинс ичига кирувчи барча буюмларга ҳам таалуқли бўлади.**

Тушунчалар ҳажми бўйича силлогизмдаги аксиомавий муносабат учун юқорида мисол келтирилган эди. Энди мазмун бўйича силлогизм аксиомалари муносабатини ифодаловчи тасдиқ ва инкор хулосаларни кўриб чиқамиз:

а) Ҳамма олимлар миллий маданиятнинг ҳар томонлама гуллаб-яшнашига тарафдор.

Султон Умаров олимдир.

Демак, Султон Умаров миллий маданиятнинг ҳар томонлама гуллаб-яшнашига тарафдор.

б) Чинор — дарахт.

Дарахтлар — бир йиллик ўсимлик эмас.

Чинор — бир йиллик ўсимлик эмас.

Биринчи силлогизмда катта асос ҳамма олимларга хос бўлган умумий белгини — миллий маданиятнинг ҳар томонлама гуллаб-яшнаши тарафдори эканлигини ифодалайди. Бундаги кичик асос эса Султон Умаровнинг олимлар гуруҳидан эканини билдиради. Хулоса шу умумий белги унга ҳам тааллуқли эканидан дарак беради.

Силлогизмда ҳукмларнинг бундай мантиқий боғланишда бўлиши айрим жинсдаги буюмларнинг оддий муносабатларини ифодалайди. Ҳақиқатан ҳам олим (М) тушунчаси миллий маданиятнинг ҳар томонлама гуллаб-яшнаши тарафдори (Р) тушунчаси ҳажмига, Султон Умаров (S) тушунчаси эса олим тушунчаси ҳажмига киради.

Хулоса. Султон Умаров (S) тушунчаси миллий маданиятнинг ҳар томонлама гуллаб-яшнаши тарафдорлари қаторига (Р) киришидан дарак беради. Силлогизмда уч термин — тушунчанинг (S, М ва Р) муносабати график шаклда (19-расмдагидек) ифодаланади.



19-расм.



20-расм.

Иккинчи мисол—силлогизм терминлари орасидаги муносабатни инкор тарзда ифодалайди. Бунда катта асос чинорга дарахтлик белгиси хослиги тасдиқланиб, кичик асос эса дарахтнинг бир йиллик ўсимликлар синфига алоқадор эмаслиги ҳақида маълумот беради. Хулосада чинорнинг ҳам бир йиллик ўсимлик қаторига кирмаслиги ҳақида фикр боради. Шунинг учун иккинчи силлогизмда терминлар орасидаги муносабат қуйидагича ифодаланади: чинор (S) дарахт (M) ҳажмига киришлиги, дарахт (M) эса бир йиллик ўсимликлар (P) ҳажмига кирмаслиги, шундай бўлгач, хулоса чинор (S) бир йиллик ўсимликлар жинсидан (P) эмаслиги ҳақида дарак беради. Инкор шаклида ифода этилган терминлар муносабати аксиоматик силлогизмда қуйидаги график шаклда (20-расмга қаралсин) ифодаланган.

Иккинчи шаклда ифода этилган силлогистик хулоса ундаги терминларнинг ҳажми бўйича муносабатларни инъикос эттиргандир. Аммо бундан бошқа силлогизм терминларининг мазмунига қараб ҳам улар орасидаги муносабатларни белгилай оламиз. Аксиоматик силлогизмнинг мазмуний муносабати мантиқда қуйидагича изоҳланади: белгининг белгига ўхшашлиги шу белгининг бир синфдаги буюмга хос эканлигидан дарак беради. Агар буюмда зиддиятлик бўлса, унда уларнинг белгиларида ҳам зиддиятлик бўлади, деган хулоса чиқади. Бундай изоҳлашнинг аҳамияти нимада? Бундай изоҳлаш буюмларга хос белги борлигини ва бу белгининг конкрет буюмга ҳам тааллуқли эканлигини аниқлаб, улардаги икки айрим белги муносабатини ифодалайди. Фикримиз исботи учун қуйидаги силлогизмларни кўриб чиқайлик:

Ҳамма планеталар ҳаракатда.

Марс — планета.

Демак, Марс ҳаракатда.

Бундай силлогистик шаклдаги хулоса мазмунини анализ қилганда қуйидагилар аниқланади: планета белгиси билан ҳаракат белгиси, Марс белгиси планета белгиси билан, демак, Марс белгиси ҳам ҳаракат белгиси билан ёки белги белги билан мантиқий боғлангандир.

Энди инкор хулосага эга бўлган силлогизм шаклини кўриб чиқамиз.

Барча планеталар ер атрофида ҳаракат қилади.

Сириус юлдузи планета эмас.

Демак, Сириус юлдузи ер атрофида ҳаракат қилмайди.

Келтирилган мисолдан планеталарга Ер атрофида ҳаракат қилиш хос хусусият экани очиқ кўринмоқда. Аммо шу билан бирга Сириус юлдузига планета бўлиш хос эмаслиги аниқ ва равшан бўлмоқда. Шундай бўлгач Сириусга Ер атрофида ҳаракат этиш хусусияти хос бўлмагани муқаррардир.

Аксиоматик шаклдаги силлогизмларда фикр шакли ва мазмуни ўзаро узлуксиз объектив боғланган бир бутуннинг айрим томонларини ифодалайди. Шу билан бирга улар бир-бирларидан фарқланадилар.

Аксиоматик силлогизм шаклининг объектив асоси умумийлик (жинс), хусусийлик (тур) ва яккалик ёки жузъийлик муносабатини, мазмунан эса белги ва буюм муносабатларини ифодалайди. Бундан, биринчидан, ҳамма умумийликларга хусусийлик, якка ва жузъийлик хос ва ҳар бир хусусийлик, яккалик ҳамда жузъийлик умумийлик хислатига ҳам эга бўлади, деган хулосага келамиз. Иккинчидан, буюм ва белги ҳам ўзаро узвий боғланишда, агар буюмлар жинси айрим хос белгига эга бўлса, албатта, бу белги шу жинсдаги ҳамма буюмларга ҳам хос бўлади, деган хулосага келамиз. Шу билан бирга, умумийлик, якка ва жузъийлик буюм ва унинг белгиси билан ҳам узвий боғланишдадир. Агар умумийлик, хусусийлик, якка ва жузъийлик муносабати буюмнинг томонини характерласа, буюм ва белги муносабати уни сифат жиҳатдан характерлайди. Ифода этилган фикрлардан миқдорсиз сифат ва сифатсиз миқдор бўлиши мумкин эмас: булар ўзаро ажралмасдир деган хулосага келамиз.

4. Силлогизм қоидалари

Силлогизм қоидаларининг асоси силлогизм аксиомасидир. Силлогизм қоидалари силлогизмдаги терминлар ва ҳукмлар таркибига қараб группаларга бўлинади.

Силлогизм қоидалари силлогизм аксиомаси асосида силлогизм терминларининг ҳажмларига қараб буюмларнинг бир-бирига нисбатан тўлиқ ёки қисман мослиги ёки мос эмаслигини, уларнинг сиғишадиган ёки сиғишмайдиганлигини ифодалайди.

Бунда ўрта терминнинг мазмун ва ҳажмига қараб тутган роли муҳим роль ўйнайди.

Силлогизмлар ундаги терминлар муносабатига кўра уч қоидага эгадир.

1. Ҳар бир тўғри тузилган силлогизм уч терминдан иборат бўлмоғи лозим. Агар фикр икки ҳукм ёки икки терминдан иборат бўлса, у силлогизм бўла олмайди. Бундай вақтда икки термин икки асосда такрорланади. Хулосада ҳам шу терминлардан бири такрорланиши зарур бўлиб қолади. Унда икки терминли мулоҳаза схемаси қуйидагича бўлар эди:

$$\begin{array}{c} S—M \\ M—M \\ \hline S—M \end{array}$$

Ўрта терминнинг катта ва кичик терминлар учун хизмати бизга силлогизм таркиби деган қисмдан маълум. Баён этилган схемадаги камчилик шундан иборат: биринчидан, икки асосда фақат икки термин (S ва M) ифодаланган. Иккинчидан, катта термин (P) ифодаланмаган. Учинчидан, кичик асосда фақат бир термин (M—M) муносабати бир хил ҳажмда кўрсатилган. Демак, схемада икки термин (S ва M) бўлган ва учинчи термин (P) бўлмагани учун бундан силлогизм аксиомаси асосида хулоса чиқариш мумкин эмас.

2. Агар силлогизм тўрт терминдан иборат бўлса, бу пайтда ундан хулоса чиқариш мумкин эмас. Тўрт терминли ҳукмлардан фақат мантиқсиз хулоса чиқади. Тўрт терминли силлогизмнинг хато натижали бўлиши ундаги катта ва кичик асосда турли маъноли бўлиб келувчи ўрта терминни бир маъноли деб тушунишдир. Бу тарзда тузилган мулоҳаза икки четдаги терминларнинг (S ва P) ўрта терминга (M) бўлган муносабатини аниқлай олмайди. Масалан, агар биз: материя (M), абадий (P), атлас (S) — материя (M) десак, бундан атлас абадий деган мантиқсиз хулоса чиқади. Бундай хато ва мантиқсиз хулоса сабаби унда ўрта терминнинг, яъни «материя» тушунчасининг икки маънода қўлланилишидир. Биринчи ҳукмда «материя» ўрта термин (M) фалсафий маънода, иккинчи ҳукмда «материя» турмуш учун керакли буюм маъносида ишлатилмоқда.

Бундай хато мантиқ илмида терминларни тўртлаштириб юбориш дейилади. Чунки ўрта термин деб ҳи-

собланган «материя» термини ҳақиқатда икки маънода келиб, ўзининг ўрта, яъни боғловчи терминлик вазифасини ўтай олмаётир. Демак, ҳар қандай силлогизмда уч термин бўлиши зарур, деган қоида ўрта терминсиз силлогизмнинг вужудга кела олмаслигини таъкидлайди. Бу қоида мантиқнинг айният қонунини, яъни маълум муҳокамада ҳар бир тушунча бир хил маънода ишлатилиши зарур деган қонуннинг силлогизмда ифодаланишини кўрсатади.

Ўрта термин (М) ҳеч бўлмаганда бирор асос ҳукмда бўлинган бўлмоғи зарур. Мисолга мурожаат этайлик:

XIX аср охири, XX аср бошида Туркистонда яшаган ҳамма илғор шоирлар (М) — демократдирлар (Р).

Фурқат (S) — XIX аср охири ва XX аср бошида Туркистонда яшаган илғор шоир (М).

Фурқат (S) — демократдир (Р).

Мисолдаги якка ҳукмда ўрта термин (илғор шоир), бўлинмаган умумий ҳукмда эса у бўлингандир. Ўрта терминнинг якка ҳукмда бўлинмаганлигининг асосий сабаби унинг тўла ҳажмда фикрланмаслигидир. Агар умумий тасдиқ ҳукмни (ҳамма илғор шоирлар — демократдирлар) жузъий тасдиқ ҳукм (XIX аср охири, XX аср бошида Туркистонда яшаган баъзи илғор шоирлар демократ)га айлантирсак, биринчидан, бу нотўғри, иккинчидан, бунда илғор шоир тушунчаси олдинги ҳукмдагидай тўла ҳажмда тушунилмай, балки унинг айрим қисми баъзи прогрессив шоирлар ҳажмида тушунилади. Натижада, хулоса прогрессив шоирларнинг қайси қисми демократларга мансублиги номаълум бўлиб қолар эди.

Силлогизмда юқорида келтирилган қоидаларга биноан терминлар муносабати қуйидагича ифодаланади (19- расмга қаралсин).

Агар ўрта термин асос ҳукмнинг ҳар иккисида ҳам бўлинмаган бўлса, у ҳолда биринчи асосда ўрта термин (М) нинг бир қисми, иккинчи ҳукмда ўрта терминнинг иккинчи қисми ҳақида фикр юритилиши мумкин. Натижада ўрта термин ўзининг боғловчилик функциясини йўқотади ва бунда тўлиқ бирор хулосага келиш мумкин бўлмай қолади.

Масалан:

Бизнинг оиламиз аъзоларининг ҳаммаси — олий маълумотли.

Қодиров — олий маълумотли.

Бу ҳолда Қодиров оиламиз аъзоси деган хулоса чиқариб бўлмайди. Чунки у бошқа оиладан ҳам бўлиши мумкин. Бу мисолда ўрта термин ҳар иккала асосда ҳукмда ҳам тўла ҳажмда олинмаган, яъни бўлинмаган, биринчи асос ҳукмда ҳам олий маълумотлилар (М) нинг биттаси — Қодиров ҳақида боради. Асосларда ўрта терминнинг қайси қисми ҳақида гап бораётганлиги аниқ кўрсатиб берилмаган, натижада хулоса ҳам ноаниқ, мужмал.

3. Агар силлогизмнинг икки термини (*S* ва Р) катта ва кичик асосларда бўлинмаган бўлса, хулосада ҳам бўлинмаган бўлади ёки аксинча, агар термин асосларда бўлинмаган бўлса, хулосада бўлинган бўлиши, турли ҳажмда келиши мумкин эмас.

Ифода этилган қоида моҳиятининг бузилишини қуйидаги мисол орқали кўриб чиқиш мумкин:

Ҳамма фанлар (М) воқеликни (Р) акс эттиради.

Санъат (S) фан (М) эмас.

Демак, санъат (S) воқеликни (Р) акс эттирмайди.

Мисолдаги силлогизмнинг хулосаси хатодир. Бундай хатонинг содир бўлишига асосий сабаб, биринчи асосда, яъни умумий тасдиқловчи ҳукмда предикат (воқеликни акс эттиради) тўлиқ ҳажмда олинмаган, хулосада эса инкор этувчи ҳукмда предикат (воқеликни акс эттирмайди) тўлиқ ҳажмда олинган. Шунинг учун бу мисолдаги терминлар муносабатини қуйидагича ифодалаймиз (21-расмга қаралсин).



21-расм.

Силлогизм қоидалари ундаги ҳукмлар муносабатига кўра қуйидагича бўлади:

1. Силлогизм хулосаси тўғри бўлиши учун унинг катта ва кичик асосларидаги ҳукмлар албатта тўғри бўлиши шарт. Бу қоида силлогизмдаги асосий ҳукмларнинг мазмунига оиддир.

2. Икки инкор этувчи ҳукмдан умуман хулоса чиқариш мумкин эмас. Агар силлогизмда ифода этилган қоида талаби бузилса, унда ўрта термин (М) орқали S—Р терминларининг муносабатини аниқлаш тартиби бузилади. Мисол:

Ҳеч бир квадрат (М) айланма (Р) эмас.



22-расм.

Учбурчак (S) квадрат (M) эмас.

Бу икки ҳукмдан биз ҳеч вақт учбурчак квадрат эмас, у айланма деган хулоса чиқара олмаймиз, чунки учбурчак реалликда квадрат ҳам, айланма ҳам эмасдир. Икки инкор ҳукмдан хулоса чиқариш мумкин эмаслигининг асосий сабаби S ва P терминларининг ўрта терминдан ажралганлигидир. Шунинг учун силлогизм хулосасида ҳам S ва P терминлари аниқ бир муносабатда бўла олмайдилар. Шунда унинг расми қуйидагича бўлади (22- расмга қаралсин).

3. Икки тасдиқ ҳукмдан инкор хулоса чиқариш мумкин эмас. Бундай ҳолатда хулоса ҳамма вақт ёки умумий тасдиқ. ёки умумий инкор бўлади.

Мисол: Ҳамма фанлар ўзига хос илмий категорияларга эга.

Тилшунослик — фан.

Демак, тилшунослик ҳам илмий категорияларга эга. Бу мисолдаги ўзаро мантиқий боғланган икки ҳукмдан тасдиқ хулоса чиқариш зарурияти пайдо бўлади. Чунки ҳамма фанларга хос бўлган хусусият — илмий категориялар (тилшунослик фан бўлгани сабабли) унда ҳам бор эканлиги аниқланди. Агар бизнинг хулосамиз инкор ҳукм бўлганда эди, унда биз мантиқий хатога йўл қўйган бўлар эдик.

4. Агар силлогизмдаги асосларнинг бири инкор ҳукм бўлса, унда хулоса ҳам инкор бўлади. Мисол:

Ҳеч бир студент (M) маданиятсиз (P) бўлмаслиги лозим.

Даврон (S) — студент (M).

Демак, Даврон (S) — маданиятсиз (P) бўлмаслиги лозим.

Мисолдаги катта асос предикати, яъни маданиятсиз

бўлмаслик (P) хусусияти ҳеч бир студент (M) га хос эмаслигини, кичик асос, яъни Даврон (S) студент (M) эканлигини аниқлайди ва хулоса унда ҳам шу хислат бўлмаслиги кераклигини инкор ҳукм орқали ифодалайди. Бундай силлогизмларда инкор асос мавжудлиги ўрта термин (M) нинг четдаги терминлар (S ёки P) нинг бири билан боғланмаганлигини ва ҳеч қандай муносабатга кирмаганлигини ифодалайди. Катта (P) ва кичик (S) терминлар, яъни чекка терминлар ўрта термин (M) орқалигина муносабатга кириши мумкинлиги сабабли, натижада чекка терминларнинг ҳам боғланмаганлиги ҳақида хулоса чиқади.

5. Агар силлогизмда асосларнинг бири жузъий ҳукм бўлса, унда хулоса ҳам жузъий бўлади. Мисол:

Барча балиқлар умуртқалидир.

Баъзи сувда яшовчилар — балиқлар.

Баъзи сувда яшовчилар — умуртқалидир.

Келтирилган мисол қоидага мувофиқдир. Бунда биринчи асос умумий тасдиқ, иккинчи асос жузъий тасдиқ бўлгани сабабли хулоса жузъий тасдиқдир.

Бундай силлогизм асосидаги ўрта термин чекка терминларнинг (S ва P) бири ҳажмининг маълум қисмигагина оид бўлганлиги учун, у чекка терминлар, яъни S ва P ҳажмларининг ҳам қисман алоқадор эканлигини ҳамда қисман боғланишини кўрсатади. Бунинг расми қуйидагича (23-расмга қаралсин).



23-расм.

6. Икки жузъий ҳукмдан силлогизм шаклида хулоса чиқариш мумкин эмас. Агар икки ҳукм жузъий тасдиқ (JJ) ёки бири жузъий тасдиқ (J), иккинчиси жузъий инкор (O), ёки иккаласи ҳам жузъий инкор (OO) бўлса, улардан ҳам силлогизм шаклида хулоса чиқариш мумкин эмас.

Бунинг сабаби ўрта термин (M) ўзининг боғловчилик ролини бажара олмайди, натижада силлогизмнинг четки терминлари қандай муносабатда эканлиги ноаниқ бўлиб қолади.

5. Категорик силлогизм фигуралари

Силлогизмнинг асосларида ўрта терминнинг жойлашувига қараб бир-биридан фарқланишига силлогизм фигуралари деб айтилади. Мантиқда силлогизм шаклида хулоса чиқариш тўрт асосий фигурага ажратилади.

Силлогизмнинг ҳар бир фигураси ўзига хос қоидаларга эга. Бу қоидалар чин асослардан чин хулоса чиқаришга ёрдам беради.

Силлогизмнинг биринчи фигураси ўзининг уч муҳим хусусияти билан бошқа фигуралардан фарқланади: а) ўрта термин катта асоснинг субъекти ва кичик асоснинг предикати бўлади;

б) катта асос тасдиқ ёки инкор шаклда умумий ҳукм бўлиши лозим;

в) кичик асос умумий ёки жузъий шаклда тасдиқ ҳукм бўлмоғи лозим.

Силлогизмда умумий, хусусий ва яккалик муносабатлари ҳақида: агар хусусийлик умумийликка ва яккалик хусусийликка итоат этадиган бўлса, демак, яккалик ҳам умумийликка итоат этади ёки умумийликка хусусийлик, хусусийликка яккалик хос деб уқтирилса, унда умумийликка яккалик ҳам хос деган хулоса чиқарилади. Унда силлогизм биринчи фигурасининг формуласи қуйидагича ифодаланади:



Ҳамма суверен давлатларнинг конституцияси бор.
Ўзбекистон — суверен давлатлардан бири.
Демак, Ўзбекистоннинг ҳам конституцияси бор.

Келтирилган мисолда терминлар орасидаги муносабат қуйидагича ифодаланган: ўрта термин суверен миллий республика (M) катта термин, яъни конституцияси бор (P) ҳажмига, кичик термин Ўзбекистон (S) эса ўрта термин суверен миллий республика (M) ҳажмига киргандир. Хулосада эса S нинг P ҳажмига киргани ифодаланган.

Биринчи фигура силлогизмнинг мантиқий таркибини

очиш билан бирга инсон билимини кенгайтиришга ҳам ёрдам беради. Бу фигуранинг билиш учун аҳамияти шундаки, унинг ёрдамида биз бир умумий белгининг объектга хос эканлигидан унинг якка ва жузъий объектга ҳам хос эканлигини аниқлаймиз.

Силлогизмнинг биринчи фигурасидан бирон ҳукмнинг чинлигини асослаш мақсадида фойдаланадилар.

Силлогизмнинг иккинчи фигурасида: а) ўрта термин катта ва кичик асосларнинг предикати бўлади; б) катта асос ҳамма вақт тасдиқ ёки инкор шаклда умумий бўлади; в) ҳамма вақт катта ёки кичик асосларнинг бири умумий ёки жузъий инкор ҳам бўлади. Бунда силлогизмнинг иккинчи фигурасининг формуласи қуйидагича ифодаланади:



Ҳамма мева дарахтлари ҳосил беради.

Ҳеч бир терак ҳосил бермайди.

Демак, терак мевали дарахт эмас.

Келтирилган мисолда терминлар орасидаги муносабат қуйидагича ифодаланган: ўрта термин ҳосил (M) катта ва кичик асосларда предикат вазифасини бажариб келмоқда. Иккинчи фигура айрим фикр ва мулоҳазаларни исботлаш ёки рад этишда ишлатилади. Масалан: *биров бу студент аълочи деб ҳукм қилади.* Иккинчи одам унинг бу хулосасини рад этиш мақсадида қуйидагича чин ҳолатдан фойдаланади.

Аълочи студентлар ҳамма фандан «аъло» баҳо оладилар.

Бу студент ҳамма фандан «аъло» баҳо олмади.

Демак, бу студент— аълочи студент эмас.

Силлогизмнинг учинчи фигурасида:

а) ўрта термин катта ва кичик асосларнинг субъекти, б) кичик асос умумий ёки жузъий тасдиқ, в) хулоса тасдиқ ёки инкор жузъий ҳукм бўлади.

Силлогизм учинчи фигурасининг формуласи қуйидагича ифодаланган:

Бадиий адабиёт образлар орқали фикр юритишдир.

Бадиий адабиёт инсон маданиятини юксалтирувчи қуролдир.

Демак, образлар орқали фикр юритиш инсон маданиятини юксалтирувчи қуроллардан биридир.

Келтирилган мисолда ўрта термин — бадиий адабиёт (М) икки асосда ҳам субъект вазифасини бажариб, у чин мантиқий хулоса чиқариш воситаси бўлмоқда.

Умумий мулоҳазаларни рад этишда кўпинча силлогизмнинг учинчи фигурасидан фойдаланадилар.



Силлогизмнинг тўртинчи фигурасида ўрта термин катта асоснинг предикати ва кичик асоснинг субъекти бўлади.

Силлогизмнинг тўртинчи фигураси мантиқда қуйидаги формула билан ифодаланади:



Барча китлар — сут эмизувчи. Ҳеч бир сут эмизувчи — балиқ эмас. Демак, ҳеч бир балиқ кит эмас.

Тўртинчи фигура сунъийроқ характерда бўлиб, у билим учун муҳим аҳамиятга эга эмас. Шу сабабли ҳам унинг моҳияти ҳақида юқорида баён этилган мулоҳаза билан чегараланамиз.

Умуман, силлогизм фигураларининг қоидалари силлогизмнинг умумий қоидаларига нисбатан камдир. Бу эса айрим силлогизмларнинг тўғрилигини текшириш учун катта имконият беради. Силлогизмнинг турли фигураларидан турли мақсадларни исботлаш учун фойдаланилади. Исботлаш процессида силлогизм фигурала-

ри, қоидаларидан тўғри фойдаланиш ишнинг самарали бўлиши учун ёрдам беради.

6. Силлогизм модуслари

Ҳамма силлогистик хулоса чиқаришлар аниқ модуслар орқали ифода этилади. Модус[1] силлогизм турларини ташкил этиб, у асослардаги ҳукмларнинг характерига қараб таърифланади. **Умуман силлогизмнинг асослардаги ҳукмларнинг сон ва сифат жиҳатидан фарқланадиган турига силлогизм модуслари деб айтилади.**

Ҳар бир силлогизм уч ҳукмдан ва бу ҳукмларнинг бирлашган классификацияси тўрт турдан, яъни умумий тасдиқ (А), умумий инкор (Е), жузъий тасдиқ (J) ва жузъий инкор (О) дан иборат эканлиги бизга маълумдир. Силлогизм модуслари силлогизм умумий қоидалари ва ўрта терминнинг фигураларда жойлашувига қараб ҳукмларнинг ўзаро боғланиши натижасида пайдо бўлади. Агар биз юқорида баён этилган талабга мувофиқ силлогизмнинг биринчи фигураси модусларини аниқласак, бу ҳолда у қуйидаги тарзда намоён бўлади: АА ЕА, Аj, Еj. Аммо булар ҳозирча фақат икки ҳукм ёки силлогизмнинг икки асоси бўлибгина қоладилар. Галдаги вазифа бу икки асоснинг мантиқий боғланишидан келиб чиқадиган хулоса, яъни учинчи ҳукмни аниқлашдир.

Демак, биринчи фигурадаги тўғри хулоса чиқаришнинг тузилишини, унинг асослари ва хулосасидаги ҳукмларнинг сифат ва сон жиҳатдан бирикув хислатларини аниқласак, унда ААА, ЕАЕ, АJJ, ЕjО модуслари юзага келади, шу модуслар ёрдамидагина тўғри хулоса олиш мумкин. Силлогизмнинг тўрт фигураси бўйича тўрт турли, А, Е, J, О ҳукмларини турлича қўшиб чиқиш 64 вариантни вужудга келтиради. Лекин бу вариантнинг ҳаммаси ҳам тўғри хулоса беравермайди. Масалан, ЕЕ, ОО, jО каби асослардан силлогизм қоидасига биноан ҳеч қандай хулоса чиқмайди. Силлогизмнинг юқорида кўриб ўтган қоидаларига биноан бу вариантларни текшириб чиқилганда, тўрт фигура бўйича фақат 19 вариант тўғри хулоса бериши мумкинлиги аниқланган. Бу 19 вариант ёки модус тўрт фигурада турлича тақсимланади.

---

[1] Модус — лотинча «Modius» сўзи — ўлчов, тур, қоида маъносини билдиради.

I. Фигура 4 модусга эга: AAA, EAE, Ajj, EjO;

II. Фигура 4 модусга эга: EAE, AEE, AjO, AOO.

III. Фигура 6 модусга эга: AAj, jAj, Ajj, EAO, OAO, EIO.

IV. Фигура 5 модусга эга: AAJ, AEE, JAJ, EAO, EJO.

Ҳар бир фигура модуслари ўзига хос хусусият ва қоидалар билан характерланади. Бу ҳақда кейинроқ батафсил тўхталиб ўтамиз.

Силлогизмнинг биринчи фигурасида ифодаланган модусларни конкрет мисоллар билан кўриб чиқамиз.

Биринчи модус AAA[1].

Ҳамма табиий ҳодисалар материянинг махсус шаклидир.

Кимёвий элементлар табиий ҳодисалардир.

Демак, химиявий элементлар материянинг махсус шаклидир.

Бу ўринда ифода этилган силлогизм модусининг катта ва кичик асоси ҳамда хулосаси умумий тасдиқловчи ҳукм бўлмоқда.

Шунинг учун силлогизм биринчи фигурасининг биринчи модуси қуйидаги схема билан ифодаланади:

А. ҳамма М—Р дир.
А. ҳамма S—М дир.
А. демак, S—Р дир.

Иккинчи модус: EAE

Ҳеч бир планета ўзича мустақил нурга эга эмас.

Марс — планета.

Демак, Марс ўзича мустақил нурга эга эмас. Келтирилган мисолнинг модуси қуйидагича:

Е. Ҳеч бир М—Р эмас.
А. S—М дир.
Е. Ҳеч бир S—Р эмас.

Барча металлар электр токини ўтказувчи.

Баъзи қаттиқ жисмлар металлдир.

Баъзи қаттиқ жисмлар электр токини ўтказувчи.

Ифода этилган силлогизм модус схемаси қуйидагича:

А. ҳамма М—Р

---

[1] Мантиқда силлогизмдаги катта, кичик асос ва хулоса лотин алифбесининг унли ҳарфлари билан ифодаланади.

J. баъзи S—M
J. баъзи S—P.

Тўртинчи модус: EOJ.

Ҳеч бир бола мактабдан четда қолмасин.

Қўчамиздагиларнинг баъзиси болалар.

Демак, кўчамиздагиларнинг баъзиси мактабдан четда қолмасин.

Мисолнинг силлогистик схемаси қуйидагича:

E. Ҳеч бир M—P эмас.
J. баъзи S—M дир.
O. баъзи S—P эмас.

Силлогизмнинг тўртинчи модуси учун келтирилган мисоллар ҳукмларнинг сон ва сифат жиҳатдан бир-биридан ажралиши билан фарқ қилади. Бу фарқ эса силлогизм модусларининг специфик хусусиятларини очиб беради.

Силлогизм биринчи фигураси модусларининг специфик хусусияти шундан иборатки, катта асос умумий (A, E), кичик асос (A, J) тасдиқловчи ҳукмдан иборат тўрт турли ҳукм (A, E, J, O) нинг ҳар бири тўрт модуснинг барисида хулоса бўлиб келади.

Силлогизмнинг иккинчи фигурасида ифодаланган модусларга мисол келтирамиз.

Биринчи модус. EAE.

Ҳеч қандай босқинчилик уруши адолатли уруш эмас.

Халқларимизнинг фашист Германиясига қарши уруши адолатли урушдир.

Демак, халқларимизнинг фашист Германиясига қарши уруши босқинчилик уруши эмас.

Бунинг схемаси

Ҳеч бир P—M эмас.
S—M дир.
Ҳеч бир S—P эмас.

Бунда асослар ҳам, хулоса ҳам умумий ҳукмдан иборат.

Иккинчи модус AEE.

Ҳар қандай содда қатъий силлогизм уч терминга эга.

Мазкур хулосалаш уч терминга эга эмас.

Демак, мазкур хулосалаш содда қатъий силлогизм эмасдир.

Схемаси: P—M.
S—M эмас.
S—P эмас.

Бу хулосалашнинг асослари ҳам, хулосаси ҳам умумий ҳукмдан иборатдир.

Учинчи модус ЕЈО.

Ҳеч бир адолатли уруш босқинчилик уруши эмас.
Баъзи уруш — босқинчилик урушидир.
Демак, баъзи уруш адолатли уруш эмас.
Схемаси:

P—M эмас.
Баъзи S—M дир.
Баъзи S—P эмас.

Тўртинчи модус АОО.

Барча металлар электр токи ўтказади.
Баъзи жисмлар электр токи ўтказмайди.
Демак, баъзи жисмлар металл эмас.

Схемаси P—M.
Баъзи S—M эмас.
Баъзи S—P эмас.

Бу мисолда бир асос ва хулоса жузъийдир.

Энди силлогизмнинг учинчи фигурасидаги модусларга бир неча мисоллар ва уларнинг умумий схемасини келтирамиз:

1. Барча руҳонийлар (M) — динга ишонади (P)	MAP
Барча руҳонийлар (M) — инсонлар (S)	MAS
Демак, баъзи инсонлар (S) — динга ишонади (P).	SJP
2. Баъзи партиялар деҳқонларнинг манфаатини ифодалайди.	MJP
Барча партиялар сиёсий ташкилотдир.	MAP
Демак, баъзи сиёсий ташкилотлар деҳқонлар манфаатини ифодалайди.	SJP
3. Барча прокурорлар (M) — юристдир (P).	MAP
Барча прокурорлар (M) — шахматчи.	MJS
Баъзи шахматчилар (S) — юристдир (P).	SJP
4. Ҳеч бир қуш (M) — чивин (P) эмас.	MEP
Барча қушларнинг (M) қаноти (S) бор.	MAS

Баъзи қанотлилар (S) чивин (P) эмас.	SOP
5. Баъзи медиклар волейбол ўйнамайди.	
Барча медиклар ўз ҳунарининг мутахассиси.	MOP MAS
Баъзи ўз ҳунарининг мутахассиси бўлганлар волейбол ўйнамайди.	SOP
6. Ҳеч қандай карам дарахт эмас.	MEP
Барча карамлар — ўсимликдир.	MAS
Демак, баъзи ўсимликлар дарахт эмас.	SOP

Силлогизмнинг тўртинчи фигурасининг модусларига мисол ва умумий схемаларини келтирамиз.

1. Барча квадратлар — параллелограммдир.	PAM
Барча параллелограммлар — тўртбурчакдир.	MAS
Баъзи тўртбурчаклар квадратдир.	SJP
2. Барча дарахтлар ўсимлик.	PAM
Ҳеч бир ўсимлик сувсиз яшай олмайди.	MES
Демак, ҳеч бир дарахт сувсиз яшай олмайди.	SEP
3. Баъзи ишчилар — Улуғ Ватан уруши иштирокчиси.	PJM
Барча Улуғ Ватан уруши иштирокчилари имтиёзга эга.	MAS
Демак, баъзи имтиёзлилар ишчилардир.	SJP
4. Ҳеч бир аспирант студент эмас. Барча студентлар экзамен топшириши зарур.	PEM MAS
Баъзи имтиҳон топшириши зарур бўлганлар аспирант эмас.	SOP
5. Ҳеч бир қуш сут эмизувчи эмас.	
Баъзи сут эмизувчилар тоғда ҳаёт кечиради.	PEM
Баъзи тоғда ҳаёт кечирувчилар қушлар эмас.	MJS SOP

Категорик силлогизм фигураси ва модусларининг умумий характеристикаси қуйидагича:

Биринчи фигура модуслари, юқорида қайд қилинганидек, қуйидагича умумий хислатларга эга: 1) катта асос ҳар доим умумий ҳукмдан ташкил топади; 2) кичик асос эса ҳар доим тасдиқ ҳукмдан иборат; 3) тўрт хил ҳукмнинг (A E J O) ҳар бири биринчи фигурадаги тўрт модуснинг бирортасида хулоса бўлиб келади.

Фан қонунлари асосан умумий тасдиқ (А) ҳукмлари орқали ифодаланганлигини биз юқоридаги мисоллардан кўриб турибмиз. Лекин, А ҳукми фақат биринчи фигурадагина хулоса шаклида келяпти, бошқа фигураларда эса А ҳукмидаги хулоса учрамайди. Шунинг учун ҳам биринчи фигурадаги хулосалаш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу фигура модусларининг аҳамияти эса шундаки, улар ёрдамида силлогизм аксиомасидаги умумийлик ва жузъийлик ҳамда яккалик муносабати жуда ёрқин ва соф ҳолда ифодаланади.

Иккинчи фигура модусларида 1) катта асос умумий ҳукм; 2) асослардан бири инкор ва натижада хулоса ҳам инкор ҳукмдан иборатдир.

Бу фигура модуслари хато, нотўғри бўйсуниш муносабатларини инкор этиш жараёнини ўзида ифодалайди.

Учинчи фигура модусларида кичик асоснинг тасдиқ ҳукмдан, хулосанинг эса жузъий ҳукмдан ташкил топганлиги кўзга ташланади. Бу фигура умумий қоидадан истисно бўлиши мумкинлигини исботлаш учун фойдаланилади.

Тўртинчи фигура модуслари қуйидагича хислатларга эга: 1) агар катта асос тасдиқ ҳукмдан иборат бўлса, кичик асос умумҳукм бўлади; 2) агар асослардан бири инкор ҳукм бўлса, катта асос умумий ҳукмдан ташкил топади.

Аристотель ўз асарларида фақат аввалги уч фигурани кўриб чиқди, тўртинчи фигура устида у тўхтамаган. Силлогизмнинг тўртинчи фигураси қадимги Грециянинг атоқли мантиқчиси ва тиббиётчиси Клавдий Гален (130—200) асарларида кўрсатиб ва характерлаб берилди. Кўп мантиқчилар тўртинчи фигура сунъий, тафаккур учун аҳамиятсиз деб даъво қиладилар. Лекин бу фигура бўйича хулосалаш амалиётда учраб туради ва у силлогизм назариясини тўлиқ ўрганиш учун ҳам зарурдир.

Мантиқда хулоса чиқаришни қулайлаштириш ва силлогизм аксиомасининг талабларига мослаштириш учун II, III, IV фигура модусларини 1-фигура модусларига ўтказишдан фойдаланилади. Чунки биринчи фигура хулосанинг ҳар тўрт шакли А, Е, J, О ҳукмларини ўз ичига олади. Бу процесс турли мантиқий операциялар: асосидаги ҳукмлар субъект-предикатини айлантириш ва алмаштириш, асосларнинг ўрнини алмаштириш ёрдамида амалга оширилади.

Умуман, биринчи фигура бўйича хулоса чиқариш тафаккур жараёнида кенг учрайди ва ҳақиқатан ҳам бу фигуранинг имкониятлари бошқаларига қараганда анча кенгдир.

7. Силлогизм турлари

Силлогизм асослари учун хизмат қиладиган ҳукмлар ҳар хил бўлади. Биз юқорида ҳар икки асоси ва хулосаси қатъий ҳукмлардан ташкил топган силлогизм устида кенг тўхталиб ўтдик. Бу силлогизмлар мантиқда қатъий силлогизм деб юритилади. Уларда фикр аниқ ва равшан. Улар ҳеч қандай шарт-шароит ёки ноаниқлик билан боғлиқ эмас.

Лекин тафаккур тажрибасида силлогизмнинг бошқа турлари ҳам кенг қўлланилади ва мантиқда уларнинг кўриниши, маълум қонун-қоидалари аниқлангандир.

Хусусан, категорик силлогизмлардан ташқари силлогизмлар яна икки турга эга, яъни улар шартли ва бўлинган силлогизмлар номи билан ҳам юритилади.

а) Шартли силлогизмлар.

Асосларнинг бири ёки ҳар иккиси шартли ҳукмдан ташкил топган силлогизмлар шартли силлогизмлар деб айтилади. Шартли силлогизмнинг ўзи ҳам икки хил бўлади: шартли-қатъий ва соф шартли силлогизм.

1. Шартли-қатъий силлогизм.

Асосларидан бири шартли, иккинчиси қатъий ҳукмдан ташкил топган хулоса чиқариш шартли қатъий силлогизм деб айтилади. Қуйидаги мисолни олиб кўрайлик:

Агар осмонни булут қопласа, ой кўринмайди.

Осмонни булут қоплади.

Ой кўринмаётир.

Бунда биринчи асос икки қисмдан иборат, биринчи қисми шартни, иккинчи қисми ундан келиб чиқувчи натижани билдиради. Яъни, бу силлогизм асосидаги шартли ҳукмда асос ва оқибат муносабати ифодаланган. Кичик асос қатъий ҳукм шаклида ифодаланиб, у ё асосни, ёки асоснинг тўғри эмаслигини, ёки оқибатнинг чинлигини ифодалайди. Шартли-қатъий силлогизмнинг икки чин хулоса берувчи модуси мавжуд. Тасдиқловчи (модус ponens ёки конструктив модус) ва инкор этувчи модус (tollens ёки деструктив модус) бўлиши ҳисобга олинади.

Тасдиқ шаклидаги шартли-қатъий силлогизм схемаси қуйидагича бўлади:

Агар А—В бўлса, унда С—Д
А—В
———————————
Демак, С—Д

Мисол: Агар ёмғир ёғса, ер нам бўлади.
Ёмғир ёғаётир.
Демак, ер нам бўлаётир.

Тасдиқ шаклдаги шартли-қатъий силлогизмда асоснинг чинлиги унда оқибатнинг ҳам чин бўлишига олиб келади, деган хулосага келамиз.

Инкор шаклдаги шартли-қатъий силлогизм схемаси қуйидагича бўлади:

Агар А—В бўлса, унда С—Д
С—Д эмас.
———————————
Демак, А—В эмас.

Мисол: Агар модда H_2O бирикмасидан иборат бўлса, у сув бўлади.

Бу модда сув эмас.

Демак, бу модда H_2O бирикмасига эга эмас.

Ифода этилган мисоллардан шартли-қатъий силлогизмнинг икки асосий шаклга (тасдиқ ва инкор) эга эканлиги аниқланди. Шунга кўра шартли-қатъий силлогизм шаклидаги хулоса асосни тасдиқлаш орқали оқибатни тасдиқлашга ва оқибатни инкор этиш орқали асосни инкор этишга боради. Аммо бундай ҳолда оқибат чинлигидан асос чинлиги, шунингдек сабабнинг ёлғонлигидан оқибатнинг ёлғонлиги келиб чиқади, деган хулосага келиш хатодир.

Масалан: Агар бирор рақам 10 га бўлинадиган бўлса, унда у 5 га ҳам бўлинади.

Бу рақам 10 га бўлинмайди.

Демак, бу рақам 5 га бўлинмайди деган хулосага келиш хато бўлар эди, чунки 10 га бўлинмайдиган, аммо 5 га бўлинадиган рақамлар (5, 15, 25, 35, 45, 55 ва бошқалар) бор.

Агар рақам 10 га бўлинадиган бўлса, унда у 5 га ҳам бўлинади.

Бу рақам 5 га бўлинади.

Демак, бу рақам 10 га ҳам бўлинади деган хулосага келиш хатодир. Чунки 5 га бўлинадиган бирон рақамга қараб унинг 10 га бўлиниши ҳақида хулоса

чиқариш тўғри эмас. Баъзи рақамлар 5 га бўлинсалар ҳам (5, 15, 25, 35, 45 ва бошқалар), 10 га бўлинмайдилар.

Шартли-қатъий силлогизмнинг тасдиқ ёки инкор турлари инсон билими ривожланиши учун ёрдам беради. Хусусан, у айрим фикрнинг чинлигини исботлаш учун катта хизмат қилади. Шартли-қатъий силлогизмнинг биринчи тури (тасдиқловчи) умумий ҳолатларни якка воқеаларга татбиқ этиш учун ва иккинчи тури (инкор этувчи) эса хато хулосаларни рад этиш учун хизмат қилади.

2. Соф шартли силлогизм. Шартли силлогизмнинг характерли хусусияти ундаги ҳар икки асоснинг ҳам шартли ҳукмлардан иборат бўлишидир. Бундай силлогизмнинг схемаси қуйидагича бўлади:

Агар А—В бўлса, унда С—Д.
Агар С—Д бўлса, унда Е—F.
Агар А—В бўлса, унда Е—F.

Мисол: агар бир-биримизни ҳурмат қила билсак, қадрдон ҳам бўлиб қоламиз.

Агар қадрдон бўлиб қолсак, бир-биримизни унутмаймиз.

Демак, агар бир-биримизни ҳурмат қила билсак, унда бир-биримизни унутмаймиз.

Шартли силлогизм фанда ҳам, инсоннинг кундалик фаолиятида ҳам қўлланилади. У маълум шарт ва унинг оқибати орасида ўзаро боғланиш борлигини аниқлайди. Юқорида келтирилган мисолда «ҳурмат» билан «унутмаслик» тушунчалари орасида ўзаро мантиқий боғланиш борлиги ифодаланган.

Бундан ташқари, соф шартли силлогизмлар ундаги терминларнинг инкор бўлишига қараб икки шаклда кўринадилар.

Биринчи шакл:

Агар А—В бўлса, С—Д.
Агар А—В эмас бўлса, Е—F.
Демак, Агар С—Д эмас бўлса, Е—F.

Агар Е—F эмас бўлса, С—Д.

Мисол: агар имтиҳонлардан қутулсам, унда саёҳатга бораман.

Агар имтиҳонлардан қутулмасам, унда университетда бўламан.

Демак, агар саёҳатга бормасам, унда университетда бўламан.

Агар университетда бўлмасам, унда саёҳатда бўламан.

Бундай хулоса чиқаришнинг моҳияти қуйидагидан иборат: икки ҳукмдан (А—Б ва А—Б эмас) бири албатта чин бўлади. Демак А—В ва А—В эмас ҳукмлари асосида кўринадиган оқибатлар, яъни С—Д ва Е—F ҳукмлари аниқ кўринган бўлмоғи лозим. Шунинг учун агар В—С ҳукми хато бўлса, унда Е—F ҳукми тўғри ва аксинча, Е—F ҳукми хато бўлса, С—Д ҳукми тўғри бўлади.

Иккинчи шакл: Агар А—В бўлса С—Д.

Агар Е—F бўлса, С—Д эмас.

Демак, 1) Агар А—В унда Е—F эмас.
2) Е—F бўлса, А—В эмас.

Мисол: Агар мен бўш бўлсам, унда кинога бора оламан.

Агар мен ўқишда бўлсам, унда кинога бора олмайман.

Демак: 1) Агар мен бўш бўлсам, унда ўқишда бўлмайман.

2) Агар бу вақтда ўқишда бўлсам, унда мен бўш бўлмайман.

Бундан, агар А—В ва Е—F ҳукмлари бўлса, улардан қарама-қарши С—Д ва С—Д эмас ҳукмлари пайдо бўлади, деган хулосага келамиз. Икки қарама-қарши ҳукм бирданига бир вақтда тўғри бўла олмаслиги биз учун аниқдир. Демак, бир вақтда икки асоснинг (А—В ва Е—Р) ҳамда икки хулосанинг (С—Д ва С—Д эмас) чин бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун А—В ҳукмини чин десак, Е—Р ҳукмини хато деб ҳисоблашимиз лозим ва аксинча, Е—Р бўлса, А—В хато ҳисобланади.

Умуман, соф шартли силлогизмда хулоса чиқариш юқорида баён этилган шаклларга амал қилса, ҳамма вақт асосларнинг чинлигидан чин хулоса келиб чиқади.

б) Бўлинган силлогизмлар.

Бўлинган силлогизмнинг характерли хусусияти, бирининг асослари бўлинган, иккинчисиники эса бўлинган **шартли** ёки **қатъий** ҳукмдан иборат бўлишидир. Агар силлогизмнинг катта асоси бўлинган, кичик асоси қатъий ҳукмдан иборат бўлса, у **бўлинган-қатъий** сил-

логизм деб аталади. Агар силлогизмнинг катта асоси бўлинган ва кичик асоси шартли ҳукмдан иборат бўлса, у **шартли бўлинган** силлогизм деб аталади. Агар силлогизмдаги икки асос ва хулосаси бўлинган ҳукмдан иборат бўлса, у **соф бўлинган** силлогизм бўлади.

Бўлинган-қатъий силлогизмнинг катта асоси бўлинган, кичик асоси қатъий ва хулосаси ҳам қатъий ҳукмдан иборат бўлади. Бўлинган-қатъий силлогизмнинг катта асоси одатда бир субъект ва бир неча предикатдан иборатдир. Силлогизмдаги кичик асос субъектга ўзининг муҳим хусусияти билан алоқадор бўлган предикатни ифодалайди. Силлогизмнинг хулосаси субъектга алоқадор бўлмаган предикатларни инкор этади.

Масалан, агар биз: «учбурчак ёки ўткир бурчакли ёки ўтмас бурчакли ёки тўғри бурчакли бўлиши мумкин» десак, бу ҳукмнинг субъекти ва уч предикати борлигини ифода этган бўламиз. Аммо бундан ҳали субъектга предикатларнинг қайси бири бевосита алоқадор экани маълум эмас. Агар шу ҳукмни бўлинган қатъий силлогизмнинг катта асоси деб ҳисоблаб, кичик асосни қатъий ҳукм тарзида, бу учбурчак тўғри бурчакли учбурчак деб ифода этсак, унда кичик асос ҳукм субъектига фақат бир предикатнинг бевосита алоқадор эканидан дарак беради. Демак, бизнинг хулосамиз икки ҳукм, яъни катта ва кичик асосларнинг мантиқий боғланишидан иборат бўлиб, бу бурчак ўткир бурчакли ҳам, ўтмас бурчакли ҳам эмас деган тарзда ифодаланади. Силлогизмнинг кичик асоси тасдиқловчи ҳукм бўлгани сабабли хулосаси инкор этувчи ҳукмга айланади. Аксинча, агар кичик асос субъект билан предикатлар боғланишини инкор этувчи бўлса, унда субъектига фақат бир предикатнинг бевосита алоқадор эканлигини тасдиқ орқали ифодалайди.

Шу сабабли бўлинган-қатъий силлогизм икки, яъни тасдиқ-инкор силлогизм ва инкор-тасдиқ силлогизм шаклига эга. Бундай силлогизмнинг биринчи шаклида кичик асос тасдиқ ҳукмдан, иккинчи шаклида эса кичик асос инкор ҳукмдан иборатдир. Бўлинган-қатъий силлогизмнинг биринчи шакли (тасдиқ-инкор) қуйидаги схема бўйича ифодаланади:

А ёки В, ёки С, ёки Д.
А—В дир.
_____
Демак, А—С ҳам эмас, Д ҳам эмас.

Схемадаги катта асос бир субъект ва уч предикатдан, кичик асос бир субъект (А) ва бир предикатдан (В) иборатдир.

Хулоса катта асоснинг субъекти (А) унинг предикатларига (С. Д) муносабати йўқлигини инкор шаклда ифода этгандир.

Мисол: Силлогизмлар ёки қатъий, ёки шартли, ёки бўлинувчи бўладилар.

Бу силлогизм — қатъий.

Демак, бу силлогизм шартли ҳам, бўлинувчи ҳам эмас.

Бўлинган-қатъий силлогизмнинг иккинчи шакли (инкор-тасдиқ) қуйидаги схема бўйича ифодаланади:

А ёки В, ёки С, ёки Д дир.
А—С ҳам, Д ҳам эмас.
———————————
А—В дир.

Бунда катта асос бўлинган ҳукм бўлиб, субъектга уч предикат алоқадорлиги гумон-эҳтимол тарзда баён этилган. Кичик асос инкор ҳукмдан иборат, хулоса эса тасдиқ ҳукмдир.

Мисол: тафаккур шакли ёки тушунча, ёки ҳукм, ёки хулоса чиқариш кўринишида бўлади.

Тафаккурнинг бу шакли тушунча ҳам, ҳукм ҳам эмас.

Демак, тафаккурнинг бу шакли хулоса чиқаришдир.

Соф бўлинган силлогизмнинг характерли хусусияти ундаги асосларнинг ва хулосаларнинг бўлинган ҳукмдан иборатлигидир.

Соф бўлинган силлогизм шакли қуйидагичадир:

А ёки В, ёки С дир.
С ёки Д, ёки Е дир.
———————————
А ёки В, ёки Д, ёки Е дир.

Мисол: Ҳамма сўзларнинг грамматик шакли ёки синтактик, ёки аналитик бўлади.

Ҳамма сўзларнинг аналитик шаклида ёки аффикс, ёки ёрдамчи сўз қатнашади.

Демак, ҳамма сўзларнинг грамматик шакли ёки синтактик, ёки аффикс, ёки ёрдамчи сўз усули билан шаклланади.

Яна бир мисол:

Ҳар қандай ёруғ жисм ёки юлдуз, ёки планетадир.

Ҳар қандай планета ёки ички, ёки ташқи планетадир.

Демак, ҳар қандай ёруғ жисм ёки юлдуз, ёки ички, ёки ташқи планетадир.

Соф бўлинган силлогизм шакли ва унинг исботи учун келтирилган мисолда қуйидаги хулосага келиш мумкин:

1) Катта асосда А жинс тушунчасига хос бўлган тур (В ва С) тушунчалари аниқланган.

2) Кичик асосда С тушунчасига хос бўлган тур (Д, Е) тушунчалар аниқланган.

3) Хулосада жинс тушунчаси А ва С тушунчаси турларининг муносабати аниқланган.

Соф бўлинган силлогизм жинс тушунчаларининг тур тушунчаларига ўз ҳажми жиҳатидан қандай муносабатда эканлигини аниқлаш учун катта аҳамиятга эга.

Бўлинган силлогизм хулосасининг тўғри бўлишлиги учун қуйидаги икки қоидага риоя этиш зарур:

а) силлогизмда асос бўлиб келувчи бўлинган ҳукмда барча алтернативлар назарда тутилмоғи лозим.

б) боғловчи бўлиб келувчи *ҳам* сўзи тўғри маънода, бўлувчи маъносида ишлатилмоғи зарур, чунки у контекстда қўшувчи маъносида ҳам ишлатилади.

8. Қисқартирилган ва мураккаб силлогизмлар

Ҳозирча биз кўриб чиққан силлогизмлар содда силлогизмлардир, чунки бу силлогизмлар икки асос ва бир хулосадан иборат. Ҳамма содда силлогизмлар уч терминдан иборат. Содда силлогизмлар элементар хулоса чиқариш шаклларидан ҳисобланади. Лекин бу содда силлогизмлар амалиётда ва ҳар кунги тажрибада доимо тўлиқлигича учрайвермайди, балки кўпинча қисқартирилган ҳолда келади. Бундай қисқартирилган содда силлогизм мантиқда энтимема[1] деб юритилади.

Энтимема деб асослардан бири ёки хулосаси қолдирилиб ифода этилган силлогизмга айтамиз. Энтимема фан ва тажрибада кўпроқ фойдаланиладиган сил-

[1] Энтимема — грекча «ёдимда», «эсимда» деган маънони билдиради.

логизм шаклларидандир. Энтимемалар уч турли бўладилар: биринчи, катта асоси қолдирилган энтимемалар; иккинчи, кичик асоси қолдирилган энтимемалар ва учинчи, хулосаси қолдирилган энтимемалар. Тушуниш осонроқ бўлиши учун ҳар бирини мисоллар билан кўриб чиқамиз:

а) Катта асоси қолдирилган энтимема шаклидаги силлогизмга мисол:

Ўзбекистон мустақил давлат бўлгани сабабли бошқа давлатлар билан бевосита алоқа ўрната олади.

Ифода этилган энтимема чин мулоҳазани баён этмоқда. Бу мулоҳаза силлогизмнинг кичик асоси ва хулосасини ўз ичига олябти. Катта асос тушиб қолдирилган. Лекин мисолда бу кўринмаса ҳам унинг борлиги ўз-ўзидан маълум бўлмоқда. Биз агарда бу мулоҳазани содда силлогизм шаклида тўлиқ баён этсак, у ҳолда қуйидагича бўлар эди:

Ҳамма мустақил давлатлар бошқа давлатлар билан бевосита алоқа ўрната олади.

Ўзбекистон мустақил давлат.

Демак, Ўзбекистон бошқа давлатлар билан бевосита алоқа ўрната олади.

б) Кичик асоси қолдирилган энтимема шаклидаги силлогизмга мисол:

Барча дарахт каби терак ҳам сув билан ҳаётдир.

Мисолдаги энтимеманинг кичик асоси «Терак дарахтдир» тушиб қолдирилган.

Қисқартирилган силлогизмнинг тўлиқ шакли қуйидагича:

Барча дарахт сув билан ҳаётдир.

Терак ҳам дарахтдир.

Демак, терак ҳам сув билан ҳаётдир.

в) Хулосаси қолдирилган энтимема шаклидаги силлогизмга мисол:

Ҳамма космонавтлар ҳаво кемасида осмонга кўтарилган.

Жонибеков — космонавт эди.

Мисолдаги энтимеманинг хулосаси: «Демак, Жонибеков — ҳаво кемасида осмонга кўтарилган», деган ҳукм қолдирилган.

Халқ мақоллари, афоризмларда қисқартирилган силлогизм шаклида қисқа, аниқ, равшан ва чин ифода этилган кўп фикрлар учрайди. Фан ва тажриба учун ҳам этимемадан фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Чунки у буюмлар орасидаги оддий таниш муносабат-

ларни ёки ҳаммага маълум бўлган чин умумий фикрларни такрорламасликни талаб этади. Энтимемалардан фойдаланиш пайтида сабаб билан оқибат муносабатининг объективлигини ва шу асосда унинг тўғри мантиқий акс эттирилишини унутмаслигимиз лозим. Агар сабаб билан оқибат муносабати силлогизм асосларида тўғри акс эттирилган бўлмаса, у ҳолда энтимема хулосаси хато бўлади.

Фақат юқоридаги мисоллардагидек, биринчи фигура силлогизмигина эмас, балки бошқа фигураларда келган силлогизм қисқартирилиши ҳам энтимема шаклида келиши мумкин.

Энтимемани тиклаш, яъни уни ташкил этган тўла содда силлогизмни аниқлаш, бу ўрта терминни топиш, силлогизм фигурасини аниқлаш ва тушириб қолдирилган ҳукмни белгилашни талаб этади.

Аммо содда силлогизмлар илмий текшириш ва унинг якунини ифода этиш учун етарли бўла олмайдилар. Табиат, жамият ва инсон тафаккурининг специфик хислатлари, қонуниятларини ўрганиш бир соҳадаги хулосанинг иккинчи соҳадаги хулоса билан бевосита ёки бавосита боғланишларини ҳисобга олиб ўрганишни талаб этади. Бундай пайтларда айрим соҳадаги илмий хулосалар иккинчи бир хулосанинг асоси бўлиши мумкин.

Хулоса чиқаришнинг бу формасига **мураккаб силлогизм** ёки **полисиллогизм** деб айтилади. Бундай хулоса чиқаришлар ўз мазмуни билан боғланган икки ёки ундан кўп силлогизмлардан ташкил топиб, одатда биринчи силлогизмнинг хулосаси учинчи силлогизмнинг катта асоси бўлади.

Мураккаб силлогизмлар чин, аниқ ҳукмлардан янги хулосалар чиқишини исбот этиш учун хизмат қилади. Мантиқда полисиллогизмлар икки хил—**прогрессив** ва **регрессив** бўлади.

Агар бир силлогизмнинг хулосаси иккинчи силлогизмнинг катта асоси бўлса, бундай полисиллогизм прогрессив дейилади, чунки бунда тафаккур энг умумийдан кичикроқ умумийга қараб боради.

Агар бир силлогизмнинг хулосаси иккинчи силлогизмнинг кичик асоси бўлиб келса бундай полисиллогизм регрессив дейилади.

Мисоллар:

прогрессив	**регрессив**
полисиллогизм: Организмлар парчаланади Ўсимликлар — организм	полисиллогизм: Чинор — дарахт Дарахт — ўсимлик
Ўсимликлар парчаланади Дарахтлар — ўсимлик	Чинор — ўсимлик Ўсимлик — организм
Дарахтлар парчаланади Чинор — дарахт	Чинор — организм Организм — парчаланади
Чинор парчаланади Схемаси M — P H — M H — P O — H O — P S — O S — P	*Чинор парчаланади* Схемаси S — M M — H H — P H — O S — O O — P S — P

O — P
S — O
S — P

S — O
O — P
S — P

Эпихейрема қисқартирилган мураккаб силлогизм бўлиб, унинг ҳар бир асоси энтимема, яъни қисқартирилган силлогизмдир. Бунда силлогизмдаги ўрта терминнинг жой олишига қараб силлогизм тўлиқ тарзда ифодаланади.

Эпихейрема йўли билан хулоса чиқариш қуйидаги схема билан боради:

M—P (эмас), чунки у H дир (эмас).
S—M дир
Демак S—P дир.

Агар биз мураккаб қисқартирилган (эпихейрема) силлогизмни тўла шаклига келтирсак, у икки энтимемадан иборат асосга эга бўлади. Бундаги биринчи энтимема катта асос, иккинчи энтимема эса кичик асос бўлади.

I асос. Ҳамма А—Р.
Ҳамма М—А.
Демак, М—Р.

II асос. Ҳамма В—М.
Ҳамма S—В.
Демак, ҳамма S—Р.

III. **Соритлар** мураккаб силлогизмларнинг шундай кўринишики, улар полисиллогизмлардан ташкил топади, лекин унда содда силлогизмнинг хулосаси бўлган асослар тушириб қолдирилади. Мантиқда икки турдаги соритларни учратиш мумкин. Соритларнинг бири аристотелча, иккинчиси эса гоклениевча (XVI—XVII асрларда яшаб ижод этган С. Р. Гокления номига қўйилган) деб аталади. Аристотелча соритда фикр ҳар доим яккадан умумийга қараб боради. Бунда ҳамма вақт кичик асос қолдириб ифода этилади ва биринчи силлогизм хулосаси кейинги силлогизмнинг кичик асоси бўлади. Аммо бу кичик асос навбатдаги силлогизмда очиқ ифодаланмайди. Аристотелча регрессив соритга мисол:

Лола — гул: S—В
Гул — япроқли; В—Е
Япроқли — ўсимлик; Е—Д
Ўсимлик — организм; Д—Р
S—Р

Организм — материя ҳаракатининг биологик шаклидир.

Демак, лола материя ҳаракатининг биологик шаклидир.

Энди бу мураккаб силлогизмни тўлиқ шаклдаги силлогизм ҳолатига киритамиз. Бунинг учун ҳаммадан олдин очиқ ифодаланмаган силлогизм асосларини аниқлаш лозим. Натижада биринчи силлогизм қуйидаги тарзда кўринади:

Ҳамма гуллар — япроқлилардир
Лола — гул
Демак, лола — япроқлидир.

Иккинчи силлогизм: Ҳамма гуллайдиганлар — ўсимлик.

(Лола — гуллайдиганлардан).

Демак, лола — ўсимлик.

Учинчи силлогизм. Ўсимлик — органик жисм.

(Лола — ўсимлик)

Демак, лола — органик жисм.

Тўртинчи силлогизм. Органик жисм — материя ҳаракатининг биологик шакли.

(Лола — органик жисм.)

Демак, лола материя ҳаракатининг биологик шаклидир.

Иккинчи, учинчи ва тўртинчи силлогизмда қавс ичида ифода этилган асослар сорит шаклидаги мураккаб қисқартирилган силлогизмларда қолдириб ифодалангандир.

Гоклениевча (прогрессив) соритда хулоса чиқариш умумийдан хусусийга қараб боради. У ўзига хос қуйидаги схемага эга:

В — Р
Е — В
Д — Е
Г — Д
S — Г

Демак S — Р.

Органик жисм — материя ҳаракатининг биологик шакли.

Ўсимлик — органик жисм.

Япроқлилар — ўсимлик.

Гул — япроқли.

Лола — гул.

Демак, лола материя ҳаракатининг биологик шаклидир.

Юқоридаги қисқартирилган силлогизм тўлиқ шаклда қуйидагича ифодаланади:

I силлогизм (Органик жисм материя ҳаракатининг шаклидир.)
Ўсимлик органик жисмдир.
Демак, ўсимлик — материя ҳаракатининг биологик шаклидир.

II силлогизм (Ўсимлик—материя ҳаракатининг биологик шакли.)
Япроқлилар — ўсимлик

Демак, япроқлилар материя ҳаракатининг биологик шаклидир.

III силлогизм (Япроқлилар—материя ҳаракатининг биологик шакли.)
Гул — япроқли
Демак, гул материя ҳаракатининг биологик шаклидир.

IV силлогизм — (Гул — материя ҳаракатининг биологик шакли.)
Лола — гул.
Демак, лола — материя ҳаракатининг биологик шаклидир.

Иккинчи, учинчи ва тўртинчи силлогизмлардаги қавс ичидаги катта асослар гоклениевча соритларда умумийдан яккага қараб бориши туфайли қолдириб ифодаланган.

МАШҚЛАР

1. Қуйидаги силлогизмларнинг хулосаси ва асосларини аниқланг.

а) Атоқли от якка ҳодисанинг номини билдиради.
Ўзбекистон — «атоқли от».
Демак, Ўзбекистон якка ҳодисанинг номи.

б) Ҳеч бир полиз экини совуққа чидай олмайди.
Помидор — полиз экини.
Демак, помидор совуққа чидай олмайди.

2. Силлогизмнинг қуйидаги таркибларига конкрет мисол келтиринг.

а) Ҳамма M—P
Баъзи S—M
Баъзи S—P

б) Ҳеч бир P—M эмас
Баъзи S—M эмас

в) Ҳамма M—P
Ҳамма M—S
Баъзи S—P

3. Қуйидаги мисолларда силлогизм терминларининг миқдори ҳақидаги қоидага эътибор берилганми?

а) «Тўн» сўз.
Тўн — иситади.
Демак, баъзи сўзлар иситади.

б) Кимё катта амалий аҳамиятга эга, органик кимё эса кимёнинг бир қисми. Шунинг учун органик кимё ҳам катта амалий аҳамиятга эга.

4. Қуйидаги мисолда терминларнинг бўлиниши ҳақидаги қоидага эътибор берилганми? Агар берилмаган бўлса, қайси қоида бузилган?

а) Курсимиздаги ҳеч бир талаба рўза тутмайди.

Карим — рўза тутади.

Демак, Карим — курсимиз талабаси эмас.

5. Қуйидаги силлогизмлар тўғри тузилганми? Қўйилган хатони аниқланг.

а) Бу сессияда бизнинг курсдан ҳеч бир талаба ёмон баҳо олмади. Алимов бизнинг курсдан эмас, шунинг учун Алимов бу сессияда ёмон баҳо олди.

б) Фикр — бу ҳаракатдир, ҳаракат эса материя хусусиятидир. Демак, фикр материянинг хусусиятидир.

6. Қуйидаги силлогизмлар фигурасини аниқланг.

а) Планеталарнинг ўзи ёруғлик чиқармайди.

Марс — планетадир.

Марс ўзи ёруғлик чиқармайди.

Барча планеталар Қуёш атрофида айланади.

Сириус планета атрофида айланмайди.

Демак Сириус планета эмас.

7. Қуйидаги силлогизмларнинг катта, кичик асосларини ёки хулосасини қолдириб, энтимемага айлантиринг.

а) Ўзбекистон меҳнаткашлари демократияни қўллаб-қўлтиқлайдилар.

Университетимизнинг талабалари Ўзбекистон меҳнаткашларидандир.

Демак, университетимизнинг талабалари демократияни қўллаб-қўлтиқлайдилар.

б) Ҳамма ўқитувчилар — педагоглар.

Собир — ўқитувчи.

Демак, Собир — педагог.

8. Қуйидаги мураккаб полисиллогизмни анализ қилинг.

Ҳамма планеталар — Қуёш атрофида айланади.

Ер Қуёш атрофида айланади.

Демак, Ер — планетадир.

Ҳамма планеталар — шарсимон.

Демак Ер — шарсимондир.

Ҳамма шарсимон жисмлар айланма соя берадилар.

Ер шарсимон.

Демак, Ер айланма соя беради.

9. Олдин келтирилган мураккаб полисиллогизмнинг катта асосини қолдириб, уни мураккаб қисқартирилган силлогизмга айлантиринг.

IX боб. ИНДУКТИВ ХУЛОСА ЧИҚАРИШ

1. Индуктив хулоса чиқаришнинг моҳияти

Индуктив хулоса чиқариш воситали хулоса чиқариш шаклидир. Индуктив хулоса чиқаришда бизнинг билимимиз якка ва хусусийдан умумийга қараб боради. Индуктив хулоса чиқаришнинг характерли хусусиятларидан бири якка, хусусий буюмлар моҳиятини ўрганиш орқали тегишли қонунларни очишдир.

Тажрибада кўп такрорлаш орқали индуктив хулоса ёрдами билан эришилган умумий натижалар бизнинг билимимизни ўзгартиришга, тўлдиришга ва аниқлашга ёрдам беради.

Индуктив хулоса чиқаришнинг моддий асосини билишда умумийлик, хусусийлик ва яккалик диалектикаси ҳақидаги таълимотга асосланамиз.

Турли ғайриилмий таълимотлар воқеликдаги умумийлик, хусусийлик ҳамда яккаликни бир-биридан ажратиб қўяди. Масалан, умумийликнинг ҳам, хусусийликнинг ҳам умуман объектив характерга эга эканлигини идеалистлар инкор этадилар. Айрим ҳолларда умумийлик фақат ақлга хос нарса, яккалик бўлса сезгилар билан боғлиқ деган тезис олға сурилади. Метафизиклар эса умумийлик билан хусусийликни мутлақо ажратиб қўядилар. Улар зўр бериб объектив реаллик фақат якка жисмларнинг тасодифий тўпламидан иборат ва улар ўртасида ҳеч қандай қонуният ҳамда умумийлик йўқ деган фикрни асослашга уринадилар.

Илмий дунёқараш эса бу фикрларга қарама-қарши ўлароқ объектив воқеликда умумийлик, хусусийлик ва яккалик узвий диалектик боғланишда мавжуддир, деган таълимотни олға суради. Илмий билиш яккани умумийдан ажратиш мумкин эмаслигини, яккалик, хусусийлик ва умумийлик ўзаро узвий боғланган эканлигини асослаб беради. Яккалик, хусусийлик ва умумийлик бирлиги индукциянинг объектив асосидир.

Индукция орқали якка нарсалар ва ҳодисалар хусусияти ўрганилади ҳамда улардаги умумий хислатлар, қонуниятлар аниқланади. Буюмлардаги умумийлик қонуниятларини билиш фақат якка, хусусий хислатларни

ўрганиш орқали амалга оширилади. Аммо бундан умумийлик фақат якка ёки хусусий хислатнинг сунъий йиғиндиси деган хулоса чиқмайди, албатта. Умумийлик ҳам ўзига хос бўлган айрим хислатларга эгадир.

Шундай қилиб, мантиқий фикр нарсалар ва ҳодисалардаги умумий хусусият, муносабат ва боғланишларни акс эттиради.

Маълумки, ҳар бир фаннинг вазифаси айрим фактларни йиғиш билан чегараланиш эмас, балки улардаги қонуниятларни аниқлашдир. Шунинг учун ҳам индукциянинг асосий вазифаси айрим фактларни умумлаштириш орқали улардаги қонуниятларни очишдан иборат ва ҳар бир қонун ўз ифодасини айрим ҳодиса ёки фактларда топади. Якка фактларни ўрганмай туриб, улардаги умумийликни билиб бўлмайди. Индуктив хулоса чиқаришнинг объектив асоси умумийликнинг объектив ва унинг якка ва хусусийлик билан узвий боғланишидир. Ваҳоланки умумийлик бўлмаганда эди, бизда илмий абстракциялаш ҳам, умумийлаштириш ҳам ва, ниҳоят, индуктив хулоса чиқариш ҳам бўлмас эди.

2. Индуктив хулоса чиқариш турлари

Мантиқда икки шаклдаги индуктив хулоса чиқариш диққатга сазовордир. 1. Тўлиқ индукция. 2. Тўлиқсиз индукция.

Тўлиқ индукция **хулоса чиқаришнинг шундай шаклидирки, бунда биз бир группа нарса ёки ҳодисанинг ўхшаш белгиларига қараб уларга тааллуқли бўлган умумийликни белгилаймиз.** Масалан, Ўрта Осиёдаги мустақил республикаларнинг ҳар бири пахта маҳсулотн етиштириш билан шуғулланишини аниқлаб, Ўрта Осиёдаги ҳамма мустақил республикалар пахта етиштириш ишлари билан шуғулланадилар, деган умумий хулосага келамиз. Бу хулоса тўлиқ индукция натижасидир.

Тўлиқ индукция натижасида вужудга келган умумий ҳукм бир жинсдаги ҳамма якка воқеаларни умумлаштиришнинг натижасидир. Шу билан бирга умумий ҳукм натижаси шу жинсдаги барча буюм ёки ҳодиса учун тааллуқли бўлади. Тўлиқ индукция ёрдами билан пайдо бўладиган хулоса айрим турдан айрим жинсга қараб боради.

Тўлиқ индукция характерини тўлароқ билиш учун

қуйидаги мисолни олиб қарайлик. Билиш учун хизмат қилувчи руҳий жараённинг асосий турлари: ҳис, идрок, тасаввур, хотира, тафаккур ҳамда булар инсон онгининг турли томонлари эканлиги биз учун маълум. Буларнинг ҳар бирини якка тарзда ўрганиш натижасида бу жараёнлар объектив воқеликни инъикос эттириш якуни эканлиги аниқланади. Шунга асосланиб, ҳамма билиш учун хизмат қилувчи руҳий жараёнлар объектив воқеликни инъикос эттириш натижасида ривожланади, деган умумий ҳукм—мулоҳазага эга бўламиз. Бу мулоҳаза тўлиқ индукция натижасидир. Ўтмишни—қулдорлик, феодализм, капитализмни айрим-айрим тарзда ўрганар эканмиз, ўша асосда уларнинг ҳар бири учун ишлаб чиқариш қуроллари хусусий мулк бўлишлигини ҳамда киши кучидан фойдаланиш улар учун характерли хусусиятлардан эканлигини аниқлаймиз. Шунинг натижасида эса уч хил шаклдаги жамиятда уч турдаги эксплуатация ҳукм суришининг асл моҳияти ишлаб чиқаришнинг айрим шахслар қўлидалигидадир, деган умумий хулосага келамиз. Умумий ҳукм шаклида пайдо бўлган бу янги хулоса айрим турдаги синфий жамиятнинг ўзига хос белгисини аниқлайди. Бундай хулоса эса бизда бу белгини бошқа турдаги бир жинсни ташкил этувчи жамиятларга ёйиш натижасида вужудга келади. Бу ҳам тўлиқ индукция шаклида хулоса чиқаришдир, чунки бунда бизнинг фикримиз йўналиши яккадан умумийга қараб бормоқда.

Ж. Ст. Милль ва бошқа мантиқшунос олимларнинг фикрича умумийлик гўё яккалар йиғиндиси ҳисобланади ва тўлиқ индукция биз учун ҳеч қандай янги билим бермайди. Бу назария хатодир. Умумийлик якка ва хусусийлик асосида пайдо бўлади, шу билан бирга у яккалар, хусусийлар ҳақида янги билим берувчи мантиқий жараён ҳамдир. Тўлиқ индукциянинг умумийлик белгиси бир жинс ёки синфдаги барча нарсалар ёки ҳодисаларга хосдир. Шу сабабли ҳам тўлиқ индукция биз учун янги билим берувчи хулосадан иборат бўлади. Тўлиқ индукция орқали пайдо бўлган умумий хулосалар айрим буюмлар белгисини билишга ёки бирон-бир жинсдаги нотаниш буюмларнинг янги белгиларини очишга ёрдам беради.

Баъзи мантиқшунос олимлар (Ж. Вунд ва бошқалар) индуктив хулоса чиқариш, умуман олганда аниқ,

таниш фикрдан нотаниш фикрга боришдир, деган фикрни олға сурадилар. Ҳақиқатда эса бу фикрни фақат индуктив хулоса учун ёки унинг айрим тури бўлган тўлиқ индукция учун характерли деб бўлмайди. Чунки таниш фикрдан нотаниш фикрга бориш дедуктив хулоса чиқариш учун ҳам характерлидир.

Тўлиқ индукциянинг билишдаги ролини қайд этиш билан бирга шуни ҳам кўрсатиб ўтиш лозимки, ундан амалиётда фойдаланиш анча чегаралангандир. Чунки, инсон — тадқиқотчи вақт ва маконда чегаралганлиги сабабли маълум жинсга оид бўлган барча буюм ва ҳодисаларни топиб аниқлаш ва ҳисоблаш имкониятига эга эмас. Шунинг учун ҳам у бир хил буюмлар, ҳодисалар миқдори жиҳатдан нисбатан оз, қисқа бўлган жинслар билан тўқнашгандагина тўлиқ индукциядан фойдаланиш мумкин. Фанда ҳам, техникада ҳам тўлиқ индукциядан кенг фойдаланишнинг имкони чегаралган бўлади. Чунки объектив реалликни билиш узлуксиз давом этади. Фаннинг имконияти бўлса ўз даври моддий базаси, кадр ва илмий асбоблар имконияти билан чегаралангандир. Шунинг учун инсон ўз амалиётида ва айниқса фанда, илмий тадқиқот ишларида тўлиқ бўлмаган индукциядан фойдаланади.

Тўлиқ бўлмаган индукция. **Бундай индукция айрим нарса ёки ҳодисадаги белгига қараб шу жинсдаги бошқа буюмларда ҳам шу белги борлиги ҳақида хулоса чиқаришдир.** Тўлиқ бўлмаган индукция бир синфга мансуб барча ҳодисаларни текширмайди ,айрим ҳодисалар белгисини шу ҳодиса жинси учун характерли деб қарайди.

Тўлиқ индукциянинг тўлиқ бўлмаган индукциядан фарқи шундаки, тўлиқ индукция бир жинс ёки синфдаги ҳамма нарсалар ёки ҳодисаларни бирин-кетин кўриб, уларга хос бўлган умумий хислатни аниқлаб хулоса чиқаради. Тўлиқ бўлмаган индукция учун бир синф ёки жинсга хос бўлган белгини тўла кўриб чиқиш шарт эмас. Бунда айрим нарса ёки ҳодиса белгиси аниқлангач, бу белги шу жинсдаги нарса ёки ҳодисага хос хулоса чиқарилади. Бу ҳолда чиқарилган хулоса кузатилган фактгагина тааллуқли бўлиб қолмай, балки шу жинсдаги бевосита кузатилмаган фактларга ҳам тааллуқли бўлади. Масалан, биз уйдаги водопроводдан олинган сув таркибини кимёвий анализ қилиш натижасида унинг икки водород атомидан ва бир кис-

лород (H_2O) атомидан иборат эканлигини аниқлаймиз. Бундай анализ асосида ҳамма сувлар таркиби ҳам шундай деган хулоса чиқарамиз. Ҳақиқатан сув таркибининг икки атом водороддан ва бир атом кислороддан иборат эканлигини аниқлаш учун ҳамма сувларнинг таркибини анализ қилишга ҳожат йўқ ва амалга ошириш мумкин ҳам эмас.

Тўлиқ бўлмаган индукция учун иккинчи бир мисолни кўриб чиқайлик. Қадимги Греция мутафаккири Демокритдан бошлаб то XIX асрнинг ўрталаригача атом буюмнинг энг кичик бўлинмас ва ўзгармас қисми деб қаралар эди. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларидан бошлаб эса физик олимларимиз атомни анализ қилиш орқали катта кашфиёт яратдилар. Улар атомнинг ядро ва электрондан иборат бўлган мураккаб моддий система эканлигини аниқладилар. Бу хулоса ҳам тўлиқ бўлмаган индукциядир. Чунки бунда айрим атом таркибига хос хусусият ҳамма атомларга ҳам хос деган умумий хулоса ётади. Биз келтирган бу хулоса текширилган ва текширилмаган бир жинсдаги ҳодисаларга хосдир. Шундай қилиб, тўлиқ бўлмаган индукция кузатилган ҳодисалардан кузатилмаган ҳодисалар ҳақида, бир соҳадаги текширилган ҳодисалар белгисини шу жинсдаги бошқа ҳодисаларга татбиқ қилиш ҳақида воситали хулоса чиқаришдир.

Тўлиқ бўлмаган индукциянинг илмий хусусияти нимадан иборат? Шунингдек, диалектика назарияси умумийликни якка ёки хусусийлик билан объектив узвий алоқада, қонуниятлар ҳам буюмлар билан объектив боғланишда деб таълим беради. Ҳақиқатан ҳам, юқорида баён этилганидек, умумийлик ёки қонунлар конкрет нарса ёки ҳодисалар орқали кўринади.

Баъзи мантиқшунос олимлар тўлиқ бўлмаган индукцияни илмий ва оммабоп қисмларга ажратадилар. Тўлиқ бўлмаган индукцияни бу тарзда икки қисмга ажратиш ўз моҳиятига кўра анча чегаралангандир. Агар ҳақиқатдан ҳам, тўлиқ бўлмаган индукция шу тартибда икки қисмга ажралганда эди, унда тўлиқ индукция учун илмийлик ва оммабопликнинг даҳли йўқ деган хулоса келиб чиқарди. Бизнинг фикримизча эса, илмийлик ва оммабоплик тўлиқ индукцияга ҳам бевосита алоқадордир. Ҳақиқатда тўлиқ индукцияда илмий хулоса тўлиқ бўлмаган индукцияга нисбатан анча чиниқ ва асослироқ бўлади. Чунки тўлиқ индук-

ция бир жинсдаги буюмларнинг ҳамма турларига хос бўлган белгини умумлаштириш орқали хулоса чиқаради. Тўлиқ бўлмаган индукция хулосаси эса аксинча, ҳамма буюмни қамраб ололмаслиги, илмий асосга эга бўлмаслиги ҳам мумкин. Чунки бунда юқорида баён этилганидек, хулоса бир жинсдаги ҳамма нарса ёки ҳодисани тўла текшириш ва улардаги умумий ва муҳим белгини аниқлаш орқали бормайди. Балки у айрим нарса ёки ҳодиса белгисини аниқлаш орқалигина бизга маълум бўлмаган (аммо шу буюмнинг ҳамма жинсларига хос) ўша жинсдаги умумий хусусият ҳақида хулоса бериши мумкин. Шунинг учун илмий ва оммабоплик тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган индукцияларга бир хилда тааллуқлидир.

Демак, тўлиқ бўлмаган индукция, айниқса белгиларни оддий санаш натижасида вужудга келган индукция хулосаси эҳтимоллик характерига эга бўлади. Чунки ҳар доим синфнинг санаб ўтилмаган қисмидаги буюмлар ва уларнинг белгиси номаълум бўлиб қолади. Шунинг учун бу хулоса янги буюмнинг аниқланиши билан инкор этилиши мумкинлиги хавфидан холис бўла олмайди.

Лекин индукциянинг бундай эҳтимоллик характери айрим файласуфлар (Яков Бернулли, Лейбниц, Ж. Ст. Милль) таъкидлаганидек, инсон онгининг кучсизлиги ёки туғма характерининг маҳсули эмас, балки индуктив хулоса чиқаришнинг бундай эҳтимоллик характери инсон билишининг чегараланмаганлигини кўрсатади.

Юқорида кўрсатилганидек, тўла бўлмаган индукцияда умумлашма хулоса чиқариш ҳар доим чегараланган билимга, яъни маълум синф, жинсдаги буюмларнинг бир қисми (ҳаммаси эмас) ҳақидаги билимга асосланган бўлади. Демак, хулоса ўз эҳтимоллигини ҳар доим сақлаб қолади.

Мантиқ илмида тўлиқ бўлмаган индукция хулосасининг эҳтимоллигини камайтириш ва бу хулосанинг чинлигини оширишнинг қатор шарт-шароитлари мавжуд. Уларга қатъий риоя этиш индуктив хулосанинг моҳиятини янада кучайтиради. Унинг учун қуйидагиларга амал қилиш лозим:

а) индуктив хулосанинг эҳтимоллигини камайтириш учун имконияти борича жинснинг кўпроқ ўхшаш турларини, буюмларини кўриб чиқиш керак. Масалан, Ердан ташқарида ҳам ҳаёт бор-йўқлиги ҳақидаги ху-

лосага келиш учун бир планетани ўрганиш билан кифояланмай кўпчилик планеталарни ўрганиб чиқиш мумкин. Кўпчилик планеталарни ўрганиш асосида амалга оширилган хулоса, албатта, ҳақиқатга яқинроқ бўлади;

а) агар индуктив хулосага асос қилиб олинувчи фактлар қанчалик ранг-баранг, турлича, яъни хулоса объектини кўп томонлама характерласа, хулоса ҳам шунчалик ҳақиқатга яқин, эҳтимолликдан узоқ бўлади;

в) индуктив хулосага асос қилиб олинган фактлар, белгилар мазкур жинс, синф учун қанчалик муҳим характерли бўлса ва улар бу жинснинг ички хусусиятлари, қонуниятларини қанчалик тўлиқ акс эттирса, хулоса ҳам шунчалик чин, эҳтимолдан узоқ бўлиши мумкин.

3. Оддий санаш индукцияси ёки оммабоп индукция

Оддий санаб ўтиш ёки оммабоп индукция деб объектив воқеликдаги фактларнинг оммабоп белгисининг такрорланиши, уларни оддий санаб ўтиш натижасида тафаккурда келиб чиқадиган хулосага айтилади. Аммо нарса ёки ҳодисадаги бу айрим белги маълум бир шароитда айрим нарса ёки ҳодисада такрорланиши ва аксинча, иккинчи бир шароитда эса такрорланмаслиги ҳам мумкин. Мисол учун, Осиё қитъасидаги какликлар кулранг бўладилар, деган индуктив хулосани олиб қарайлик. Бундай хулоса кўп йиллар давомида Осиё қитъасидаги какликларни кузатиш натижасида, уларда ҳақиқатдан ҳам кул ранглик белгиси такрорланиши аниқланганлиги натижасида пайдо бўлгандир. Бундан яна Осиё қитъасидаги какликларда бошқача ранг (масалан, оқ, қора ва бошқа) йўқ деган иккинчи хулоса ҳам келиб чиқади. Аммо бу хулоса фақат айрим жойлардаги (Осиё қитъаси) какликларга хос хулосадир. Чунки бизнинг бу хулосамиз иккинчи такрорланадиган шу нарса турининг айрим белгиси билан солиштириб қаралса, унда у хато бўлиб чиқади. Маълум бўлишича, Европадаги какликларнинг ранги оқ экан. Шунинг натижасида бизда бир синфга мансуб нарсанинг айрим белгиси ҳақида икки хил қарама-қарши фикр ҳосил бўлади. Ана шундай хулоса натижасида эса какликлар кул ранг бўладилар, деган аввалги хулосани инкор этувчи янги хулоса пайдо бўлади. Бу

хулоса оммабоп деб айтилади, чунки бу ўринда айрим фактлар қайта такрорланади, аммо бу тасодифий бўлганлиги сабабли ҳам у қонуний ҳолат деб қаралмайди.

Оддий санаш индукцияси ёки (оммабоп) индукция маълум бир шароитда айрим воқеанинг такрорланишини, иккинчи бир ҳолатда эса унинг такрорланмаслигини эътироф этади. Айрим фактларнинг такрорланиши ҳар бир индукция учун зарурий шартдир. Буюмларнинг такрорланиши улар ҳақида умумий хулоса чиқаришга имкон беради. Бунингсиз эса илмий хулосалар ҳам бўлмайди. Лекин оддий санаш индукцияси кўпинча юзаки, тасодифий, боғланишсиз такрорланадиган белги, фактларга ҳам асосланаверади.

Буюмлар орасидаги такрорланиш хислати ҳаммадан аввал нарсалар ва ҳодисалар орасидаги ўзаро муносабатда кўринади. Агар буюмлардаги айрим белгиларнинг такрорланиши қонуний бўлса, унда у ҳақиқатга зид бўла олмайди. Аксинча агар буюмлардаги айрим белги тасодифий ва иккинчи даражали бўлса, у ҳолда хулоса зид бўлади. Оммабоп индукция бир-бирига зид бўлган, аммо тасодифий ва иккинчи даражали бўлмаган фактларга асосланади. Оммабоп индукция биз учун чуқур асосли билим бера олмайди. Шунга қарамай, оммабоп индукция эмпирик қонунларни очиш учун ишлатилади. Бундай пайтда оммабоп индукция хулосаси кузатиш, тажрибалар ёрдамида аниқлаштирилади ва тўлдирилади.

4. Илмий индукция

Илмий индукция деб айрим нарса ёки ҳодисанинг муҳим белгисини аниқлаб, унинг шу синфга мансуб нарса ёки ҳодисага хослиги орқали хулоса чиқаришга айтилади. Иккинчи хил қилиб айтганда, илмий индукция бир ёки бир қанча факт-воқеаларни анализ қилиш натижасида объектив воқеликдаги нарса ёки ҳодиса ҳақида умумий хулоса чиқаришдир. Илмий индукцияда хулоса умумийлиги ҳодисаларнинг муҳим белгиларининг такрорланишига қараб пайдо бўлади. Бошқача қилиб айтганда эса, илмий индукция бир соҳадаги фактларга хос муҳим белгиларнинг такрорланиш сабабини аниқлаб беради.

Шундай қилиб, айрим нарса ёки ҳодисадаги белгини анализ қилиш орқали бу белгининг такрорланадиган

нарса ва ҳодисаларда бўлиши ҳақидаги хулосага илмий индукция орқали келамиз. Бу хулоса эса умумий характерга эга бўлиб, бизга ишончли — ҳақиқий билим беради. Илмий индукция орқали пайдо бўлган умумий мулоҳазалар айрим ҳодисаларнинг объектив қонунини очишга имкон беради. Бу қонунлар эса умумий ва зарурий характерга эгадир. Чунки бу қонунлар таъсири албатта намоён бўлади, аммо улар, яъни қонунларнинг қиммати тамоман йўқолмайди. Шу боисдан илмий индукция умумийлик моҳиятини ўзида инъикос эттиришлиги сабабли ҳам у чин бўлиш характерига эгадир; илмий индукция орқали умумий хулоса чиқариш учун бир ёки бир неча воқеа асос бўла олади.

Илмий индукция оддий санаш ёки оммабоп индукциядан фарқли ўлароқ буюм, ҳодисалар муносабатидаги муҳим муносабатларни ва айниқса, бу муносабатлар ичида алоҳида аҳамиятга эга бўлган сабаб-оқибат боғланишларини аниқлашга, топишга қаратилган бўлади.

Бу муҳим муносабатларнинг сабабий алоқаларини билиш инсон тажрибасида, илм-фанда жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, бу уларга жараёнларни олдиндан кўриш, яъни ихтиролар қилиш учун имконият яратиб беради.

5. Ҳодисалар орасидаги сабаб-оқибат боғланишларини индуктив текшириш методлари

Индуктив хулоса чиқариш, хусусан, илмий индукциянинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳодисалар боғланишидаги сабаб-оқибат муносабатларини, уларнинг сабабий боғланишларини аниқлаш ҳисобланади. Сабабий боғланиш ҳодисалар муносабатининг энг муҳим томонларидан бўлиб, у конкрет воқеа ва далиллар асосида ётган қонуниятларни очиб беришга имкон беради. Индукциянинг бундай муҳим хислатини биринчи бўлиб ҳар томонлама асослаб берган буюк олим — инглиз файласуфи Френсис Бекон (1561—1626) бўлди. У индуктив йўл билан ҳодисаларнинг сабабий боғланишини аниқлашнинг асосий метод, йўлларини ҳам белгилаб берди. Ундан сўнг эса инглиз олимлари, айниқса Жон Гершел ва Жон Стюарт Милль XVIII ва XIX асрнинг бошларидаги табиий фанларнинг тажрибаларини умумлаштирган ҳолда сабаб-оқибат муносабатларини индук-

тив йўл билан аниқлашнинг муҳим методларини ҳар томонлама аниқлаб, кенг баён этдилар.

Лекин Ж. Ст. Милль индукция ҳодисасига метафизик ёндашди ва шу билан уни билишнинг бирдан-бир методи, воситаси деб талқин этди ҳамда индукциянинг вазифасини сабабий муносабатларни ўрганиш билан чегаралаб қўйди. Тўғри, индуктив методларнинг асосий вазифаларидан бири, ҳодисалар орасидаги сабаб боғланишларини текширишдир. Аммо биз биламизки, бу билан индуктив методнинг вазифалари тугалланмайди. Балки бу методлар бундан бошқа кенг ҳажмдаги билиш функциясини ҳам бажаради. Шунингдек, индукция буюмларнинг бошқа муносабатларини очиш учун хизмат қилади. Шу сабабли Миллнинг индукция ва индуктив методларнинг билим учун бўлган аҳамиятини чегаралаши асоссиздир. Лекин, шу билан бирга индукция ва индуктив методлар нарсалар ва ҳодисалар орасидаги сабаб боғланишларини ҳар томонлама тўлиқ билиш имконини берар экан деб тушуниш ҳам нотўғридир.

Маълумки, индукция ва индуктив методлар хулосаси гумонли, эҳтимолли характерга эга. Бу хулосанинг ҳақиқатга қанчалик яқинлиги, ҳақиқат ҳам объектив муносабатларни тўғри акс эттириши сўнгги тажрибалар натижасида маълум бўлади. Инсон ўз ҳаётида билиб ёки тасодифан айрим ҳодисаларга дуч келади. Масалан, ибтидоий давр одамлари тош ёки бошқа буюмларни ўзаро ишқалаш натижасида иссиқлик ҳосил бўлишлигини олдин билмаганлар. Аммо ҳаётда бундай ҳодисага тўқнаш келиш уларни ана шу ҳақда маълум хулоса чиқаришга мажбур этган. Бу хулоса белгиси кейинчалик бошқа буюмларда ҳам кўрингани сабабли эса, буюмларнинг ишқаланиши натижасида иссиқлик пайдо бўлади, деган умумий хулосага олиб келди. Бу хулосанинг чинлиги бўлса сўнгги тажрибалар билан яна қатъий исботланди. Шундай қилиб, биз келтирган бу мисолдан якка нарсалар, ҳодисалар ўзининг ўхшаш белгисига қараб объектив тарзда умумлашади деган хулосага келамиз. Демак, якка умумийлик билан, умумийлик эса якка билан узвий боғлангандир.

Ж. Ст. Миллнинг катта хизмати шундан иборат бўлдики, у нарсалар ва ҳодисаларнинг сабаб-оқибат боғланишини текшириш учун хизмат қиладиган индуктив методларни ҳар томонлама ифодалаб берди.

Мана биз сабаб терминини ишлатаяпмиз. Хўш, сабабнинг ўзи нима? **Сабаб деб бошқа ҳодисани вужудга келтирувчи ҳодисага айтамиз.** Масалан, троллейбусни ҳаракатга келтирувчи сабаб электр токидир. Ток кучидан фойдаланган ҳолда троллейбус бошқарилади. Шунинг учун ҳам бу сабабий боғланиш бўлади. Аммо бу муносабат электр энергиясининг қаердан пайдо бўлиши, троллейбуснинг ишқаланиш қаршилигига боғлиқлиги ва шунга ўхшаш қатор ҳодисаларни ифодаламайди. Шунинг учун, агар сўз троллейбус ва унинг ҳаракатига сабаб бўладиган электр кучи ҳақида борадиган бўлса, бундан бошқа ҳодисалар бизнинг диққат ва эътиборимиздан четда қолади. Шунинг учун Ф. Энгельснинг «Айрим ҳодисаларни тушуниб олмоқ учун уларни умумий боғланишлардан ажратиб олиб, яккаланган ҳолда кўздан кечиришимиз лозим, бундай ҳолда эса бир-бирнинг ўрнини олувчи ҳаракатлар бизнинг олдимизда бири сабаб тариқасида, бошқаси оқибат тариқасида намоён бўлади...»[1],— деган сўзи тамоман тўғридир.

Ҳар бир сабабнинг ўзига хос натижаси ёки оқибати бўлади. Оқибат ёки натижа деб сабаблар таъсирининг самарасига айтамиз. Сабаб ва натижа ўзаро узвий боғланган диалектик категориядир. Сабаб ва оқибат воқеаларнинг жаҳон миқёсидаги ўзаро боғлиқлиги, (универсал) алоқаси, бир-бири билан чирмашувининг моментларигинадир, материя ривожланиши занжиридаги ҳалқаларгинадир.

Шу сабабли инсон тафаккури сабаб ва натижа тушунчалари орқали объектив воқеликнинг муҳим белгиларини, муҳим қонуниятларини акс эттиради.

Индуктив методлар объектив олам қонуниятларининг якка нарса ва ҳодисаларда кўринишини очишга имкон беради. Бу қонуниятларни билиш инсоннинг кундалик иш фаолиятида катта аҳамиятга эга. Бэкон томонидан кашф этилган ва Ж. Ст. Милль томонидан ривожлантирилган илмий ютуқлар асосида янада аниқланган ва сабаб-оқибат муносабатларини билиш учун хизмат қиладиган индуктив методлар: а) ўхшатиш; б) тафовут; в) қолдиқлар; г) йўлдош ўзгаришлар ҳамда д) ўхшатиш ва тафовут қўшма методларидир. Биз қуйида шуларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида кўриб чиқамиз.

---

[1] Ф. Энгельс. Табиат диалектикаси, 1955, 184- бет.

А. Ўхшатиш методи. Ўхшатиш методининг моҳияти қуйидаги тарзда ифодаланади: агар икки ёки ундан кўп нарса-ҳодисаларда бир хил оқибат намоён бўлса, бунда унинг ягона сабаби ҳам мавжуд деб хулоса чиқарилади. Ўхшатиш методи орқали икки ёки ундан кўп ҳодисалардаги ягона умумий сабаб текширилиб аниқланади. Бошқача қилиб айтганда, ўхшатиш методи ҳодисалар сабабини ечиб беришга ёрдам беради. Масалан, улуғ рус олими М. В. Ломоносов иссиқлик пайдо бўлиши учун хизмат қиладиган бир қатор ҳодисаларни текширин натижасида унинг асосий сабаби механик ҳаракат, яъни ишқаланишдир, деб кўрсатади. Дарҳақиқат, агар биз икки қўлимиз кафтини бир-бирига қўйиб ишқаласак ёки икки темир, ёғоч ва бошқа нарсаларни бир-бирига ишқаласак, иссиқлик пайдо бўлади. Шундай бўлгач, биз турли буюмлардаги бир хил сабаб, яъни ишқаланиш иссиқлик пайдо бўлиш натижасига олиб келади, деган хулосага келамиз. Бундай вақтда бизни ҳодисалардаги ҳар хил сабаблар қизиқтирмайди. Бизни қизиқтирадиган ҳолат, бу ҳар хил ҳодисаларда такрорланадиган ўхшаш сабабдир. Мантиқ илмида ўхшатиш методи қуйидаги схема орқали ифодаланади:

Биринчи воқеа: АВС————а
Иккинчи воқеа: АДЕ————а
Учинчи воқеа: АПН————а
Демак: А————а

Энди бу схема мазмуни билан танишамиз: биринчи воқеа уч сабабга — АВС, иккинчи воқеа уч сабабга — АДЕ ва учинчи воқеа ҳам уч сабабга — АПН га эгадир. Булардан келиб чиқадиган оқибат кичик (а) ҳарфи билан ифодаланган. Агар биз оқибатни (а) биринчи воқеадаги В ҳодисасидан келиб чиққан деб хулосаласак, бунда бизнинг фикримиз хато бўлар эди. Чунки (а) оқибат иккинчи ва учинчи воқеаларда ҳам такрорланмоқда. Уларда эса (В) ҳодисаси йўқдир. Шунга ўхшаш (а) оқибати (П) ҳодисасидан пайдо бўлган десак, бу ҳолда ҳам фикримиз хато бўлади. Чунки бу ҳодиса учинчи воқеада кўриниб, бошқа воқеаларда кўринмайди. Демак (а) оқибати уч воқеадаги (А) сабабидандир, деган хулосага келамиз. Чунки (А) сабаби уч воқеада такрор кўринмоқда ва унинг оқибати ўхшатиш методи талабига мувофиқ (а) белгиси билан ифодаланмоқда. Фикримизнинг далили учун қуйидаги мисолни олиб қарайлик.

Сув қуёш иссиқлигидан парланади.

Сув олов билан иситишдан парланади.

Сув электрда иситилса ҳам парланади.

Демак: Иссиқлик сув парланишининг сабабидир.

Иккинчи мисол.

Темирни темирга ишқаласа — иссиқлик вужудга келади.

Ёғочни ёғочга ишқаласа — иссиқлик вужудга келади.

Тошни тошга ишқаласа — иссиқлик вужудга келади.

Резинани резинага ишқаласа — иссиқлик вужудга келади.

Ёғочни темирга ишқаласа — иссиқлик вужудга келади ва ҳоказо.

Демак, ишқаланиш — иссиқлик сабабидир.

Ўхшатиш методи ёрдами билан хулоса чиқариш учун кузатиш ва тажриба усулларидан фойдаланадилар. Кузатиш нарсалар ва ҳодисаларнинг табиий ҳолатини ўрганиш учун ишлатилади. Тажриба эса текшириладиган объектга сунъий ҳолат бериб, текшириш ишини олиб боради. Биз ўхшатиш усули бўйича хулоса чиқариш пайтида текшириш мақсадига қараб ё кузатишдан ёки экспериментдан фойдаланишимиз лозим. Чунки оламдаги баъзи ҳолатларни, воқеаларни аниқлаш учун экспериментдан фойдаланиб бўлмайди. Масалан, қуёшнинг иссиқлик манбаини, ер қимирлашини ва бошқа шунга ўхшаш ҳодисаларни эксперимент қилиб бўлмайди. Ўхшатиш методи кўпинча текшириш ишини кузатиш орқали олиб борилади. Ўхшатиш методи хулосасининг чин бўлиши учун қуйидаги шартларни ҳисобга олиш лозим: а) текшириладиган воқеалар бир хил ҳодиса билан ўзаро ўхшаш бўлиши лозим; б) текшириладиган воқеа бир сабабдан келиб чиққан бўлиши шарт; в) ҳодиса сабабларини белгилайдиган ҳамма воқеалар текширилган бўлиши лозим. Агар баён этилган талабларга мувофиқ ўхшатиш методи бўйича иш олиб борилса, бунда унинг хулосаси катта аҳамиятга эга бўлади.

Б. **Тафовут методи.** Бу метод воқеанинг айрим ҳолатда кўриниши ва бошқа бир ҳолатда кўринмаслигига қараб хулоса чиқаришдир. Агар биз (АВС) воқеанинг натижаси (авс) десак ва (ВС) воқеасининг оқибати (вс) десак, унда (А) воқеасининг оқибати (а) деган хулосага келамиз.

Ж. Ст. Милль ўзининг «Мантиқий система» деган асарида тафовут методига қуйидаги мисолни келтира-

ди: Бир шахснинг юрагига ўқ теккани учун у ўлган. *Ўлишнинг ягона сабаби юракнинг яраланишидир.* У шахснинг тирик бўлган вақтидаги организмининг бошқа ҳолати бузилган эмас. Фақат унинг юраги яраланган. Демак, у шахс ўлимининг сабаби юрагининг яраланишидир. Тафовут методи асосида қуйидаги аксиома бор: **ҳар бир воқеанинг сабаби унинг оқибати учун ҳам асосдир.** Аксинча, **ҳар бир воқеанинг оқибати ҳам сабаб учун асос бўлади.** Тафовут методи бўйича текшириш қуйидаги схема орқали олиб борилади:

ABC———a
BC ———
Демак: A ———a

Схеманинг биринчи қаторидаги воқеа (ABC) белгиларига эга, унинг оқибати (а) билан ифодаланган. Иккинчи қатордаги воқеа (BC) белгисига эга. Иккинчи қатордаги воқеа оқибати ифодаланмаган. Шунга кўра биринчи қатордаги (B) воқеа сабаби (а) оқибатини вужудга келтирган деган хулосага келамиз.

Ифода этилган схемани янада аниқлаштириш учун бир неча мисоллар келтирамиз. Агар биз кундуз куни уй деразасидан кўчага қарасак, кўчадаги ҳамма нарсаларни яхшироқ кўрамиз. Аксинча, кўчадагилар эса уй ичидаги нарсаларни кўрмайдилар. Бунинг тескариси, кечаси кўчадагилар уйдаги нарсаларни яхшироқ кўрадилар, аммо уй ичидагилар кўчадаги нарсаларни яхши кўра олмайдилар. Бу воқеанинг асосий сабаби ёруғликдир. Иккинчи мисол: соф, тоза сувга электр токи юборсак, у водород ва кислород қисмларига ажралмайди, аммо соф сувга туз кислотаси қўшиб электр токи юборсак, у водород ва кислород қисмларига ажралади. Демак, сувнинг водород ва кислород қисмларига ажралиш *сабаби — туз кислотаси экан,* деган *хулосага* келамиз.

Тафовут методи хулосаси ўхшатиш методи хулосасига нисбатан асослироқдир. Тафовут методи бўйича хулоса чиқариш тажриба орқали олиб борилади. Ўхшатиш методи эса ўз хулосасини кузатиш орқали олиб боради. Ана шу хислатига кўра тафовут методи ўхшатиш методидан фарқ қилади.

Умуман, тафовут методи ўзининг қуйидаги хислатлари билан ўхшатиш методидан фарқ қилади: **биринчи-**

дан, тафовут методи икки ёки кўп воқеалар орасидаги фарқни табиий ҳолатда кузатиб хулоса чиқаради, ўхшатиш методи эса икки ёки кўп воқеалар орасидаги ўхшаш белги сабабини аниқлаб хулоса чиқаради; **иккинчидан,** ўхшатиш методи хулосаси воқеалар ҳақида гумонли хулосалар чиқарса, тафовут методи аниқ билим учун фойдали хулоса чиқаради. Шунга қарамай, тафовут методи ҳам воқеалар сабаби ҳақида абсолют, яъни мутлақ хулоса бера олмайди. Фикримизнинг исботи учун мисол келтирамиз. Тирик организм учун ҳаво нақадар кераклигини ҳаммамиз биламиз, мулоҳазамизнинг чинлигини исбот қилиш учун тафовут методи талабига мувофиқ текшириш олиб борамиз. Ҳавоси сўриб олинган шиша идиш ичига биронта қушни қўйсак, у бир оз фурсат ўтмай ўлади. Бизга маълумки, ҳаво мураккаб жисмдир, унинг таркибида водород, кислород ва бошқа жисмлар ҳам бор. Аммо бундан қуш ўлимига ҳавонинг қайси бир таркиби сабаб бўлгани ҳали маълум эмас. Ёки яна бир мисол. Ҳаммамиз ёнғин учун ҳаво кераклигини яхши биламиз. Агар ҳаво бўлмаса, ёнғин ҳам бўлмайди. Бу ҳолат ёки ҳодиса ҳақидаги хулоса тафовут методи орқали пайдо бўлади. Аммо бу хулоса ҳам тўла аниқ эмас, чунки ёнғин бўлиши учун умуман ҳаво эмас, балки унинг муҳим таркибий қисми — кислород асосий ўринда туради.

Бу мисоллардан тафовут методи тўлиқ хулоса чиқариш учун етарли эмаслиги ўз-ўзидан маълум бўлмоқда. Аммо бу тўлиқ бўлмаган хулоса бошқа индуктив методлар хулосасига нисбатан бирмунча чин маълумот беради. Тафовут методи воқеа сабабини ёки сабаб орқали воқеани аниқлаш учун хизмат қилади. Тафовут қишлоқ хўжалиги ҳақидаги фан ва тажрибада, таълим-тарбиявий ишларнинг назарий ва амалий ишларида, медицина ва бошқа фанларда ишлатилади. Масалан, ўқитувчи таълим-тарбия ишларида айрим педагогик методларнинг ижобий ва салбий таъсирига қараб келажакда қайси метод ёрдами билан ўқув ва тарбиявий ишларни яхшилаш ҳақида айрим хулосага келади.

В. **Қолдиқлар методи. Қолдиқлар методи — бу воқеа сабабини баъзи ҳолат ёки қисман воқеа-сабаб боғланишига қараб индуктив хулоса чиқаришдир.** Агар текширилаётган мураккаб ҳодиса (авс) мураккаб сабаб (АВС) натижасида вужудга келади деб гумон қилсак, унда қолдиқлар методи талабига мувофиқ мураккаб

«а» ҳодиса сабаби А, «в» сабаби В дир деган хулосага келамиз. Бундан эса «ав» ҳодиса сабаби АВ дир деган натижа келиб чиқади. Шундан сўнг «с» ҳодиса сабаби аниқланишга муҳтож бўлади. Ҳақиқатан ҳам «ав» ҳодиса сабаби (АВ) бўлса, унда қолдиқлар методи талабига кўра «с» ҳодиса сабаби С деган хулосага келамиз.

Юқорида баён этилган фикримизни қуйидаги схема орқали кўрсатиш мумкин:

АВС ——— авс
АВ ——— ав
Демак, С ——— с сабабидир.

Схема мазмунини қуйидаги мисоллар орқали кўриб чиқамиз: 1846 йилда қолдиқлар методи ёрдами билан Нептун планетаси борлиги аниқланган эди. Нептун планетасининг мавжудлигини аниқлаш энг аввало Уран планетасининг ҳисобланган орбита атрофидан айланишида силжиш содир бўлаётганлигини қайд қилишдан бошланди.

Уран планетасини кузатиш натижасида кўринган силжиш (авс) бошқа бир планетанинг (АВС) бу ҳаракатга кўрсатган таъсиридангина бўлиши мумкинлиги белгиланган. Таниш бўлган планеталарнинг силжиш даражаси (АВС) ҳисобланганда, Уран планетасининг силжиш миқдори таниш планеталар (ВС) силжишидан сезиларли даражада кўп эканлиги аниқланган. Шунга кўра олимлар ҳозиргача биз билмаган яна бошқа планета (А) бўлса керак, у планета шундай нотаниш силжиш (а) сабабчисидир, деган тахминий хулосага келганлар. Олимлар нотаниш силжиш миқдорини (А) билиб, нотаниш планетанинг ҳолатини ҳисоблаб чиққанлар. Шундай қилиб Нептун планетасининг борлиги аниқланган.

Қолдиқлар методидан таълим-тарбиявий ишлар учун ҳам фойдаланиш мумкин. Икки ўқувчи К. ва М. физика кабинетидаги электростанокни силжитиш натижасида бузганликларига иқрор бўлдилар. Текшириш эса икки кишининг (К. М.) электростанокни силжитиши мумкин эмас, бундай ҳолатда кам деганда уч киши (К. М. С.) бўлиши кераклигини кўрсатди. Шунга кўра ўқитувчи қолдиқлар методи талаби бўйича бу ишнинг содир бўлишига учинчи иштирокчи (С) ҳам бўлган деган хулосага келган.

Қолдиқлар методи бир хил сабабларнинг бир вақтда таъсирлантириши натижасида пайдо бўладиган мураккаб воқеаларни текшириш учун ишлатилади.

Г. Йўлдош ўзгариш методи. Йўлдош ўзгариш методи бир воқеа ўзгариши бошқа бир воқеа ўзгариши учун йўлдош бўлади деб хулоса чиқаришга имкон беради, яъни агар, аниқ бир ҳолнинг ўзгариши бошқа бир ҳолнинг ўзгариши учун сабаб бўлса, бундай вақтда уларнинг биринчиси сабаб, иккинчиси эса унинг натижаси ёки оқибати деб айтилади. Йўлдош ўзгариш методи бўйича хулоса чиқариш қуйидаги схемада олиб борилади:

$$\frac{\begin{array}{l} A_1\ BC \text{ ——— } a_1 \\ A_2\ BC \text{ ——— } a_2 \end{array}}{A_3\ BC \text{ ——— } a_3}$$

Демак, A ——— a воқеа сабабидир.

Схемадаги A_1 A_2 A_3 белгилари бир хил воқеаларнинг ўзгаришини ифодалайди. Мисол: агар биз кўмир хлорини мис суюқлигига қўшсак ва унга электр токи юборсак, унда (катод заряди атрофида) мис ажрала бошлайди. Бу мисол йўлдош ўзгариш методига мувофиқ хлор суюқлигидан электр токининг ўтиши, унда мис ажратиш хислати кўриниши бор эканидан дарак беради, яъни ток ўтса, у ҳолда мис ажралади, аксинча, ток ўтмаса мис ажралмайди.

Йўлдош ўзгариш методидан фойдаланиш вақтида бўлинган қатъий силлогизмнинг инкор — тасдиқ модусининг инкор усулидан фойдаланилади. Бундай вақтда биз ҳаммадан олдин бўлинган ҳукмни ҳосил қилишимиз лозим: а сабаби ёки А, ёки В, ёки С дир.

Энди йўлдош ўзгариш методи талабига мувофиқ В ва С ҳолатларини чиқариб ташлаймиз, чунки ўзгараётган воқеа ёки ҳолат бўла олмайди. Шунга кўра В-а сабаби бўла олмайди, чунки В ўзгармаётир. Шунга ўхшаш С ҳам а сабаби бўла олмайди, деган хулосага келамиз. Демак а сабаби А ҳолати экан деган хулоса фикримизда пайдо бўлади.

Баён этилган мулоҳаза аниқроқ бўлиши учун уни қуйидаги тарзда ифодалаймиз:

а сабаби ёки А, ёки В, ёки С дир.
Аммо В ҳам, С ҳам а сабаби эмас.

Демак, а сабаб А дир.

Йўлдош ўзгариш методи *воқеаларнинг сабаб боғланишларини ва бу боғланишларнинг миқдорий ифодасини ҳамда воқеаларнинг боғланиш қонунини аниқлашга ёрдам беради.*

Йўлдош ўзгариш методи бўйича хулоса чиқариш одатда эҳтимолий характерга эга бўлади, чунки икки йўлдош воқеанинг пайдо бўлиши бирданига учинчи таъсирдан ёки тамоман нотаниш ҳолатдан ҳам бўлиши мумкин. Аммо, агар биз маълум бир воқеа учун аниқ бир таъсир дахлли эканлигига иқрор бўлсак, унда йўлдош ўзгариш методи бўйича чиқарган хулосамиз асосли бўлади.

Д. **Ўхшатиш ва тафовут қўшма методи.** Бу метод текширилаётган икки ёки кўп миқдордаги воқеалар учун ўтган ҳолатлардан фақат бири умумий бўлиб, қолган икки ёки ундан кўп ҳолатлар эса ўтган воқеаларда кўринмаслиги умумий ва фақат шу орқали икки қатор воқеалар бир-бирлари билан ажраладиган бўлсалар, бу ҳолат текшириладиган воқеа сабаби деб кўрсатилади.

Ўхшатиш ва тафовут қўшма методи воқеалар орасидаги сабаб боғланишларни таърифлаш учун хизмат қилади. Бунинг учун ҳаммадан олдин икки қатор воқеалар олиб қаралади ва ҳар бир қаторнинг ўзига хос бўлган ўхшаш ва тафовутли ҳоллари борлиги аниқланади.

Ўхшатиш ва тафовут методи орқали хулоса чиқариш учун қуйидаги схемадан фойдаланилади:

	Воқеалар	Ўтган ҳоллар	Текшириладиган ҳодиса
I қатор воқеалар	1	АВС	а
	2	АДЕ	а
	3	АМГ	а
II қатор воқеалар	1	ВС	—
	2	ДЕ	—
	3	МГ	—

Демак, А ҳолати а ҳодиса сабабидир.

Ифода этилган схема бўйича текшириш олиб боришга мисол келтирамиз. Биз айрим бир қатор ернинг серҳосил бўлиши (а) сабабини аниқлашимиз лозим. Бунинг учун икки қатор участка ерларининг аҳволи билан танишамиз. Биринчи қатордаги участка АВС,

иккинчи участка АДЕ ва учинчи участка АМГ ерлари кузда шудгор қилинган. Иккинчи қатордаги ерларнинг биринчи участка ВС, иккинчи участка ДЕ ва учинчи участка МГ ерлари кузда шудгор қилинмаган. Биринчи қатордаги уч участка ерларининг ҳосили яхши бўлган ва иккинчи қатордаги уч участка ерларининг ҳосили яхши бўлмаган. Бу ерларнинг тупроғи бир хил. Ўғит билан бу ерларни таъминлаш ҳам бир хил бўлишига қарамай, иккинчи қатор участкаларининг ҳосили бир-биридан тамоман бошқача. Биринчи қатор участкалари серҳосил, иккинчи қатор участкалари кам ҳосил. Биринчи қаторнинг уч участкасида (А ҳолати орқали) кузги шудгор қилиш бир-бирига ўхшайди. Иккинчи қаторнинг уч участкасида (А ҳолати), яъни кузги шудгор қилиниши кўринмайди. Шунинг учун иккинчи қатордаги уч участкада ҳам ер серҳосил эмас, яъни а ҳодисаси кўринмайди. Икки қатордаги участкалар ерини бир-бирига солиштириб, биринчи қатордаги ер участкалари шудгор қилинган (А), бу ерларнинг серҳосил (а) бўлишига сабабдир деган хулосага келамиз. Ўхшатиш ва тафовут қўшма методининг характерли хусусияти шундаки, бунда биз кўпроқ хулосага тажриба орқали эмас, балки кузатиш орқали келамиз.

Ўхшатиш ва тафовут методи қўлланиши орқали ҳосил бўлган хулоса икки ўхшатиш ва тафовут методларига нисбатан чиниқ бўлади.

6. Индукция, илмий кузатиш ва эксперимент

Объектив реалликдаги буюм ҳодисаларнинг белгилари, муносабатларини ўрганиш, ўзи тўғрисида тўғри хулосалар чиқаришда инсон кузатиш ва эксперимент деб юритилувчи усуллардан ҳам кенг фойдаланади.

Кузатиш ва эксперимент айниқса илмий индукция бўйича хулосалаш жараёнида кўп учрайди. Мураккаб илмий аппаратуралар, машиналар фақат илмий индуктив хулосалар учунгина эмас, балки мураккаб дедуктив процессларни ҳам очиб беришга қодирлар.

Тафаккур процессларини бажара оладиган машина яратишга интилиш узоқ тарихга эга. Лекин инсоннинг «ўйловчи», «фикрловчи» механизмлар тўғрисидаги орзу-умидлари бизнинг давримиздагина рўёбга чиқмоқда. Ҳозир айрим тафаккур операцияларини тўғри бажара оладиган, миллионлаб рақамлардан фойдаланган ҳолда

турли математик амалларни бажара оладиган, текстни бир тилдан иккинчи тилга таржима қила оладиган электрон-ҳисоблаш машиналаридан халқ хўжалигида кенг фойдаланилмоқда. Электрон-ҳисоблаш машиналари турли мантиқий масалаларни мустақил равишда ечиб беришга ҳам қодирдир.

Кузатиш — фан учун зарур бўлган ҳодисаларни бевосита ўрганишнинг энг оддий шакли саналади. Бунда олим табиат ҳодисаларига аралашмайди, балки уларни четдан томошабин сифатида кузатиб, турли табиий ўзгаришларни белгилаб боради. Кузатишда олим билан табиий ҳодисалар ўртасида пассив муносабат вужудга келади. Лекин бу четдан кузатиб туриш ҳар доим кутилган натижани тезда беравермайди ва фан эҳтиёжини қондира олмайди. Бу эса фанда кузатишни сунъий равишда тезлаштириб мақсадга мувофиқлаштириш, яъни кузатилмоқчи бўлган ҳодисага бевосита аралашиш методини, яъни экспериментни юзага келтиради. Эксперимент табиий ҳодисалар билан олимнинг актив муносабатига асосланади. Бунда олим кузатилмоқчи бўлган ҳодисаларнинг яратилишида, улардаги зарур жараёнларнинг юзага чиқишида бевосита иштирок этади.

Кузатишда ҳодисалар табиий ҳолатда ўрганилса, экспериментда олим табиат олдига маълум, фан учун зарур бўлган масалаларни савол тарнқасида қўяди ва ундан жавоб талаб қилади. Тадқиқот олиб борувчи олим табиатда учровчи шароитни сунъий равишда яратади.

Демак, эксперимент кузатиш асосида вужудга келиб, уни бевосита ўз ичига олади.

Фаннинг асосий моҳияти ва мақсади — кузатиш ёки эксперимент эмас, балки ҳодисаларнинг ички қонуниятларини очишдир. Шунинг учун ҳам фанда кузатиш ва эксперимент метод вазифасини ўтаб, улардан олинадиган натижалар эса асосий аҳамиятга эга бўлади. Илмий назариялар кузатиш ва экспериментнинг натижаларини умумлаштириш асосида вужудга келади.

Албатта кузатиш ва эксперимент илмий билишда махсус методлар сифатида кенг фойдаланилади. Лекин улар кенг маънодаги индуктив хулоса чиқаришнинг энг муҳим шарт-шароитлари, воситалари сифатида илмий билиш системасининг ажралмас қисмини ташкил этади. Шуни ҳам қайд этиш зарурки, кузатиш ва айниқса эксперимент жараёнида инсон сезги органларининг

ишини кучайтириш, ақлий жараёнларни тезлаштириш ва осонлаштириш учун фанда илмий аппаратура ва турли асбоблар кенг қўлланилади. Улар объектив реал ҳодисаларнинг ички хусусиятлари, сабаб-оқибат муносабатларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳозирги замон фанининг ривожланишини илмий аппаратурасиз тасаввур этиш мумкин эмас. Илмий асбобларнинг вужудга келиши ва такомиллашиб бориши эса техника тараққиёти билан узвий боғлиқдир.

Илмий билимларнинг бошланғич ривожланиш даврида, албатта, ҳозирги даврдагидек илмий асбоблар бўлмаган. Инсон табиатни оддий кузатиш йўли билангина ўрганишга мажбур бўлган, у табиат ҳодисаларига актив аралашишга ожизлик қилган ҳамда табиат кучлари олдида пассив томошабин бўлиб қолган. Лекин ҳозирги давр илмий асбоблари бирданига пайдо бўлиб қолгани йўқ. Уларнинг вужудга келиши ҳам ўз тарихига эга. Масалан, Қадимги Миср, Греция, Эрон, Ўрта Осиё каби маданият марказларида иморат, сунъий суғориш иншоотлари (кўприк, тўғон, каналлар, ер ости тунеллари) қуриш учун оддий асбоблардан фойдаланилган. Бу асбоблар, асосан, нарсаларнинг оғирлиги, ҳажми, миқдори кабиналарни ўлчаш учун ишлатилган. Ҳақиқий ҳозирги замон илмий аппаратураси техника тараққиёти натижасида вужудга кела бошлади. Техника эса капиталистик ишлаб чиқариш шаклланиши билан ривожланувчи саноат асосида тараққий эта борди. Техника ва саноатни бир-бирисиз тасаввур қилиб бўлмайди, чунки улар бир-бири билан ўзаро узвий боғлиқдир. XVIII—XIX асрларда саноатнинг ривожланиши билан турли илмий асбоблар, техник ихтиролар ҳам пайдо бўла борди. Лекин техника ва илмий аппаратура ҳеч қачон ҳозирдагидек тараққий этган эмас. Шунинг учун ҳам «XX аср илмий-техника революцияси даври» деб юритилади.

Ҳозирги кунда илмий аппаратура фан ривожланишининг ажралмас ва узвий қисмига айланади. Шунинг учун ҳам «фан» ва «техника» сўзлари бир-биридан ажралмаган ҳолда ишлатилади. Техника равнақисиз табиатни ўрганувчи илмлар тараққиётини тасаввур этиш мумкин эмас.

Бизнинг давримизда мураккаб илмий аппаратуралар тобора кўплаб яратилмоқда. Булардан ой, Марс, Венерани тадқиқ қилишда, космик фазо хислатларини

аниқлашда ва бошқаларда фойдаланилмоқда. Техниканинг ривожи ҳодисаларнинг мураккаб жараёнлари ҳақида тез маълумотга эга бўлиш зарурияти информатиканинг тезоблик билан ривожланишига олиб келди. Ҳозирда информатика фан ривожининг муҳим воситасига ҳам айланди.

Бундан бир неча йиллар аввал мамлакатда Москва яқинида ядро процессларини кузатадиган ва ўрганадиган турли хил аппарат ва механизмлар уйғунлаштирилган махсус шаҳарча вужудга келди. Бу физиклар шаҳри — Дубнодир. Унда энг катта реакторлардан бири жойлашган бўлиб, унда мураккаб ядро процессларини кузатиш устида илмий тадқиқот ишлари олиб борилади. Бундай реактор табиатда секинлик билан юз берадиган ядро ички жараёнларини бир неча минг маротаба тезлаштириб беради. Бу эса табиий шароитда бевосита кузатиш мумкин бўлмаган, оддий кўз билан кўриб бўлмайдиган мураккаб ҳодисаларни ўрганиш имконини яратди. Бундай реактор Тошкентда Ўзбекистон фанлар академияси Ядро физикаси институтида ҳам мавжуддир.

XX аср давомида ядро ички процесслари ва ядронинг турли қисмлари — электрон, протон, мезон, гиперон, позитрон кабилар кашф этилди. Ҳозирда илмнинг номаълум томонларини аниқлаш, ўрганиш реактор циклотрон-ядро процессини тезлаштириб берувчи улкан асбобларсиз мумкин эмас. Машҳур рус олими Менделеев жадвалида кўрсатилган, лекин фанга узоқ йиллар давомида номаълум бўлиб келган элементларни аниқлашда ҳам бу реактор катта аҳамиятга эга.

Илмий тадқиқот ишларида, табиат сирларини очишда, табиат ҳодисаларига хос бўлган сабаб-оқибат муносабатларини ўрганишда радиотўлқинларининг роли ҳозирда ниҳоятда ортиб бормоқда. Радиотехника, радиотўлқинларидан турли мақсадларда фойдаланишни кўзда тутувчи аппаратуралар яратиш авж олмоқда. Радиотўлқинлар осмон жисмларини ўрганишда, бошқа планеталардан турли маълумотлар олишда, осмонда ҳаракат қилувчи турли масофадаги жисмларнинг ҳолатини ўрганишда, ер ости жисмларини, табиий бойликларни ўрганишда, жисмларнинг таркибини аниқлашда ва бошқаларда кенг қўлланилмоқда.

Ҳозирги медицина илми ҳам мураккаб аппаратуралар билан қуролланган. Даволаш мақсадида инсоннинг

турли органлари вазифасини бажара оладиган сунъий аппаратлар, чунончи сунъий юрак — техниканинг медицина соҳасидаги энг катта ютуқларидан биридир. Атом энергиясидан тинчлик мақсадида, хусусан инсонни даволашда фойдаланиш билан боғлиқ бўлган аппаратлар яратилган. Қудратли атом саноатининг яратилиши математика, физика, кимё, биология, геология, тиббиёт каби илмларнинг оламшумул ютуқлари, турли илмий аппаратуралар яратишга қаратилган техниканинг тараққиёти билан узвий боғланган.

Сўнгги йилларда математика, физика, мантиқ илми, физиология, психология илмларининг тўқнашган жойида вужудга келган кибернетиканинг саноат, техника ва илмий тадқиқотларни ривожлантиришдаги роли ортиб бормоқда. Кибернетика информатиканинг ривожи билан узвий боғлиқдир. Кибернетика ютуғига асосланган турли машиналар табиат сирларини очиш ва ижтимоий ҳодисаларни ўрганишни осонлаштириш, уларни тез ва аниқ олиб бориш ҳамда кенг кўламда ўтказиш имконини беради. Бу ҳақда электрон-ҳисоблаш машиналарининг аҳамиятини алоҳида қайд қилиб ўтиш лозим. Кўп кишининг узоқ меҳнатини талаб этувчи ҳисоб-китоб ишлари, турли оғир математик жараёнлар эндиликда электрон-ҳисоблаш машиналарида амалга оширилмоқда. Натижада олимлар меҳнати ҳам енгиллашмоқда.

Бундан ташқари мантиқий операцияларни, яъни инсоннинг айрим ақлий жараёнларини мустақил равишда бажара оладиган машиналар яратиш масаласи ҳам ҳозирда техника фанининг муҳим масалаларидан биридир. Бу эса техника ва тирик организмдаги ахборотнинг бошқарилиши ва ишланиши билан шуғулланувчи кибернетика фани ютуқлари билан чамбарчас боғланган.

Ҳозирги вақтда турли математик ва мантиқий масалаларни бажариш учун универсал электрон-ҳисоблаш машиналари билан бир қаторда кичик ҳажмдаги махсус мантиқ машиналаридан ҳам фойдаланилмоқда. Олимларимиз ақлий жараённинг янада мураккаброқ хилларини машиналарга кўчириш устида иш олиб бормоқдалар.

Математик ва мантиқий машиналарнинг вужудга келиши билан ақлий жараён, фикрлашнинг ички қонуниятларини янада тўлароқ, чуқурроқ ўрганиш зарурияти туғилди. Чунки ҳозирда диалектика ва мантиқ илми томонидан ўрганиб келаётган «Инсон қандай тафаккур

қилади?» деган савол назарий қизиқишлар доирасидан чиқиб, бевосита амалий аҳамиятга эга бўлиб қолди. Бу масалани тўла ҳал этиш мантиқшунослар, психологлар, олий нерв фаолияти билан шуғулланувчи физиологлар, тилшунослар, математика, кибернетика фани вакиллари, инженерларнинг яқиндан ҳамкорлигини талаб этади. Лекин шуни ҳам айтиш керакки, ҳар қандай мураккаб жараёнларни бажара оладиган мантиқий машиналар қанчалик вужудга келмасин, улар ҳеч қачон инсон миясы функцияларини тўла бажара олмайди.

Информацион мантиқ машиналари инсон учун объектив реалликнинг ички сирларини билишда, кўплаб учраб турадиган турли масалаларни ҳал қилишда ёрдамчи қурол бўлиб хизмат қилади.

Ҳар қандай машина — инсон ижодий фаолияти, унинг ўткир зеҳни, тафаккурининг маҳсули ҳамда олинган билимлар асосида миясда туғиладиган ажойиб фикрларнинг моддийлашишидир.

Инсон ўз мақсадларига тезроқ эришиш, ўз вазифасини осонлаштириш учун фикрий фаолиятини, ақлини қисман мантиқ машиналарига кўчириб, улардан кенг фойдаланмоқда. Мураккаб машиналар дунёни билишнинг турли методларини, дедуктив ва индуктив хулосалашнинг мураккаб формаларини қўллаган ҳолда инсон қўлида объектив қонуниятларни ўрганишда фаннинг муҳим ва зарурий қуроли ва воситасидир.

Шундай қилиб, илмий аппаратура ҳозирда фан тараққиётининг органик қисмига айлангандир. Фан ўз ривожи давомида илмий аппаратурани ҳам такомиллаштириб боради. Илмий аппаратура, ишлаб чиқариш техникаси маълум жиҳатдан фаннинг тараққиёт даражасини ўзида ифодалайди. Илмий аппаратуранинг такомиллашуви, ўз навбатида, фаннинг ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Лекин илмий аппаратура қанчалик мураккаблиги, қийин масалаларни ҳал қила олиши, оғир вазифаларни бажара олишига қарамай, у инсон ижодий ақлининг маҳсули ва инсон томонидан оламни ўрганишда илмий воситагина бўлиб қолади. Фаннинг ва унга хизмат қилувчи илмий аппаратуранинг ривожланиши инсон ижодий ақлининг куч-қудратини, табиатни, жамиятни ўз мақсадлари йўлида ўзгартириш ва фойдаланишига имкон беради.

7. Индукция билан дедукциянинг ўзаро боғланиши

Индукция билан дедукция ўртасидаги муносабат мантиқ илми тарихида алоҳида ўрин эгаллайди. Аристотель ҳаммадан олдин силлогизм назариясини яратди, Демокрит ва Сократлар индукция назариясини ривожлантириш учун катта ишлар олиб борди. Аммо Аристотель индукцияга нисбатан дедукцияни кўпроқ олдинги ўринга қўяр эди. У ҳамма вақт хулоса чиқариш умумийдан яккага қараб боради, умумий ҳукм ёрдамида якка ҳукмни асослаш мумкин деб таълим беради. Лекин Аристотель индукциянинг аҳамиятини инкор этмади. Унинг фикрича, асосли билимни фақат дедукция ва индукция орқали олиш мумкин. Кейинча ижтимоий тажриба ва хусусан табиатшуносликнинг ривожланиши муносабати билан Ф. Бэкон индукция ҳақидаги таълимотни тўлароқ ишлаб чиқди. Унинг фикрича, билиш жараёнида муҳим ролни фақат индукция бажаради, силлогизм билим учун ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, бамисоли мевасиз дарахтдир. Бэкон дедукцияни схоластика қуроли сифатида нотўғри талқин этди ва шу туфайли уни инкор этди. Бэкон томонидан асосланган индуктив мантиқ илми индукция ролини баланд кўтариб, дедукция ролини нотўғри камситади. Аммо мантиқ илмий тарихида фақат индукция ролини баланд кўтармасдан, уни дедукция билан узвий боғлиқ ҳолда қаровчи олимлар борлигини ҳам биламиз. Бу соҳада қимматбаҳо фикр билдирганлардан бири Галилейдир. Унинг фикрича, чин билимнинг асоси тажриба ва экспериментдир. Галилей фикрича, воқеликни билиш пайтида улар бир-бирларини тўлдирадилар ва бири иккинчисини тақозо қилади.

Галилей фикрларига зид ҳолда ва Бэконнинг индукция ҳақидаги бир ёқлама фикрини ҳимоя қилганлардан Ж. С. Милль, В. Уэвель ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Улар фикрича, ҳар бир хулоса асоси фақат якка фактлардир. Дедукция гўёки индукция ҳолатидир.

Баъзи мантиқшунослар, масалан, Р. Карнап дедукция ролини баланд кўтариб, бундай усул билан хулоса чиқариш ҳеч вақт буюмлар ва уларнинг хусусияти билан боғлиқ эмас, деб даъво қиладилар.

Ф. Энгельс айтганидек: «Индукция билан дедукция анализ ва синтездай ўзаро узвий боғлангандир. Булардан бирини иккинчиси ҳисобига бир ёқлама ортиқча кўкка кўтариш ўрнига, ҳар бирини ўз ўрнида ишла-

тишга ҳаракат қилиш лозим, бунга эса фақат уларнинг ўзаро бир-бирини тўлдирувчи эканини унутмаслик натижасида эришиш мумкин».

Объектив воқеликдаги яккалик ва умумийликнинг узвий боғланиши, яъни яккаликни умумийлик орқали билиш усули — дедукция билан индукция бирлигининг моддий асоси бўлиб хизмат қилади. Умумийлик яккаликка хос бўлган хусусиятдир. Ҳамма буюм, ҳамма ҳолат умумийлик ва яккалик бирлигидир.

Умумийлик ва яккалик бирлиги муносабати инсон муҳокамасида ўз аксини топганидек, хулоса чиқаришда ҳам у яққол кўринади.

Объектив реалликда умумийлик, хусусийлик ва яккалик узвий бирликда мавжуд бўлганидек, дедукция билан индукция ҳам илмий билишда, тафаккурда ажралмас ҳолда ўзаро боғланиб кетгандир.

Дедуктив хулоса чиқаришнинг асосида ётувчи силлогизм системаси ва умумий ҳукмларнинг зарурий мавжудлиги индуктив хулосаларсиз юзага келмаганидек, индуктив методдаги фактларни санаб ўтиш ва улар асосида умумий хулоса чиқариш ҳам бу фактларнинг умумийлигини белгиловчи фикр, дедуктив хулосасиз мумкин эмасдир. Фандаги кузатиш, экспериментлар ва олдиндан тузилган умумий план программа умумий фаразий фикрга, яъни дедуктив хулосалаш методига маълум жиҳатдан асосланган бўлади. Шунингдек, дедуктив хулосалаш айниқса силлогизмнинг учинчи фигурасида хулоса чиқариш, индуктив хулосалашга ниҳоятда яқинлашиб кетади.

Умуман сабаб ва оқибат муносабатларини аниқлаш учун хизмат қиладиган индуктив методлар айрим камчиликларга эга бўлишларига қарамай, нарсалар ва ҳодисалар ҳақида инсон билимини бойитишга хизмат қилади. Индуктив методлар одатда воқеаларнинг сабаб боғланишларини текшириш пайтида якка тарзда ишлатилмайди. Индуктив методлар ёрдами билан чиқариладиган хулосаларнинг кўпроқ ишончли бўлиши учун айрим ҳолатларнинг ҳодиса сабабини текшириш пайтида юқорида баён этилган беш асосий методни бирданига ишлатиш мақсадга мувофиқ бўлади.

МАШҚЛАР

1. Қуйидаги хулосалардан қайси бири индуктив характерга эга эканлигини аниқланг:

а) Бизнинг боғда олма, анор, анжир, гилос, нок дарахтлари ўсади.

Демак, бизнинг боғ — мевали боғдир.

б) Тошкент — Ўзбекистон Республикаси пойтахти.

Ашхабод — Туркманистон пойтахти.

Душанбе — Тожикистон пойтахти.

Бишкек — Қирғизистон пойтахти.

Тошкент, Ашхабод, Душанбе, Бишкек Урта Осиёда жойлашган давлатларнинг пойтахтларидир.

в) Марсда атмосфера бор.

Венерада атмосфера бор.

Ерда атмосфера бор.

Юпитерда атмосфера бор.

Сатурнда атмосфера бор.

Уранда атмосфера бор.

Нептунда атмосфера бор.

Демак, Қуёш системасининг катта планеталарида атмосфера бор.

2. Қуйидаги индуктив хулоса тўлиқ индукция бўла оладими?

а) Якка ҳукмларнинг қондаси бор.

Умумий ҳукмларнинг қондаси бор.

Тасдиқ ҳукмларнинг қондаси бор.

Инкор ҳукмларнинг қондаси бор.

Демак, сон ва сифат жиҳатдан ажралган ҳамма ҳукмларнинг қондаси бор.

3. Келтирилган мисолларнинг қайси бирида натижа чиноқ?

А. а) Темир, мис, олтин, қўрғошин, кумуш — электр токи ўтказувчи.

б) Темир, алюминий, мис, никель, литий, қўрғошин, цинк, латун — металлдир. Демак, ҳамма металлар — электр токи ўтказувчи.

Б. а) Осиёнинг ҳамма халқлари тинчликни истайдилар.

Америка халқлари ҳақида, Антарктидани текширувчилар ҳақида ҳам шундай фикрни айтиш мумкин.

Демак, ер юзининг ҳамма халқлари тинчликни истайдилар.

б) Африканинг ҳамма халқлари тинчликни истайдилар.

Австралиянинг ҳамма халқлари тинчликни истайдилар.

Демак, ер юзининг ҳамма халқлари тинчликни истайдилар.

4. Индуктив хулосанинг қайси бири чиноқ ва нима учун?

а) Муқимий, Фурқат, Аваз Утар, Завқий маърифатпарвар — демократ шоирлардир. Демак, XIX асрнинг охири XX асрнинг бошида яшаган буюк ўзбек шоирлари маърифатпарвар бўлганлар.

б) Муқимий, Фурқат, Аваз Утар, Завқий ҳунарманд ёки майда савдогар оиласида туғилишган. Демак, XIX асрнинг охири XX аср бошида яшаган буюк ўзбек шоирлари ҳунарманд ёки майда савдогар оиласида туғилишган.

в) Муқимий, Фурқат, Аваз Утар, Завқий лирик шеърлар ёзган.

Демак, XIX аср охири XX аср бошида яшаган буюк ўзбек шоирлари лирик шеърлар ёзганлар.

5. Бир сутка давомида болалар боғчаси бўйича бир неча бор овқатдан заҳарланиш ҳодисаси ҳисобга олинган. Доктор касалларни (заҳарланганларни) кўриб, уларнинг нима еганини аниқлаши лозим. Болалар еган овқатнинг менюси турлича, лекин ҳар бири-

нинг менюсида компот бор. Эҳтимол, компот заҳарланиш сабабчисидир. Аммо бу ҳозирча гумон. Лаборатория орқали олиб борилган текширишда эса заҳарланиш ҳақиқатан ҳам компотдан бўлганлиги тасдиқланди.

Докторнинг бундай хулосага келиши қайси индуктив методдан фойдаланиш орқали бўлган?

6. Қуйидаги символик шаклда ёзилган мисоллардан ўхшатиш методи орқали хулоса чиқаринг.

1) АБВГ — а	2) АБВГ — а
АДЕЖ — а	КЛМВ — а
АЖМ — а	ОПВР — а
АПРС — а	ВМНД — а
А — а	В — а

7. Қайси индуктив метод ёрдами билан қуйидаги хулосага келинган:

а) зарарли одатлар. Олимлар баъзи зарарли одатларнинг рак касали ривожланиши учун сабаб бўлиши муқаррар деган хулосага келганлар. Ўрта Осиёнинг баъзи одамлари папирос ўрнига носвой чекадилар. Шундан уларнинг ҳазм қилиш органлари кўпинча яллиғланади. Папирос чекувчилар учун кўпроқ ўпка раки билан ошқозон раки характерлидир;

б) нега ёпиқ бинода айтилган ашула ёки музыка баланд, очиқ ҳавода эса паст эшитилади?

8. Қуйидаги символик ёзилган мисоллардан тафовут методи бўйича хулоса чиқаринг.

1) АБВГ — а	2) КЛМН — а
А — а	КАН — а
БВГ — а	ДМ — а

9. Қуйидаги қайси индуктив методлар бўйича хулоса чиқарилган?

а) одатда ёзда баъзи аптека ва поликлиникалар деворига ёпиштирилган икки жадвалга кўзимиз тушади. Уларнинг бири юқумли ичак оғриғи касали сонини, иккинчиси ёзда кўпайган ичак сонини кўрсатади. Бу иккала жадвал ҳам бир-бирига мувофиқ келган.

б) Каримнинг ўқиши кун сайин ёмонлашиб борди. Шу билан бирга футбол ўйинига қизиқиш унда ортиб, ошиб бораётганлигини кузата бошладилар. Демак, Каримнинг ўқиши ёмонлашиб боришига сабаб, унинг футбол ўйинига қизиқишидир. Булардан хулоса чиқаринг.

10. Қолдиқлар методи талабига мувофиқ қуйидаги символик шаклда ёзилган мисоллар хулосасини аниқланг:

1) АБВГ — а а а а	2) АБВГ — а	3) АБВ — а а а
А — а	А — о	А — а а
Б — а	Б — о	Б — о
В — а	В — о	
?	?	?

X боб. АНАЛОГИЯ

1. Аналогиянинг моҳияти

Аналогия хулоса чиқаришнинг махсус шаклидир. Аналогия индуктив ва дедуктив хулоса чиқариш сингари воситали бўлади. Бунда биз айрим буюм ёки буюмлар гуруҳи учун хос бўлган хусусиятлар бошқа буюм ёки ҳодисалар ҳақида янги билим олишга интиламиз. **Аналогия деб ўхшатиш орқали бир белгининг икки буюмда борлигини аниқлаб, бу буюмларнинг бошқа ўхшаш белгиларга эга эканлигини кўрсатишга айтилади.** Биринчи нарса ёки ҳодисанинг ҳамма белгилари биз учун таниш. Иккинчи нарса ёки ҳодисанинг фақат баъзи бир белгиларинигина биламиз. Биз бундай вақтда бу икки нарса ёки ҳодисани бир-бирига ўхшатамиз. Агар биринчи нарса ёки ҳодисанинг муҳим таниш белгилари иккинчи нарса ёки ҳодисада борлигини аниқласак, бундай ҳолда иккинчи нарса ёки ҳодисада ҳам биринчи нарса ёки ҳодисадаги айрим белги бор деб тасдиқлаймиз. Биз табиий ва ижтимоий фанлар соҳасидаги илмий хулосаларни аниқлаганда айрим конкрет буюм ва ҳолатларга таққослаш орқали билишга интиламиз. Бундай хулоса чиқариш ижтимоий-тарихий воқеаларни анализ қилиш пайтида яққол кўринади.

Бир ҳолатни иккинчи ҳолатга ўхшатиб хулоса чиқариш табиатшунослик илмида ҳам фойдаланилади. Бунинг учун мисол қилиб физика тарихида товушнинг ёйилиши механизмининг кашф этишнинг аҳамиятини кўрсатиш мумкин. Кейинчалик олимлар унга асосланиб ёруғлик ҳаракати табиати ҳақидаги фикрни олга сурадилар. Улар бу икки ҳолатнинг ўхшаш белгиларига асосланиб, ёруғлик ҳам ўз табиати билан тўлқинлидир деган хулосага келдилар.

Юқорида баён этилган мулоҳазаларда якка буюм ёки белги иккинчисига таққосланган. Бундай ўхшатишларнинг асосий шарти улардаги таниш белгилар бўлишидадир. Бошқача қилиб айтганда, мантиқий йўл билан бир буюмдаги белги иккинчи буюм учун ҳам хос деган хулосага келамиз. Шундай қилиб, аналогия йўли билан хулоса чиқариш формуласини қуйидагича ифодалаш мумкин:

А — а, б, в, г, д,. . . белгиларига эга.
В — а, б, в, г, х,. . . белгиларига эга.

Демак, В да ҳам эҳтимол Д белгиси бўлса, формуладаги А ва В ўхшатиладиган буюмлар ёки ҳодисалардир. Формуладаги а, б, в, г — икки буюм учун хос бўлган ўхшаш белгидир. Формуладаги д белгиси А буюм учун хос бўлиб, В буюм учун кўп ўхшаш белгилар топилиши муносабати билан унда ҳам бўлиши мумкин деб фараз қилиб кўрсатилган белги. Шунинг учун х дир деб гумон қилинади. Мисол учун Ер ва Марс планеталарини бир-бирига ўхшатиб кўрайлик. Аналогия формуласидаги А ни ЕР ва В ни Марс планетаси деб олайлик. Унда Ер планетасининг ҳам беш белгиси бўлиши ёки бу икки планеталарда улардан ҳам кўп белги бўлиши мумкин деб фараз қилинади. Ер планетасининг беш белгиси биз учун аниқ. Энди бу беш белги (а, б, в, г, д,) мазмунини очамиз: а) *Ер ўз атрофида айланади;* б) *Ер қуёш атрофида айланади;* в) *Ер атмосфера билан ўралган;* г) *Ернинг тўрт фасли бор;* д) *Ерда ҳаёт бор.*

Ҳозирча биз Ернинг баён этилган беш белгиси билан чегараланиб, бу белгиларнинг Марсда ҳам борлигини аниқлашга киришамиз. Аниқлаш натижасида Ернинг а, б, в, г белгилари Марсда ҳам борлиги тасдиқланади. Шунга кўра, Ернинг д белгиси Марсда ҳам борлиги ҳақида тахминий хулосага ва Марсда ҳам ҳаёт бўлса керак деган эҳтимолий натижага келамиз. Шундай қилиб, ўхшаш белгилар топилиши билан ўхшаш бўлмаган (х) белгиси ((яъни Марсда ҳам ҳаёт бор бўлиши эҳтимол) ҳақида хулоса чиқарамиз. Аналогия йўли билан хулоса чиқариш эҳтимолий ҳукм, яъни эҳтимол — S—P дир шаклида бўлади.

Аналогиянинг объектив асоси — бу объектив реалликдаги предмет, ҳодисалардаги турли белгилар, хусусиятлар, томонлар ўртасидаги зарурий боғланишнинг мавжудлиги, предмет ўртасида алоқа муносабатининг объектив мавжудлигидан иборат бўлади.

Лекин бу объектив асос аналогия асосида хулоса чиқариш учун фақат имконият яратади. Чунки у анализ учун имконият шаклидагина мавжуддир. Бу имкониятнинг воқеликка айланиши мантиқдаги шарт-шароитларни амалга ошириш орқали қўлга киритилади.

Бу имкониятларни амалга ошириш предметлар устида бир неча бор кузатиш ўтказиш ёки фанда илмий тек-

шириш олиб боришни талаб этади. Бундай ҳолларда текшириш ҳодисани ўрганишдан предметлар ва улар ўртасидаги муносабатларнинг моҳиятини ўрганишга қараб боради.

Объектив реалликда ҳодиса ва моҳият, предметларнинг юзада кўринувчи белгилари билан уларнинг ички хусусиятлари узвий боғлиқ ҳолда мавжуд бўлиб, билиш процесси ҳар доим ҳодисани ўрганишдан бошланади, қатор ҳодисаларни билиш ёрдамида моҳиятни аниқлашга эришилади.

Аналогия ёрдамида, демак, ходисаларни таққослаш асосида улар ўртасидаги янги боғланиш, умумий хусусият аниқланади ва бу билан моҳиятни очишга янада яқин борилади.

Аналогия маълум предметларнинг белгиларини таққослашга асосланади ва бизнинг улар тўғрисидаги билимларимизни чуқурлаштириш ва конкретлаштириш учун хизмат қилади.

Аналогия ёрдамида хулоса чиқаришнинг мантиқий шарт-шароитлари ҳақида гап борганда бундай хулосанинг эҳтимоллик характерини камайтириш, чинлигини кучайтиришга қаратилган талаблар назарда тутилади. Бу талаблар хулоса чиқариш мақсадида таққосланадиган белгиларнинг муҳимлиги, кўп олиниши, бир-бирига ўхшаш ёки турли-туман бўлишига боғлиқдир.

Демак, хулоса қилиб айтганда, аналогия деб бир буюмнинг бир қанча хусусият ва муносабатларини иккинчи буюм учун ҳам хос деб, шунинг натижасида биринчи буюмда ҳам иккинчи буюм хусусияти ва муносабати борлиги ҳақида хулоса чиқаришга айтилади.

Аналогия йўли билан чиқариладиган хулосанинг эҳтимоллиги камроқ, ҳақиқатга эса яқинроқ бўлиши учун: а) ўхшатиладиган буюмларда кўпроқ умумий белгилар; б) умумий белгилар эса кўпроқ турли-туман; в) умумий белгилар таққосланадиган буюмларда кўпроқ муҳим; г) улар учун умумий белгилар кўпроқ хос; д) ўтказиладиган белги ўз характери билан умумиятлиги аниқланган белгидан камроқ ажраладиган бўлиши керак.

Агар ўтказиладиган белги фақат таққосланадиган буюмлар хусусияти билан аниқланадиган бўлса ва бу хусусият улар учун умумий бўлса, аналогия асосли характерга эга бўлади.

Агар биринчи буюм учун аниқланган белги иккинчи

буюм учун хос бўлмаса, унда аналогия йўли билан хулоса чиқариб бўлмайди.

2. Аналогия йўли билан хулоса чиқаришнинг турлари

Мантиқ илми ҳаммадан олдин аналогия йўли билан хулоса чиқариш пайтида белгини кўчириш характерига қараб икки турга ажратилади:

1) *сифат ва хусуснят аналогияси;*
2) муносабат аналогияси.

Биринчи тур орқали кўчириладиган белги буюмларнинг сифати ёки хусусиятидаги ўхшашлик ҳақида янги билим беради. Бунга мисол қилиб медицина тарихида бир ҳодиса хислатини иккинчи ҳодиса хислатига ўхшатиш усули билан янги перкуссия[1] (лотинча тиқ-тиқ уриш) методининг очилишини кўрсатиш мумкин. Машҳур рус медиги Тализин сув билан бир хилда тўлдирилмаган бочкаларни уриб кўрганда овози турлича бўлишини пайқади. У бу хусусиятни инсон табиати учун ҳам хос деб, медицинада ҳозиргача қўлланадиган перкуссия деган янгиликни очди. Бу тажриба ўхшатиладиган буюмлар сифати ва хислатини иккинчи буюмга ёйиш учун мантиқий асос бўлди.

Муносабат аналогияси буюмлар орасидаги икки муносабатнинг ўхшашлигини аниқлайди. Мисол: С — Д га тааллуқли (мансубли) эканлиги аниқланган бўлса, унда А ҳам В га тааллуқли бўлади. Шунга кўра, А — В буюмлари муносабати орасидаги аниқланган белгилар С — буюмлари муносабати учун ҳам мансуб бўлади.

Муносабат аналогиясини сифат ва хусусият аналогияси билан аралаштирмаслик лозим. Муносабат аналогияси икки якка ҳодиса ўхшашлигини кўрсатса, сифат ва хислат аналогияси бундай монандлик бўлишига йўл қўймайди. А — В муносабати монандлигини С — Д муносабатига ўхшатиш, А ни С га В ни Д га ўхшатишни белгиламайди. Бу буюмлар тамоман ўхшамасликлари ҳам мумкин. Ҳаммадан муҳими А — В буюмлари муносабатининг С — Д буюмлари муносабатига мос бўлишидир.

Муносабат аналогияси йўли билан хулоса чиқариш ижтимоий ҳодисаларни анализ қилиш ва айрим воқеалар перспективасини тўғри аниқлашда катта ёрдам беради.

Муносабат аналогиясининг фанлар учун ҳам аҳамия-

ти каттадир. Математика, физика, астрономия, химия, биология ва бошқа фанларда ўхшатиш муносабати орқали кўп ажойиб илмий кашфиётлар яратилишини фанлар тарихи яхши билади. Техникада ҳам моделлаштириш усули учун муносабат аналогиясидан кенг фойдаланилади.

3. Фан ва таълим-тарбия ишида аналогиянинг аҳамияти

Аналогия табиат ва жамият қонунларини билиш учун маълум аҳамиятга эга. Аналогияда хулоса чиқариш яккадан яккага қараб боради. Шу боисдан ҳам аналогия мантиқий усулдир. Чунки аналогия билим учун эҳтимолий характердаги маълумот беради. Бу эҳтимолий билим эса фан ва тажриба учун катта аҳамиятга эга. Чунки булар орқали воқеликнинг объектив қонуниятларини очиш имконияти вужудга келади. Инсон билими қанча кам бўлса, у одатда ўзининг олдинги якка ҳодисалар ҳақидаги таассуротларини эсга келтириш билан аналогия орқали янги ҳолатлар моҳиятига баҳо бера бошлайди. Шунга кўра ибтидоий жамият одами ўзининг кенг умумлаштирилган тажрибасига эга бўлмагани учун ҳам ҳодисалар сабабини уларнинг ўхшаш белгиларига қараб билиш усулига эга бўлган. Бундай ҳолатни Африкадаги айрим қабилаларда ҳозир ҳам кўриш мумкин.

Шунинг учун аналогияни қиёснинг биринчи шаклларидан бири дейиш мумкин. Одатда, болалар тафаккури тарихи, бу инсоният тафаккури тараққиёти тарихининг бир шахс ҳаётида қисқача такрорланишидир. Шунинг учун янги воқеалар билан учрашганда кишилар асосан ўз тажрибалари доирасида хулоса чиқаришга уринадилар. Уларнинг билимлари якка буюмларга тааллуқли бўлади. Шунинг натижасида улар янги буюм белгиларини ўзлари билган нарсаларнинг белгиларига ўхшатиб била бошлайдилар.

Албатта, болалардаги аналогия ва ўхшатиш орқали қилинадиган мулоҳаза энг содда аналогиядир. Чунки бундай ўхшатиш асослари баъзан тасодифий характердаги ташқи кўриниш белгилари бўлиши мумкин. Шунга кўра, бундай ўхшатиш натижаси баъзан чин ва баъзан хато бўлиши мумкин.

Инсон тафаккурининг тараққий этиши билан аналогиянинг аҳамияти ҳам юксала боради ва у фан ва тех-

ника тараққиётида муҳим аҳамият касб этади. Масалан, Хоразмий, Ибн Сино, Беруний ва бошқа кўпгина атоқли олимларнинг илмий ютуқларининг вужудга келишида аналогия йўли билан хулоса чиқариш катта ёрдам берди.

Маълумки, фанда, илмий тадқиқот ишларида моделлаштириш, ўрганишнинг лозим бўлган табиий ҳодисаси, ёки жараённи аввал сунъий шароитларда яратиб, ёки унинг кичик моделини ясаб, ўрганиб чиқиш ва шунинг асосида олинган хулосаларни объектив реалликдаги табиий ҳодисаларга қўллаш методи муҳим аҳамиятга эгадир. Бу метод — моделлаштириш, аввал таққослаш — мослаштириш принципига ва шунинг асосида ҳодисаларнинг номаълум белгиларини аниқлашга қаратилгандир.

Шаҳарлар, самолётлар, кемалар, тўғонлар, гидроэлектростанциялар моделларини ясаш фан ва техникада аналогия йўли билан хулоса чиқаришнинг нақадар аҳамиятли эканлигидан дарак бермоқда.

Аналогиянинг барча талабларига риоя қилган ҳолда хулоса чиқариш фанда катта кашфиётларга олиб келиши мумкин.

Масалан, Австралиядаги олтин аралашмасидан иборат қатламнинг топилиш тарихи аналогия ёрдамида хулоса чиқаришнинг яққол мисолидир. Олимлар Австралиядаги Янги Жанубий Уэльс районидаги тоғ қатламларининг Шимолий Америкадаги Калифорнияда жойлашган тоғ қатламларига ўхшашлигига эътибор бердилар. Янги Жанубий Уэльс қатламлари олтин аралашмаси борлиги маълум бўлган Калифорния тоғ қатламларига солиштирилиб, уларнинг қатор белгилари орасида умумий ўхшашлик аниқланди ва Янги Жанубий Уэльсда ҳам олтин бўлса керак деган хулосага келинди. Тажрибада эса бу хулосанинг чин эканлиги исботланди. Хусусан, аналогия ёрдамида хулоса чиқариш кибернетикада кенг фойдаланилади.

Кибернетиканинг асосчиси Н. Винер мантиқий машиналарни яратиш билан шуғулланишга киришишдан олдин нимадан илҳомланганлигини ўзининг «Мен — математик» асарида шундай тасвирлайди:

«Мен бошнинг нерв системаси ва рақамли ҳисоблаш машиналари фаолиятининг принциплари ўртасидаги ўхшашликдан ҳайратда қолдим. Мен бундай аналогия тўлиқ аналогиядир ва биз нерв системасини рақамли ҳи-

соблаш машиналарига ўхшатиш билан унинг барча хусусиятларини қамраб оламиз деб айтмоқчи эмасман. Мен шуни айтмоқчиманки, нерв системасининг фаолияти баъзи жиҳатдан рақамли машиналарда кузатилган ҳолларга жуда яқиндир»[1].

Аналогиянинг кибернетикада катта роль ўйнашлиги ҳақида француз олими Л. Куффиноль ўзининг «Кибернетика—бошқариш санъатидир» мақоласида алоҳида кўрсатиб ўтганди. Унинг кўрсатишича, икки механизмнинг ўхшашлигига асосланиб, биринчисига хос бўлган маълум функциянинг иккинчисига ҳам хослиги ҳақида хулоса чиқарилади.

Медицинада аналогия янги ютуққа эришиш ёки эришилган хулосани яна бир текшириб исботлаш, масалан янги дорини, препаратни синаб кўриш, янгича операцияни текшириб, унинг фойдали эканлигини аниқлашда кенг ишлатилади. Масалан, янги дорининг хусусияти ва қанча дозада ишлатилиши лозимлигини аниқлаш учун аввал у ҳайвонларда синаб кўрилади.

Дорининг ҳайвон организмига таъсири ва ҳайвоннинг шу дорига нисбатан реакциясига қараб ундан инсон организми учун қандай фойдаланиш лозимлиги ҳақида хулоса чиқарилади. Бу хулоса ҳайвон организми ва унинг хусусиятлари инсон организми хусусиятларига ўхшашлигига, уларни аналогик таққослашга асосланади. Аналогия ижтимоий фанларда ҳам кенг фойдаланилади. Масалан, фалсафа тарихини ўрганишда, айтайликки, маълум даврда 2—3 йирик мутафаккир файласуфнинг яшаб ижод этганлиги бизга маълум. Лекин биринчисининг дунёқараши, фалсафий ва ижтимоий-сиёсий фикрлари яхши ўрганилган, фанда маълум, иккинчиси эса ўрганилмаган, уни тадқиқот жараёнида аниқлаш вазифаси туради. Бундай ҳолларда тадқиқот жараёнида иккинчи мутафаккир ўрганилган биринчиси билан таққослаб кўрилади ва шу асосда унинг қайси оқимга мансублиги ҳақида хулоса чиқарилади.

Жамият ҳодисаларини аналогия йўли билан таққослаш ижобий ишларни ёйишга, салбий ишларни эса, аксинча, такрорламасликка ёрдам беради. Аналогиядан таълим-тарбиявий ишларни яхшилаш учун педагогик хулосалар чиқаришда кенг фойдаланамиз. Бунда биринчидан, агар содир бўлган ҳаракат педагогик нормага

---

[1] Винер Н., «Я—математик». М., 1967, 279-бет.

мувофиқ бўлмаса ва унга нисбатан қўлланадиган чора ўқувчилар ахлоқ қоидасида кўрсатилган бўлмаса, бундай вақтда ўқитувчи икки ижобий ёки салбий воқеани қиёслаш орқали бирон натижага келади. Иккинчидан, ўқитувчи фан асосларини пухта ўрганиш мақсадида ҳаётдаги айрим фактларни, ҳодисаларни таққослаш орқали тушунтириш олиб боради. Учинчидан, аналогия йўли билан хулоса чиқариш ноаниқ факт, воқеаларни билиш учун ишлатилади. Шундай қилиб, инсон билимини кенгайтириш қуроли бўлган аналогия педагогик ишлар учун ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

МАШҚЛАР

1. Қуйидаги халқ мақолларидан қайси бири аналогияга асосланган:

Тил — ақл тарозиси.
Арслон изидан қайтмас, йигит сўзидан.
Ахмоқ ўзини мақтар.
Эр йигитни майдонда сина.
Бола азиз, одоби ундан азиз.
Эру хотин — қўш ҳўкиз.
Иссиқ сўзим — иситма, совуқ сўзим — совутма.
Сирти ялтироқ, ичи қалтироқ.

2. Қуйидаги мисолда аналогия бўйича хулоса чиқариш қайси ҳолда кўпроқ эҳтимолли бўлади?

а) Нодира билан Раъно бир районнинг бир қишлоғида туғилишган. Ҳар иккиси ҳам ўзбек. Иккаласи ҳам яхши рақкоса. Ёшликда бўёқли ўйинчоқларни ва ҳаракатчан ўйинларни севар эдилар. Ўрта мактабни 17 ёшда битиришди. Нодира А белгисига эга. Демак, Раъно ҳам шундай.

б) Нодира билан Раъно қишлоқда туғилишган. Ҳар иккиси ҳам ўзбек. Иккаласи ҳам ёшликда ўйинчоқларни севар эдилар. Иккаласи ҳам чаққон ва хушчақчақ. Иккаласи ҳам 7 ёшдан бошлаб мактабга борди. Нодира А белгисига эга. Демак, Раъно ҳам шу белгига эга.

3. Аналогия ёрдами билан қуйидаги хулосанинг чин эмаслигини кўрсатинг:

а) Баъзи студентлар ишлаб чиқариш стажига эга эмас. Демак, баъзи ишлаб чиқариш стажига эгалар — студентлар эмас.

б) Ҳамма ўсимликлар егулик эмас.
Демак, ҳамма егулик — ўсимлик эмас.

XI боб. АРГУМЕНТАЦИЯ — ДАЛИЛ КЕЛТИРИШ НАЗАРИЯСИНИНГ МАНТИҚИЙ АСОСЛАРИ

1. Аргументация — далил келтиришнинг умумий тафсили

Суҳбат, мунозара фикр алмашув инсонлар ўртасида муносабат ўрнатиш, уларнинг ўзаро алоқада бўлишининг энг муҳим воситаларидандир. Бундай алоқага киришув инсон фаолиятининг барча соҳаларини қамраб олади. Суҳбат, мунозара албатта икки суҳбатдош ёки ундан кўп бўлишини назарда тутади. Албатта бу суҳбатдошни фикран тасаввур этиш ҳам мумкин. Суҳбат, мунозаранинг энг муҳим хусусиятларидан бири, оддий информация алмашув билан бирга маълум мақсад йўлида далиллардан фойдаланиш, далил, асос келтириш, далиллаш, асослаш (аргументация) жараёнидир.

Аргументация мақсадлари ҳар хил бўлиши мумкин: 1) ўз фикрини билдириш орқали ўзининг мустақиллигини ифодалаш; 2) ҳақиқатга эришиш, ҳақиқатни аниқлаш; 3) суҳбатдошини ишонтириш, мунозара олиб бораётган рақибига ўз фикрини уқдириш; 4) мулоқотда бўлинаётган шахсни қандайдир фойдали фаолият, харакатларга рағбатлантириш ёки зарар ишлардан қайтариш ва ҳ. к.

Далил келтириш, фикрни асослаб бериш, аргументация жараёни, усули ҳаётнинг ва илм-фан, маданиятнинг турли соҳаларида, тафаккур фаолиятида турли ўзига хос хислатларга эга бўлиши мумкин.

Физика, математика илмида асослаш жараёни — усули адабиёт, тилшуносликдан фарқ қилади, шунингдек археологиядаги далил келтириш усули техникадаги аргументациядан ўзгачадир. Юридик соҳада ҳам бирор масалани исботлаб бериш ўзига хос асослаш усулини, жараёнини талаб этади. Шу билан бирга ҳар бир соҳа ўзига хос аргумент, далил шаклларига эга бўлиши мумкин — далил сўзлар, шифр, схема, факт-ҳодиса, воқеалар, буюмлар каби шаклларда мавжуд бўлиши мумкин.

Лекин шу билан бирга қайси соҳада бўлмасин асослаш жараёни, аргументация ўз тузилиши, характери, билишдаги аҳамияти, мақсадлари жиҳатидан умумий хислатларга, томонларга эгадир.

Мантиқ фани умуминсоний характерга эга бўлгани каби далил келтириш, фикрни асослаш жараёни ҳам умуман мантиқий тафаккурнинг у кимники, қайси вақт ва жамиятда бўлишидан қатъи назар ажралмас хислатидир. Далил келтириш жараёнига у инсон тафаккурининг хиллари бўлганлиги сабабли турли факторлар таъсир кўрсатиши мумкин. Чунки инсон маълум жамиятда маънавий-ғоявий, миллий муҳитда, руҳий ҳолатда, яъни конкрет ижтимоий шароитда яшайди.

Далил келтириш жараёнига ахлоқий фактор маълум жиҳатдан таъсир кўрсатади, хусусан суҳбатдош ёки аудитория, суҳбатни эшитувчилар учун суҳбатни олиб борувчининг мақсади, ахлоқий хислатлари аргументациянинг ишонтириш кучига салбий ёки ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, рецидивист, хнёнатчи нотўғри ҳаракатлари билан маълум шахснинг юқори ахлоқий фазилатлар тўғрисидаги баландпарвоз гаплари эшитувчига акс таъсир кўрсатиши табиий. Ахлоқий фактор аргументация, асослашдан олинадиган мақсаднинг моҳияти жиҳатидан ижтимоий характер касб этади.

Мунозарада иштирок этувчиларнинг жамиятда тутган мавқеи, малакаси, билим даражаси кабилар далилларнинг ишонтириш кучига таъсир этади. Бу масаладан исботлаш, далил келтириш жараёнида авторитетдан фойдаланиш масаласи ҳам келиб чиқади. Биз суҳбат, мунозара, лекцияда далил келтирганда улуғ олимлар, давлат арбоблари, атоқли шахсларнинг сўзларидан, давлат қарорларидан фойдаланишга ҳаракат қиламиз. Лекин асарлари, фикрларидан фойдаланилган шахслар ёки давлат арбоблари даврлар ўтиши, шароитнинг ўзгариши билан ўзининг аввалги мавқеини йўқотиши мумкин.

Демак аргументацияга, асослаш жараёнига ижтимоий-социал — иқтисодий, сиёсий факторлар таъсир кўрсатиши мумкин экан.

Асослаш, далил келтириш иккидан ортиқ шахснинг иштирокини талаб этади. Шу билан бирга аргументация суҳбатдошда қандайдир ишончни вужудга келтириш, уни ишонтириш мақсадига қаратилган экан унинг психологик аспекти ҳам мавжуддир, чунки ишонтириш, ишониш ёки ишонмасликнинг шаклланиши инсоннинг руҳий, психологик ҳолати билан ҳам боғлиқдир.

Бу руҳий ҳолат, психологик жараён эса инсон тарбияси, таълим-тарбия ишларининг инсонга қандай таъ-

сир этганлигини тақозо қилади. Шундай экан аргум
тациянинг, психология, педагогика масалалари би
узвий боғлиқлиги маълум бўлади.

Суҳбат, мунозаранинг натижаси аргументаци
фойдаланилган тил, нутқ воситаларига ҳам қисман б
ликдир. Фикрлар тил орқали ифодаланади, тил таб
тил ва сунъий тил — фанда ишлатиладиган сунъий т
дан иборат бўлиши мумкин: биринчиси кундалик ҳа
да, мулоқотда муҳим роль ўйнаса, иккинчиси билимн
специфик соҳаларида — техника, информатика кабил
да муҳим аҳамиятга эгадир.

Аргументациянинг муҳим вазифаларидан бўлм
суҳбатдошда ишонч ҳосил қилиш экан, бунда тил ф
тори ҳам маълум даражада роль ўйнайди. Бундай ҳ
ларда аргументация учун фойдаланиладиган далил
ҳукмлар ва уларни ифодалаш учун керак бўлган с
ларнинг танлаб олиниши, сўз санъатидан фойдала
олиш маълум аҳамиятга эга бўлади.

Шундай қилиб, аргументация, асослаш жараё
қатор факторларни, унга таъсир кўрсатиши мумк
бўлган омилларни назарда тутишни талаб этади.

Лекин аргументациянинг турли соҳадаги кўрин
хусусиятлари, унга ҳар хил факторларнинг қайси да
жада таъсиридан қатъи назар у мантиқий жараён, м
тиқий категория сифатида ўз моҳияти билан бутун
муайяндир.

2. Аргументация ва исботлаш

Аргументация — далил келтиришнинг мантиқий а
си исботлаш ва раддия жараёнидир. Раддия исботла
нинг акси, аниқроғи маълум муносабат, белгининг ма
жуд эмаслиги, йўқлигини исботлашдир.

Исбот мантиқ ва тажрибада ҳаётда бир хил маъ
даги тушунча эмас: булардан бири исбот этиш жара
ни, иккинчиси эса исбот натижасини билдиради. Исбо
нинг мантиқий маъноси унинг натижасини кўрсатишди
**Шунинг учун исбот деб тажрибада текширилиб, чинл
ги аниқланган ҳукмлар орқали иккинчи бир ҳукмни**

адабиёт ёки бошқа фанлар соҳасида биз учун зарур бўлган проблемалар ҳақида янги маълумотлар олишни истасак, бунинг учун археологик қазилмалар, адабий манбалар, қўл ёзма асарлар ва бошқалар орқали далил-фактлар тўплашга киришамиз. Бу факт-далиллар исбот учун энг зарурий восита бўлади.

Ҳозирги замон айрим мантиқшунослари далил мантиқий фикрлашни асосий хусусияти эмас деб, мантиқий исботни воқеликдан тамоман ажратиб қарайдилар. Уларнинг фикрича, математикадаги исбот фақат бир чин фикрдан иккинчи бир чин фикрнинг келиб чиқиши орқали пайдо бўлган. Бу исбот гўёки тажрибадан ажралган ҳолда фақат математикадаги аксиомалар ва таърифлар орқали амалга оширилади. Дарҳақиқат, математикадаги исбот химия, физика фанларидек тажриба ўтказишга муҳтож эмас. Аммо математикадаги аксиомалар ва таърифлар ҳам инсон тажрибасида кўп мартаба такрорланиш натижасида вужудга келган умумий мулоҳазалар эканлигини ҳисобга олиш лозим. Шунинг учун уларнинг исбот билан воқелик муносабати ҳақидаги таълимоти илмий асосга эга эмас.

Илм-фан ҳар бир исбот ҳамма вақт фактларга, тажрибага таянган бўлади, деб таълим беради. Тўғри, биз исбот этиш учун чинлиги аниқланган ҳукмлардан фойдаланиб, иккинчи бир ҳукмнинг чинлигини аниқлашга интиламиз. Чунки чинлиги аниқланган ҳукмлар ҳамма вақт тажрибада текширилиб, умумлаштирилган чин фикрлардир.

3. Исбот этиш таркиби ва шакллари

Исбот этиш таркиби тезис, асос ёки аргументдан ва демонстрациядан иборатдир.

1. Тезис деб, чинлиги исбот этишга муҳтож бўлган ҳукм ёки мулоҳазага айтилади.

2. Асос ёки аргумент — далил деб, тезисни исбот этиш учун фойдаланиладиган чин ҳукм ёки мулоҳазаларга айтилади.

3. Демонстрация деб исбот этиш жараёни ва усулига айтилади.

Энди уларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида олиб қараймиз.

Тезис. Исбот этиш жараёни тезис ва асос ёки аргумент ўзаро узвий боғланган бўлади. Мисол учун: «Фур-

ақат — маърифатпарвар шоир» деган тезиснинг чинлиги исбот этишга муҳтож деб қарайлик. Бунинг учун хулоса асослари сифатида олдин исбот этилган чин ҳукмлардан фойдаланамиз. Аввало Фурқатнинг илмни эгаллаш, илм тарқатиш учун курашган демократ шоир эканлиги маълум бўлади. «Ҳамма илмни эгаллаш, илм тарқатишга чақирган шиор маърифатпарвардир», деган фикр аниқланиб, чинлиги исботланади.

Бу мисолда келтирилган асосда биз исботламоқчи бўлган тезис — Фурқатнинг маърифатпарвар шоир эканлигининг чиклигини белгилаш ётади.

Ҳар бир фикр, мулоҳазани исбот этиш учун фойдаланадиган тезис ҳамда вақт аниқ ва равшан бўлмоғи лозим. Шунинг учун ҳамма илмий мулоҳазаларни исбот этиш пайтида аниқ термин, тушунчалардан фойдаланилмаса, у албатта ноаниқ ва чалкаш бўлади.

Баъзан тезиснинг исбот этилиши тезиснинг келиб чиқиши учун сабаб бўлган манбаларни аниқлашни тақозо қилади. Масалан, «Муҳаммад Солиҳ 1499 йилдан бошлаб «Шайбонийнома» достонини ёзишга киришди». «Абу наср Форобий 873 йилда туғилди» деган хулосаларни фақат тарихий манбаларга таяниб исбот этиш мумкин. Кўпчилик вақтларда фанлар соҳасидаги маълум бир тезиснинг чинлиги бевосита амалда исбот этиш ёки тажрибада текшириб кўриш орқали исбот этилади. Бундай вақтларда текширилиб аниқланган фактлар тезиснинг чин ёки хато эканлигини аниқлаш учун катта хизмат қилади. Масалан, қадимги грек материалистларидан Демокрит «атом содда жисм» деган тезисни олга сурган эди. Кейинчалик олиб борилган илмий текширишлар бу тезиснинг чин эмаслигини, балки ҳақиқатда «атом содда жисм эмас» деган тезисни исбот этди. Коперник Қуёш Ер атрофида эмас, балки, аксинча, Ер Қуёш атрофида айланади, деган мулоҳазага келди. Фанлар тарихидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

А с о с — (аргумент — далил) бу юқорида баён этилганидек, тезисни исбот этиш учун тажрибада синаб кўрилган, фанда аниқланган ҳукм ва мулоҳазалардир. Асос тезиснинг чин эканлигини исбот этувчи чин ҳукмдир. Шунинг учун хато ёки шубҳали мулоҳазалар исботлашга асос бўла олмайдилар. Исботлашдаги ҳамма асослар билим аҳамиятига эга бўлишлари билан уч хил характерга эгадирлар:

а) фактларнинг исбот учун асос бўлиши;
б) аксиомаларнинг исбот учун асос бўлиши;
в) фанларда олдин исбот этилган фикрлар исботга асос бўлиши:

Аргумент ёки асоснинг бу уч хил хусусиятини кетма-кет кўриб чиқамиз.

а) Фактларнинг исбот учун асос бўлиши.

Ҳар бир факт, яъни ҳақиқатан юз берган реал ҳодиса ёки чин воқеа фан учун ва инсоннинг кундалик иши учун муҳим ҳамда зарурий аҳамиятга эгадир. Юз берган бу реал воқеа ҳамма вақт исботнинг асоси бўла олади. Одатда, ҳаётда фактлар ҳамма вақт ўзаро боғланган бўладилар. Шуннинг учун фактлардан исботлаш учун тўла фойдаланиш зарур, яъни фактларнинг фақат сонига эътибор бериб қолмай, балки уларнинг сифатига ҳам эътибор бериш лозимдир.

Факт ва қонунлар. Ҳар қандай фан асосида кузатиш, сезиш, бевосита ҳис этиш ва эксперимент ёрдамида олинадиган фактларнинг умумлашмалари, синтези ётади. Конкрет фактлар ва уларнинг анализига асосланмаган илмий билим, назария, таълимот, шунингдек, фаннинг бўлиши мумкин эмас. Фактга асосланмаган билимнинг илмий қиммати ва шуннингдек, амалий фаолият учун аҳамияти ҳам бўлмайди. У қуруқ фантазия, хаёлий фикрдан иборат бўлиб қолади. Шу боисдан ҳам машҳур рус олими академик И. П. Павлов фактнинг фан учун ниҳоятда зарур эканлигини алоҳида таъкидлаб, «факт — фан учун ҳаводек зарур нарса», деб айтган эди.

Фанларнинг характерига қараб фактлар турлича бўлади. Табиатшунослик фанларида фактлар табиат ҳодисаларидан, конкрет физик жисмлардан, кимёвий жараёндан иборат бўлади. Масалан, тиббиётда ҳар бир касалнинг дарди ёки жароҳати, ундаги бўлаётган жараёнлар конкрет факт бўлиб ҳисобланади. Ижтимоий фанларда эса тарихий ҳодисалар, археологик қазилмалар, бадиий асарлар, қўлёзма кабилар факт хизматини ўтайди.

Фактлар ёрдамида маълум тезисни исбот этиш ёки оппонентнинг тезисларини рад этиш ҳар қандай фанда кенг қўлланилади ва у ҳақиқатни аниқлашнинг энг муҳим йўли, воситаси ҳисобланади.

Исбот этиш мақсадида фойдаланиладиган фактлар объектив воқелик инъикоси бўлса, у тезиснинг чинлиги-

ни тасдиқлаш учун хизмат қилади, аксинча, фактлар объектив воқелик билан мос бўлмаса, у тезиснинг чинлигини тасдиқлаш учун хизмат қила олмайди. Ҳамма вақт табиий ва ижтимоий фанлардаги тезисни исбот этиш учун кўпроқ фактлардан фойдаланиш фойдали бўлади, лекин тезисни инкор этиш учун фойдаланиладиган фактлар тасодифий бўлмай, балки характерли хусусиятга эга бўлган фактлардан иборат бўлмоғи лозим.

б) Аксиомаларнинг исбот учун асос бўлиши.

Аксиома[1] деб нарсалар ва ҳодисалар орасидаги муносабатни акс эттирувчи ҳамда инсоннинг билиш практикасида кўп маротаба такрорланиши натижасида шаклланиб қолган исботсиз, ўз-ўзидан аниқ бўлган ҳақиқатга айтилади.

Аксиомалар чин бўлган фикрлардир. Ҳар бир фанда айрим мулоҳазаларни исбот этиш учун ўзига хос бўлган аксиомалардан фойдаланилади. Масалан, математика, механика ва назарий физикадаги аксиомалар фақат шу фанлар учун хизмат қилади. Бу фанлардаги аксиомалар бошқа табиий ва ижтимоий фанлар учун хизмат қила олмайди. Аксиомалар фанда исбот этишнинг асоси сифатида фойдаланилади. Аксиомалар умуман исбот этиш ва хусусан дедуктив исбот этишнинг асоси бўлади. Аксиомалар тажрибада кўп маротаба синалган умумий ҳақиқатни ифода этганлиги сабабли аргумент учун муҳим ролни бажарадилар. Шу билан бирга. аксиомаларнинг вазифаси чегаралганлигини ҳисобга олмоқ лозим; улар барча фан учун ҳам хизмат қила олмайдилар. Бу жиҳатдан аксиомалардан фойдаланиш доираси чегаралангандир. Аммо бундан ҳар бир фандаги аксиома абадий ўзгармас деган хулоса чиқмайди, албатта. Аксиомалар ҳам фан ва техниканинг тараққиёти натижасида ўзгаради.

А к с и о м а, п о с т у л а т, ф о р м у л а в а с х е м а л а р. Айрим фанлар системасида, чунончи, математика, механика, физика, сиёсий иқтисод фанларида текширилаётган ҳодисани ифодалаш учун аксиома, постулат, турли схема ва формулалардан кенг фойдаланилади.

Аксиома, постулатлар бирор илмий назарияга хос масалаларни исботлаш асосида ётувчи, лекин ўзлари

---

[1] Аксиома бу грекча axioma — исбот талаб қилмайдиган, ўз-ўзидан маълум ҳақиқат дегани.

шу илмий назария доирасида исботланмайдиган бошланғич фикрлардир. Масалан, геометрик теоремалар чинлиги шубҳасиз деб қабул этилган қатор аксиомаларга асосланиб исбот қилинади. Аксиома хулоса чиқаришнинг мантиқий асоси, аргументи бўлганда, у постулат шаклига айланади.

Аксиома ва постулат — иккиси ҳам ўз табиати ва моҳияти жиҳатидан бир бўлиб, исбот талаб қилмайди, назария ва таълимот доирасида чинлиги исботланмайди. Чунончи, Эвклид аксиома, постулатлари геометрик аксиоманинг классик кўринишларидандир. Бу аксиома ва постулатга биноан: «Алоҳида-алоҳида, учинчи нарсага тенг бўлган икки нарса ўзаро ҳам тенгдир», «Ҳар бир нуқтадан иккинчи нуқтага тўғри чизиқ ўтказиш мумкин».

Эвклиднинг бу постулати ҳозирги геометрия курсида қуйидаги аксиома шаклида берилади: «Ҳар қандай икки нуқтадан биргина тўғри чизиқ ўтказиш мумкин».

Бундай аксиомалар мантиқ илмида ҳам учрайди. Улар фикр юритишда ўз-ўзидан исбот қилинмайдиган қоида шаклида бўлади. Масалан, дедуктив хулоса чиқариш ёки силлогизм: «Бир нарса иккинчи нарсанинг ичига кирса, иккинчиси эса учинчи нарса ичига кирса, биринчиси ҳам учинчиси ичига киради» деган аксиомага асосланади.

Аксиома ва постулат, умуман, ҳар қандай муҳокаманинг дедукция принципида тузилишини назарда тутади. Шунинг учун ҳам улар асосан, дедуктив хулоса чиқаришга асосланувчи фанларда учрайди. Лекин аксиома ва постулатларнинг бундай характеридан, уларни мутлақо исботлаб бўлмайди, улар азалдан мияда «туғма шакл»да мавжуд бўлган фикрлардир, деган хулоса келиб чиқмайди.

Субъектив идеализм, жумладан, ҳозирги замон субъектив идеалистик фалсафа ҳар қандай тушунчаларни, айниқса, аксиома, постулат кабиларни субъектив мазмунга эга деб эълон қилади.

Диалектик-материалистик фалсафа аксиома ва постулатларнинг ҳам объектив мазмунга эгалигини, улар нарса ва ҳодисаларнинг оддий муносабатларини мияда бир неча бор акс эттириш ва тажрибада синаб кўриш натижасида шаклланиб қолганлигини исботлади. Инсон амалий фаолияти инсон онгида турли мантиқий шаклларни жуда кўп марта қайтаришга олиб келган,

натижада бу шакллар аксиома аҳамиятига эга бўлиб қолган.

Ф. Энгельс ўзининг «Анти-Дюринг» китобида аксиомаларнинг, хусусан математик аксиомаларнинг инсон амалий фаолияти, тажрибаси процессида шакллана борганлигини кўрсатиб, уларнинг чинлиги ва келиб чиқиши диалектика асосида исботланиши ва тушунтириб берилишини таъкидлаганди.

Қатор илмий асарларда аксиома шаклидаги билимлар инсон миясида амалий фаолиятнинг миллион марта такрорланиб, ўрнашиб қолиши шаклида вужудга келиши таъкидланади.

Аксиома ва постулатларнинг роли фанда чегаралангган бўлса-да, улар айрим фанларда илмий назарияларни асосли, пухта, изчил исботлаш ва баён этишда муҳим ўрин эгаллайди.

в) Аввал исботланган илмий фикрнинг аргумент бўлиши. Чин ҳукмларда ифодаланган фан қонунларини исботлаш аргументи сифатида фойдаланиш мумкин. Чунки фан қонунлари, объектив характерга эга бўлган ва тажрибада синалган билим назариясининг ажралмас қисми бўлиб, улар ҳамма вақт ҳукм шаклида ифодаланадилар. Аммо фан қонунлари ҳеч бир вақт исбот этишнинг ягона аргументи бўла олмайдилар. Умумий ҳукмлардан бошқа тажрибада текширилган жузъий чин ҳукмлар ҳам исбот асоси бўла оладилар.

4. Исбот этиш усули (демонстрация) ва турлари

Демонстрация тезис ва аргументга ўхшаш айрим ҳукм ёки исботнинг айрим қисми бўлмай, аксинча, исботнинг моҳиятидир. Шунинг учун, **демонстрация деб тезис билан аргументнинг мантиқий боғланиши натижасида пайдо бўладиган шакл, жараёнга айтилади.** Демонстрация чин асосдан келиб чиқадиган чин тезисни ёки чин асос орқали хато тезисни аниқлаб берувчи усулдир. Исбот этиш шакли — демонстрацияни тасвирловчи қуйидаги мисолга назар ташлайлик. Бунинг учун энг аввал исбот тезисни белгилаймиз.

Исбот тезиси: *«Карим — тинчлик тарафдори».* Бу тезиснинг чинлигини исбот этиш учун далил — аргумент сифатида қуйидаги чин ҳукмлардан фойдаланамиз:

«Республикамизнинг ҳамма фуқаролари — тинчлик тарафдори».

«Карим Абдуллаев Республикамиз фуқароси».

Энди тезис билан аргументларнинг ўзаро мантиқий боғланиш усули ва бундан келиб чиқадиган хулосани кўриб чиқамиз.

«Республикамизнинг ҳамма фуқароси — тинчлик тарафдори». **(Аргумент).**

Карим Абдуллаев Республикамиз фуқароси. **(Аргумент).**

Демак, *«Карим — тинчлик тарафдори»* **(хулоса).**

Юқорида баён этилган фикрларга таяниб, ҳамма мантиқий исбот уч асосий элементдан: *тезис, аргумент* ва *демонстрациядан* иборатдир деган хулосага келамиз. Тезис — бу исбот қилиниши лозим бўлган ҳукм бўлиб, **«нима?»** деган сўроққа, аргумент — тезисни исботлаш учун хизмат қиладиган ҳукм бўлиб, **«нима билан?»** деган сўроққа ва демонстрация эса тезиснинг аргумент орқали исбот этиш сабабини тушунтирувчи ҳукм бўлиб, **«нима учун?», «қандай?»** деган сўроқларга жавоб беради.

Мантиқда хулоса чиқаришнинг асосий шаклларига қараб исбот этиш уч асосий, яъни индуктив, дедуктив ва традуктив турга бўлинади. Булардан ташқари, тўғри ва четдан исбот этиш турлари ҳам бўлади.

Исбот этиш турларининг мазмуни билан танишамиз.

Индуктив исбот этиш. *Индуктив исбот* этишда тезис умумий ҳукм ва мулоҳазадан иборат бўлиб, унинг асоси, далили ёки аргументи айрим фактлар ҳақидаги чин ҳукмлардан ташкил топади. Иккинчи хил қилиб айтганда, индуктив исбот этишда умумий мулоҳазалар айрим фактларни кузатиш ёки эксперимент қилиш орқали исботланади.

Индуктив исбот этиш индуктив хулоса чиқаришнинг айрим усулидир. Аммо индуктив исбот этиш билан индуктив хулоса чиқариш айнан бир хил ҳодиса эмас. Индуктив исбот этиш ўзига хос хусусиятга эга: агар индуктив хулоса чиқаришдан фикр асослари хулоса чиқаришда фикр асосларидан хулосага қараб борадиган бўлса, индуктив исбот этишда, аксинча, фикр хулосадан асосларга қараб боради. Индуктив исбот этишнинг хулосаси индуктив хулоса чиқаришдек тўла асосли эмас, у эҳтимолий характерга эга. Индукция дедукциясиз тўла билим бера олмаганидек, индуктив исбот ҳам дедуктив исботсиз тўла асосли билим бера олмайди.

Дедуктив исбот этиш. Дедуктив исбот сил-

логизм шаклидаги хулоса чиқариш усулларидандир. Дедуктив исбот этишнинг характерли хусусияти шундан иборатки, унда асослар умумий шаклдаги чин ҳукмлардан, тезислар эса якка ёки жузъий шаклдаги чин ҳукмлардан ташкил топгандир. Аммо бундан дедуктив исбот силлогизм шаклидаги хулоса чиқаришнинг айнан ўзи деган хулоса чиқмайди. Силлогизм баъзан иккинчи бир силлогизмнинг асосига айланади. Дедуктив исбот этиш тезиснинг чинлиги умумий мулоҳаза шаклидаги чин аргументдан, яъни чин ҳукмдан келиб чиққанлиги ва бу аргумент ўз навбатида практикада қайта-қайта синалган реал нарсалар ва ҳодисалар муносабатининг инъикоси эканлигини билдиради.

Дедуктив исбот этишнинг мантиқий усулини тасвирловчи қуйидаги мисолни кўриб чиқайлик. Биз *«мис электр токи ўтказувчи»* деган ҳукмни, яъни тезиснинг чинлигини исбот этишимиз лозим. Бу тезиснинг чинлигини исбот этиш учун *«ҳамма металлар электр токи ўтказадилар»,* деган чин умумий ҳукмдан фойдаланамиз. Бундай вақтда исбот этиш силлогизм шаклида боради, чунки миснинг электр токи ўтказувчанлиги унинг (ўрта термин) «металл» бўлгани сабабидандир. Натижада биз қуйидаги силлогизмга эга бўламиз:

Ҳамма металлар электр токи ўтказувчи.

Мис — металл.

Демак, *мис электр токи ўтказувчи.*

Мисолимиздаги тезис умумий асос орқали дедуктив тарзда исбот қилинган.

Т р а д у к т и в и с б о т. Дедуктив ва индуктив исботлаш билан бир қаторда традуктив шаклдаги исботлаш ҳам мавжуддир. **Традуктив исботлаш ҳукмларнинг ўзаро тенглиги ва айнанлигига қараб хулоса чиқариш ва бу хулосанинг чин эканини исботлашдир.**

Традуктив исбот дедуктив исботлаш билан бирга тажрибада текширилиб, аниқланган индуктив хулосанинг назарий ва амалий аҳамиятини яна ҳам тўлароқ ифодаловчи исботдир. Баъзан дедуктив ва индуктив исботсиз традуктив исботдан фойдаланиш мумкин. Бундай вақтда у аналогия шаклидаги исбот бўлади. Аналогик шаклдаги исботнинг чин ёки чин эмаслиги индуктив ва дедуктив исбот орқали текширилади.

Ҳозирги вақтда фаннинг **«Марсда органик жисмлар бор»** деган фикрни исбот қилишга уриниш традуктив характерга эгадир. Космосга Ернинг сунъий йўлдошла-

рини бир неча бор юборилди ва бу орқали «Марсда органик жисмлар бор» деган традуктив исботнинг чин ёки чин эмаслиги аниқлашга ҳаракат қилинди.

Традуктив шаклдаги исбот кўпроқ математикада қўлланилади. Математикада традуктив исбот ҳукмлар орасидаги тенглик, айнанлик асосида хулоса чиқаришни талаб этади.

Традуктив исбот тўлиқ бўлмаган асосга эгадир.

Традуктив исбот хулосасининг чин бўлиши учун ундан ҳамма вақт индуктив ва дедуктив исбот билан биргаликда фойдаланиш лозим.

Тўғри, бевосита ва айланма (бавосита) исбот этиш. **Тўғри исбот деб тезис чинлигининг бевосита асосдан келиб чиқишига айтилади.** Индуктив, дедуктив ва традуктив исботлар тўғри исботдир, чунки бундай вақтда тезиснинг чинлиги унинг умумий ёки якка, жузъий бўлишидан қатъи назар, аргументнинг чинлигига асосланади. Бундай ҳолатда далиллар учун хулоса чиқариш қоидаларини татбиқ этиб, ундан ўзимизга керакли тезисни юзага келтирамиз.

Тўғри исбот этишдан ижтимоий ва табиий фанларда кўп фойдаланилади. Бундай вақтда фанда тезиснинг аргументдан келиб чиқиши силлогизмнинг биринчи фигурасидаги (ААА) модус қоидасига мувофиқ амалга оширилади. *Мисол:*

Инсонлар жамоасининг тарихий шакли а, в, с, д[1] белгиларига эга бўлса, у миллат бўлади. (Бу фанлар томонидан аниқланган ҳақиқат.)

Инсонлар жамоасининг бу тарихий шакли а, в, с, д белгиларига эга (бу факт текшириш натижасида аниқланган).

Демак, жамоанинг бу тарихий шакли — миллатдир.

Тўғри исбот этишга иккинчи мисол: врач касалга қўйган диагнознинг чинлигини исбот этиш учун ўз мулоҳазасини қуйидагича баён этади: а, в, с, д сил касали аломатидир, бу касалда а, в, с, д аломатлари мавжуд. Демак, бемор сил касали билан оғриган. Бунда ҳам тезиснинг чинлиги, асосларнинг оқибати эканлиги яққол кўринаётир.

---

[1] а—тил бирлиги, в—территория бирлиги, с—иқтисодий бирлик, д—психик бирлик.

Айланма (бевосита) исбот этиш деб антитезиснинг (яъни тезиснинг акси, инкори) **хатолигини асослашга ва антитезиснинг хатолигидан тезиснинг чинлиги ҳақида хулоса чиқаришга айтилади.** Антитезис деб тезисга қарама-қарши бўлган ҳукмга айтилади.

Айланма исбот мантиқий тафаккурнинг — учинчиси истисно қонунига асосланади. Бу қонунга мувофиқ бир вақтда ё тезис, ёки антитезис чин бўлиши мумкин. Агар антитезиснинг (яъни тезисга зид бўлган ҳукм) хато эканлиги аниқланган бўлса, демак, унда тезисни чин деб ҳисоблаш лозим.

Четдан исбот этиш ҳам тўғри исбот этишдек айрим фанларда, хусусан, математикада ва инсоннинг кундалик иш тажрибасида кўпроқ ишлатиладиган усуллардандир.

Айланма исбот этишга мисол: «Биз башарти Авенариуснинг фикрига вақтинча қўшилиб, миядаги процесслар сезгиларни туғдирмайди, балки уларни бирор тарзда «х а л о с қ и л а д и» деб фараз қилайлик. У ҳолда биз, бармоғимизни бутун пичоқ кесганида менда пайдо бўлган оғриқ сезгиси кеча ҳам, бармоғим кесилмасдан олдин ҳам бор эди: мен эртага гулни ҳидлаганимда менда пайдо бўладиган ҳид сезгиси бугун ҳам менда бор эди-ю, лекин ҳали мен буни фақат англамаган эдим, деган хулосага келишимиз мумкин бўлади. Илмий, мантиқий фикрлашнинг элементар нормаларини тарк қилмасдан туриб, Авенариуснинг бу гапларига қўшилиб бўладими? Албатта, қўшилиб бўлмайди.

Мисолдан кўринадики, исбот этиш вақтида:

а) исбот этиладиган тезисга зид бўлган антитезис чин деб қаралади;

б) чин деб ҳисобланаётган антитезисдан келиб чиқадиган хулоса аниқланади;

в) бу хулосанинг бошқа аллақачонлар исбот этилган ҳолатларга қарама-қарши эканлиги кўрсатилади.

Фикримизни бундай тарзда бориши четдан, бевосита исбот талабига мувофиқдир. Ҳақиқатан ҳам, агар биз бирон ҳукмни (масалан уни (а) деб атасак) исбот этмоқчи бўлсак, лекин уни тасдиқловчи тўғри далилга эга бўлмасак, унда биз унга зид бўлган ҳукмни (у ҳукмни (в) деб атаймиз) келтирамиз. Масалан, бундай ҳолда биз (а) ҳукмни фараз қилиб, зиддиятга учрадик (яъни в ни исбот этмоқчимиз, чунки бундай ҳолат кўпчилик вақтларда бўлиб туради). Унда биз (а) хато деган хуло-

сага келамиз. Ҳақиқатан ҳам формал зиддият айнан хато ифодага мос бўлади. Шундай тарзда мулоҳазаларимизда агар (а)ҳукми чин бўлса, унда (в) ҳукми — хато, деган мулоҳаза чин бўларди. Демак, (а) ҳукмининг бўлиши мумкин эмас.

5. Исбот этиш қоидалари

Исбот этиш қоидалари деб мантиқий қонунларни айрим фикрлаш усули — исботлашга татбиқ этиш шаклига айтамиз. Исбот этиш қоидалари уч асосий группага бўлинади: *исбот этишнинг тезис қоидалари, асос* (аргумент) ва исбот шакли (демонстрация) қоидаларидир.

1. Исбот этишнинг қоидалари

а) *ҳар бир тезис мазмунан аниқ ва равшан ифодаланган бўлмоғи лозим.*

Тезис вазифани бажарувчи ҳукм аниқ, қарама-қаршиликсиз бўлмоғи лозим. Иккинчи хил қилиб айтганда, ҳар бир тезис нарсалар ва ҳодисалар муносабатини очиқ ва равшан ифода этиши шарт. Шунинг учун ҳар бир тезис ноаниқ бўлмаслиги зарур. Ноаниқ ва очиқ бўлмаган тезис нарса ва ҳодиса ҳақида аниқ билим бера олмайди. Бундай ноаниқ тезисларни исбот этишга уриниш амалда хатоликларга йўл қўйишдан иборатдир. Аммо айрим шахслар, баъзан қасддан ноаниқ тезисларни олға суришга интиладилар:

б) *тезис исбот этишнинг охиригача бир хил тарзда сақланиб қолиши лозим.* Бу қоида тафаккурнинг формал-логик қонунига, яъни айнанлик қонуни талабига итоат этиши зарурлигини таъкидлайди. Шунинг учун ҳам тезисни исбот этишнинг бу қоидаси айнанлик қонунини конкретлаштиришдан иборатдир. Тезис нарсалар ёки ҳодисалар белгиси ҳақида онгимизда акс этган ҳукмдир. Шунинг учун ҳам ҳукм шу нарса ёки ҳодиса белгисининг онгимиздаги аниқ ифодаси бўлиши лозим.

Тезиснинг иккинчи қоидаси унинг биринчи қоидаси билан яқин боғлангандир.

Тезис қоидалари ҳар бир ҳукм, агар у тезис шаклида *ифодаланган бўлса, албатта,* аниқ, равшан ва исботнинг охиригача бир мазмунли бўлишини талаб қилади. Бундай талабни ҳисобга олиш хусусан маълум масала

бўйича мунозара олиб боришнинг муваффақиятли бўлишини таъминлайди.

2. Исбот этиш асосининг (аргументининг, далилининг) қоидалари:

а) ҳар бир асос (аргумент, далил) сўзсиз чин(чин ҳукм) бўлиши шарт.

Бу қоида етарли асос қонуни талабидан келиб чиққандир. Етарли асос қонунига мувофиқ ҳар бир фикр, мулоҳаза етарли асосга эга бўлиши керак. Агар мулоҳаза асосланган бўлмаса, унда у тезиснинг исботи учун чин ҳукм бўлиш вазифасини бажара олмайди. Шубҳали асос хато исботга, аксинча, чин асос тўғри исбот ва хулосага эришмоқ учун хизмат қилади. Агар асос исбот қилинмаган, шубҳали бўлса, исбот ҳам ўз мақсадига эришмайди;

б) ҳар бир асос (аргумент) тезисни исботлаш учун етарли далил бўлмоғи лозим. Бунинг учун ҳар бир асос вазифасини бажарадиган ҳукм исбот этилган чин ҳукм бўлиши лозим. Шу билан бирга, шуни ҳам эътироф этиш лозимки, ҳамма чин ҳукм асос бўлавермайди. Агар хулоса конкрет асос натижаси бўлса, унда у тезис учун етарли даражадаги асос бўла олади. Аксинча, асос билан тезис орасида объектив боғланиш бўлмаса, бундай ҳолда улар орасида мантиқий алоқа ҳам бўлмайди;

в) ҳар бир асос тезис билан боғланган ва чинлиги исбот этилган ҳукм бўлмоғи лозим. Исбот этиш пайтида тезис асос орқали хулоса чиқаришга хизмат қилади. Аммо, аксинча, тезисдан асос учун хулоса чиқаришга уриниш хатодир. Шунга ўхшаш, тезисни аргумент ва аргументни тезис билан алмаштирган тарзда исбот этишга уриниш ҳам чин хулосага эришмоқ мақсадини бажаришга имкон бермайди. Шунинг учун исбот асоси объектив воқеликка зид бўлмаган, тажрибада синалган тезисдан ажралган чин ҳукм бўлиши керак.

3. Демонстрация қоидалари (исбот этиш усули).

Мантиқшунослар исбот этиш усули — демонстрация хусусияти ҳақида турлича мулоҳазаларга эгадирлар. Уларнинг баъзилари масалан М. С. Строгович ва бошқалар, тезис ва аргумент ҳукм бўлгани каби, демонстрация ҳам ҳукмдир деган фикрни олга сурадилар. Г. А. Брутян, А. Н. Шейко ва бошқалар демонстрация бу ҳукм эмас,

у фақат тезис чинлигини далил орқали исбот этувчи усул деб таълим беришади. Айрим мантиқшуносларнинг демонстрация фақат тезис билан аргументнинг мантиқий боғланиши натижасида келиб чиқадиган хулоса — ҳукмдир, яъни демонстрация тезиснинг аргументга асосланишини кўрсатиб берувчи ҳукмдир деган мулоҳазалари бизнинг фикримизча хатодир. Демак, бу ўринда биз тезис ва аргументнинг мантиқий боғланишидан келиб чиқадиган демонстрациянинг чин бўлишига эътибор беришимиз лозим.

6. Раддия ва унинг хусусияти

Раддия тезиснинг асоссизлигини аниқловчи исботнинг махсус шаклидир. Иккинчи хил қилиб айтганда, **раддия маълум бир фикр ёки мулоҳазанинг хато эканлигини исбот этиш жараёнидир.** Шунинг учун раддия билиш процессида муҳим ролни бажаради. Раддия тезисга, аргументга ёки демонстрацияга қаратилган бўлиши мумкин. Тезисга қарши ёки зид бўлган раддия, юқорида баён этилганидек, антитезис орқали олиб борилади. Бундай вақтда фикр хулоса хатолигига қараб тезиснинг маъносизлигини кўрсатиш билан чегараланади.

Умумий рад этишнинг уч асосий тури диққатга сазовордир.

1. Фактлар орқали рад этиш тўғри рад этишдир. Бундай вақтда ҳаммадан олдин тезис фойдаси учун келтирилган асоснинг хато эканини кўрсатиш лозим. Агар асос — далил инкор этилса ва унинг хато эканлиги кўрсатилса, унда тезис ҳам инкор этилади. Аммо биз асоснинг хатолигидан хулосанинг хатолиги келиб чиқмаслигини яхши биламиз. Бунда хулоса бирон бошқа асосдан келиб чиққан бўлиши, у ўзича чин ёки хато бўлиши мумкин. Шунинг учун агар фактлар билан асос хатолиги исбот қилинган бўлса, у тезиснинг хатолиги ҳақида хабар бера олмайди. Бундай вақтда тезис чин ёки хато бўлиши мумкин. Шунинг учун тезис ёки асосни рад этувчининг асосий вазифаси, уни аниқ ва тўғри далиллар билан танқид этишдир.

2. Тезиснинг чинлигини исбот этувчи далилнинг шу тезисга дахлдор эмаслигини кўрсатиш орқали рад этиш. Бундай вақтда рад этувчи шахс тезис ва асос ҳукмларини умуман рад этмайди. Аммо тезиснинг чинлиги учун

келтирилган оппонентнинг далилларини бу тезисга нисбатан алоқадор эмас деб уқтиради.

3. Рад этишнинг учинчи йўли, **янги тезисни мустақил исбот этишдир.** Бундай ҳолатда янги тезис инкор этилган тезисга зид бўлади. Масалан, биров иккинчи бир шахс томонидан ифода этилган тезис ва у тезис манфаати учун келтирилган асосни билгач, унга зид бўлган бошқа тезис ва асосни келтиради.

Рад этишнинг бу учинчи усули биринчи ва иккинчи усуллардан фарқ қилади. Биринчи ва иккинчи усул билан иш олиб борувчи шахс тезис ва асос ҳақида баҳслашади, аммо баҳслашувчи ҳеч нимани тасдиқламайди. Раддиянинг учинчи усули билан иш олиб борувчи оппонент эса ҳимоя қилинадиган тезисга зид бўлган янги тезисни мустақил исбот қилишга ҳаракат қилади.

Раддия усулларидан фойдаланишнинг энг яхши йўли, тезис ёки асосни рад этиш лозим бўлган тақдирда улардан биргаликда фойдаланишдир.

7. Исбот ва рад этишда учрайдиган хатолар

Одатда, инсон айрим мулоҳазани исбот ёки рад этиш учун ўзаро боғланган бир қанча мантиқий хулосалардан фойдаланади. Мантиқий хулосаларда асослар ва улар учун татбиқ этиладиган қоидалар исботлаш учун катта хизмат қилади. Шунга кўра оддий хулосалар учун эътиборга олиниши лозим бўлган мантиқий қоидалар мураккаб масалалар исбот этиш пайтида ҳам ҳисобга олиниши керак. Шу боисдан ҳам исбот этиш вақтида бу қоидаларга (5-параграфга қаралсин) эътибор берилсада, унда тезис, аргумент ёки демонстрацияга нисбатан учрайдиган хатоликларга йўл қўйилиши мумкин.

Исбот ёки рад этишда тезис билан боғлиқ бўлган хатоликлар уч хил бўлади. Улар қуйидагилардан иборат:

а) тезисни алмаштириш.

Бу хато исбот этиш учун олдин белгиланган тезисни бошқа бир тезис билан алмаштирганда яққол кўринади. Бундай хато хусусан тезиснинг ноаниқлигидан пайдо бўлади. Масалан, умуман агар биз миллатнинг келиб чиқишини исбот этишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган бўлсак ва исбот этиш пайтида ўзбек миллати

ёки бошқа бир конкрет миллатнинг келиб чиқишини исбот этишга уринсак, унда биз ҳақиқатан ҳам тезисни алмаштирган бўламиз. Шунга ўхшаш агар биз айрим ёзувчининг ижодий фаолияти ҳақида фикр, мулоҳаза юргизишни асосий вазифа қилиб, сўнгра унинг баъзи шеърларида бадиийлик кам деган фикр ва мулоҳазани исбот этишга уринсак, бу ҳам тезисни алмаштириш бўлади;

б) инсоннинг шахсий сифатини баҳона қилиб, тезисни алмаштириш. Бундай вақтда мазкур шахс олға сурган тезис устида мулоҳаза юритиш ўрнига, умуман у шахснинг ўтмишда хизмати катта эканлигини, у жуда кўп хизмат қилганлигини эътироф этиб, тезисни исботламоқчи бўладилар. Баъзан, аксинча, мазкур шахснинг ўзига хос хусусиятларини, камчилигини баҳона қилиб, унга қарши асоссиз мулоҳазаларни баён этишга уринадилар;

в) кимки ҳаддан ташқари исбот этишга уринса, у ҳеч нарсани исбот эта олмайди. Бундай хато тезисни исбот этиш ўрнига, унга зид бўлган хато мулоҳазани баён этилади. Масалан, бир киши «тушунча айнан ҳукмнинг ўзи эмас» деган фикрни исбот этиш ўрнига «тушунча ҳукм билан боғланган эмас» деган тезисни исбот этишга уринади, дейлик. Лекин бундай тезисни исбот этиш мумкин эмас. Чунки бу тезис (тушунча ҳукм билан боғланган эмас) хатодир. Демак, бу шахс ўзининг бу хато мулоҳазаси билан «тушунча айнан ҳукмнинг ўзи эмас» деган тезисни умуман исбот эта олмайди.

Исбот ёки рад этишда асос ёки аргумент билан боғлиқ бўлган хатоликлар ҳам уч хил бўлади:

а) аргумент ёки асоснинг хатолиги.

Бунга мисол сифатида республикамизда мустақиллик туфайли қўлга киритилган демократияни қоралаш учун айрим шахсларнинг демократияни қаттиқ интизом ва қонуният, тартибга зид қўйишларини мисол қилиш мумкин. Бу демократияни нотўғри тушунишнинг натижасидир;

б) айланма исбот этиш хатоси.

Айланма исбот этиш деб ўз мазмуни билан тезисга мос бўлган асос ёки аргумент орқали тезисни исбот этишга айтилади. Иккинчи хил қилиб айтганда, (А) тезис (В) аргумент орқали ва ўз навбатида аргумент тезис (В эса А) орқали исбот этилган бўлади. Мантиқ

илмида бундай шаклдаги хатони «буни бу орқали исбот этиш» деб айтилади.

Айланма исбот этиш усулини қўлловчилар софистик хатога йўл қўядилар.

Масалан, Аҳмедов шахматчи, чунки у шахматни яхши ўйнайди; ҳамда Аҳмедов шахматни яхши ўйнайди, чунки у шахматчи.

Бунда тезис ва асос учун олинган ҳукмлар биринчидан, мазмунан бир-бирини қайтаради, иккинчидан, ҳар икки исботлашда бир хил фикр такрорланади:

в) асосни олдин тахминлаш шаклидаги хато.

Асосни олдин тахминлаш шаклидаги хато шундан иборатки, бунда ҳаммадан олдин чинлиги тезиснинг чинлигига боғлиқ бўлган асос олинади, яъни агар тезиснинг чинлиги исбот этилган бўлса, унда асос ҳам чин бўлади. Масалани бундай қўйилишининг асосий сабаби шундан иборатки, фанда баъзан чинлиги аниқланмаган, текшириб аниқлашга муҳтож бўлган гумонли мулоҳазалар ҳам бўлади. Шунинг учун маълум бир мулоҳазани исбот этиш учун ҳамма вақт фақат тажрибада текширилган, аниқланган асослардан фойдаланиш лозим. Исбот ёки рад этишда — **демонстрацияда учрайдиган хатолик — терминларни тўртлаштириш деб аталади.** Бундай шаклдаги хато ҳам дедуктив хулоса чиқариш, хусусан силлогизм қоидаларини бузишдан келиб чиқади. Маълумки, ҳар бир силлогизм уч терминдан иборат бўлмоғи лозим. Терминларни тўртлаштирувчилар силлогизмнинг юқорида баён этилган қоидасига риоя қилмайдилар.

Бу эса тезис, асос ва демонстрацияга биргаликда хос бўлган мантиқий хатоликдан ҳам бўлиши мумкин. Бундай хатоликлар маълум бир шароитда аниқ бир маънога эга бўлган мулоҳаза барча шароитда ҳам турли маънода бўлиши мумкин деб билиш натижасидир. Маълумки, мева дарахтининг гуллаши ёки сувнинг 100 градусда қайнаши учун маълум шароит бўлмоғи лозим. Агар биз сувнинг 100 градусда қайнаши ва мевали дарахтларнинг гуллаши турли шароитда ҳам рўй беради деган асос билан айрим хулосага келадиган бўлсак, унда биз хатога йўл қўйган бўламиз.

Нисбий чин бўлган икки ҳукмни мутлоқ чин бўлмаган ҳукм деб қараш ҳам хатодир. Масалан, агар биз *«у инглиз тилини билади»* ва *«у инглиз тилини билмайди»* деган ҳукмларни бир кишига қарата айтсак ва би-

биринчи ҳукмимиз у кишининг болалик чоғига тааллуқли, иккинчи ҳукмимиз эса у кишининг етуклик даврига тааллуқли бўлса, унда бу икки ҳукм бирданига чин бўлиши мумкин. Аммо бу ҳукмлар бир вақтда бир шахсга нисбатан ифода этилса, унда ҳукмлар орасида зиддият пайдо бўлади. Бундай вақтда ҳукмлардан бири чин, иккинчиси эса хато бўлади.

8. Паралогизм, софизм ва парадокс

Мулоҳаза юритиш, исбот этиш жараёнида турли хатоларга йўл қўйилиши мумкин. Бу хатолар далилли ёки мантиқий аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Масалан, фалсафа фанидан имтиҳон топшираётганда студент «қонун» тушунчасини фалсафий маънода эмас, яъни объектив реалликдаги предмет-ҳодисаларнинг муҳим муносабатларини акс эттирувчи билим маъносида эмас, балки юридик маънода, яъни давлатлар томонидан қабул этиладиган қоидалар маъносида талқин этса, фактик хатога йўл қўйилган бўлади.

Агар муҳокамани исбот этиш жараёнида фикрларни бир-бирига боғлаш, уларни ўзаро асослашда хатога йўл қўйилса, бу мантиқий хато ҳисобланади. Мантиқий хато тафаккур қонунларини бузиш, уларнинг талабларига риоя этмаслик натижасида юзага келади. **Мулоҳазани исботлаш жараёнида билмасдан туриб йўл қўйилган мантиқий хато паралогизм деб аталади** (грекча paralogizma (нотўғри муҳокама) сўзидан олинган).

Мулоҳазани исботлаш жараёнида билиб туриб, атайлаб хатога йўл қўйиш, нотўғри фикр юритиш **софизмдир** (грекча — zophisma айёрлик, уйдирма сўзидан олинган).

Паралогизм ва софизмлар мулоҳаза процессида фикрларнинг бир-бири билан нотўғри боғланиши, фикрларнинг тўғри, чин муносабатининг бузилиши натижасидир.

Паралогизм — бу тафаккур маданиятининг юқори эмаслиги натижасида юзага келган ва билмасдан, тушунмасдан йўл қўйилган мантиқий хатодир. Софизм эса суҳбатдошни, рақибни, бошқа одамларни алдаш мақсадида атайлаб, онгли равишда амалга оширилади-ган мантиқий хатодир.

Софизмга асосланган исбот ва мулоҳазалар мураккаб шаклга эга бўлади. Шунинг учун ундаги фикрни

аниқлаб олиш, фикрнинг нотўғрилигини белгилаш анча қийин бўлади.

Софизм — бу ҳақиқатни ёлғон, ёлғонни ҳақиқат деб тушунтиришдан иборат бўлиб, маълум мақсадда рақибни алдаш, уни нотўғри йўлга йўналтиришга ва шу восита ёрдамида ўз мақсадларини амалга оширишга қаратилган бўлади. Софизм юзаки қараганда тўғри мулоҳаза, исботга ўхшаб туюлса-да, аслида у ҳақиқатга зид хулосани исботлашга қаратилган бўлади ва унинг бундай моҳиятини очиб ташлаш кишидан моҳирлик, мантиқий қонун-қоидаларни яхши билиш ва улардан тўғри фойдалана олишни талаб этади.

«Софизм» тушунчаси *«софистика»* ва *«софист»* тушунчалари билан узвий боғлиқдир.

Софистика — **бу муҳокама, исботлаш процессида суҳбатдошни алдаш, нотўғри йўлга олиб кириш мақсадида турли нотўғри усуллардан фойдаланишдир.** Софистика — суҳбатни адаштиришнинг муҳим қуролидир. Буюк рус демократ тадқиқотчиси Н. А. Добролюбов бу ҳақда шундай ёзган эди: «Инсонларда энг муқаддас ҳақиқатни йўқотишга, энг равшан ишончни шубҳага солишга қаратилган қурол мавжуд, бу қурол кучини билмаганлар учун жуда хавфлидир. Бу қурол — чиркин софистикадир»[1].

Софист, бу ўзининг ёлғон, нотўғри фикрларини билиб туриб онгли равишда турли нотўғри ёлғон воситалар ёрдамида тасдиқлашга, чин қилиб кўрсатишга ҳаракат қилувчи одамлардир. Софист турли хил ёлғоняшиқ усуллар, тушунчаларнинг ўрнини алмаштириш, уларни турли мазмунда қўллаш, турлича мантиқий воситалар ёрдамида чинни ёлғон, ёлғонни чин, оқни қора, қорани оқ қилиб кўрсатишга уринувчи ва шу йўл билан ўз мақсадини амалга оширишга ҳаракат қилувчи шахслардир.

Софистикадан фойдаланиш қадимги Греция логикасида ишлаб чиқилган ва қатор софизмлар яратилганки, улар ҳозирда ҳам софизмнинг классик шакллари сифатида маълумдир.

Масалан, «Эватл софизми» шулар жумласидандир. Қадимги юнон софисти Протагор ўз ўқувчиси Эватлга

---

[1] Н. А. *Добролюбов. Полное собр. соч. т.*, ГИХЛ. М., 1934, 446- бет.

софистикадан дарс берар эди. Лекин ўқув ҳақини тўлаш ҳақида улар ўзаро келишиб олишган эдилар. Бу келишувга биноан Эватл суд процессида биринчи ишни ютиб чиқиши, муваффақиятга эришгандан сўнг ўз ўқитувчиси Протагорга ўқиш ҳақини тўлаши зарур эди. Ўқишни тугатганидан сўнг Эватл умуман суд ишига аралашмади ва шунинг учун Протагорга ўқиш ҳақини тўламади. Протагор ўз ўқувчиси Эватлни судга бериш ва шу йўл билан ўқитув ҳақини ундириб олиш пайига тушди.

Протагор ўқувчисидан ўқитиш ҳақини ундиришга мутлақо ишонган ҳолда, шундай фикр юритди: агар суд Эватл устидан ўқитиш ҳақини тўлашга ҳукм чиқарса, Протагор пулни суд ҳукмига биноан ундириб олади. Агар суд ўқитиш ҳақини ундириб олиш ҳақида ҳукм чиқаза олмаса, суд процессида Эватл ютиб чиқса, унда Протагор ўзаро келишув асосида Эватлдан пулни ундириб олади.

Эватл эса Протагорга жавоб бериб, ҳар икки ҳолатда ҳам ўқитувчисига пул тўламаслигини таъкидлади. Агар суд пулни тўлаш ҳақида ҳукм чиқарса, демак Эватл суд процессида ютқизган бўлади. Бундай ҳолда, у Протагор билан ўзаро келишувга биноан, пулни тўламайди. Агар суд ўқитиш ҳақини тўламаслик ҳақида қарор чиқарса, Эватл шу қарорга биноан Протагорга пул тўламайди.

Софизмлардан фойдаланиш кўп ҳолларда махсус мақсадлар билан, айрим шахс, оила, гуруҳ манфаатлари билан узвий боғланган бўлади.

Софистик мулоҳазалар айрим ҳолларда тафаккурдаги зиддиятни яшириш, суваб ўтиш учун ҳам хизмат қилади.

Бу жиҳатдан мантиққа софизмнинг махсус кўриниши, яъни **парадокс** деб аталувчи мулоҳазалар характерлидир.

П а р а д о к с — **бу ҳал қилиб бўлмайдиган зид фикрдан ташкил топган мулоҳаза бўлиб, унда маълум бир ҳолатнинг чинлиги ҳам, ёлғонлиги ҳам исботланиши мумкин.**

Парадокснинг келиб чиқишига сабаб, ундаги мулоҳазаларнинг муҳим элементлари, тушунчаларининг мантиқий ҳолатлари етарли даражада аниқланмаганлигидир. Парадоксни мантиқий йўл билан, мантиқ воситалари билан ҳал этиб бўлмайди.

Парадокслар қадимги Грецияда ҳам маълум бўлган.

Масалан, «Ёлғончи» парадоксини олиб кўрайлик. Критлик Эпименид деган деҳқон шундай дейди: «Ҳамма критлик (Крит оролида яшовчи) ёлғон гапиради». Бундан савол келиб чиқади. Эпименид ёлғон гапирадими ёки чин гапирадими? Агар у рост гапирди деб тахмин этилса, у критлик бўлгани учун ёлғон гапирувчилар қаторига киради. Агар у ёлғон гапиради деб тахмин этилса, у ҳолда унинг «ҳамма критлик ёлғончи» деган гапи нотўғри бўлиб, критликларнинг айримлари рост гапирувчи бўлиб чиқади.

Бу «Ёлғончи» парадоксини «Мен ёлғон гапираман» формасида ҳал қилиб бўлмайди. Зид фикр бунда янада очиқ намоён бўлади.

Эпименид *«Мен ёлғон гапираман»* деб айтди. Бу парадоксни мутлақо ҳал этиб бўлмайди. Айтайлик, Эпименид рост гапирди, бу ҳолда унинг ҳақиқатда ёлғон гапиргани аниқ бўлади. Айтайлик, у ёлғон гапирди. Бу ҳолда унинг ҳақиқатда ҳам рост гапиргани маълум бўлади.

Бундай парадокслар узоқ вақтгача маънисиз фикрий машғулот сифатида қараб келинди. Лекин XIX асрнинг охирларига келиб математик кўплик назариясида парадокслар аниқланганидан сўнг уларни ўрганиш билан қизиқа бошладилар ва парадоксларни ҳал этишнинг турли йўллари тавсия этила бошлади.

Шундай қилиб, исботлаш жараёнида рўй берувчи хатолар турли мантиқий қонунлар, қоидаларни бузиш, уларнинг талабларига риоя этмаслик натижасида келиб чиқади. Бу эса айрим ҳолларда мантиқни билмаслик, айрим ҳолларда эса логикани билиб туриб, уни онгли равишда инкор этишнинг оқибатидир.

Исботлаш ва раддиянинг математик қонун-қоидалар асосида олиб бориш, унда хатоларга йўл қўймаслик, суҳбат, муҳокама, илмий мунозара — қўйилган натижага эришишнинг энг муҳим шартларидандир.

9. Илмий мунозара

Илмий мунозара — дискуссия ҳозирда илмий масалаларни ҳал этиш, илмий муаммоларни тўғри ечиш, исталган ҳақиқатни аниқлаш, қўйилган илмий тезисни исботлашнинг энг муҳим воситасидир.

Маълумки, ҳар бир фанда бирор бир янги қоида, на-

зария, ҳақиқий илмий фикр бирданига ва осонлик билан вужудга келмайди. Унинг исботланиши қийинчилик ва қатор босқичлардан ўтиш, исбот-далилларнинг топила бориши, уларнинг тажрибада бир неча бор синаб кўрилиши каби мураккаб жараённи ўз ичига олади. Шундай жараённинг энг муҳим босқичларидан бири илмий мунозарадир. Мунозара давомида қидирилаётган илмий ҳақиқат ҳақида вужудга келган фаразлар, фикрлар тўқнашади, синовдан ўтказилади. Мунозара давомида турли исботлаш шакллари, турлича далиллар, исботлаш тезислари янгиланиши, ўзгартирилиши мумкин. Унинг қанчалик давом этиши, ривожланишидан қатъи назар, натижаси мунозара маданиятининг юқори бўлишига, мунозара қоидаларига риоя этилишига ва қайси даражада масалани, саволни тўғри қўя билишга боғлиқ. Мунозарада мунозара иштирокчиларининг билим даражаси, масаланинг тўғри қўйилиши, шахсиятга ўтиб кетмаслик, дискуссия — мунозара предметининг муҳимлиги ва бошқалар катта аҳамиятга эга.

Илмий мунозара, унинг доираси, кенглиги — фанда, интеллектуал ҳаёт соҳасида ижод эркинлиги мавжудлигини ифодалайди. Ижод эркинлиги, фикрлар эркинлигисиз, илм-фан, умуман маънавий маданиятнинг ривожланиши мумкин эмасдир. Умумий жараённинг давоми сифатида барча республикаларда жамиятни демократлаштириш бошланиб кетди. Ягона фикрлилик, ақидачилик, кўр-кўрона ишонтириш методларидан қутулиш имкони олга сурилди, эркин фикр юритиш, турли темаларда мунозаралар олиб бориш, далиллар доирасини кенгайтириш учун шароит яратилди. Фанда, сиёсатда, маданиятнинг турли соҳаларида, ғоявий масалаларда, ҳақиқатни билиш йўлида кенг мунозаралар олиб бориш замонамиз маънавий ҳаётининг муҳим хислатига айланди. Демак, мантиқий асослаш, аргументация, илмий исботлашнинг ижтимоий билишда роли ва аҳамияти ошиб бормоқда.

Кундалик ҳаётда кенг учрайдиган мунозаралар ичида илмий мунозаралар алоҳида аҳамият касб этади. Унинг асосий вазифаси фаннинг турли соҳаларидаги таълимот, назария, масалаларнинг ҳақиқийлигини аниқлашга қаратилгандир.

Илмий мунозараларни ўтказиш шаклига қараб, муҳокамага қўйилган масаланинг муҳимлигига қараб, фойдаланилган далил—аргументларнинг характерига қараб,

олдига қўйган мақсадга қараб, шунингдек, эришилган натижага қараб турларга ажратиш мумкин.

Масалан, мунозара шаклига қараб ёзма ва оғзаки, бевосита ва билвосита, оммабоп ва профессионал бўлиши мумкин.

Шунингдек фойдаланилган далилларга қараб эксперименталь, назарий, методологик характердаги мунозараларга бўлиниши мумкин. Мақсадга қараб мунозаранк 1) умумий, ҳамма қатнашувчилар учун зарурий келишув эришишга қаратилган; 2) турли зид фикрларни аниқлаб олишга қаратилган; 3) масалани чуқурроқ тушуниб, аниқлаб олишга қаратилган мунозараларга ажратиш мумкин ва ҳ. к.

МАШҚЛАР

1 Қуйидаги текстларнинг қайси бирида исбот борлигини аниқланг:

«Фойдали ва қизиқарли журнал».

«Фан ва турмуш» журналида илм ва ҳаётнинг энг муҳим, истиболли масалаларини ёритиш, ҳозирги куннинг долзарб муаммоларини ёритиш асосий ўринни эгаллайди. Бундан ташқари, турли-туман қизиқарли маълумотлар, кундалик турмушда иш берадиган фойдали маслаҳатлар бериб борилади. Булардан ташқари, журнал турли-туман мазмундаги илмий фантастик асарлар, табиатда учрайдиган ажойиб-ғаройиботлар тўғрисида ҳикоя қилади.

2 «Саводли ёза билмоқ керак» деган тезисни қайси ҳолатда исбот этилган деб ҳисоблаш мумкин:

а саводли бўлиш юксак билимли ва маданиятли кишининг муҳим белгиларидандир. Ҳар бир киши имло хато қилмаслик учун саводли ёза билмоғи лозим;

б саводли ёза билиш кишининг қанчалик маданиятли эканлигидан дарак беради. Киши қанчалик саводли бўлса, у ўз фикрини шунчалик аниқ ифодалай олади. Нутқ маданияти тафаккур билан боғлангандир;

в саводли ёза олиш шунинг учун ҳам керакки, унда киши ўз фикрини иккинчи бир кишига аниқ тушунтира олади;

г ҳар бир кишининг саводли бўлиши шунинг учун ҳам керакки саводсиз бўлиш уятдир;

д ҳар бир шахс ўз ёзувининг маъносини тушунмоғи учун саводли ёзмоғи лозим.

Агар киши ёзувда ва хусусан, стилистик хатоликларга йўл қўйса, унинг ёзувининг маъноси ўзгариб кетади ва бош-

қалар учун тушунарли бўлмайди. Шунга ўхшаш орфографик хатоларга ҳам йўл қўйиш мумкин эмас. Чунки бу хатолар ҳам шу тил билан унчалик таниш бўлмаганлари учун катта қийинчиликларни вужудга келтиради. Шунинг учун гапни тўғри тузиш катта аҳамиятга эга. Ҳамма вақт саводли ёзиш керак, чунки саводли нутқ ва саводли хат ўзлаштиришни енгиллаштиришга имкон беради.

3. Қуйидаги мулоҳазаларда исбот борми? а) Ойбекнинг «Навоий» романи бадиий реалистик асардир. Унинг воқеликни конкрет, тарихий тарзда чин тасвирлаши бунга гувоҳдир. Романда халқ ҳаёти ҳаракатда, ўзгаришда ва тараққиётда тасвирланган. Романнинг бош қаҳрамони ижобий образ сифатида ёрқин кўрсатилган.

б) Ажойиб саҳна устаси С. Эшонтўраеванинг кўп йиллик ижодий фаолияти мобайнида яратган образлари ўзбек драматик санъатининг юксак ютуқлари қаторига киради. Бу Сора Эшонтўраева яратган «Гамлет»даги Офелия, «Отелло»даги Дездемона образларидир. Бу «Бой ила хизматчи»даги Жамила, «Алишер Навоий»даги Гули, «Макр ва муҳаббат»даги Луиза, «Момақалдироқ»даги Катерина ва бошқа кўпдан-кўп образлардир.

4. Мактаб ўқувчилари учун тавсия қилинадиган қуйидаги иншо темаларини мантиқий анализ қилинг. Агар улар исбот этишга муҳтож бўлса, буни аниқ кўрсатинг:

а) «Зайнаб ва Омон» поэмасининг ғоявий мазмуни.

б) Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романидаги Йўлчи — 1916 йилги қўзғолоннинг раҳбарларидан бири.

в) Жамила ва Гулнор образларига қиёсий таҳлил.

XII боб. ПРОБЛЕМА. ГИПОТЕЗА. НАЗАРИЯ

1. Проблема — муаммо

Проблема — муаммо бу объектив реалликни билиш, илмий ўрганиш жараёнида келиб чиқадиган масала ёки масалалар йиғиндисидан иборат бўлиб, уларни ўрганиш, тадқиқ этиш маълум назарий ёки амалий аҳамият касб этади. Билимнинг ривожи бу бир хил проблеманинг, муаммо — масаланинг ҳал этилиши, ўрганилиши ва иккинчи хил проблемаларнинг вужудга келиши жараёнидан иборатдир.

Масалалар ва проблемалар ҳақиқий илмий ва сохта характерга эга бўлиши мумкин. Проблема бундай бўлиши уларни ташкил этувчи масала ва масалаларнинг мазмуни — чин ёки хато бўлишига боғлиқдир. Фанда муаммо — проблеманинг ечилиши илмий тадқиқотнинг умумий метод ва усулларига мос келади. Илмий тадқиқот жараёнида проблеманинг пайдо бўлиши маълум шарт-шароитларнинг вужудга келиши билан боғлиқ бўлиб, бу шарт-шароитлар объектив ва субъектив ҳолатларнинг мос келиши ва ролини тақозо қилади. Бу шарт-шароитлар аввало билиш, тадқиқот олдига маълум саволларни олға суради ва бу саволларга жавоб бериш талаб этилади. Уларга берилган тўғри жавоблар масала, проблеманнг ҳал этилишида ижобий роль ўйнайди. Савол турли хил бўлиши, мавжуд билимларнинг мазмуни, шакли, вазифаси кабиларга оид бўлиши мумкин, уларга берилган жавоблар ҳам турлича бўлади. Лекин уларнинг асосий мақсади янги проблемани вужудга келишига қаратилган бўлишлигидир.

Вужудга келган проблемаларни ечиш бу билимнинг олдинга томон силжиганидан далолат беради. Ҳозирги замон ривож топган табиатшунослигида, техника фанларида проблема янги апорийлар, парадокслар шаклида кўриниши мумкин.

Фанларда вужудга келувчи масалалар, муаммолар турли йўллар, усуллар билан ҳал этилади. Бу — проблема — муаммо ва назариянинг ўзаро муносабати масаласидир. Бу муносабат уч тур бўлиши мумкин. Проблемалар—муаммоларнинг айримларини мавжуд назариялар доирасида ҳал этилса айримлари мавжуд назария-

ни янгилашни талаб этади. Айрим проблемалар эса мавжуд назарияни яратиш масалаларини олға суради.

Шундай ҳоллар ҳам вужудга келадики, олдинга сурилган проблемани-муаммони ҳал этиш унинг принципиал ва ҳеч қачон ҳал этиб бўлмаслигини исботлаш билан боғлиқ бўлиб қолади. Фанда ҳал этиб бўлмайдиган бундай масала, проблемалар-муаммоларнинг вужудга келиши улар асосланган шарт-шароит, билимларни, принципларни қайта қуриб чиқишни талаб этади. (Масалан, абадий ҳаракат аппаратини яратиш ҳақидаги масала.)

Илмда масалалар ва проблема-муаммоларнинг вужудга келиши илмий гипотезалар, фараэлар янги илмий назарияларнинг пайдо бўлишида бошланғич этап турткич, куч бўлиб хизмат қилади.

2. Гипотеза — фараз

Гипотезанинг моҳияти

Инсон билимининг асосий вазифаси объектив реалликни тўғри билиш, объектив ҳақиқатга эришувдир. Аммо ҳақиқат инсон онгида тайёр ва мукаммал тарзда пайдо бўлмайди. Шунинг учун ҳам Н. Г. Чернишевскийнинг «билиш процесси бу Невский проспекти эмас, балки янги билимларнинг қўлга киритишнинг эгри, чалкаш, қинғир-қийшиқ, мураккаб йўлидир»— деган фикри ҳаққоний фикрдир. Объектив дунёдаги ҳар бир буюм ва ҳодисани билишдан олдин ҳамма вақт кузатиш ва тажриба орқали қўлга киритилган эмпирик материалларни узоқ фикрлаш талаб этилади. Кузатиладиган буюмлар, ҳодисаларнинг ички боғланишига қаратилган фикр фаолияти биринчи навбатда шу буюмлар ёки ҳодисаларнинг чин сабаби ҳақида ҳар турли гумон, тахминларни олға суришдан (фараз) бошланади.

Сўнг объектив ҳодисалар муносабатини ўрганишни чуқурлаштириш давомида бу гумон, фараз борган сари аниқлашиб боради, унга ўзгартиришлар, кузатишлар киритилади ёки нотўғрилиги аниқланса, ундан воз кечилади. Бу процесс натижасида фан ва практика турли зиддиятлар, хато фикрларни енгиб, объектив қонуниятлар ҳақида объектив чин натижага эришади.

Демак, объектив реалликни ўрганишда фаразий фикр, яъни гипотеза муҳим аҳамиятга эгадир. Гипотеза

фан тараққиётининг ўзига хос кўриниши, ифодаси, шаклидир ёки воқеликни билишнинг махсус назарий методидир.

Гипотеза грекча hypothesis сўзидан ташкил топган бўлиб, у асос, фараз маъноларини беради.

Гипотеза бирор объектив ҳодисанинг номаълум сабаби ҳақидаги фаразий, эҳтимоллик характеридаги билим бўлиб, инсон билиш фаолиятининг муҳим воситаларидандир.

Гипотеза ҳаётда икки хил маънода учрайди:

а) Гипотеза деганда кенг маънода бирор нарса тўғрисидаги тахмин, гумон, фараз тушунилади — мавжуд кундалик ҳаётда у жуда тез-тез ишлатилади.

б) Илмий текширишда, фанда гипотеза тор маънода ўрганилаётган ҳодисанинг сабабини аниқлашга қаратилган илмий фараз маъносида ишлатилиб, у илмий назарияларнинг вужудга келишида жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Ломоносов, Дальтон, Дарвин, Менделеев каби машҳур олимлар гипотезани янги илмий фактлар қидирувчи, ҳодисалар орасидаги қонуний боғланишларни аниқловчи метод сифатида талқин этадилар.

«Омоч деҳқоннинг фойдали ўсимлик экишини енгиллаштирганидек, гипотеза чин фикрни топиш учун тўғри илмий иш олиб боришга ёрдам беради»[1],— деб ёзади Д. И. Менделеев.

Гипотеза ҳодисаларининг қонуний боғланишларини тушунтириш учун хизмат қиладиган фараздир.

Сабаби номаълум бўлган ҳодисанинг сабаби ҳақида фаразни олға суриш, шу фаразни асослаш ва текшириб кўриш билан узвий боғлиқдир.

Икки муҳим натижадаги ўхшашликка қараб улардаги сабабий ўхшашликни аниқлаш гипотеза йўли билан хулоса чиқаришнинг муҳим ҳолатидир.

Гипотеза янги фактларни очиб, билимни янгилаш ёрдамида объект ҳақидаги эски билим системасини инкор этишга олиб келади. Гипотеза текширишнинг энг қизғин пайтида пайдо бўлиб, билимнинг эски системасини бузиш учун фикрнинг янги системасини вужудга келтиришни бошлаб беради.

---

[1] Д. И. Менделеев. Основа химии. т. I. Гос. науч. техн. изд. М.-Л. 1947. 151-бет.

Гипотезанинг шаклланиши ва унинг илмий текширишда қўлланилиш жараёнини бир неча қисмга ва босқичга бўлиш мумкин:

1. Сабаби фанда номаълум бўлган ва уни илмнинг мавжуд воситалари билан тушунтириб бўлмайдиган ҳодисаларнинг кузатилиши.

2. Бу сабаби номаълум ҳодисани унинг шарт-шароитлари, кўриниши билан илмнинг барча имкониятлари ёрдамида ҳар томонлама ўрганиш.

3. Мазкур ҳодисани юзага келтирган сабаблар ҳақида гипотеза, тахмин, фаразни олга суриш ва тўғри ифодалаб бериш.

4. Бу тахмин этилган сабабни келтириб чиқариш мумкин бўлган оқибат-натижаларни белгилаш.

5. Бу оқибат-натижаларнинг объектив реаллик фактларига мос келишлигини, уларнинг тўғри ифодаланишини текшириш ва аниқлаш. Агар бу текшириш жараёнида натижаларнинг маълум объектив фактларга мос ва тўғри келиши аниқланса, олдинга сурилган гипотезанинг асосли эканлиги исботланади.

Илмий гипотеза объектив дунё қонуниятлари ҳақида фаразий билим беради. Унинг мазмуни инсонга ҳам, инсониятга ҳам боғлиқ бўлмай, у моддий дунё предметлари, ҳодисалари ва улардаги процесслардаги сабабий боғланишни ифодалайди.

Гипотетик билим фаразий, гумонли фикрдир. Аммо гипотезанинг бу хислати унинг чин объектив мазмунини инкор этмайди. Шунинг учун гипотетик билим учун гипотеза билимларини ҳисобга олиш катта аҳамиятга эга.

Гипотезанинг муҳим белгилари деб, биринчидан, унинг билим тараққиёти шакли эканлигини, иккинчидан, бу фаразий фикр эканлигини, учинчидан, унинг фақат кузатиш ва тажриба асосидагина вужудга келган эканлигини ва тўртинчидан, текшириладиган ҳодисанинг қандай хислати ва сабабини ўрганиш мақсади аниқ шаклланган ва равшан эканлигини кўрсатиш мумкин.

Гипотезанинг муҳим белгиларидан бири, унинг билим тараққиётининг муҳим шакли бўлишидир. Гипотезанинг бу специфик хислати,умуман инсон билимининг доимий тараққиёти бойиб бориши, ўзгариши ва инсоннинг ўз тажрибаси асосида ҳодисаларнинг сабабий боғ-

ланиши, қонуниятларини узлуксиз ўрганишга интилиши билан боғлиқдир.

Янги билим пайдо бўлишининг шакллари ва қонуниятларини диалектика асосида тушунишни ўрганиш умумий логиканинг муҳим вазифасидир. Мантиқий тараққиёт диалектик идеяларга асосланиб, билмасликдан — билишга, нотанишдан — танишга, кам билишдан — кўп билишга томон бориш жараёнидир. Гипотеза бу жараёнда тафаккур шаклларини ва хулоса чиқариш турларини бирлаштириб, ҳар бир фан соҳасида инсон тажрибаси асосида билимни нотанишдан таниш томон олиб борувчи мантиқий категориядир.

Гипотеза орқали янги билимлар пайдо бўлиши ижтимоий фанлар учун ҳам хосдир, чунки «инсоннинг ҳамма билими жуда чалкаш айланма тарзда ривожланади, тарихий фанларда ҳам, фалсафада ҳам назариялар бир-бирларини қисиб чиқарадилар»[1].

Дарҳақиқат, инсон тафаккури кузатиш, тажриба ва эксперимент орқали буюмлар, ҳодисалар қонуниятларини ўрганиш мақсадида уларнинг моҳиятини билишни, ҳаммадан олдин гипотезадан бошлайди. Табиат, жамият ҳодисаларини ёки буюмлар қонуниятларини, сабабларини билиш ҳақидаги янги бошланғич билим ҳамма вақт фараз, эҳтимолли шаклда пайдо бўлади. Шунинг учун билишнинг турли кўринишлари билмасликдан билишга ёки тўлиқ бўлмаган билимдан тўлиқ билимга бора олиши гипотезадан фойдаланиш орқали амалга оширилар экан, демак, у инсоният билими ривожланишида умумий қонуният шаклига айланиб қолгандир.

Гипотезанинг иккинчи бир муҳим белгиси унинг тахминий фаразий бўлишидир. Гипотеза тузиш ҳамма вақт якка буюмлар хусусияти ёки ҳодисалар қонуниятларининг боғланиши ҳақидаги тахминий фикрлар билан боғлиқдир. Тахминий фикрлар эса кузатиладиган воқеанинг биз учун номаълум бўлган сабабини тушунтиришга қаратилган бўлади. Бундай вақтда ҳаммадан муҳими айрим воқеа, ҳодисаларни ажратиб қараш эмас, балки шу ҳодисага тааллуқли бўлган барча фактларни, белгиларни ҳар томонлама қамраб олишга интилишдир. Агар фактлар ўзаро боғланишсиз, тарқоқ ҳолатда олинади-

---

[1] Ф. Энгельс. Диалектика природы, Госполитиздат, 1955, 191-бет.

ган бўлса, ундан тахминий билим асосида ҳеч қандай фойдали гипотеза тузиш мумкин эмас.

Гипотеза учун ишлатиладиган тахминий фикрлар ҳамма мантиқий хулосаларни дедуктив йўл билан аниқлашга ва текширишнинг келажак йўлини кўрсатиб беришга имкон бериши лозим. Одатда, илмий гипотеза ўзи учун хос бўлган маълум даражадаги объектив ҳақиқатга асосланади. Аммо чин билим имкониятини гипотезадаги билим билан аралаштириб бўлмайди, чунки гипотетик билим исбот талаб қилади. Шунинг учун гипотезани тўлиғича объектив ҳақиқат деб бўлмайди.

Гипотезанинг учинчи белгиси, унинг ёрдамида янги билимга ўтишдир. Бу хислат гипотезанинг қонуний характеридир. Ф. Энгельс гипотезанинг бу хусусиятини қисқа, аммо чуқур маънода қуйидагича таърифлайди: «Кузатиш бир группа фактларга тааллуқли бўлган қандайдир бир фактни очади ва шу орқали олдин ноаниқ бўлган фактларни билиш имкониятини вужудга келтиради. Шундан бошлаб ҳаммадан олдин чегаралланган миқдордаги факт ва кузатишларни янги тарзда тушунтириш эҳтиёжи пайдо бўлади. Кейинчалик эса ана шу янги қонун, тўла тиклангунга қадар тажриба материали гипотезаларни тозалашга, баъзи бирини олиб ташлашга, бошқасини тузатишга олиб боради»[1].

Буюмлар хусусияти ва боғланишлари ҳақидаги ҳар хил тажрибада фикрлар фақат кўп миқдордаги кузатишларни умумлаштириш ва материалларни тахминий анализ қилиш натижасида пайдо бўлади. Бундай вақтда инсон тафаккурининг аналитик фаолияти ҳам катта аҳамиятга эга, чунки бунда биз таниш фактлардан бу фактларни янгича тушунтиришга борамиз. Эмперик материалларни мантиқий анализ қилиш тафаккурнинг мураккаб хислатидир, чунки бундай ҳолда инсон тафаккури хулоса чиқаришнинг турли шаклларидан фойдаланади. Шунинг учун гипотеза бу билим тараққиёти шакли бўлиб, хулоса чиқаришнинг турли шакллари — дедукция, индукция, аналогияни ўзида бирлаштиради.

Гипотезанинг тўртинчи белгиси, унинг текширилади-ган ҳодисалар хислатини тушунтирувчи мантиқий метод қуроли бўлишидир. Ҳодисалар келиб чиқишини тушунтириш эса бу ҳодисанинг пайдо бўлиши учун хизмат қи-

---

[1] Ф. Энгельс. *Диалектика природы.* 1955, 191-бет.

ладиган сабабларини аниқлашдир. Ҳодисалар эса бизнинг онгимиздан ташқари объектив бўладилар. Гипотеза ёрдами билан биз фақат объектив мавжуд бўлган ҳодисалар орасидаги боғланишни аниқлаймиз.

Гипотеза билим тараққиёти шакли сифатида бизнинг онгимиздан ташқари бўлган нарсалар ва ҳодисалар боғланишини билишга қаратилган.

Гипотезанинг юқорида баён этилган бу тўрт асосий белгиси ҳар қандай гипотезанинг оддий таркибий боғланишлари ҳақида бошланғич маълумот беради. Шунга кўра, гипотеза таркибининг асосий элементлари қуйидагилардан иборат:

1. Гипотеза учун хизмат қиладиган бошланғич омиллар: кузатиш, эксперимент натижаси ва аниқ текширилган фактлар.

2. Бошланғич фактларни мантиқий ишлаб чиқиш; таққослаш, анализ, синтез, умумлаш, абстракциялаш ва хулоса чиқариш.

3. Фараз, эҳтимоллик ҳукми — буюмлар ва улар орасидаги сабабий боғланишларни тушунтирадиган янги билим.

4. Фаразнинг чин ёки хатолигини исбот этиш мақсадида олиб бориладиган текшириш.

Гипотезанинг турлари

Гипотеза ўзининг муҳим талаблари билан оддий гумондан, тахминдан, эҳтимолдан фарқ қилади. Гипотеза танишдан нотанишга ўтиш учун хизмат қиладиган умумий метод. Унинг асосий мақсади объектив воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг турли хислатларини билиш учун хизмат қилишдир. Гипотезадан буюмлардаги сабаб боғланиш қонуниятларини ёки айрим ҳодиса, факт, ҳолатларни билиш мақсадида фойдаланилади. Объектив воқеликдаги ҳодисалар ва уларнинг сабаб боғланишлари турли-тумандир. Шу сабабли уларни ўрганиш йўлида тузиладиган гипотезаларни мантиқда ҳаммадан олдин уч турга, яъни умумий, хусусий ва ишчи гипотезага ажратилади.

1. Умумий гипотеза деб муҳим воқеалар ва ҳодисалар ҳамда маълум жинсдаги ҳодиса хислатининг ёки сабабининг келиб чиқиши ҳақидаги фаразий фикрга айтилади.

«Фаннинг асосий вазифаси қонуниятнинг қандай ифо-

да этилишини тушунтиришдир»[1]. Шунинг учун умумий гипотеза ҳодисалар орасидаги сабаб боғланишини очиб, воқеликнинг умумий қонуниятларини билиш қуроли сифатида хизмат қилади. Агар умумий гипотезалар фан ва амалиётда исбот қилинса, у илмий назарияга айланади. Ҳозирги бизнинг табиат, жамият ва инсон тафаккури ҳақидаги илмий назарияларимиз, масалан, механика, оптика, электр магнитизми қонунлари ҳамда жамиятнинг ижтимоий-тарихий тараққиёт қонунлари ҳақидаги билимларимиз илмий назарий шаклига кириб, тўлиғича исботланишидан аввал улар гипотеза маҳсулоти сифатида маълум эдилар. Ҳақиқатан ҳам қадимги Грецияда атом ҳақида пайдо бўлган буюк фараз XVIII асрда илмий асосланган гипотезага ва фақат XIX асрнинг охиридагина исбот этилган назарияга айланди.

Абу Али Ибн Синонинг айрим касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари ва даволаш йўллари ҳақидаги «Тиб қонунлари» асарида келтирилган айрим фаразлари медицинанинг сўнгги тараққиёти жараёнида ўзининг илмий исботини топди.

Биологияда турларнинг келиб чиқиши ҳақидаги таълимот Чарльз Дарвинга қадар ҳам ҳукм сурар эди. Чарльз Дарвиннинг катта хизмати шундаки, у бу таълимотни гипотеза шаклида қабул қилиб, муаммони ҳар тарафлама ўрганиш ва кўп илмий материаллар тўплаш орқали уни илмий назарияга айлантирди.

Ҳодисадан моҳиятга, биринчи турдаги моҳиятдан иккинчи турдаги моҳиятга боришдек инсон билимининг диалектик характери унинг буюмларнинг якка, жузъий ва умумий томонларини билишга ҳам хосдир. Бу хислат эса умумий гипотезанинг мазмунини аниқлашга ёрдам беради. Ҳар бир фан тараққиётининг бошланғич босқичи текшириладиган ҳодисанинг асосий таркиби ва ҳолатини умумий гипотеза тарзида ифода этишдан бошланади. Масалан, Коперникнинг гелиоцентрик гипотезаси Қуёш системаси тузилишини, Ньютоннинг бутун олам тортилиш қонуни ҳақидаги гипотезаси ўзаро тортилиш қонуни ва унинг математик таърифланишини тушунтиради. Шунинг учун умумий гипотезалар текшириладиган объект тузилиши ёки хусусиятини тушунтириш пайтида қуйидаги саволларга жавоб беради:

---

[1] К. Маркс и Ф. Энгельс. Избранные письма. Госполитиздат, 1953, 209- бет.

1. Объектнинг ўзига хос таркиб ва хусусиятга эга бўлиш сабаби нимада?

2. Нима учун ҳодисалар орасида бундай тобелик бўлиши керак?

3. Нима учун бошқача тобелик йўқ ва ҳоказо.

Коперникнинг гелиоцентрик гипотезаси Галилей томонидан исбот қилиниб, Ньютоннинг осмон жисмлари механикаси системасида аниқ таърифга эга бўлди. Бу ҳолат эса Декарт ва Кант ҳамда рус олимлари академик В. Г. Фесенков, академик О. Ю. Шмидтлар томонидан Қуёш системаси планеталари ва умуман, коинот жисмларининг келиб чиқиши ҳақидаги масалани олға суришга асос бўлди.

Табиат ва жамият қонуниятларини очиш — илмий билимнинг муҳим вазифасидир. Илмий хулосаларга келиш учун хизмат қиладиган бошланғич материаллар ва фактлар ҳам катта аҳамиятга эга.

Кузатиш, эксперимент натижасида тўпланган айрим якка фактлар уларни системалаштиришни ва улар орасидаги муносабатни кўриб чиқишни талаб этади. Бу вазифани хусусий гипотеза бажаради.

2. Хусусий гипотеза деб, конкрет, айрим, якка факт, ҳодиса, воқеа орасидаги сабаб боғланиши, хусусийлик борлигини тушунтирувчи эҳтимол фикрга айтилади. Хусусий гипотезадан табиий фанлардаги: химия, физика, биология ва бошқалардаги тадқиқотчилар; ижтимоий-гуманитар фанлар: тарих, иқтисод фанлари, археология, тилшунослик ва бошқаларда фойдаланадилар. Масалан, тарихчи конкрет тарихий воқеаларни, фактларни тушунтирувчи хусусий гипотезани тузса, археолог хусусий гипотеза ёрдами билан қазиб топилган буюмнинг келиб чиқиши ва унинг нимага тааллуқли эканлигини тушунтириб беради. Тилшунослик, одатда, айрим сўзларнинг келиб чиқиши ва турли тилларнинг ўзаро тафовути ҳақида гипотеза тузади. Инсоннинг конкрет фаолияти учун ҳам хусусий гипотеза катта аҳамиятга эга. Бунинг ёрдами билан инсон айрим факт, ҳодиса ва улар орасидаги ўзаро боғланишни аниқлайди. Масалан, ўқитувчи ўқувчи фаолиятидаги айрим ва якка ҳолатларни ўрганиш билан шу ҳолатлар сабабини таълим-тарбия нуқтаи назаридан таҳлил қилар экан, ўқувчини ўқитиш ва тарбиялаш соҳасидаги амалий педагогик тадбирларни ҳам белгилайди.

Умумий ва хусусий гипотезалар, демак, ўз натижа-

хулосаларининг аҳамияти унинг фан ривожидаги роли, тутган ўрни жиҳатидан ўзаро фарқ қилади. Қатор хусусий гипотезалар умумий гипотезаларнинг вужудга келиши, шаклланиши ҳамда уларнинг ҳал этилиши, чинлигининг аниқланиши ва илмий назарияга айланиши учун хизмат қилади.

3. Ишчи гипотеза деб жуда ҳам чегараланган эмпирик материалларга таяниб тахминий хулоса чиқаришга айтилади. Ишчи гипотеза текшириладиган ҳодиса сабабини бевосита ўрганмайди. Унинг асосий мақсади кузатиш натижасида тўпланган бошланғич материални зид бўлмаган тарзда системалаштиришдир. Бундай гипотеза олдин аниқланган қонуниятни ҳисобга олиш ва кузатишга мос бўлиши асосидагина тузилади. Ишчи гипотеза янги фактларни ойдинлаштиришга ва ҳодисалар орасидаги эҳтиёжни аниқлашга ёрдам беради. Бундай ҳодиса янги асосланган эҳтимол фикрларнинг пайдо бўлиши учун катта ёрдам беради.

Гипотезанинг чин бўлиш шартлари

Биз гипотезанинг ўзига хос муҳим белгилар билан оддий хаёлдан ажралишини баён этган эдик. Бу белгилар гипотезанинг чинлигини таъминлайдиган зарурий шартлардир. Бу шартларни бажариш гипотезани назарияга айлантирмайди, лекин ўша мақсадга хизмат қилади. Аммо бу шартларга эътибор берилса, у назария даражасидаги башорат бўла олмайди ва гипотеза ўз вазифасини бажара олмайди.

Гипотезанинг чин бўлишининг тўрт асосий шарти бор:

1. Гипотеза даражасига кўтарилган фаразий фикр реал процесслар, илмий қонун, назарияларга мос бўлиши лозим.

Тажриба маълум илмий назария доирасида тушунтириб бўлмайдиган янги ҳодисани вужудга келтиради. Бу янги ҳодисани тушунтириш учун фаразий фикр пайдо бўлади. Албатта, бундай вақтда гипотеза ана ўша янги ҳодисага таяниши лозим. Аммо бундай вақтда гипотеза янги ҳодисага фақат асосланиб қолмай, балки бу янги ҳодисада ўзининг асосий мақсадига қараб тасвирланиши лозим. Гипотеза аниқ системали ривожланаётган илмий билим асосида пайдо бўлади. Шунинг учун у, бир томондан, тушинтирадиган фактларга мос бўлмоғи

ва фанда шаклланган қонун, назария ва бошқаларга зид бўлмаслиги лозим. Гипотеза ҳам фан ютуқларига таяниб, унинг олға бориши учун мадад берадиган янги илмий-фаразий билимни олға суриши лозим.

2. Илмий гипотезанинг чин бўлиш шарти унинг текширилувчан бўлишлиги, тадқиқ этилиши мумкинлигидир. Биз юқорида гипотеза тажриба бевосита аниқланмаган ҳодиса ёки ҳодисалар боғланиши ҳақидаги фаразий фикр деб кўрсатган эдик. Хўш, бундай вақтда гипотезани қандай текшириш мумкин? Бу фақат мазкур гипотезадан натижа чиқариш ва бу натижани фактлар билан солиштириб кўриш амалга оширилади. Агар гипотеза натижаси кузатилиши керак бўлган ҳодисадан ташқари бўлса ҳамда бу ҳодиса сабабини мавжуд воситалар ёрдамида ўрганиб бўлмаса, у гипотеза диққатга сазовор бўла олмайди. Аммо бундан, умуман, бу тарздаги гипотезалар фандан олиб ташланиши лозим, деган хулоса чиқмаслиги керак. Чунки бу гипотезаларни фан ва техниканинг ҳозирги тараққиёт даражаси билан текшириш мумкин бўлмаса ҳам, улар кейинчалик ечилиши мумкин гипотезалар бўладилар. Масалан, ҳозиргача Қуёшнинг иссиқлик манбаи, Ернинг ички қатламидаги магма ҳолати, Ернинг қимирлаш сабаби ва бошқалар гипотеза шаклида ифодаланади.

Шундай қилиб, фанда принципиал текшириш мумкин бўлмаган, умуман ўрганиб бўлмайдиган гипотезаларга йўл қўймаслик керак. Аммо практикада текшириш мумкин бўлмаган гипотезалар ҳозирги вақтда ва келгусида ҳам муайян вақтгача биз учун муҳим илмий муҳокама объекти бўла олмасалар ҳам, улар бу сабаб билан олиб ташланмаслиги лозим.

3. Гипотезанинг чин бўлишлигининг учинчи шарти, уни кенг миқёсдаги ҳодисаларга тадбиқ эта олишликдир. Бу шарт ҳам аввалги икки шарт сингари бевосита умумий характерга эга. Бундан бизни қизиқтирадиган, лекин такрорланмайдиган, якка ҳодисалардан четда туришимиз керак, деган хулоса чиқмайди. Бундай аҳвол кўпинча тарих, астрономия ва бошқа фанларда учрайди. Албатта, бунда ҳам айрим ҳодиса сабабини бошқа ўхшаш сабаблар билан умумлаштириш катта аҳамиятга эга бўлади. Аммо гипотезанинг учинчи шарти учун бир синф ёки жинсдаги бир хил ҳодисалар катта аҳамиятга эгадир. Бундан асосий мақсад бир жинс учун аниқланган гипотезани шунга ўхшаш, аммо нотаниш кенг ҳоди-

сага ёйишдир. Шунинг учун учинчи шарт талабини ижро этиш илмий гипотеза талабини бажариш деб айтилади. Чунки бу талаб кенг миқёсдаги ҳодисаларни қамраб олишни назарда тутиш билан гипотезанинг объектив аҳамиятини янада оширади.

4. Гипотеза чинлигининг тўртинчи шарти, унинг имконияти борича содда бўлишидир. Соддалик гипотезанинг муҳим хислати эканлиги ҳақида кўп олимлар таъкидлаб ўтганлар.

Машҳур табиатшунос олимлар — С. И. Вавилов, Қ. А. Тимирязев ва бошқалар табиатнинг мазмуни мураккаб, аммо у ўз асосида содда, деб ёзадилар. Буни ҳозирги замон фан тараққиёти исбот қилмоқда. Фан соддалик остида мураккабни кун сайин очмоқда. Шу билан бирга, фан мураккаблик остидаги соддаликни ҳам очмоқда. Демак, ҳақиқатан ҳам, фан мураккаблик остидаги соддаликни ва соддалик остидаги мураккабликни очиш процессида ривожланади. Диалектика ҳамма вақт табиат ва жамиятдаги мураккаблик ва соддалик мутлақий бўлмасдан, балки нисбийдир деб ўргатади. Шундай қилиб, гипотезанинг соддалиги маълум объектив асосларга таяниб, кенг мазмундаги ҳодисаларни тушунтириш имкониятига эга бўлишдир.

Гипотезанинг аҳамияти

Гипотеза билиш процесси шакли бўлиб, у объектив воқелик қонуниятларини очиш қуролларидан ҳисобланади. Кузатиш биз учун фактлар тўплашга ёрдам беради. Фаннинг вазифаси эса ҳодисалар асосида ётган қонунни, уларнинг сабабларини очишдир. Гипотеза эмпирик ва ақлий моментларни диалектик тарзда қўшиб, тўпланган материалларни мантиқий ишлаб чиқиб, янги қонунлар очишнинг янги йўлларини ҳам кўрсатади. Шунинг учун Ф. Энгельс «Гипотеза табиатшуносликнинг ривожланиш шакли деб таъкидлайди».

Ҳар қандай гипотеза тажрибага асосланган бўлса, у объектив воқеликнинг қандайдир бир томонини ўз ичига олади. Шунинг учун ҳам гипотеза ҳодисаларнинг сабаблари ҳақидаги фаразий фикр сифатида фан учун катта аҳамиятга эга.

Гипотеза табиий фанларда ниҳоятда кенг ва турли-туман шароитларда ишлатилади. Гипотезаларнинг тек-

ширилиб исботланиш жараёнида табиий-илмий назариялар борган сари кучайиб бораверади. Гипотезанинг назарияга айланиш жараёни кузатиладиган ҳодисанинг характери, илмий текшириш усулларининг турли-туманлиги, фаннинг умумий имкониятларига боғлиқдир. Бу жараён узоқ йиллар, ҳатто асрларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Масалан, Птолемейнинг оламнинг тузилиши ҳақидаги гипотезасининг асоси геоцентрик системага, яъни ерни планетар системасининг маркази деб тушунишга асосланган эди. Унинг бу гипотезаси бўйича Қуёш, Ой ва бошқа планеталар Ер атрофида айланади. Астрономия фанининг, астрономик асбобларнинг ва назарий фикрнинг ривожланиб бориши жараёнида бу гипотезанинг ҳақиқатдан узоқлиги, унга зидлиги аста-секин исботлана бошлади. Ер Қуёш атрофида ҳаракат қилишлиги ҳақидаги айрим фикрлар ҳам қадимдан мавжуд эди. Ўрта осиёлик буюк олим Беруний ҳам бундай фикрни олға сурган. Лекин Птолемейнинг геоцентрик система гипотезаси узоқ асрлар давомида, яъни XVII асрга қадар фанда ҳукмрон бўлиб келди. XVII арсга келибгина Коперникнинг аниқ астрономик кузатишлар ва назарий математик ҳисобларга, асосланган гелиоцентрик система гипотезаси ғалаба қилди. Птолемей гипотезаси фандан узил-кесил олиб ташланди. Фаннинг сўнгги кашфиётлари гелиоцентрик система гипотезасининг чин эканлигини исботлади.

Узлуксиз илмий текшириш, тадқиқот гипотезанинг чинлигини аниқлаш — шу асосда илмий назария вужудга келишининг бирданбир йўли ҳисобланади. Масалан, кузатиш натижасида Уран планетаси ҳаракатида маълум бўлган сабаблар асосида тушунтириб бўлмайдиган ўзгариш сезилган. Бу ўзгариш қандайдир номаълум сабаб — планета таъсири натижасида рўй бериши мумкинлиги фараз қилинган. Бу фараз аввал математик ҳисоблаш орқали исботланган. Сўнг бу ҳисобга асосланиб астрономик телескоп ёрдамида осмоннинг маълум жойида кузатиш олиб борилганда, ҳақиқатда яна бир планета мавжудлиги топилган эди. Илмий текшириш, кузатиш, эксперимент жараёнида бир гипотезалар исботланмасдан фандан чиқариб ташланиши, бошқа бир гипотезалар борган сари конкретлашиб, аниқлашиши ва ҳақиқатга яқинлашиб бориши мумкин.

Гипотезалар мавжуд илмий назарияларни янада бойитиб бориши, тўлдириши, янада аниқлаб бориши учун ҳам хизмат қилади. Буюк рус кимёгари Д. И. Менделеевнинг кимёвий элементларнинг даврий жадвали ҳақидаги кашфиёти фанда буюк революцион аҳамиятга эга бўлди. У мазкур таблица асосида ҳали номаълум бўлган кимёвий элементларнинг мавжудлиги ва хислатларини ҳам белгилаб берди. Фаннинг сўнгги ривожи бу гипотезани бир неча бор исботлади. Лекин илмий тараққиёт натижасида Менделеев назарияси ва гипотезаси янада аниқланиб, конкретлашди. Д. И. Менделеев кимёвий элементларнинг хусусияти улардаги атом оғирлигига боғлиқ эканлигини кўрсатиб, шу асосда ўз жадвалини яратган бўлса, фаннинг сўнгги ривожи кимёвий элементларнинг хусусияти атомдаги электроннинг жойлашувига ва атом зарядига боғлиқ эканлигини аниқлаб берди.

Вильтга чидамли «Тошкент — 4—3» янги пахта навларининг топилиши ҳам бошланғич гипотезанинг сўнгги текширишлар ёрдамидаги исботларидандир. Бу эксперимент жараёнида шу вақтгача маълум бўлган пахтанинг барча маданий навлари вильт касалига дучор бўлиши тажрибада кузатилди. Лекин шу билан бирга Мексикада ўсадиган пахтанинг ёввойи кўп йиллик нави вильт касалидан ҳоли эканлиги ҳам маълум бўлди. Ёввойи пахта туридаги вильтга чидамлилик хислатини пахтанинг маданий турига ўтказиш ҳақида гипотеза тузилди. Бу гипотеза ўзбек олими, Давлат мукофоти лауреати С. Мираҳмедов бошчилигида Ўзбекистон фанлар академиясининг бир группа ходимлари томонидан бир йил давомида текшириб кўрилди. Натижада эса пахтанинг «Тошкент — 4—5» турлари олинди.

Табиий фанларда янги гипотезани олға суриш, асослаш ва исботлаш жараёнида илмий аппаратуралар, асбоб-ускуналардан фойдаланилади. Хусусан, биология, медицина, астрономия, физика, кимё каби фанларни, ҳар қандай илмий текширишни илмий, асбоб-ускуналарсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Гипотезанинг турли шакллари ижтимоий фанларда кенг қўлланилади.

Ҳар қандай фикрнинг ҳам, назариянинг ҳам, гипотезанинг ҳам ҳақиқий чинлиги ва тўғрилигини исботловчи бирдан-бир сўнгги мезон, ўлчов, бу тажриба ва амалиётдир.

Шунинг учун ҳам ҳар қандай гипотезани текшириш,

тадқиқ этиш, унинг натижаларини тажриба, амалий фаолият, ҳаёт, объектив воқелик билан таққослаб кўриш зарур.

3. Назария

Ҳар қандай илмий гипотезанинг асосий мақсади фаннинг қонунларини очиш ва маълум назариянинг шаклланиши учун зарурий манба, материал яратишдир.

Фаннинг тараққиёти объектив ҳодисаларнинг ривожи, муносабатлари ҳақидаги фактларни тўплаш ва ўрганиш, сўнг уларни умумлаштириш ёрдамида гипотезаларнинг вужудга келиши, тажрибада синалиб тасдиқланса, уларнинг қонун, принцип шаклига кириши назарияларнинг вужудга келиши билан характерланади.

Назария бу кенг маънода объектив ҳодисаларни тушунтириш ва талқин этишга қаратилган фикр, тасаввур, билимларнинг системали бир бутун ифодаси. Аниқроқ айтганда назария — бу объектив жараённинг моҳияти, қонуниятлари ҳақида бир бутун тасаввур берувчи илмий билимларнинг олий даражада системалаштирилган ва умумлаштирилган шаклидир.

Ҳар бир назария — билиш жараёни, илмий тадқиқотнинг маълум этапдаги натижасидан иборат бўлиб, у маълум мақсадга махсус қаратилган, яъни илмий билишда, фан тараққиётида ўрни ва роли мавжуд, маълум аҳамият касб этади.

Ҳар қандай назария бир-бирига боғлиқ бўлган 4 таркибий қисмни ўз ичига олади:

а) эмпирик материал—турли фактлар, эксперимент, тажриба натижалари;

б) улар асосида шаклланган бошланғич принцип қоидалар, қонун, турли аксиома, постулатлар ва бошқалар;

в) назариянинг мавжудлиги ва ўз вазифасини амалга ошириши учун зарур бўлган мантиқий аппаратлар—мантиқий қоида, аргументация усуллари, хулоса чиқариш шакллари ва бошқа мантиқий тушунча ва воситалар;

г) назариядан келиб чиқувчи хулосалар, натижалар, уларнинг амалий ифодаси ва бошқалар.

Илмий назарияларнинг қайси фан соҳасига оидлиги, уларнинг илмий билишда тутган ўрни, тузилишидан қатъи назар улар илмда маълум вазифаларни бажа-

ради. Бу вазифаларни умумлаштирган ҳолда санаб ўтиш мумкин:

1) назария объектив ҳодисалар, жараёнлар ҳақида информация, маълумот, ахборот беради. Тажриба, эмпирик кузатишлар натижасида турли фактлар аниқланади ва ҳ. к. Хуллас назарияда илмий текширишнинг этаплари, жараёни ҳақида етарли информация, маълумот ифода этилади, уларни умумлаштиришнинг ўзи ҳам янги билим — информациядир.

2) назария билимларни системалаштиради, маълум методлар асосида тартибга келтириб, яхлит ва якунланган билим ҳолига келтиради.

Қўлга киритилган билимларни системага солишда турли усуллардан фойдаланиш мумкин, бу усуллар ҳар бир фаннинг ўз хусусиятларидан келиб чиқади;

3) назария билимларнинг турли кўринишларини маълум тартибга солиши билан бирга уларнинг моҳиятини, сабабларини, ўзгариш, ривожланиш тенденцияларини илмий равишда тушунтириб беради;

4) ниҳоят, назария билимлар системасини тушунтириш асосида шу ўрганилган жараённинг келажаги ҳақида илмий башоратни олга суради, у жараён нималарга олиб бориши, қандай янги масалаларни келтириб чиқариши ҳақидаги янги фикрларни айтиб беради, башорат қилади. Демак, илмий назариянинг функциялари қисқа, тор вазифалар билан чегараланмайди, балки объектив реалликни билиш учун хизмат қилувчи турли томонлар, масалаларни қамраб олади.

Илмий назарияларни турли белгиларига, манбаи, тузилиши, мақсади кабиларга қараб классификация қилиш, турларга ажратиш мумкин.

Назарияларни дедуктив ва нодедуктив, аниқроғи индуктивларга ажратиш мумкин. Индуктив назариялар конкрет, эмпирик материал, қатор фактлар асосида шаклланади. Бундай назариядан кўпроқ табиий фанларда медицина, биология, тупроқшунослик, айрим ҳолларда гуманитар фанларида ҳам фойдаланилади.

Дедуктив назариялар асосан математик табиатшунослик, математик илмлар ва уларга асосланган техник илмларда фойдаланилади. Бундай назариялар аксиомалар, принциплар системасидан кенг фойдаланиш асосида вужудга келади.

Фанда **гипотетик-индуктив метод** асосида вужудга келувчи назариялар мавжудки, улар асосан тажрибага асосланган эмпирик фанларда кўпроқ ишлатилади.

Бу методдан фойдаланиш аниқланган фактларни анализ қилиш, индуктив йўл билан умумлаштириш ва унинг асосида бошланғич қонунларни белгилаш, сўнг турли гипотезалар ёрдамида бошқа билимларни мантиқий йўл билан келтириб чиқариш каби жараёнларни ўз ичига олади. Бу методда оддий гипотезалар тузишдан кенг фойдаланилади, шу билан бирга гипотезаларнинг натижасини кузатиш ва эксперимент ёрдамида текшириб кўриш имкони мавжуд бўлади, қатор гипотезаларнинг ўзи дедукция ёрдамида ўзаро боғланган системани ташкил этади.

Демак, бундай ҳолларда назариянинг шаклланиши индуктив эмпирик билимлардан бошланиб гипотезалар орқали дедуктив метод, аксиомалардан фойдаланиш билан якунланади. Бунга Ньютоннинг бутун дунё тортишиш назариясини, Менделнинг генетик назариясини мисол қилиш мумкин. Психология, эмпирик социология, медицина фанларида бундай назариялардан кенг фойдаланилади.

Фаннинг ривожланиши ҳозирда назарияларнинг **аксиоматик метод** асосида шаклланишини ҳам вужудга келтирди. Бу энг ривож топган табиий фанларда қўлланилиб, асосан математик тил, символлар, аксиомалардан кенг фойдаланиш асосида вужудга келади. Бундай ҳолларда назарияни ташкил қилувчи тушунча, қонун принциплар ва уларнинг ўртасидаги боғланишлар формаллаштирилган аксиоматик системалар ва формулалар ёрдамида ифодаланади.

Назария илм-фан тараққиёти учун ниҳоятда муҳим роль ўйнайди. Фан тармоқлари ўзи қатор назариялар системаси, бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган назариялар тизмаси асосида шаклланади.

Назарияларнинг тузилиши, манбаи, вазифалари асосий таркибий қисмларини кўриб ўтиш шуни тасдиқлайдики, Мантиқ илмий билимлар ривожида, уларни системалаштириш, асослаб бериш, таҳлил этишда жуда катта роль ўйнади. Мантиқ, мантиқий қонун, қоидалар, категорияларнинг актив иштирокисиз бирор фан, илм тармоғини тасаввур қилиш мумкин эмас. Фанларнинг тараққиёти, илмий билимларнинг ўсиб бориши, мураккаб илмий системаларнинг вужудга келиши ўз навбатида мантиқ фанининг ҳам ривожланиб боришини тақозо қилади.

МУНДАРИЖА

Кириш 3

I боб. Мантиқ фанининг мавзу баҳси ва вазифаси . . 7

1. Мантиқнинг маъноси 7
2. Билиш ва унинг асосий босқичлари 9
3. Тафаккур шакллари ва мантиқий қонунлар . . 16
4. Мантиқ фани ҳақида 21
5. Диалектик мантиқнинг вужудга келиши . . . 28

II боб. Мантиқ фани ва тил 31

1. Тил — информацион белгилар системаси 31
2. Табиий ва сунъий тил 32
3. Тилнинг семантик категориялари 36

III боб. Мантиқ фанининг асосий ривожланиш босқичлари 40

1. Қадимги дунёда мантиқ фани 40
2. Урта асрда Ўрта ва Яқин Шарқ, Ўрта Осиёда мантиқ фани 47
3. Европада Ўрта аср ва янги даврда мантиқ фани. 59
4. Россияда мантиқ фани 66

IV боб. Тўғри фикрлашнинг асосий формал мантиқ қонунлари 72

1. Қонун, унинг моҳияти ва турлари 72
2. Мантиқий қонунларининг хусусиятлари 77
3. Айнинят қонуни 82
4. Зиддият қонуни 88
5. Учинчи истисно қонуни 92
6. Етарли асос қонуни 95
7. Мантиқий қонуниятларнинг аҳамияти 101

V боб. Тушунча 103

1. Тушунчанинг моҳияти 103
2. Тушунча шаклланишининг асосий мантиқий усуллари 108
3. Тушунчанинг мазмуни ва ҳажми 114
4. Тушунчанинг турлари ва улар орасидаги муносабат. 117
5. Тушунчани умумлаш ва чегаралаш 124
6. Тушунчалар устида мантиқий амаллар 126
7. Тушунчанинг бўлинниши 132
8. Тушунчанинг аҳамияти 135

VI боб. Ҳукм 142

1. Ҳукмнинг моҳияти ва тартиби 142
2. Ҳукм ва гап 145

3. Ҳукмни сифат ва сон жиҳатдан бўлиниши . . . 150
4. Ҳукмларнинг сон ва сифат жиҳатидан бирлашган классификацияси. Ҳукмларда терминларнинг бўлиниши 155
5. Ҳукмларнинг математик (символик) мантиқ атамаларида ифодаланиши 166
6. Ҳукмлар орасидаги муносабат 171
VII боб. Хулоса чиқариш 178
1. Хулоса чиқаришнинг умумий характеристикаси . 178
2. Бевосита хулоса чиқариш 181
3. Айлантириш орқали хулоса чиқариш 184
4. Предикатга қарама-қарши қўйиш 185
VIII боб. Дедуктив хулоса чиқариш (Силлогизм) . . 188
1. Силлогизмнинг моҳияти 188
2. Силлогизм таркиби 190
3. Силлогизм аксиомаси 192
4. Силлогизм қоидалари 195
5. Категорик силлогизм фигуралари 201
6. Силлогизм модуслари 204
7. Силлогизм турлари 210
8. Қисқартирилган ва мураккаб силлогизмлар. . . 216
XI боб. Индуктив хулоса чиқариш 224
1. Индуктив хулоса чиқаришнинг моҳияти 224
2. Индуктив хулоса чиқариш турлари 225
3. Оддий санаш индукцияси ёки оммабоп индукция. 230
4. Илмий индукция 231
5. Ҳодисалар орасидаги сабаб-оқибат боғланишларни индуктив текшириш методлари 232
6. Индукция, илмий кузатиш ва эксперимент . . . 242
7. Индукция билан дедукциянинг ўзаро боғланиши. 248
X боб. Аналогия 252
1. Аналогиянинг моҳияти 252
2. Аналогия йўли билан хулоса чиқаришнинг турлари. 255
3. Фан ва педагогик ишда аналогиянинг аҳамияти. 256
XI боб. Аргументация — далил келтириш назариясининг мантиқий асослари 260
1. Далил келтириш — аргументациянинг умумий тафсили 260
2. Аргументация ва исботлаш 262
3. Исбот этиш таркиби ва шакллари 263
4. Исбот этиш усули (демонстрация) ва турлари . . 268
5. Исбот этиш қоидалари 273
6. Раддия ва унинг хусусияти 275
7. Исбот ва рад этишда учрайдиган хатолар . . . 276
8. Паралогизм, софизм ва парадокс 276
9. Илмий мунозара 279
XII боб. Проблема. Гипотеза. Назария. 282
1. Проблема (муаммо). 286
2. Гипотеза — фараз. 287
Гипотезанинг моҳияти 287
Гипотезанинг турлари 292
Гипотезанинг чин бўлиш шартлари 295
Гипотезанинг аҳамияти 298
3. Назария 300